

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Макроиқтисодий статистика

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий кенгаши олий ўқув
юртларининг иқтисодиёт мутахассисликлари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этили**

Академик С.С.Ғуломов таҳрири остида

Тошкент-2000

Ўқув қўлланмада бозор иқтисодиёти шароитида қўлланиладиган макроиқтисодий статистиканинг асосий концепциялари, таърифлари, таснифлашлари ва кўрсаткичлари баён этилган, статистика услубияти халқаро андозаларни ва ўзбек статистикасининг амалий фаолиятини эътиборга олган ҳолда таърифланган, макроиқтисодий статистиканинг асосий бўлимлари: Миллий ҳисоблар тизими, яъни ички маҳсулот, молия, нарх ва нархларни шакллантириш, фонд бозори, тармоқлараро баланслар кабиларга алоҳида эътибор берилган.


Қўлланма олий ўқув юртларининг иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича билим олаётган талабалар, магистрлар, аспирантлар ҳамда профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган.

Ўқув қўлланма айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Китобхонларнинг бу ҳақдаги барча фикр - мулоҳазалари ва таклифлари муаллифлар томонидан миннатдорчилик билан қабул қилинади.

Тақризчилар:

А.Э.Ишмухаммедов, иқтисод фанлари доктори, профессор

Ж.Ж.Жалолов, иқтисод фанлари доктори, профессор



СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида: «Агарки, биз раҳбарлар мамлакатимизда, дунёда бўлаётган иқтисодий жараёнлардан огоҳ бўлмасак, бу жараёнлар эртага нимага олиб келиши мумкинлигини олдиндан сезмасак, уни тўғри баҳолай олмасак, бугун эринган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб хотиржамликка берилсак, ютқазамиз»¹ - деб таъкидлаган эдилар.

Бундай кўрсатма статистика олдига ҳам катта талабларни қўяди. Бу талабларга тўла жавоб берадиган, ҳар тарафлама етук, ишчан ва чуқур билимли иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш эса олий ва ўрта махсус таълим учун долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бирор ресурс ёки товарнинг етишмаслик ёки ортиқ бўлиш эҳтимоллари мавжуд экан, иқтисодий тизим умумий мувожиятининг бузилиши, масалан, инфляция, ишсизлик, миллий даромаднинг камайиши каби ҳоллар ҳам юз бериши табиий. Шундай экан, уларни, шунингдек, иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда инфляцияни бартараф этиш, халқ фаровонлигини ошириш, ташқи иқтисодий муносабатларни кенгайтириш каби долзарб масалаларни таҳлил қилиб пухта ўрганишимиз зарур.

Бозор муносабатлари шароити ўқув юртлари фаолиятига ҳам жиддий таъсир қилмоқда: мутахассисларнинг касбий тайёргарлигига, ишчанлигига, тадбиркорлигига бўлган талаблар кескин ортмоқда. Бундай шароитда бўлажак олий маълумотли иқтисодчи мутахассислар олдига бир қанча талаблар қўйилади.

Чунончи:

- товар бозоридаги конъюктурани кузатиш ва ўрганиш услубиятини билиш;
- улгуржи ярмарка ва ким ошди савдоларга тўлақонли қатнашини йўлларини топиш;
- маркетинг ва брокерлик маҳоратини эгаллаш;
- тижорат ва биржа сирларини эгаллаш;
- банк, кредит, молия соҳасидаги амалларни чуқур билиш;
- экспорт - импорт ва бартер битимларида қатнашини, уларни мукамал билиш кабилар шунлар жумласига киради.

Қайд қилинган соҳалардаги ўзгаришларни, улар ўрғасидаги боғланиш ва алоқадорлиқни ўрганишда статистика фанининг усуллари жуда ҳам муҳим омил ҳисобланади.

«Статистика» атамаси латинча «Status» сўзидан олинган бўлиб, ҳодисаларнинг ҳолатини, аҳолини билдиради. «Status» сўзи негизда

¹ Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз». «Халқ сўзи» газетида, №32, 2000 йил, 15 февраль.

«Stato» - давлат, «Statusta» - давлатни билувчи, деган маънолар ётади. Демак, «Statistica» давлат тўғрисида муайян билим, маълумотлар йиғиндиси деган тушунчалардан келиб чиққан.

Хозирги кунда статистика дейилганда, биринчидан, ўз предметиға, объектиға ва усулиға эга бўлган мустақил ижтимоий фан, иккинчидан, мустақил амалий фаолият, масалан, Ўзбекистон Республикаси «Макроиктисодиёт ва статистика» вазирлиги, унинг Статистика Департаменти фаолияти, вилоятлардаги статистика бошқармалари, туманлардаги статистика бўлимлари ва ҳокимиятнинг фаолияти ва ниҳоят, учинчидан, ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини таърифлайдиган умумий кўрсаткичлар, статистик рақамлар ҳам тушунилади.

Ижтимоий ҳаёт, иқтисодийни бошқариш аввал маъмурий-бўйруқбозлик, марказий режалаштириш асосида амалга оширилган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида у таваккалчилик (риск)ка асосланади. Шунинг учун уни давлат томонидан бошқариш, тартибга солиш, режалаштириш лозим. Бунда давлат авваломбор, макроқўламдаги статистик маълумотларга таяниб иш кўради. Бозор инфратузилмалари молия-кредит, солиқ, банк, аудит, нархларни шакллантириш, пул, суғурта ва ҳокимият бўйича сиёсатни амалга оширишлари учун ҳам макроқўламдаги маълумотлар керак бўлади. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиши ташқи иқтисодий фаолият ҳақидаги маълумотлар бўлишини тақозо қилади.

Аммо аввалги давр бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисобот материаллари жаҳон талабларига жавоб бермай қолди. Чунки уларда кўрсаткичларнинг таркиби вазирликлар ва идораларнинг бошқарув вазифасини бажариш манфаатларига бўйсундирилган, статистик ҳисоботларда эса даромадларнинг ҳосил бўлиши, тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисида тўлиқ маълумотлар йўқ эди.

Бундан ташқари бозор таркибини белгиловчи ишбилармонлик ва воситачилик сингари кўрсаткичларнинг йўқлиги туфайли улар мавжуд статистик усулларни қўллаб, давлатнинг молиявий аҳолисини, пул муомаласи ва кредит ҳолатини, шиддат билан юз бераётган ўзгаришларини старли даражада кузатиб бориш имконини бермасди.

Давлат статистикаси ва ҳисоботи тизими жаҳон амалиётида қабул қилинган қонун қоидаларга мос келмай қолди. Шунингдек халқ ҳўжалиги баланси (ХХБ) га, бухгалтерия, молия, банк ва божхона фаолиятига оид ҳисобот шакллариининг етишмаслиги сабабли тармоқлараро балансларни (ТАБ), тўловлар балансини янгидан тузиш лозим бўлди.

Миллий макроиктисодий кўрсаткичларни халқаро меъёрларга мослаштириш, уй ҳўжаликлари тўғрисида, молиявий корхона, муассасалар тўғрисида, халқаро иқтисодий алоқаларда экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисида кўпроқ маълумотларга эга бўлиш мақсадида давлат статистика ва ҳисобот тизими умумуслубий

асосларини қайта кўриб чиқиш ва уларни жаҳон амалиётида қабул қилинган қонун қондаларга мослаштириш учун Ўзбекистон ҳисобот ва статистика тизимини жаҳон андозаларига ўтказиш тўғрисида давлат дастури ишлаб чиқилди.

Статистикани қайта тузиш шу дастур асосида жадвал олиб борилмоқда. Бундай фаолиятлардан бири - статистикани жаҳон андозаларига мослаш ҳисобланади. Бунинг учун макроиқтисодий статистикани жаҳон иқтисодий таъкилотлари кўрсатмаларига асосан юритиш зарур. Масалан, БМТ нинг статистик хайъати томонидан 1993 йида тасдиқланган миллий ҳисоблар тизими (МХТ) бўйича халқаро андоза ҳисобланади. Молия статистикаси бўйича эса Халқаро Валюта Фонди томонидан тасвир этилган давлат молияси, тўлов баланси, кредит ва пул статистикаси халқаро андоза саналади. Бу андозаларга ўттиш, биринчидан, жаҳон амалиётида синовдан ўтказилган бозор иқтисодиётини ёритиш ва таҳлил қилиш учун мос кўрсаткичларни қўллан, иккинчидан, уларни халқаро даражада солиштириш имкониятини беради.

Қўлланмада бозор иқтисодиётини ўрганиш, таҳлил қилиш ва иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун лозим бўлган кўрсаткичларга ва таснифларга алоҳида эътибор берилган ва уларнинг моҳияти чуқур ёритилган. Булар миллий ҳисоблар тизими (МХТ), бандлик ва ишсизлик даражаси, баҳо ва молия, танқи иқтисодий муносабатлар, муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларни халқаро таққослаш ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда макроиқтисодий статистикада асосий ўринни МХТ эгаллайди. Чунки, биринчидан, унинг доирасида муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади, иккинчидан, у бутун иқтисодий статистика бўлиmlарини бир - бирига мослайдиган, келиштирадиган муҳим омил саналади.

Қўлланмада молия статистикасига, тармоқлараро баланси, ялпи ички маҳсулот (ЙИМ) ҳажминини аниқлашга халқаро кўрсаткичларни солиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Макроиқтисодий статистиканинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш учун лозим бўлган бирлашган маълумотлар манбаларини ёритишга алоҳида боб ажратилган.

Ўқув қўлланма Тошкент давлат иқтисодиёт унiversитети «Статистика» кафедрасининг профессор-ўқитувчилари: Х.Н.Набиев (сўзбоши, 1,8,14,15,18-боблар), Н.М.Соатов (3-боб), А.Н. Набихўжаев, А.Т.Турдиев (9-боб), Ф.Н. Саидхўжаев (10-боб), А.Х.Аюбжонов (17-боб), З.Р.Ақбарова (4-боб), Б.К. Ғоийиназаров (2,5,6,13,16-боблар), Ғ.Э.Насилов (7-боб), Д.Х.Набиев (12-боб), У.К.Камолiddинов (11-боб) томонидан ёзилган.

Умумий таҳриричи: и.ф.д., проф. Набиев Х.Н.

1-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1-§. Макроиқтисодий статистика - статистика фанининг муҳим тармоғи

Республикамызда бозор иқтисодиётига ўтилиши мунособати билан барча соҳаларни статистик ўрганиш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Чунки статистика оммавий воқеа-ҳодисалар, уларнинг йўналиши ва ҳаракати, иқтисодий қонуниятлар билан иш қўради. Қолаверса, мамлакат иқтисодиёти бутунлай янги тизимга ўтаётган даврда унинг статистик усулларини қўллаб ҳар томонлама ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш ҳаётий зарурият ҳисобланади.

Макроиқтисодий статистика - ижтимоий-иқтисодий статистика фани ва давлат статистика органлари амалий фаолиятининг бир тармоғи бўлиб, у давлат муассасалари ва жамоатчиликни иқтисодиётнинг ривожланиши ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий жараёнлар ҳақидаги ахборотлар билан таъминлайди ва уларни чуқур таҳлил қилади. У иқтисодиётни бошқариш ва иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун лозим бўлган маълумотларни йиғади ва қайта ишлайди; иқтисодиёт қайси йўналишларда ривожланди, қайси тармоқ ва соҳаларда ўсиш юз берди, ресурслардан қандай фойдаланилди, бандлик ва ишсизлик, баҳо ва инфляция даражаси қандай бўлди, таниқ иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатди, умумий макроиқтисодий фаолият натижасида аҳолининг турмуш даражаси қандай бўлди - шу каби масалаларни ўрганади ва хулосалар чиқаради.

Макроиқтисодий статистика ўзининг вазифаларини бошқа ижтимоий фанлар билан бирга амалга оширади. Масалан, у иқтисодиёт назариясининг умумий қонун - қоидаларига риоя қилган ҳолда статистик маълумотларни тўплайди, уларни қайта ишлайди ва шу асосда хулосалар чиқаради. Айни пайтда иқтисодиёт назарияси ўзининг йўналишини аниқлаш, ҳолатига баҳо бериш ва хулосалар чиқаришда статистик маълумотларга таянади. Масалан, иқтисодиёт назарияси баҳонинг талаб ва таклиф қонуни асосида ҳосил бўлишини фойдалайди, статистика эса бу қонуннинг амалга ошишини конкрет мисолда статистик кузатиш асосида исботлаб беради.

Ушбу статистиканинг бошқа тармоқлари билан, биринчи навбатда ижтимоий-демографик статистика ҳамда айрим олинган тармоқлар статистикаси (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳокзо) билан ҳам ҳамбарчас боғлиқ. Иқтисодиёт назариясининг вазифаси халқ хўжалигининг айрим олинган тармоқларининг иқтисодиётини тўлиқ ёритиш ва таҳлил қилишдан иборат бўлса, макроиқтисодий статистика уларнинг барчасини бирлаштириб ватан ва миллий иқтисодиётни тўлалигича, бир бутун ҳолда ёритади ва ҳар томонлама чуқур таҳлил қилади.

Макроиктисодий статистика айрим олинган кўрсаткичларни ҳисоблаш методологиясини яратиб ва ундан амалиётда фойдаланишда статистиканинг умумий назарияси асосларига суянади.

2-§. Макроиктисодий статистика фанининг ўрганиш объектлари

Ҳисоб ва статистика маъмурий буйруқбозликка асосланган тизим даврида иқтисодиётни ўрганишга учун 3 хил ёндашган:

- макроёндашув - халқ ҳўжалиги миқёсида;
- мезоёндашув - айрим тармоқлар миқёсида;
- микроёндашув - айрим корхоналар миқёсида.

Макроёндашувда айрим олинган мамлакат ёки унинг алоҳида ҳудудлари (вилоят, туман) ёки умумжаҳон халқ ҳўжалиги статистик ўрганиш учун асос қилиб олинадиган ва уларни ўрганиш учун иқтисодий статистика фани хизмат қилар эди.

Мезоёндашувда халқ ҳўжалигининг айрим тармоқлари (саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва ҳоказо) статистиканинг ўрганиш объекти бўлиб, уларни ўрганиш учун айрим тармоқлар статистикаси фанлари хизмат қилган.

Микроёндашувда айрим олинган фирма, корхона ёки акционерлик жамиятига ўрганиш объекти сифатида қаралган. Аммо бунда микроиктисодий статистикага мустақил фан сифатида қаралмаган. Ҳўжалик операциялари ҳисобини олиб бориш ва статистик ҳисобот тузиш (баланс тузиш, ҳисобот шакллари тўлдириш, ҳўжалик операцияларни ҳисобларга ўтказиш ва ҳоказо) корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби зиммасига юклатилган эди.

Бозор иқтисодиётни шароитида миллий иқтисодиётга бир бутун бирлик сифатида қаралади ва статистика уни ўрганишга 2 хил ёндашади:

- макроёндашув;
- микроёндашув.

Макроёндашувда мамлакат ёки унинг алоҳида регионлари (вилоят, туман) иқтисодиётни статистик ўрганиш учун асос қилиб олинади.

Макроиктисодий статистика фани эса макроиктисодиётдаги жараёналарнинг миқдорий томонларини уларнинг сифат томонлари билан узвий боғлиқликда ўрганади. У иқтисодий жараёнларни, аниқ макон ва замон қай даражада ўзгараётганини статистик кўрсаткичларда ифодалаб беради.

Макроиктисодий статистика таҳлилининг натижалари умумиқтисодий ҳақаретда бўлиб, қуйдаги умумий аҳамиятта молик қуйдаги таъсирларни беради:

- аҳоли сонини ва таркибини ўрганиб, уларни башоратлайди, иқтисодий фаол аҳолининг банд бўлган қисми ва ишсизлар салмоғини аниқлайди, аҳолини иш билан тўла таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва халқ фаровонлигини ошириш;

-миллий бойлик хажми ва унинг таркибини мукаммаллантириш, асосий ва оборот фондлардан фойдаланишни яхшилаш, яъни ички маҳсулот хажмини кўпайтириш, иқтисодий ўсишни ва унинг самарадорлигини ошириш;

-иқтисодиётни барқарорлаштириш, пулнинг ҳарид қувватини орттириш ва инфляцияни бартараф эттиш;

-божор инфратузилмалари: аудит, суғурта тизимларини, молия, пул-кредит, банк, солиқ, божхона тизимларини шакллантириш, изчил ривожлантириш ва мамлакатнинг иқтисодий қудратини орттириб, уни ривожланган давлатлар қаторига қўшиш;

-иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўллари:ни кўрватиш;

-божорни тадқиқ қилиш йўналишлари ва сифминини аниқлаш, уни сегментлаш, ҳариддорнинг, истеъмолчининг хулқ-атворини, талаб ва тақлифини ўрганиш;

-инвестициялаш манбалари, талаб ва тақлиф, инвестиция иқлимини аниқлаш, қўнма корхоналар тузиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

-статистикада гарфик ва ОХМ лардан кенг фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш;

-миллий иқтисодиёт таркибини самарали ўзгартириш;

-божор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий соҳалар: соғлиқни сағлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек илм-фан ривожига алоҳида эътибор бериш;

-якка ҳокимликни тугатиб, хусусий мулкчиликни ривожлантириш;

-иқтисодий интеграциялаш ва ташқи алоқаларни кенгайтириш, экспортбон тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

-халқ хўжалиги балансидан миллий ҳисоблар тизимига ўтишда республикамизнинг ўзига хос, ўзига мос хусусиятларини эътиборга олиш.

Микроиқтисодий ёндашууда айрим олинган фирма, корхона статистик ўрганиш учун асос қилиб олинади ва унга микроқўламнинг бир бўлаги, элементи сифатида қаралади, у кичик даражадаги иқтисодиёт ҳисоби¹⁰⁹, ҳар хил фаолиятларни амалга оширади. Молиявий бухгалтерия ҳисобини корхона фаолиятининг ҳамма томонларини қамраб олгани учун уни микроқўламдаги статистика деб аташа ҳам бўлади.

Микроиқтисодий статистика фани эса улар иқтисодиётининг миқдорий томонларини сифат жиҳатлари билан узвий боғлиқликда ўрганади. Бу фан конкрет баҳо, товар ва хизматлар тури, даромад, ишлаб чиқариш, алмашув ва истеъмол бозорларига ўрганиш объекти сифатида қарайди.

Фирма ⇒ Тармоқ

⇒


Халқ хўжалиги

Микроиқтисодий ёндашу

Микроиқтисодий ёндашу

Миллий даромаднинг ҳосил бўлиш жараёни, уни тақсимлаш, ундан фойдаланиш, аҳоли турмуш даражаси, пуlining айланиши, кредит жараёнларини халқ хўжалиги даражасида ўрганиш макроиқтисодий статистиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Ҳамият яшаши учун тўхтовсиз истеъмол қилини керак. Шу сабабли моддий исъматларни ва хизматларни тўхтовсиз ишлаб чиқариш лозим. Бунинг учун эса қуйидаги ресурслар (ижтимоий-иқтисодий потенциал) керак бўлади: меҳнат, материал ва табиат. Бу ресурслар ҳам сифат, ҳам сон тарафига эга. Ресурс - бу потенциалнинг миқдор томонини ифодалайди. Сифат тарафи эса унинг ишлаб чиқара олин (маълум ҳаракатларни амалга ошириш ва натижага эриниш) қобилиятини ифода этади. Статистика ресурслар билан шн кўриб, қуйидаги жараёнларни ўрганади ва чуқур таҳлил қилади:



Макроиқтисодий статистикада асосий эътибор моддий бойликлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишига ва истеъмолга қаратилади. Истеъмол учун эса тақсимлаш ва алмаштириш, яъни бозор жараёнини амалга ошириш лозим бўлади.

Макроиқтисодий ёндашув икки хил бўлиши мумкин:

1. Батан (ички) иқтисодиёт. Унга мамлакат ҳудудида жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар киради.

2. Миллий иқтисодиёт. Унга мамлакат ҳудудида жойлашган хўжалик юритувчи субъектлардан ташқари яна мамлакат ҳудудидан ташқарида жойлашган хўжалик бирликлари ҳам киритилади. Миллий иқтисодиёт мамлакат иқтисодиётидан каттароқ ёки кичикроқ бўлиши ҳам мумкин, бу ҳолат чет мамлакатларда ишлаётган шу мамлакат фуқаролари даромадини миқдорига боғлиқ.

Макроиқтисодиётнинг моҳияти, асоси - бу миллий даромад назариясидир. Уни Кене бошлаган, А.Смит, Д.Рикардо давом эттирган. Кейинчалик бу назария Кейнс ва бошқалар томонидан янада ривожлантирилган. Миллий даромаднинг ҳосил бўлиш жараёни, тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва ундан фойдаланиш макроиқтисодий статистиканинг ўрганиш предметиدير.

Макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш бир хил бирликларни қандайдир белгилар асосида группалаш ва статистик ҳужумиятларни очиниш тақазо этади. Бунда статистиканинг умумий назариясига мувофиқ ишлаб чиқилган, илмий жиҳатдан асосланган, амалиётда исботланган усуллардан кенг фойдаланилади.

Иқтисодий асгитлар (иқтисодий қизиқувчилар) Ўзбекистон ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бўлиши мумкин. Ҳудудда жойлашган бирликлар мамлакат резидентлари ҳисобланади

(фуқароликка ўхшаш). Бошқа мамлакатлардагилар резидент ҳисобланмайди. Бу ҳол одатда ишлаб чиқариш воқеалари қимнинг ҳисобига ташкил этилганига боғлиқ.

К.Маркс назариясига асосан халқ хўжалиги тармоқлари 2 соҳага ажратилган:

1. Моддий нсّمат ишлаб чиқарадиган соҳа тармоқлари;
2. Моддий нсّمат ишлаб чиқармайдиган соҳа тармоқлари

Макроиктисодиётда эса юқоридаги назарияга қарама-қарши ўлароқ халқ хўжалигига бир бутун бирлик сифатида қаралади. Чунки ҳамма меҳнат ҳам яратувчи меҳнатдир. К.Маркс эса фақат моддий нсّمатлар ишлаб чиқарадиган соҳа тармоқларидаги меҳнатни фойдали меҳнат деб атаган эди. Шунинг учун иқтисодий статистика асосий эътиборни моддий бойликлар ишлаб чиқаришга қаратган эди.

Макроиктисодиётда эса асосий эътибор моддий нсّمатлар ишлаб чиқаришга ҳам, хизматлар кўрсатишга ҳам қаратилади(талаб - тақдим - истеъмол).

Юқоридагилардан макроиктисодий статистиканинг асосий кўрсаткичлар тизими келиб чиқади:

1. Потенциал ва ресурслар
2. Ишлаб чиқаришнинг техник - иқтисодий даражаси ва илмий - техника тараққиёти
3. Макроиктисодий фаолиятнинг якуний кўрсаткичлари (яъни миллий маҳсулот, яъни миллий даромад ва х.к.)
4. Бозор кўрсаткичлари тизими ва аҳолининг турмуш даражаси
5. Самарадорлик кўрсаткичлари.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси.и ҳам миллий иқтисод учун, ҳам ватан иқтисоди учун аниқлаш ва ўрганиш лозим.

3-§. Макроиктисодий статистиканинг ўрганиш усуллари

Ҳар қандай фан ўзининг предмети.ни ўрганиш учун маълум усуллардан фойдаланади. Табиий фанлар (химия, физика, биология ва ҳоказо) ўз объектларини ўрганиш учун турли хил тажрибаларни, экспериментларни, синовларни ўтказадилар, ўлчайдилар, реакцияга киритиб кўрадилар ва ҳоказо.

Иқтисодий фанлар ҳам ўз услубиятига эга. Масалан, статистика ўз объект.ни ўрганиш учун икки хил усулдан фойдаланади:

1. Умуминсоний фалсафа қонунилари:

1. Ҳамма иқтисодий ҳодиса ва жараёнларини бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки бир-бири билан боғлиқ, шу билан бирга динмо ўзгаришда деб қарайди;

2. Ҳодисаларининг иқтисодий - иқтисодий турлари мавжудлигини тан олади, яъни прогрессив томонларини очади ва ўзгариш йўналишларини ифода.лаб беради.

- II. Статистиканинг умумий назарияси ишлаб чиққан усуллар.

Ушбу усулларга кўра статистик тадқиқотнинг 3 асосий поғонаси мавжуд:

1. Ялпи ёки танлама статистик кузатиш. Бунда илмий жихатдан пухта ишланган дастур асосида ўрганилаётган ижтимоий ҳодисалар бўйича объектив маълумотлар тўпланади.

2. Тўпланган маълумотларни қайта ишлаш, жамлаш ва гуруҳлаш, уларни маълум тизимга келтириш;

3. Маълумотларни қайта ишлаш натижасида олинган кўрсаткичлар тахлили.

Юқоридаги 3 поғонанинг ҳар бирида ўзига хос усуллар қўлланилади (ёшасига кузатиш, гуруҳлаш, жамловчи кўрсаткичлар) ва уларнинг барчаси биргаликда статистик услубиятни ташкил этадилар.

Статистик тадқиқотнинг 3 поғонаси ҳам ўзаро бир-бири билан ҳамбарчас боғланган. Тадқиқотнинг мақсади ёки лозим бўлган кўрсаткичларни олиш статистик кузатиш дастурининг мавзусини белгилайди. Кузатиш вақтида далилларнинг тўлиқ бўлмаслиги ва ноаниқ ҳисобга олиш нотўғри кўрсаткичлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу эса нотўғри хулосалар чиқаришга олиб келади. Ўз навбатида кузатиш натижасида олинган бирламчи тўғри маълумотлар, статистика фани қондаларига риоя қилмай бузиб ишлатилса нотўғри хулосалар келиб чиқади. Ва нихоят, учинчи поғонада статистик тахлил тўғри, илмий жихатдан асосланган мулохазалар ва амалий хулосалар чиқариш имкониятини бермаса, у ҳолда маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш натижалари фойдасиз бўлиб қолади.

Макроиктисодий статистика ўз объектини ўрганишда яна статистиканинг умумий назарияси фанида ўрганилган усуллардан: абсолют ва нисбий миқдорлар, ўртача миқдорлар, вариация кўрсаткичлари, вариацион-регрессцион тахлил, динамика қаторлари, график усуллар, иқтисодий индекслар каби усуллардан ҳам кенг фойдаланади.

4-§. Макроиктисодий статистиканинг ташкил қилиниши ва унинг вазифалари

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг мақбул макроиктисодий нисбатларини ва барқарор суръатларини таъминлаш, статистиканинг халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқ самарали ишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 15 майдаги Фармонига бисан Республика Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ташкил этилди. Шунга асосланиб, Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши, илоҳотлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қoшida статистика бўйича ишлаб турган бўлимлар негизида Қорақалпоғистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Республика вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида иқтисодиёт ва статистика бош бoшқармалари,

Республика шаҳарлари ҳамда туманларида иқтисодиёт ва статистика бўлимлари тузилди.

Ўдорларда, корхона, муассасаларда статистика билан шуғулланидиган бўлим ва гуруҳлар мавжуд. Ўдора ва танкиютлар миқёсидаги статистика ишларини олиб боровчи бу бўлим ва гуруҳлар маъмурий жиҳатдан тегишли вазирликлар ва қўмиталарга, методологик жиҳатдан эса Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига бўйсунадилар.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтгани ва шу муносабат билан ҳўжалик механизмида тўб ўзгаришларнинг содир бўлиши статистика зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Шундай шароитда статистика олдига қўйидаги вазифалар туради:

■ Халқ ҳўжалигидаги барча ҳисоботларни бозор иқтисодиётига мослаш, тартибга солиш ва уларнинг аниқлигини таъминлаш;

■ Статистик ахборотларни такомиллаштириш ва иқтисодий таҳлил қилишни янада чуқурлаштириш, статистиканинг аналитик функциясини ошириш;

■ Ҳўжалик юритишнинг турли шакллари, мулкчиликнинг қўн қирралигини яфодоловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

■ Истеъмол бозоридати, ишлаб чиқариш воситалари ва қийматли қоғоқлар бозорларидаги мутаносибликни ҳамда баҳо ҳаракати ва инфляция жарёёнини таъсирловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;

■ Такрор ишлаб чиқаришнинг маънавий қирраларини, банклар фаолиятини ва давлат бюджети ҳолатини, корхоналар ва аҳоли даромади ва бурумадларини таъсирловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;

■ Республикаларнинг хориж давлатлари билан бўладиган муносабатларини, уларда корхоналарнинг қатнашини даражасини яфодоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;

■ Мамлакат аҳолисининг сон ва таркибини, уларнинг ретнослар ва ҳудудлар бўйича тақсимланиши, такрор ишлаб чиқаришнинг яфодоловчи асосий кўрсаткичлари (туғилиш, вафот этиш, табиий ўсеш ва х.к.), соғломлик даражаси, умр узунлиги, соғлом ақлнинг ккага келиши;

■ Мамлакатнинг иқтисодий ресурслари, уларнинг таркиби ва динамикаси, иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳалари бўйича тақсимланиши, улардан самарали фойдаланиш;

■ Иқтисодий жараянларнинг асосий яқулари, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми ва таркиби, иқтисодий ўсеш даражаси, ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдаланиш, истеъмол қилиш ва жамғариш, иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари орасидаги ишбат ва х.к.

■ Даромадларнинг таъкил тоини ва тақсимланиши, бирламчи ва иккиламчи тақсимот, охириги даромадининг таъкил тоини ва улардан фойдаланиш;

■ Иқтисодий соҳанинг ривожланиши, маориф ва соғлиқни сақлаш, иқтисодий ўсеш билан иқтисодий ривожланиш орасидаги боғланиш;

■ Уй-жой, коммунал хўжалиги ва хизматлар, яшаш жойлари фонди, аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси, коммунал хизматлар ва қулайликлар;

■ Инвестицион жараён, инвестиция хажми ва таркиби, молиялаштириш манбаи ва унинг самарадорлиги;

■ Молия тизими фаолияти: молиявий операциялар, муомаладаги пул хажми, ажратилган ссудалар хажми, суғурта компаниялари операциялари, фонд бозори, қийматбаҳо қозғалар билан операциялар ва ҳоказо;

■ Ташқи иқтисодий фаолият натижалари.

Шундай қилиб, макроиқтисодий статистика фанининг муҳим тармоғи бўлиб, у ўзининг мустақил предмети, усули, объекти ва вазифаларига эга.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Макроиқтисодий статистикани иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги вазифаларини тушунтиринг.
2. Нима учун макроиқтисодий статистика мустақил фан ҳисобланади?
3. Макроиқтисодий статистикани объекти нималарни ўз ичига олади?
4. Макроиқтисодий статистикани предмети нима?
5. Макроиқтисодий статистика қандай усуллар билан ўрганилади?
6. Макроиқтисодий статистика бошқа ижтимоий-иқтисодий фанлар билан алоқасини тушунтиринг.
7. Макроиқтисодий статистика амалиёт билан қандай боғланган?

2 – БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ГУРУХЛАШ ВА ТАСНИФЛАШЛАР

1-§. Иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудуд ҳамда идоравий тассаруфи бўйича таснифлаш

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришиши, жаҳон ҳамжамиятига ва БМТга аъзо бўлиши муносабати билан унинг макроиқтисодий фаолият кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва уларни ривожланган мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққослаш вазифаси туғилди.

Макроиқтисодий статистикасининг ўрганиш объекти — мамлакат иқтисодиёти бўлгани сабабли, у кўп сонли ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар фирма, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ фаолиятини ўрганади. Маълумки, бу субъектларнинг айримларида моддий истеъматлар яратилиб, уларни истеъмолчиларга етказиб беради, айримлари турли-туман хизматларни амалга оширади, давлатни бошқаришда иштирок этади, баъзилари эса илмий, маърифий фаолият, маданий ва маиший хизматлар кўрсатади. Шунинг учун мавжуд корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини ўрганишда уларни мулкчилик шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудудлар ҳамда идоравий тассаруфи бўйича гуруҳларга ажратиш-таснифлаш лозим.

Халқаро ҳамжамият мамлакатларининг андозалари асосидаги таснифлаш кўрсаткичи қайд этилган белгилар асосида амалга оширилади.

Мулкчилик шакллари бўйича гуруҳлаш учун республикаимизнинг кўп уйсизлиги иқтисодиётини ўзига мос равишда қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Давлат мулки;
2. Жамoa-кооператив мулки;
3. Жамoa мулки;
4. Турли жамиятлар (акционерлик) мулки;
5. Хусусий мулк ;
6. Шахсий мулк.

Мулкчилик шакллари бўйича бундай гуруҳлаш ҳар бир мулкчилик шаклининг мамлакатимиз янги миллий маҳсулотини яратишдаги ўрни, салмоғини ва аҳоли бандлигини аниқлаш имконини беради.

Маъмурий, идоравий тассаруфи бўйича гуруҳлашнинг асосий зарурати шундан иборатки, унинг ёрдамида халқ хўжалиғи тармоқларини бошқаришнинг ташкилий шакллари аниқланади. Халқ хўжалиғи тармоқларини бошқариш эса тармоқ қондалари асосида амалга оширилади. Масалан: умумтаълим мактабларини халқ таълими вазирлигини, қишлоқ ва сув хўжалиғи тармоғини эса қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи бошқаради, ва ҳоказо.

Корхона ёки ташкилотлар вазирлик ёки идоравий тассаруфи доирасида яна республика, вилоят, туман тассаруфидаги корхоналарга гуруҳланади.

Маммурий ва идоравий тассаруфи бўйича гуруҳландан асосий мақсад ҳар бир вазирлик бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, динамикасини, меҳнат унумдорлиги динамикасини, ишлаб чиқарган ва сотган маҳсулотлари бўйича режалари ва битимларини бажарилиши даражасини назорат қилишдан иборат.

Худудлар бўйича гуруҳлаш мамлакат турли худудларини ривожланишини, ишлаб чиқариш кучларини жойланишини ва худудлар уртасидаги иқтисодий алоқаларини таҳлил қилиш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти алоҳида-алоҳида иқтисодий худудларга бўлинмаган, балки маммурий худудларга ажратилган. Шу сабабдан, корхоналарни автоном республика, вилоят, шаҳар ва туманлар тассаруфи бўйича ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин.

Айрим тармоқларда худудлар бўйича махсус гуруҳлар қўлланилади. Масалан, қўмир саноатида, қўмир хавзалари бўйича қишлоқ хўжалигида ер зоналари ва табиий иқлим шароити бўйича ҳам гуруҳларга ажратилади.

2-§. Институцион бирлик тушунчаси ва иқтисодий фаолият турларининг секторлама таснифи

Миллий ҳисоблар тизимининг асосий моҳияти иқтисодий фаолият натижасида даромад олишни ва ундан фойдаланишни таъқин қилишдир.

Миллий ҳисоблар тизимида (МХТ) моддий неъматлар яратиш, хизматлар кўрсатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда катнашувчилар бажарадиган иқтисодий вазифаси асосида гуруҳларга ажратилган. Ҳар бир гуруҳ ёки хўжалик бирлиги МХТ да иқтисодий агент деб қўйилади.

Иқтисодий фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга ва бошқа агентлар билан бўладиган ишларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган иқтисодий агент институцион бирлик деб аталади.

Институцион бирлик бу мустақил равишда фаолият кўрсатиб, даромад олувчи, барча молиявий мажбуриятларни бажарувчи, қаромоғида барча турдаги мол-мулк ва пул маблағлари бўлган, уларни ўз ихтиёри билан ишлата оладиган муассасалардир. Бундай муассасалар алоҳида корхона, фирма, молиявий ташкилот ва бошқалар бўлиши мумкин. Улар ўз ҳисоб-китоб ишларини ўзлари тўлиқ юритадилар, банкларда ҳисоб рақамига эга бўладилар. Аудиторлар эса уларнинг хўжалик фаолияти натижаларини таҳлил қиладилар. Институцион бирликлар амалга ошираётган бир жинсли фаолият асосида қуйидаги секторлар ва секторчаларга бўлинадилар:

1. Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сектори;
2. Молиявий корпорациялар (ташкилотлар) сектори;
3. Умумдавлат бошқарув сектори;
4. Ҳў хўжалигига хизмат кўрсатувчи давлат тасарруфида бўлмаган нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар сектори;
5. Ҳў хўжалиги сектори;
6. Ташқи дунё сектори.

Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сектори молиявий ташкилотлардан ташқари институцион бирликларни ўз ичига олади. Уларнинг асосий вазифаси маҳсулот ишлаб чиқариш ва номолиявий хизматлар кўрсатиш бўлиб, ўз харажатларини қоплаш учун фаолиятлари натижаларини қўзланган баҳоларда сотишдир. Аммо кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми миллий иқтисодиёт манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджетидан субсидия ва дотациялар ҳисобидан қопланади. Бу секторга яна шартли равишда давлат бюджети ҳисобидан тўла молиялаштирилувчи корхоналар, шунингдек корхоналар томонидан молиялаштирилувчи маблағларга боғлиқ бўлган нотижорат ташкилотлар ҳам киради.

Молиявий корпорация (ташкилот)лар сектори мулкчилик шаклидан қатъий назар тижорат асосида молиявий ва суғурта операциялари билан шугулланувчи институцион бирликларни яъни тижорат банкларни, қарз бериувчи жамиятлар ва ассоциацияларни ўз ичига олади. Уларнинг асосий вазифалари – молиявий маблағларни чиқариш, сотиб олиш, сақлаш ва тақсимлаш, қимматбаҳо коғозлар чиқариш, пул маблағларини сақлаш, корхоналарга ва уй хўжаликлари ва бошқаларга қарз беришдан иборат.

Банкларни ҳам, молиявий ташкилотларни ҳам давлат муассасалари сирасига киритиш мумкин. Марказий банк пул сиёсатини олиб боради ва унинг вазифасига қўидагилар киради:

1. Пул чиқариш. 2. Хорижий валюталар резервини бошқариш ва сақлаш. 3. Ссуда орқали бошқа (тижорат) банкларни пул билан таъминлаш. 4. Ҳукумат банки. 5. Қимматбаҳо коғозларни сотиш ва сотиб олиш.

Суғурта ташкилотлари - ҳаётини қўнғилсиз ҳодисалардан суғурта қилиш ҳамда корхона ва уй хўжалигининг мулкларини суғуртаси билан шугулланувчи институцион бирликларни ўз ичига олади.

Умумдавллат бошқарув сектори бозордан ташқари хизматлар кўрсатувчи ҳамда миллий даромад ва миллий бойликни қайта тақсимлаш вазифасини бажарувчи институцион бирликлардан иборат. Уларга асосан давлат бюджети томонидан молиялаштирилувчи бошқарув, молия фаолияти, атроф-муҳитни муҳофазаси, давлат химояси, жамоат тартибини бошқарувчи ҳамда аҳолига илм олинишда, соғлиқни сақлашда, саноат ва маданият, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий суғурта соҳаларида пулсиз ёки имтиёзли хизматларни амалга оширувчи давлат муассаса ва ташкилотлари киради.

Давлат молия муассасаларига марказий, минтақавий ва маҳаллий банклар кириб, уларнинг асосий вазифалари- давлат ташкилотларига молиявий хизматлар кўрсатиш (қимматбаҳо коғозлар ва пул чиқариш, темир пуллар босиш, тилла захиралари ва хорижий валюта захираларини сақлаш) ва уй хўжалигига ва хусусий тадбиркорларга молиявий хизмат кўрсатишдир.

Агар аҳолига хизмат кўрсатувчи давлат тасарруфида бўлмаган нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар давлат ташкилотлари томонидан

молиялаштирилса ва назорат қилинса, улар “ Умумдавлат бошқарув”и секторига киритилади.

Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи давлат тассаруфида бўлмаган ишхорат (ижтимоий) ташкилотлар уй хўжалигига бозордан ташқари хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи институцион бирликларни қамраб олади. Бунда давлат муассасалари томонидан молиялаштирилмайдиган ва назорат қилинмайдиган ташкилотлар кўзда тутилиб, уларга асосан аҳолининг ва турли сиёсий партиялар, касаба уюшма ва турли ижтимоий ташкилот аъзоларининг илм олиши, соғлиқни сақлаши, дам олишини таъминловчи, уларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи ва бошқа соҳалардаги индивидуал ва жамоа истеъмолини қондирувчи ижтимоий ташкилотлар киради.

Уй хўжалиги сектори аҳоли ёки аҳоли гуруҳларини маҳсулот ва хизматларининг истеъмолчилари ва ишчи кучини етказиб берувчиларни ўз ичига олади. Уй хўжалигига ҳам иқтисодий ҳам юридик нуқтаи назардан ажратиш бўлмайдиган айрим шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятлари ҳам киради.

Ташқи дунё секторига шу мамлакат резидентлари билан ҳар қандай операцияларни амалга оширувчи чет эл иқтисодий birlikлари киритилади.

Умуман иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, ҳудудлар, иқтисодий секторлар бўйича таснифлаш ва гуруҳлаш макроиқтисодий жиҳатдан миллий иқтисодиётни ўрганишнинг бошланғичи ва бирламчи асоси ҳисобланади. Улар ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лар ҳажми, уларнинг турлари ва таркиби, пул айлангани бўйича объектив маълумотларни олиш, бу маълумотларни таҳлил қилиш ва ички имкониятлардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

3-§.Ишлаб чиқариш бирлиги ҳақида тушунча ва иқтисодий фаолият турлари тармоқларининг таснифи

Маълумки, иқтисодиётда асосан уч хил фаолият кўриш мумкин: 1. Ишлаб чиқариш. 2. Истеъмол. 3. Жамғариш.

Ишлаб чиқариш шундай жараёнки, унинг натижасида истеъмол ёки жамғариш учун товар ва хизматлар яратилади. Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун эса ишчи кучи, иш куёли ва технология, меҳнат предмети бўлиши зарур. Демак, ишлаб чиқариш жараёнига ресурсларни тортиш ва маҳсулот (хизмат) яратиш фаолият турини аниқлайди.

Алоҳида олинган иш фаолияти бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади яъни бир турдаги иш фаолияти асосан битта оддий ишлаб чиқариш жараёнидан иборат. Аммо ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни ёки иш фаолияти бир неча босқичлардан иборат. Ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари қанчалик кўп бўлса, фаолият турлари ҳам шунчалик ортиб боради.

Масалан, автомобил ишлаб чиқариш бир турдаги фаолият ҳисобланади. Аммо бу жараён қуйиш, темирчилик ишларини, пайвандлаш, йиғув, бўйаш ва бошқа бир қанча фаолият турларини ўз ичига олади. Агар бу жараёнда автомобилнинг мотори, узатиш қўтиси, асбоб ускуналар ишлаб чиқарилса, уларнинг ҳаммасига бир фаолият тури сифатида қаралади. Дейлик, корхона охириги маҳсулотни ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқаришда турли фаолият турлари қўлланилади. Аммо ишлаб чиқариш жараёнлари бу корхонада жуда юкори даражада узвий боғлиқдир. Бундай ҳолатда бу корхонадаги фаолият турларининг бирига асосий, қолганларига ёрдамчи фаолият деб қаралади. Буни фаолият турларини бўйича сотилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматларни қўшимча сўлмоғи орқали аниқлаш мумкин. Лекин бу жуда мушкул иш. Шу боис асосий ва ёрдамчи фаолият кўпинча фаолият натижасидаги товар ва хизматларга тўғри келган яши маҳсулот салмоғи билан бу ҳам тўғри келмаса фаолият турларида банд бўлган ишчилар салмоғи орқали аниқланади.

Ина бошқа томондан қаралса, бир турдаги фаолият натижасида икки ва ундан ортиқ турдаги маҳсулотлар яратилиш мумкин. Аммо ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, нуқтан назардан ишлаб чиқариш жараёнлари бир-бири билан боғлиқ эмас: технологияси ҳам ишлаб чиқариш омиллари ҳам турлича. Бошқача айтганда бу корхонада бир-бири билан боғлиқ бўлмаган икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнларини турли фаолият турларига ажратиш мумкин. Лекин, бу ишлаб чиқариш бўлимларини тўғридан тўғри ажратиш деган сўз эмас.

Кўриниб турибдики, фаолиятни асосий ва ёрдамчи турларга ажратиш мумкин. Асосий ва ёрдамчи фаолият натижасида олинган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар бозорда сотиш учун аввалдан белгиланмаган ҳолларда ишлатиш, сақлаш ёки қайта ишлаш учун ишлаб чиқарилади. Ёрдамчи фаолият эса асосий ва кўмакчи фаолиятга хизмат қилиш учун амалга оширилади. Бу фаолият маҳсулоти тасодифий равишда бозорда сотилиши мумкин. Бундай ҳолларда у кўмакчи фаолият маҳсулоти ҳисобланади. Масалан корхона ўзининг компютер хизматларидан ўзи фойдаланиши ёки турли дастурларни четта сотди.

Иккиламчи фаолият турига ҳар бир алоҳида фаолият тури кириб, унинг маҳсулоти охириги ҳисобда 3 томон учун ишлаб чиқарилади ва у албатта иккиламчи фаолият маҳсулоти ҳисобланади. Аксарият иқтисодий объектларда бир қанча иккиламчи маҳсулотлар яратилади. Ёрдамчи фаолиятлар асосий ва иккиламчи фаолиятни амалга ошириш мумкин эмас. Ёрдамчи фаолиятга бухгалтерия ҳисоби, маҳсулотларни ташиш, сақлаш, сотиш ва сотиб олиш, тузатиш, хизмат кўрсатиш, куриклаш ва ҳоказолар қиради. Статистик бирликларни таснифлашда ёрдамчи фаолият турлари ҳисобга олинмайди. Асосий фаолият турининг бирлиги асосан бошқа бирликларга ёки истеъмолчиларга сотган ёки жўнатган маҳсулоти ёки хизмати асосида аниқланади. Демак, бир турдаги ишлаб чиқариш фаолиятларининг йиғиндиси тармоқни ташкил

этади. Ижтимоий меҳнат тақсимотига , бажарадиган вазифалари моҳияти ва хусусиятига қараб меҳнат фаолиятининг барча турлари тармоқларга ажратилади. Халқ хўжалиги тармоқлари ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ижтимоий маҳсулот яратишдаги хусусиятига қараб, моддий неъмат ишлаб чиқарадиган ва моддий неъмат ишлаб чиқармайдиган соҳа тармоқларига бўлинган ва улар ўз навбатида яна бир неча тармоқларга ажратилган эди.

Халқаро андозадаги иқтисодий фаолият турларининг тармоқ таснифи 1948 йилда БМТ нинг Статистика комиссияси томонидан ишлаб чиқарилган ва қабул қилинган . У 1958, 1968, ва 1993 йиллардан қайта кўриб чиқилган. Бунда иқтисодий фаолият натижаси моддий даромад яратишининг асоси сифатида қаралиб, ишлаб чиқариш ва ишоншлаб чиқариш соҳаларига ажратилмаган. Бундай тасниф асосига уч белги қабул қилинган:

1. Асос қилиб олинган материалларнинг натурал кўриниши.
2. Маҳсулотни бевосита белгиланган мақсадда ишлатиши.
3. Меҳнат предметларига ишлов бериш даражаси билан боғлиқ бўлган технологик жараёнининг хусусияти.

Халқаро андозавий тармоқлар таснифи (ХАТТ) ишлаб чиқариш жараёнларининг кетма-кетлик қоидалари бўйича тузилиб, натурал табиий моддий ресурслардан фойдаланувчи тармоқлардан (кишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, овчилик) бошланиб, қазиб олиш, қайта ишлаш соҳати, қурилиш, алоқа , транспорт, молия ва кредит ва ҳокозо тармоқларга ўтилади.

Жадвал-1

Халқаро андозавий тармоқлар таснифи тузилиши
(3-редакция, 1990 йилдаги нашри)

Шўба	Жами	Гуруҳлар сопи			
		Шу жумладан, даражалари бўйича			
		I Таснифлаш даражаси	II (бўлим)	III (гурӯх)	IV (синф)
I	2	3	4	5	6
Жами	526	17	60	159	290
A. Кишлоқ хўжалиги, овчилик ва ўрмончилик	18	1	2	6	9
B. Балиқчилик	4	1	1	1	1
C. Қазиб олувчи саноат	28	1	5	10	12
D. Қайта ишловчи саноат	210	1	23	61	125
E. Электронэнергетика, газ ва сув таъминоти	11	1	2	4	4
F. Қурилиш	12	1	1	5	5
G. Улғуржи ва чакана товар оборот; автомобиль, мотоцикллар ремонт	50	1	3	17	29
H. Меҳмонхона ва ресторанлар	6	1	1	2	2
I. Транспорт,омборхона хўжалиги ва алоқа	33	1	5	10	17

Ж. Молиявий воситачилик	21	1	3	5	12
К. Қўчмас мулк операциялари, аренда ва тижорат фаолияти	54	1	5	17	31
Л. Давлат бошқаруви ва мудоффа, ижтимоий сугуртага ажратмалар	13	1	1	3	8
М. Таълим	11	1	1	4	5
Н. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сугурта	11	1	1	3	6
О. Бошқатло коммунал, ижтимоий ва персонал хизматлар	36	1	4	9	22
Р. Ёлланма персоналга асосланган хусусий уй ҳўжаликлари	4	1	1	1	1
Қ. Экстерриториал ташкилотлар ва идоралар	4	1	1	1	1

Барча иқтисодий фаолият турлари бўйича халқаро андозавий тармоқлар таснифи (ХАТТ) иқтисодий фаолият турларини таснифлашни БМТ томонидан қабул қилинган таснифлари бўлиб, 1993 йилда статистика комиссиясини 3-ўқиши билан тўлдирилган.

Юқоридаги жадвалда кўрсатилган (ХАТТ) 17 шўбадан иборат бўлиб, лотин ҳарфлари билан белгиланган. Бир шўба бир бўлимдан иборат. Бўлимлар ва гуруҳлар қуйидагилардан иборат:

- а) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган товар ва хизматлар (жисмоний ҳолати, ишлаб чиқариш босқичлари);
- б) товар ва хизматлар номи;
- в) хом ашё, ишланувчи материаллар ва ишлаб чиқариш технологияси;

Шунингдек, жадвалда маҳсулотларни марказий таснифлаш бўйича шу таснифга эга бўлган 10 та шўба кўрсатилган, ammo баъзи бўлимлар бўйича берилмаган. Буларга 1,2,3 ва 7-шўбалар ки­ради. Транспортибелъ товарлар ўз навбатида 0-4 бўлимларда, нотранспортибелъ товарлар ва хизматлар 5-9 бўлимларда кўрсатилган.

4-§. Макроиқтисодий статистикада қўлланиладиган бошқа гуруҳлаш ва таснифлашлар

Юқорида баён этилган ХАТТдан ташқари статистикада у билан боғлиқ бир қанча таснифлашларни кўриб чиқиш мумкин. Жўмладан, тармоқларни ҳудудий бошқаришнинг ташкилий тузилиши (шакли) бўйича, мулкчилик шакли бўйича таснифлаш" га хоказа. Бундан ташқари макроиқтисодий статистикада маҳсулотларнинг халқаро таснифи ва халқаро савдо таснифларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маҳсулотлар таснифи жаҳасидаги ҳозирги замон андозалари халқаро меҳнатни ташкил этиш доирасида олиб борилган узок муддатли олиб

бўрилган иш натижаси бўлиб, ҳозирги кун амалиётда 1957 йилдаги таснифга нисбатан 1968 йилда аниқлик киритилиб, тўлдирилган таснифдан фойдаланиб келинмоқда. Маҳсулотларнинг халқаро андозалардаги таснифи (МХАТ) бўйича гуруҳларига "фаолият тури" асос қилиб олинган. Лекин бунда кўпинча тармоқ белгиларига асосланган. Ҳозирги кунда амал қилиб келинаётган МХАТ га асосан ходимлар қўйидаги 11 та гуруҳга бўлинган.

1. Ўрқин мутахассисликка эга шахслар, техниклар ва бир-бирига ўхшаш мутахассисликлар;

2. Маъмурий ва бошқарув ходимлари;

3. Девонхона хизматчилари;

4. Савдо ходимлари;

5. Хизмат кўратилиш соҳа ходимлари;

6. Қўншлоқ хўжалиги, урмон хўжалиги ходимлари, баликчилар ва овчилар;

7. Моддий ишлаб чиқариш соҳа ходимлари;

8. Транспорт соҳа ходимлари;

9. Алоқа соҳа ходимлари;

10. Маиғулот тури бўйича таснифга кирмайдиган ходимлар;

11. Махсус гуруҳ, ҳарбий хизматчилар.

Халқаро андозалар юқорида келтирилган МХТ нинг йирик гуруҳлари асосида 84 та гуруҳчаларга (иккинчи даражали бўлиниш), 784 та уч рақамли (3 даражали бўлиниш) ва 150 та тўрт рақамли, жами 5,5 минта турли маиғулотларни бириктирувчи бўлимчаларга бўлинган.

Халқаро савдо таснифи бошқа таснифларга нисбатан тўлароқ ва муқаммадроқ ишлаб чиқилган. Бу таснифга давлат ташкилотларининг, халқаро ташкилотларининг алоҳида эътибор беришларига асосий сабаб божхона етказилиши талабчанлигидир. Ташки савда соҳасида жуда кенг турдаги истеъмол моллари ва ишлаб чиқариш воситаларининг барча ассортиментлари бўйича турлари қамраб олинган. Савдо таснифида маҳсулотлар таснифи билан тармоқлар таснифини чамбарчас бириктириш имкониятлари туғрилидаги масалани ҳал қилиш зарур. Агар товарлар таснифида тармоқ белгисига мос келмайдиган белги асос қилиб олинса, у ҳолда маълумотларни солиштиришда қийинчиликлар пайдо бўлади. Шунингдек, турли тармоқ маҳсулотларини товарлар гуруҳида яраштириб юбориш натижасида ҳам қийинчиликлар туғилиши мумкин. Аксарият маҳсулотларнинг истеъмол кийматларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар илмий таснифланади. Бошқалари соф натурал белгиларга, масалан, маҳсулотларни химиявий таркиби орқали таснифланади.

1974 йилда БМТ Статистика комиссияси томонидан қабул қилинган иккинчи таҳрири (матни) асосида қабул қилинган халқаро андозалардаги савдо таснифи (ХАСТ) нинг йирик бўлими ва бўлимчалари қўйидагилардан ташкил топган:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари (10 та бўлим);

2. Ичимликлар ва тамаки маҳсулотлар (2 та бўлим);

3. Бирламчи хом аше (ёкилғи кирмайди) (9 та бўлим);
4. Минерал ёкилғи ва мойлаш материаллари (4 та бўлим);
5. Ўсимлик ва хайвон ёғлари (3 та бўлим);
6. Химия маҳсулотлари (9 та бўлим);
7. Саноат ярим тайер маҳсулотлари (9 та бўлим);
8. Машинасозлик маҳсулотлари ва транспорт воситалари (9 та бўлим);
9. Ишлов берувчи саноатнинг бошқа товарлари (8 та бўлим);
10. Аввал қайд этилмаган бошқа товарлар.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро тармоқлар таснифи иқтисодиётда тармоқлар, корхоналар ва уларнинг бўлинмаларини тақсимлаш учун зарур. Иқтисодий фаолият турларини таснифлаш ишлаб чиқариш ва унга таъсир қилувчи омиллар тўғрисидаги статистика маълумотларини таҳлил қилиш учун база бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро андозавий таснифлаш (БМТ методологияси бўйича) тизимини киритиш зарур. Бир сўз билан айтганда, барча иқтисодий фаолият турлари бўйича халқаро таснифлашлар иқтисодиётни ўрганиш ва уни таҳлил қилишда иерархик тузилма бўлиб хизмат қилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодиётни мулк шакллари бўйича гуруҳлашдан қўзланган асосий мақсад нима ва уларни турларини кўрсатинг.
2. Институцион бирлик деганда нимани тушунасиз?
3. Институцион бирликларни секторларга таснифланг.
4. Халқаро андозавий тармоқлар таснифи (ХААТ) ва унинг моҳиятини тушунтиринг.

3-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

1-§. Статистик кўрсаткичлар тизими ҳақида тушунча

Кундалик ҳаётимизда кўпдан-кўп статистик маълумотлар ёки кўрстакчиларни учратамиз. Амалий фаолиятимизга тегишли воқеаларни ўрганиб, иқтисодий аҳолигимизни таҳлил қилаётганда эса улардан кенг қўламда фойдаланамиз. Мисол тариқасида мамлакатимиз аҳолисининг сони, шу жумладан иқтисодий фаолликка эга бўлганлар сони, улардан иқтисодиёт соҳаларида бандлар сони, бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот, ҳосил қилинган соф ва ялпи миллий даромад, истеъмол қилинган товар ва хизматлар ҳажми, уларни шакллантиришда давлат ва нодавлат секторларининг ҳиссаси қабилар ҳақидаги маълумотларни эслайлик. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика вазирлиги ахборотига кўра, 1998 йили юртдошларимиз сони 24,1 млн. кишига етган. Уларнинг иқтисодий фаол қисми 8,85 млн. кишини, халқ ҳўжалиги тармоқларида банд қисми 8,8 млн. кишини ташкил этган, шу жумладан 25,8 % давлат корхоналарида, 74,2%и хусусий секторда ва бошқа нодавлат секторларда ишлаган. Улар 1020 млрд. сумлик (такқослама баҳоларда) ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарган ва 1358,8 млрд. сум (жорий баҳоларда) миқдорида соф миллий даромад ҳосил қилган. 1992-1993 йилларда Ўзбекистонда реал ички маҳсулот қамайган, 1996-1997 йилларда 7% ва 1998-1999 йилларда 11% ошган. Шу каби маълумотларга таяниб, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш жараёnlари таҳлил қилинади ва макроиқтисодий сиёсат белгиланади. Аммо бундай статистик кўрсаткичлардан фойдалана туриб, одатда уларнинг табиати, моҳияти, бажарадиган функциялари, бир-биридан фарқи, ҳисоблаш тартиби устида бош қотирмаймиз. Ваҳоланки, улар ҳаёт-момот масалаларидан ҳисобланади, катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Хўш, статистик кўрсаткич нима? Кўрсаткичлар тизими деганда нимани тушунамиз? Макроиқтисодий кўрстакчилар ва уларнинг тизими қандай тартибда тузилади?

Статистик кўрсаткич - битта ёки бир нечта (тўплам) ҳодисаларнинг у ёки бу хусусиятини, белгисини таърифловчи сондир. Сон эса энг муфассал миқдорий таъриф (аниқлик)дир. Агар статистик кўрсаткич айрим ҳодисага тегишли бўлса, яъна кўрсаткич деб, бордию ҳодисалар тўпламини таърифласа, умумлаштирувчи кўрсаткич деб аталади. Бу ўринда ҳодиса деганда маълум предмет ёки ҳақиқатда содир бўлган воқеа, объектив ҳаётий воқелик назарда тутилмоқда. Шу жиҳатдан бу ердаги ҳодиса тушунчасининг талқини унинг фалсафий мазмунидан бир мунча фарқ қилади.

Маълумки, фалсафада ҳодиса деганда объектив воқеликнинг ҳаракатчан ва ўзгарувчанроқ юзаки томони тушунилади. Унинг

табиатини белгилайдиган ички томони эга моҳият деб аталади. Демак, статистикада ҳодиса тушунчаси ўрганилаётган предмет ёки воқеликнинг ҳам ташқи, ҳам ички томонларини яхлит ҳодиса сифатида олиб қарашга асосланади.

Табиатан, статистик кўрсаткичлар уларни тузувчи статистикларнинг ихтироси бўлмасдан, балки ўрганилаётган ҳодисаларнинг реал хоссаларини илмий жиҳатдан умумлаштириш ҳосиласи, объектив аниқликда руй бераётган жараёнларнинг тасвири ҳисобланади. Улар ёрдамида иқтисодий, маънавий, сиёсий ва бошқа ҳаётий ҳодисалар таърифларининг мумкин. Шу жиҳатдан статистик кўрсаткичлар муҳим турларга ажралади. Улар орасида иқтисодий кўрсаткичлар гуруҳи етакчи аҳамият касб этади, чунки иқтисодиёт ижтимоий тараккиётнинг асоси ҳисобланади.

Иқтисодий кўрсаткич - бу иқтисодий ҳаётда руй бераётган у ёки бу ҳодиса ёхуд жараёнининг сифат-миқдорий аниқлигидир. Сифат деганда ҳодисанинг ички қиёфаси (аниқлиги) ёки унинг ривожланиш қонуни билан бевосита боғлиқ бўлган моҳияти тушунилади. Сифат ҳодисанинг турли-туман жаҳатлари, хоссалари, муҳим белгилари бирикмасида намоён бўлади.

Миқдор - ҳодисанинг ташқи қиёфаси (аниқлиги) бўлиб, унинг у ёки бу хоссаси ўлчами, сон, рўёга чиқини даражаси шаклида кўринади. Миқдор ҳодисани унинг хоссалари қандай ривожланаётганига қараб таърифлайди, у умумий, абстракт, ноахтак тушунчадир. Миқдор маълум ўлчамда, сонда ифодаланганидагина аниқликка, муайян реаликка эга бўлади. Сифат ва миқдор бир бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, ягона бир бутунликда ҳодиса метёрини ҳосил қилади. Метёрда сифат миқдорий ўлчамга эга бўлади, миқдорий аниқлик эга сифатга эга бўлади. Ҳар қандай иқтисодий ҳодиса сифат ва миқдорий аниқликларининг ягона бирлигида тавдланади. Иқтисодий кўрсаткич эга ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ёки жараёнининг метёри бўлиб хизмат қилади. Унинг умумий иқтисодий мазмун кўрсаткичининг сифат томонидир. У ўз навбатида тасвирланаётган иқтисодий тоифа, предмет ёки ҳодисанинг моҳияти, унинг характери, ички ҳислат ва хоссалари билан белгиланади.

Масалан, Ўзбекистонда 1998 йилда 3326 минг тонна пахта ҳосили олинганлиги ҳақидаги кўрсаткич етиштирилган пахта миқдорини, унинг умумий иқтисодий мазмунини ифодалайди. У ўз навбатида ишлаб чиқариш фаолияти ва унинг натижаси - "маҳсулот" деган иқтисодий тоифа билан уйғун ва ҳамохандошдир. Кўрсаткичининг миқдор томони - бу унинг аниқ ўлчами, оз ёки кўпчилигидир. Мисолнингизда, 1998 йилда Ўзбекистонда 3326 минг тонна етиштирилган пахта хажми. Агар кўрсаткичининг сифат томони - изоҳланаётганда иқтисодий тушунчанинг ўзига хос белгиларига алоҳида эътибор берилса, миқдор томони - баён этилаётганда эга доимо миқдорий ўлчами фазовий ва замоний тавсифлари билан бирга шарҳланади.

Агарда кўрсаткичининг сифат томони «Ким?», «Нима?», «Қандай», «Қилиб?» деган саволларга жавоб берса, миқдорий томони эса «Қаерда?», «Қачон?», «Қанча?» деган саволларга жавоб беради.

Иқтисодий кўрсаткич сифат ва миқдорий томонларнинг ягона бирлигида гадаланади. Аммо унутмаслик керакки, сифат жиҳатигагина эга кўрсаткич бўлмаганидек, фақат миқдор томонига эга кўрсаткич ҳам бўлмайди.

Айрим адабиётларда иқтисодий кўрсаткичларнинг сифат томонини ўрганиш фақат иқтисодий назария ва бошқа иқтисодий фанлар предмети ҳисобланади. Статистика фани эса уларнинг миқдор томонини тадқиқ қилиш билан чегараланади деган фикр олдига сурилади. Бундай қараш нотўғридир, чунки бунда сифат билан миқдор бир биридан ажралиб қолади. Ваҳоланки, статистика кўрсаткичлари уларга яхлит ҳолда қаралгандагина гадаланади. Статистик текшириш кўрсаткичларнинг сифат томонини ҳам, миқдор томонини ҳам қамраб олади. Бу ўринда шунини ҳам таъкидлаш керакки, бундай текширишларни амалга ошираётганда статистикани ҳеч шак-шубҳасиз иқтисодий назарияга таянади, ундан иқтисодий тоифа ва тушунчалар, уларнинг ривожланиш қонун ва қонуниятлари ҳақидаги таълимотни билиб олади ва уни иқтисодий назария тилидан статистик кўрсаткичлар тилига ўтиради.

Иқтисодий фанлар иқтисодий тоифа ва тушунчалар моҳиятини, ривожланиш қонун ва қонуниятларини ёритаётганда, уларнинг муҳим тўб белгилари ва ўзаро боғлиқлигига таянади ва назарий жиҳатдан умумлаштиради. Аммо юзариқ қатламларда ётган бошқа белги ва ўзаро боғланишлар ҳам мавжудки, иқтисодий фанлар уларга иккиламчи деб қарайди назарий умумлаштиришдан четда қолдиради.


Статистика тушунчалари учун эса бундай белги ва мунособатлар ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Чунки улар ҳам иқтисодий ҳодисаларни бир-биридан фарқловчи белгилар қаторига кирилади. Демак, улар миқдорий ўлчам шаклланиши учун кўрсаткичларнинг тўла, очиқ ва ҳаққоний бўлишида у ёки бу даражада роль уйнайди.

Масалани ойдинлаштириш мақсадида баъи айтилганларни иш ҳақи мисолида кўриб чиқайлик. Бу кўрсаткичининг моҳияти ва асосий намоён бўлиш шакллари иқтисодий назария ёритиб беради. Иш ҳақи ишлаб чиқаришда сарфланган ишчи кучи қиймати эканлигини, бозор шароитида ишлаб топилган даромад, сарфланган меҳнат баҳоси кўринишида намоён бўлишини, меҳнат жараёнининг миқдорий ўлчами иш вақти узунлиги билан меҳнат унумдорлиги вақт бирлигида яратилган маҳсулот ҳажмига боғлиқлигини ва шу сабабли «иккибаъд» ҳамда ишбай ҳақлар тарзида шаклланишини иқтисодий фанлар ёритади. Статистика иш ҳақи кўрсаткичини аниқлаётганда анашу иқтисодий назарияга таянади, албатта. Аммо иш ҳақининг миқдорий ўлчамини ҳисоблаш учун бундай сифат белгиларини билишнинг ўзига камлик қилади. Чунки иш вақти тўловлар кўринишида юзага чиқади. Уларнинг шакллари турли тумандир. Масалан бажарилган иш ёки

ишланган вақт учун, болали аёлларга эмизиш вақти учун тўловлар, бригадани бошқариш учун тўловлар, шогирдларни ўргатиш учун тўловлар, турли мукофот тўловлари, хизмат вазифасини бошқа жойларга бориб бажарганда қилинган харажатларни қоплаш учун тўловлар, яқин қовму қариндоши ўлганда ёки болали oilаларга ёрдам тўловлари ва ҳоказо. Бундай белги ва хоссалар иш ҳақи тоифаси билан боғлиқ бўлиб, уни катламларида ётади. Иш ҳақи кўрсаткичини ҳисоблашда алоҳида аҳамият касб ётади. Статистика ушбу кўрсаткичини тузаётганда унинг сифат томонларига алоқадор белги ва ўзаро боғланишлардан миқдорий ўлчамга таъсир ётадиганларини ажратиб чиқади, яъни сифат мазмунини аниқлаштиради.

Шундай қилиб, статистика иқтисодий ҳодисалар табиатини, сифат томонини ўрганмасдан туриб, уларнинг миқдорий аниқлигини, меъёрини илмий асослай олмайди, иқтисодий кўрсаткичларни тузиш усулбиниятини яратолмайди.

Иқтисодий кўрсаткичлар қатор унсурларга эга бўлиб, улар қуйидаги схемада тасвирланган:



1-расм. Статистик кўрсаткичининг таркибий унсурлари.

Бунда римча рақамлар иқтисодий кўрсаткичининг асосий унсурларини ifodalайди.

I - кўрсаткичининг сифати ва иқтисодий мазмуни, II - унинг фазовий таъсифномасини беради (макон жихатдан миқёсини чегаралайди), III - кўрсаткичини замон (вақт) жихатидан таъсифлайди. IV - унинг миқдорий ўлчамини ifodalайди. II ва III унсурлар кўрсаткичининг сифат томонига ҳам, миқдор томонига ҳам бевосита алоқадор бўлиб, сифат ва миқдорни макон ва замон жихатидан чегаралайди.

Иқтисодий ҳодисаларни статистик кўрсаткичларда ifodalаш енгил иш эмас. Уларни шакллантириш, излаб топиш мураккаб, кўп вақт талаб қиладиган жараёндир. Юқор. сифатли статистик кўрсаткичларни топиш ва тузиб чиқишнинг мураккаблги шундаки, иқтисодий ҳодисаларнинг айрим хоссалари юзага яқин, бошқалари эса уларнинг ич-ичида, чуқур тубида жойлашган.

Маълумки, фазодаги хоссаларни топиш қийин иш бўлмасада, ammo бу хоссаларнинг иккинчи турдагилари учун тегишли

кўрсаткичларни топиш ва тузиш катта матонат ва ижодий изланишларни талаб қилади.

Етиштирилган пахта оғирлиги унинг сиртқи тавсифидир. Бу хусусиятни акс эттирадиган статистик кўрсаткични аниқлаш жуда осон. Бунинг учун етиштирилган чигитли пахта оғирлиги ўлчанса кифоя. Аммо пахтадан турли миқдорда тола олинади. Тола эса тўқимачилик саноати учун зарур хом ашёдир. Ишлаб чиқарилган пахта толаси хажмини аниқлаш бирмунча мураккаб. Бунинг учун аввало пахта заводларида чигитли пахтадан тола ажратилиши лозим. Бу масалани танлама усулда ҳам ечиш мумкин. Бунинг учун умумий чигитли пахтадан бир қисmini махсус илмий асосланган усулларда танлаб олиб, ундан тола чиқиш даражасини лаборатория ёки завод шароитида аниқлаш керак. Бу олинган кўрсаткич асосида хирмонлардаги пахта толасини белгилаш керак. Бундай статистик текшириш бирмунча вақт ва куч талаб қилади. Бундан ташқари олинган натижага кейинчалик (ҳамма чигитли пахтадан заводларда тола олинганидан сўнг) аниқлик киритишни талаб қилади.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, етиштирилган тола хажми пахтанинг барча истеъмол хоссаларини акс эттирмайди. Тўқимачилик саноати ва пировард истеъмол (кийим бош шаклида) учун толанинг узунлиги, қалинлиги, чидамлиги, йўғонлиги, чузилувчанлиги ва бошқа хоссалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Буларни толанинг умумий оғирлик кўрсаткичи таърифламайди. Шунинг учун тола хажми ҳам пахтакорлар фаолияти натижасини тула ва аниқ таърифлашга қодир эмас. Демак, оддийгина ҳисобланган етиштирилган пахта хажмини улчаш каби масалани ечиш ҳам катта қийинчиликлар билан боғлиқ. Шундай экан, миллий иқтисодийнинг ҳолати ва ривожланиш даражасини аниқлаш ва баҳолашдек жуда мураккаб ва қўп қиррали муаммони ечиш қанчалик оғир ва қийин иш эканлигини тасаввур қилиб кўрингчи? Китобхонлар ва биринчи навбатда талабалар бу ҳақда ўйлаб кўрадилар деган умиддамиз.

Масалани бироз ойдинлаштириш, уларга қўмаклашиш мақсадида эътиборни шунга жалб қилмоқчимизки, олдимиздаги жумбоқни битта ёки бир неча статистик кўрсаткич тузиш йўли билан ечиб бўлмайди. Бунинг учун илмий асосланган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши лозим.

Маълум иқтисодий объектнинг кўрсаткичлар тизими деганда уни бошқариш ва илмий таҳлил қилиш учун муҳим ҳисобланадиган белгилари ва ички ўзаро боғланишларини таърифлайдиган миқдорий ўлчамлар (кўрсаткичлар) мажмуаси тушунилади. Тизим шаклланиши учун энг муҳими - кўрсаткичлар мазмунан ўзаро боғланган ва изчил таркибий тузилиш мантикига эга бўлиши керак. Иқтисодий статистика кўрсаткичлар тизими такрор ишлаб чиқаришни, унинг муҳим жараёнлари ва тоифаларини ўзаро боғланишда таърифлайдиган, мазмуний умумийликке эга бўлган кўрсаткичлардан ташкил топади.

Ўрганиладиган мавзуга қараб, кўрсаткичлар тизими оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин. Агар статистик текшириш мавзуси сифатида бир маъноли иқтисодий табиатга эга бўлган тоифа (ҳўлоса, жараён) олинса, у ҳолда уни миқдоран тасвирлайдиган кўрсаткичлар тизими бир тартибли кўрсаткичлар тўплами шаклида тузилиши мумкин. Макроиқтисодиёт даражасида бундай оддий кўрсаткичлар тизимига мисол қилиб меҳнат унумдорлиги ёки маҳсулотнинг қиймат кўрсаткичлари тизимини кўрсатиши мумкин. Текшириладиган мавзу мазмунан мураккаб ижтимоий-иқтисодий тоифа (ҳўдиса, жараён) ёки уларнинг тўламиндан иборат бўлса, у ҳолда кўрсаткичлар тизими тизимноснилардан ташкил тонади. Ҳар бир тизимносни ўз навбатида бир қатор ўзаро боғланган ва маълум тузилиш мантиқига эга бўлган кўрсаткичлар мажмуасини қамраб олади. У мазмун жиҳатидан мустакил қисм бўлиб, бутун тизим доирасида махсус функционал вазифаларни бажаради. Барча тизимноснилар мантикий ўзаро боғлиқ умумий мақсадга бўйсунди ва ягона тизимнинг органик бирлигини ташкиллайди. Бундай мураккаб тизимга макроиқтисодий статистика кўрсаткичлар тизими мисол бўла олади.

Бу тизимни тузиш усулибати бир қатор талабларга жавоб бериши керак. Бу борада энг муҳим талаблар қуйидагилардан иборат:

макроиқтисодий статистика кўрсаткичлари тизимини тузиш усулибати бозор иқтисодиёти назарияси, унинг асосий илмий концепцияларига монанд бўлиши;

-жамиyatда қарор тошган иқтисодий жараёнлар орасидаги боғланишларини ҳамда омманий ҳўдиса ва жараёнларини;

-статистик тўпламларга киритилиб, иқтисодий оқимлар кўришишида объектив тасвирланишини ташкиллаш;

-тизим ва унинг тизимносни кўрсаткичлар жамиyatда шаклланаётган бозор муносабатларини иқтисодий таҳлил қилиш ва уларни давлат томонидан тартибга соғилиш учун макроиқтисодий сиёсатни шиклаб чиқиш ва ва амалга ошириш вазифаларига бўйсундирилишини;

- тизим ва тизимносни кўрсаткичлари мантикий жиҳатдан изчил кетма-кет, бош мақсад нуқтаи назардан эга мазмуний ўзаро боғлиқ бўлиши;

- ҳар бир тизимносни кўрсаткичлари энг муҳим белгиларини таърифлаш ва уларни миқдоран объектив ўлчанг усулига асосланиши;

- тизим кўрсаткичларининг таркиби ва маъновий мазмун миллий иқтисодиётнинг у ёки бу даражасига (мамлакат, вилоятда) тегишли шароитларга мос бўлиши;

Тизим кўрсаткичлари жорий дўр якуналари билан бир қаторда ҳўдисаларининг динамикасини ўраниш учун шароит яратилиши лозим.

Макроиқтисодий статистика кўрсаткичлар тизимини тузиш усулибати учун ҳозирги замон бозор иқтисодиёти илмий концепциялари, биринчи навбатда иқтисодий доиравий айланма ҳўдисидаги Кейнсча таълимот назарий асос бўлиб хизмат қилади.

2-§. Миллий маҳсулот ва даромадларнинг доиравий айланмаси - макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг асоси

Иқтисодиёт инсоннинг тирикчилик ўтказишга қаратилган ҳўжалик фаолияти бўлиб, ҳаётини эҳтиёжни қондириш воситаси ҳисобланади. У кишиларни яшаши ва инсон сифатида камол топишини таъминлайди.

Инсон табиатининг бир қисми, жонзодларнинг энг олийсидир. У бошқа жонзодлардан ақл-идроки ва фаросати билан ажралиб туради.


Инсон тирик жон эканлиги, овқат ейиши, ухлаши, дам олиши, ўз кучини тиклаши, ўзини иссиқ - совуқдан асраши керак. Мазкур моддий эҳтиёжларни қондириш учун кишилар кийим - кечак, озик - овқат, турар жой ва бошқа буюмларга эга бўлиши, уларни ишлаб чиқариши ва истеъмол қилиши лозим.

Инсон танҳоликда эмас, балки аниқ бир ҳудуд (шаҳар, қишлоқ, маҳалла)да бошқа кишилар билан ёнма-ён яшайди, алоқада бўлади, маълум мамлакат фуқароси ҳисобланади. Демак, у ижтимоий меҳнат тақсимоти шароитида яшаб, кун кечиради, бу жараёнда маълум вазифани бажаради. Кишиларнинг моддий эҳтиёжлари билан бирга ижтимоий эҳтиёжлари ҳам борки, булар сирасига билим олиш, маданий савияни ошириш, малака ва маҳоратга эга бўлиш, соғлом ҳаёт кечириб, узок умр кўриш киради. Мазкур эҳтиёжлар кишиларга хизмат кўрсатиш орқали қондирилади. Хизмат кўрсатиш ҳам ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб, унинг номоддий шакли ҳисобланади.

Эҳтиёжлар турли туман бўлганидан уларни қондириш ҳам турлича йўллар билан амалга оширилади. Лекин бу жараён барибир иқтисодий фаолиятни талаб қилади. Иқтисодий фаолият - бу инсон тирикчилигини таъминлаш воситалари мажмуасидир.

Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланиб, яратилган маҳсулотларни тақсимлаш ва айирбошлаш орқали истеъмол этиш билан тугалланади. Унинг асосий буғини ишлаб чиқариш, яъни ҳар хил буюмлар ва хизматларни яратишдир. Меҳнат яратган неъматлар иқтисодий неъматлар дейилади. Бу неъматлар табиат инъомлари (хаво, сув, ер ости бойликлари ва ҳоказо)лардан фарқ қилади. Чунки бу инъомлар текин неъматлар бўлиб, меҳнат маҳсули ҳисобланмайди.

Маҳсулотларни тақсимлаш ва айирбошлаш орқали истеъмол қилиш (ишлатиш) ҳам иқтисодий фаолият таркибига кириб, унинг махсус шаклларини ташкил этади ва ишлаб чиқариш, тижорат (савдо-сотик) орқали истеъмол билан боғланади.



2-расм. Иқтисодий фаолият турлари.

Иқтисодий фаолият турлари хилма-хил бўлсада, бир-бири билан ўзаро боглиқ, бир-бирини такозо этади. Одамзот ишлаб чиқаришсиз яшай олмайди, ишлаб чиқариш орқали яратган маҳсулотларини ўзаро тақсимлаб, бир-бирларига керакли қисмларга бўлиб, сўнгра айрибошлаш орқали ўз талабларини қондирадилар, яъни истеъмол қилишга эришади.

Унутмаслик керакки, инсон ўз эҳтиёжини қондирмаса, иш қобилиятини тиклай олмайди. Бинобарин, ишлаб чиқаришсиз истеъмол бўлмайди. Демак инсон яшаш учун доимо меҳнат қилиши, керакли буюмлар ва хизматларни яратиши, тақсимлаш ва айрибошлаш орқали истеъмол этиши лозим. Бу иқтисодий жараён такрор ишлаб чиқариш деб аталади.

Такрор ишлаб чиқаришнинг бош бўғини бевосита ишлаб чиқаришдир. У иккига моддий ва номоддий ишлаб чиқариш сохаларига бўлинади:

1. Моддий ишлаб чиқариш - аниқ моддий буюм шаклига эга маҳсулотлар (масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, ёкилги, хом-ашё, машина, ускуна ва бошқалар)ни яратиш, шунингдек моддий сохага хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Бунга саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоқлари киради.

Режалли иқтимой мулкчиликка асосланган хўжалик шароитида моддий ишлаб чиқариш бир оз кенгрок мазмуида талкин этилади. Унинг таркибига юқорида зикр қилинган 3 та асосий тармоқдан ташқари уларга хизмат кўрсатувчи транспорт, алоқа (ишлаб чиқаришга хизмат қисмида), савдо, омбор хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш каби тармоқлар ҳам киритилган. Аммо бу масала (айниқса қайси хизматларни киритиш) ҳали узил-кесил ечилмаган, илмий тортинув предмети ҳисобланади.

2. Номоддий ишлаб чиқариш - моддий кўринишга эга бўлмаган, инсон сезги органлари томонидан бевосита хис этилмайдиган, аммо нафси бор хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Масалан, шифокор ёки ўқитувчи хизмати, молчи ва солиқчи хизмати, транспорт ва алоқа хизмати, омбор хўжалиги, ахборотлар хизмати, маданият; халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, давлат бошқаруви, муҳофаза билан бир қаторда транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ташкилотлари, ахборотларини тарқатиш, савдо ва шу каби хизматлар ҳам киради.

Иккала ишлаб чиқариш сохаларида маҳсулотлар яратилади, сарфланган меҳнат унумлидир. Аммо шаклан бу маҳсулот турлари турлича бўлибгина қолмасдан, иқтисодий жараёнларни кечинида ўзига хос фазилатларга эга.

Моддий ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот, буюм муайян шаклига эга бўлгани учун сифатига таъсир этмайдиган маълум шароитлар яратиб сақлаш мумкин.

Демак, ишлаб чиқариш жараёнида айирбошлаш ва истеъмол жараёнлари ажралиб, улар орасида сақлаш ва саралаш жараёнлари кечади. Бу эса бозор иқтисодиётида қўшимча фойда олиш учун шароит яратди.

Номоддий ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот истеъмолчига кўрсатилган хизматлардан иборат бўлгани учун ишлаб чиқариш жараёни билан истеъмол жараёни бир вақтда кечади. Бинобарин, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ривожланган божор шароитида айирбошлаш жараёни ҳам бир вақтнинг ўзида содир бўлади. Демак, такрор ишлаб чиқариш жараёнлари хизматларни кўрсатиш соҳасида бир вақтнинг ўзида амалга ошади.

Тақсимлаш фаолиятида маҳсулотлар ҳар хил мезон асосида иқтисодиёт ишгирокчилари орасида тақсимланади. Натижада уларнинг даромадлари вужудга келади.

Тақсимот бевосита ишлаб чиқариш доирасида ҳам, иқтисодий фаолиятнинг бошқа жараёнларида ҳам амалга ошади. Кишилар маълум маҳсулотни ишлаб чиқарадилар, иш ва хизматларни бажарадилар. Айирбошлаш фаолиятида маҳсулотлар маълум миқдорий нисбатда бири-бирига алмаштирилади. Бу жараён икки хил: бири - маҳсулот айирбошлаш, иккинчиси - товар айирбошлаш шаклида кечини мумкин.

Бир маҳсулотни бошқасига бевосита маълум миқдорий мезонда айирбошлаш бартер деб аталади.

Бартер энг қоқол айирбошлаш усули бўлиб, олди-сотди муомалаари издан чиккан, пул шиддат билан кадрсизланган шароитда қўланади. Метёрдаги иқтисодиёт шароитида товар айирбошлаш амал қилади.

Бир маҳсулотни бошқасига пул воситасида ва маълум нарх асосида олди-сотди йули билан айирбошлаш товар айирбошлаш деб аталади.

Бу холда товар олдин пулга, сунгра пул бошқа керакли товарга айирбошланади. Натижада айирбошлаш самарали бўлиши учун қулай шароит тугилади, чунки пулга хохлаган товарини хохлаган жойида ва вақтда, масалан, нархи юкори жойида ва вақтда сотиш ёки нархи паст бўлган жойидан ва пайтда сотиб олиш мумкин бўлади. Бундай айирбошлаш ҳаммабоп, универсал бўлибгина қолмай, у айирбошлашнинг иқтисодий жихатдан энг самарали, энг юксак ва энг қулай шаклидир.

Юкорида айтилганидек, айирбошлаш орқали истеъмол фаолияти юз беради.

Истеъмол деганда маҳсулотларни тегишли эҳтиёжларини қондириш учун ишлатиш тушунилади. Маҳсулотлар ва хизматлар биринчидан, тирикчилик учун кишиларнинг ўзлари томонидан истеъмол этилади, иккинчидан ишлаб чиқаришни давом эттириш учун унинг ўзи томонидан ишлатилади.

Маҳсулотлар ва хизматларни истеъмол қилиш ҳар хил йўнида кечади. У якка, оилавий, гурухий ёки умуммиллий истеъмол

фаолияти сифатида юз бериши мумкин. Масалан, овкатни ёки кўйлакни ҳамма якка тартибда истеъмол қилади. Телевизор, мебель ва бошқа уй жиҳозларини оила биргаликда ишлатади. Мақтаб, касалхона ёки болалар боғчасидаги асбоб - анжомларни ҳам бир гуруҳ кишилар биргаликда ишлатади. Армия, хавфсизлик хизмати ёки бонка маъмурий ташкилотлар хизматидан бутун халқ баҳраманд бўлади. Аммо маҳсулотлар ва хизматларни истеъмоли кандай тарзда юз беришидан катъий назар улар истеъмол этилгач яна қайта яратилиши лозим. Демак, шундай конда бор: чексиз эҳтиёжларни қондириш узлуксиз иқтисодий фаолиятни талаб этади, яъни такрор ишлаб чиқариш заруриятини туғдиради.

Иқтисодий фаолият ёки иқтисодиёт кишиларнинг маълум мақсад йўлидаги хатти-ҳаракати бўлиб, днинг махсули эришилган натижа (самара)дан иборатдир. Товар айирбошлаш шароитида бу самарани махсулот сифатида бозор тан олади. Бунинг учун муайян фаолият бошқа истеъмолчиларга наф келтириб, уларнинг эҳтиёжини қондира олиши, товар ишлаб чиқарувчига (таклиф этувчи, сотувчи) эса даромад келтирадиган булиши керак. Бу икки талабдан бирига жавоб бера олмаган фаолият иқтисодиёт деган номга сазовор бўла олмайди.

Демак, бозор шароитида иқтисодий фаолият - бу маълум мақсад йўлидаги шундай хатти-ҳаракатки, унинг натижаси бошқалар эҳтиёжини қондириб, ишлаб чиқарувчиларга даромад келтириши лозим.

Иқтисодий фаолият билан фуқаролар якка тартибда ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб, оилавий тарзда, корхона ва хўжаликларга уюшиб шугулланишади. Бу фаолият билан шунингдек, давлат ҳам шугулланади. Иқтисодий фаолият билан шугулланувчилар хўжалик юритувчи субъектлар деб аталади. Уларни миллий ҳисоблар тизимида институцион бирликлар деб юритилади. Улар учун қуйидагилар ҳосидир:

- ташқилий-ҳуқуқий жиҳатдан тўла мустақилликка эга бўлиб, эркин хатти-ҳаракат қилиш;

- иқтисодий фаолият учун керакли воситалар ва маблағлар (актив ва пассивлар)га эга бўлиб, улардан ўз хохинларича, самарали фойдаланиш;

- бошқа субъектлар билан тенг ҳуқуқли алоқа ўрнатиб, шировад бу алоқаларни натижалари учун ҳам, бутун фаолият натижаси учун ҳам, вақти келганда бошқалар учун кафолатда туриб ҳам жавобгарликни ўз зиммасига олиш;

- хўжалик операцияларининг тўла ҳисоб-китобларини юритиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро муносабат алоқада бўладилар. Бу эса уларнинг иқтисодий муносабатларидир. Ўзаро алоқасиз на ишлаб чиқариш, на тақсимот ва на айирбошланг, ва на истеъмол юз беради.


Иқтисодий муносабатлар зарурат ҳисобланади. Режали иқтисодиёт шароитида халқ хўжалиги деган тушунча кенг тарқалган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида эса унинг ўрнига миллий иқтисодиёт сўзи кўнрок ишлатилмоқда. Бу сўзлар бир хил дуваний маънога эга бўлсаларда иқтисодий - статистик талқинда бир биридан фарқ қилади.

Халқ хўжалиги деганда мамлакат иқтисодиётида ижтимоий меҳнат тақсироти натижасида шаклланган моддий ишлаб чиқариш ва ишонлаб чиқариш тармоқлари йиғиндисин тушинилади. Ижтимоий мулкчиликка асосланган режали хўжалик шаронтида унинг фаолият натижасин сифатида ялсин ижтимоий маҳсулот гавадланади. Бу кўрсаткич моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва уларга хизмат кўрсатинин соҳасида яратилган ялсин маҳсулотларининг арифметик йиғиндисин ҳисобланади.


Миллий иқтисодиёт тушунчасин бунидан фарқ қилади. Мамлакатда функциялар асосида шаклланган ишлаб чиқариш тармоқлари, соҳалари бир-бири билан изчил ва узвий боғланиб, ягона ижтимоий иқтисодиёттин барини этадилар. Ана шу яхлитлик нуқтан назаридан ижтимоий иқтисодиёт миллий иқтисодиёт деб аталади.

Демак, бу ҳолда миллий иқтисодиёт тармоқлар кетма-кетлигида ҳосил бўлган тўнлам сифатида эмас, балки ўзаро иқтисодий бирикшин натижасида юзага келган бир бутун организм сифатида талқин этилади. Миллий иқтисодиёт фаолиятининг натижасин барча тайёр маҳсулотлар ва хизматлардан иборат бўлиб, улар пировард натижада истеъмол қилинади ёки истеъмол қилинша мулкяланади.

Қуйидаги чизмада халқ хўжалиги ва миллий иқтисодиёт тушунчалари орасидаги фарқлар яққол кўриниб турибди:



а) Халқ хўжалиги



б) Миллий иқтисодиёт

3-расм. Халқ хўжалиги ва миллий иқтисодиёт тушунчаларинин тузилмавий тасвири.

3-а расмдан кўриниб турибдики, халқ хўжалиги - бу кетма-кетликдаги турли тармоқлар тўнлаидир. Миллий иқтисодиёт эса 3-б расмда тасвирланганидек, бир бири билан ўзаро бирикиб кетган

тармоқлардан ҳосил бўлган ягона иқтисодий организм (тизим) дир. Халқ ҳўжалиги деганда ёпиқ ижтимоий иқтисодиёт кўз ўнгимизда гавдаланса, миллий иқтисодиёт эса бозор иқтисодиёти билан ўзаро боглиқ ва ўнинг хўсўсиятларидан келиб чиқадиган тушўнчадир.

Бозор иқтисодиёти очик иқтисодиёт бўлиб, ташки иқтисодий алоқаларни кенг микёсда йўлга қўйиб, миллий иқтисодиётни жаҳон бозори билан изчил, жаҳон ҳамжамияти билан ўзвий боғлашганини тақазо этади.

1) бу ерда "иқтисодий тизим" сўзи тор луғавий маънода ишлатилган. Кенг маънода у иқтисодий ресурслар, иқтисодий мўнособатлар, иқтисодий механизм ва иқтисодий сўёбатни қамраб олади.

Шў боисдан мамлакат миллий иқтисодиётини статистика тилига мослаштириши ўчўн бу тушўнчага аниқлик киритиши зарурияти туғилади. Бўнинг ўчўн уни иерархиявий (поғонама-поғона) ва ҳудудий тузиллини жихатидан кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши керак.

Ҳудудий тузилиши миллий иқтисодиётни ётик (горизонтал) кесимда қарашга асосланади. Бу ҳолда у айрим ҳўжаликлар, минтакалар ва мамлакат ички иқтисодиёти ва шу мамлакатдаги миллият (аниқроғи резидентлар) иқтисодиётидан ташкил тонади. Айрим ҳўжаликлар ўз фаолиятини маълум макон шароитда олиб боради. Одамларнинг мазкур макон чегарасида бирлашиб, маълум мақсад йўлида биргаликда ҳаёт кечирини, меҳнат қилини, турли ишларни бажарини, қўзланган натижага эришини муайян ҳўжаликнинг туў моҳиятини белгилайди. Бу ҳўжалик якка тартибда, оилавий, гуруҳий, корпоратив ва бошқа шаклларда ташкил этилини мўмкин.

Минтака иқтисодиёти маъмурий-ҳудудий ва иқтисодий бўлинима (масалан, туман, вилоят, ҳудудий ишлаб чиқарини мажмўн, иқтисодий район ва ҳоказо) ларга таянади. Бўндай иқтисодиёт ҳудудий бўлинмалар чегарасида олиб бориладиган иқтисодий фаолиятларнинг изчил, бир бутўн мажмуасидир.

Мамлакат ички иқтисодиёти ўнинг иқтисодий - ҳудуд чегарасида шаклланган иқтисодий тизимини англатади. Иқтисодий ҳудуд жуғрофий маънодан фарқ қилади. Бўндай ҳудуд чегарасида фукарюлар, товарлар ва капиталларнинг эркин ҳаракати ўчўн давлат ҳокимияти томонидан барча зарўрий шарт-шароитлар яратилади. У мамлакат жуғрофий ҳудудидан ташқари, давлат тасарруфидаги оролларни, ҳудуддаги сувларни, фазони ва бошқа мамлакатлардаги "ҳудудий анклава"ларни (уларни мазкур мамлакатдаги анкловалари ҳисобдан чиқарилади) ҳам қамраб олади. Ҳудудий анклавалар - бу, давлат ҳокимияти измидаги бошқа мамлакатлар ҳудудида жойлашган ерлар бўлиб, улардан фойдаланиши ижарачилик ёки мўлккий қонўнчиликка биноан тузилган ички ёклама битимлар ва шартномаларга асосланади ҳамда дипломатик, ғлмий ва қисман ҳарбий (ҳарбий базалар жойлаш) мақсадларни кўзлайди.

Шундай қилиб, ички миллий иқтисодиёт мамлакат иқтисодиётининг иқтисодий ҳудуд нуқтаи назаридан талқин этишга асосланади. У мазкур ҳудудда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти бир бутун организм (тизим) сифатида нақлланишини ифодалайди. Бу масаланинг бир томони, унинг иккинчи томони мамлакат иқтисодиётига резидентлик нуқтаи назаридан қаралини билан боғлиқдир.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар эркин ҳаракатдаги мустақил иқтисодий сиймо сифатида гавдаланиши учун уларнинг мамлакат иқтисодий ҳудудида фаолият кўрсатиши асосий мезон бўла олмайди. Бунинг учун улар мазкур ҳудудда иқтисодий манфаат марказига эга булиши шарт. Бу белги ҳўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий табиатини аниқловчи энг муҳим сифат ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодий ҳудудида жойланиб, муайян субъект тасарруфи остида бўлган мулк ёки объект, масалан, уй-жой, иморат, ер, иншоот, асбоб-ускуна, жиҳоз ва бошқа шаклдаги моддий ресурслар иқтисодий манфаат маркази деб аталади. Субъект ушбу объектга инсбатан тўла мулкчилик ёки ундан фойдаланиши ва ижарага берин ёхуд фойдаланиши тартиб қоидаларини белгилаш ва солиққа тортиш ҳуқуқларига эга булиши мумкин. Мулкчилик ҳуқуқининг даражасидан (тўлиқ ёки қисман) катъий назар, ҳамма ҳолларда ҳўжалик юритувчи субъект ўзи яшаётган мамлакат иқтисодий ҳудудида жойланган мулк ёки объектга (иқтисодий манфаат марказига) эга бўлгани учун мазкур мамлакатнинг резиденти ҳисобланади. Аксарият резидентлар ўз мамлакати иқтисодий ҳудудида фаолият кўрсатадилар. Уларнинг бир қисми бошқа мамлакатлар ҳудудида иқтисодий фаолият билан қисқа вақтда (1 йилгача муддат) давомида шуғулланишлар. Бундай ички тоифадаги бундай резидентлар - субъектлар иқтисодий фаолиятларининг мажмуасидан ягона организм (тизим) сифатида ҳисоб бўлган мамлакат иқтисодиёти бутун миллат - резидент иқтисодиёти ёки тўла маънодаги миллий иқтисодиёт деб аталади. Миллий иқтисодиётга тикка (вертикал) кесимда қаралса, унинг иерархиявий (поғонама-поғона) тузиллини кўзга ташланади.

Иқтисодий иерархиянинг энг қўйи поғонасидан ҳўжалик юритувчи субъектлар яъни қорхоналар, танкилотлар, муассасалар, уй ҳўжаликлари, корпорациялар, фирмалар, яъни тартибда товар ишлаб чиқарувчилар ўрин эгаллайди. Уларнинг иқтисодий фаолияти миллий иқтисодиётнинг негизини ташкил этади.

Функционал меҳнат тақсимои натижасида бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар бирикмасидан тармоқлар ҳисоб бўлади. Иқтисодий иерархияда қўйидан юқориқроқ ўрин тутати ва ўрта поғона ҳисобланади.

Қорхоналар иқтисодиёти билан тармоқлар иқтисодиёти микроиқтисодиёт деб юритилади. Демак, микроиқтисодиёт иерархиянинг энг қўйи ва ундан юқориқроқ поғоналарида шаклланади.

Бир хил жиисли иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро бирлашувидан иқтисодий секторлар вужудга келади. Мамлакат миллий иқтисодиёти қўидаги йирик иқтисодий секторлардан ташкил тонади:

- товар ва хизматларни ишлаб чиқарадиган номолиявий корпоратив сектор;

- иқтисодиёт тартибга солиш умумдавлат бошқарув вазифаларини ўтайдиган марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимиятлар (ижтимоий таъминотни ҳам қўшиб) сектори;

- молиявий воситачилик вазифасини бажарадиган молиявий корпоратив сектор;

- товар ва хизматларни истеъмоли ва ишчи кучини қайта яратиш билан шуғулланадиган уй хўжаликлари сектори;

- уй хўжаликлариға хизмат қиладиган нотижорат ташкилотлар сектори;

- юкорида қайд этилган барча секторлар бирлашиб, жуда йирик бирикма - ички иқтисодиёт секторини вужудга келтиради;

- ва нихоят, ташки иқтисодий фаолиятларни ифодалайдиган ажнабий давлатлар сектори.


Мазкур секторлар орасида изчил ўзаро иқтисодий алоқалар мавжуд. Улар товар - пул мунособатлари шаклида кечадилар.

Макроиқтисодиёт тушунчаси секторлар иқтисодиёти ва улар орасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни бир бутун иқтисодий организм сифатида қарашға асосланади. Шундай қилиб, мамлакат ҳамда минтакалар миқёсида олиб қараладиган миллий иқтисодиёт, яъни иқтисодий жараёишлар мажмуаси макроиқтисодиёт деб аталади.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги пул-товар мунособатлари негизида турли - туман, беҳисоб хўжалик операциялари ётади. Хўжалик операциялари - бу маълум иқтисодий масала бўйича шундай сай-ҳаракат ёки келишувки, пировард натижада унинг ҳолатида, тузилишида узгариш руй беради. Масалан, олди-сотди операцияси натижасида товар бир томондан иккинчи томонға, пул тўлови эса тескари йўналишида ҳаракатға келади, пировард натижада алмашув жараёни руй беради. Бир хил турли хўжалик операцияларининг мажмуаси иқтисодий оқимларни ҳосил қилади.

Иқтисодий секторлар орасида икки тоифадаги иқтисодий оқим мавжуд: бири - товар ва хизматлар оқимлари деб аталади. Бу оқим товар ва хизматлар ҳаракатини, уларнинг ҳолатидаги узгаришларни ифодалайди. Иккинчиси - даромадлар ва ҳаражат (буромад)лар оқимлари деб юритилади. Улар товар ва хизматлар ҳаракати натижасида даромадларнинг шаклланиши ва пул тўловлари сифатида ҳаражатларнинг вужудға келиш жараёишларини ифода этади.

Бу оқимлар бир-бириға қарама-қарши йўналишида ҳаракат қилиб, биригаликда маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланмасини ҳосил қилади. Доиравий айланма эса бозор иқтисодиёти моделининг



4-расм. Иқтисодий доиравий айланма

- ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ОҚИМИНИНГ ИШОРАСИ
 --- ДАРОМАДЛАР ВА ҚАРАЖАТЛАР ОҚИМИНИНГ ИШОРАСИ

○ ИЧКИ КАТТА ДОИРА - ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР АЙЛАНМАСИ

○ ТАШҚИ КАТТА ДОИРА - ДАРОМАДЛАР ВА ҚАРАЖАТЛАР АЙЛАНМАСИ

Ж.М.Б. - ЖАҲОН МОЛНАВИЙ БОЗОРИ

Ж.Т.Б. - ЖАҲОН ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

I-IV - ИҚТИСОДИЁТ СЕКТОРЛАРИ

1-5 - БОЗОР ТУРЛАРИ

соддалаштирилган тасвири ҳисобланади. Шундай қилиб, иқтисодий оқим - бу товарлар ва даромадлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган шундай иқтисодий жараёнки, у вақт нуқтан назаридан узлуксизлик хусусиятига эга бўлиб, маълум давр учун одатда пулда ёки бошқа улчов бирликларида ифодаланади.

Маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланмаси деганда ишлаб чиқарувчилар билан уй хўжаликлари орасида бозор келишувлари асосида маҳсулотларни айрибошлаш жараёнларини тасвирлайдиган товар ва хизматларнинг оқимлари ва улар билан пул тўловлари ёрдамида мувофиқлаштирилган даромадлар (ҳаражатлар) оқимлари тушунилади. Бу доиравий айланма 4-расмда тасвирланган.

Аволо иқтисодий доиравий айланмада иккита қутб мавжудлиги кўзга ташланади: бири - товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар, яъни ишлаб чиқариш соҳаси сектори (4-расмда улар фирмалар деб номланган); иккинчиси - товар ва хизматларни истеъмол килувчилар, яъни провард истеъмол сектори (расмда улар уй хўжаликлари деб аталган). Соат миллининг ҳаракат йўналиши бўйича товарлар ва хизматлар оқимлари, уларнинг ҳаракатлари тасвирланган.

Дастлаб ишлаб чиқариш секторига моддий-иқтисодий ва табиий ресурслар ҳамда меҳнат оқимлари (ишловчи куч) жалб қилинади.

Ҳар бир тармоқ чегарасида улар ишлаб чиқаришнинг моддий - ашёвий захираларини ёки фондларини ҳамда ишловчи кучини ҳосил қилади.

Бутун миллий иқтисодиёт миқёсида эса улар миллий бойлиқни шакллантиради. (бу ҳолда иқтисодий салоҳият ва ресурслар деб ҳам юритилади). Иқтисодий ўсиш натижасида мазкур бойлик кўпая боради. Ишлаб чиқариш фаолиятида бевосита ишлатилмайдиган уй-жой, уй жиҳозлари, шахсий истеъмол буюмлари каби моддий ресурслар ҳам борки, улар ишлаб чиқариш фондлари деб аталади ва миллий бойлиқни таркибий қисми ҳисобланади.

Моддий-иқтисодий ва табиий ресурслар ишлаб чиқариш фаолиятининг моддий - ашёвий омиллини, меҳнат ресурслари эса унинг шахсий-инсоний омиллини ҳосил этади.

Шахсий инсоний омил - иқтисодий фаол аҳоли, унинг жисмоний ва ақлий қобилияти, билим ва савияси, малака ва маҳорати, тадбиркорларнинг иш кўзини билиши ва танкилотчилиги, хавф-хатардан қўрқмасдан таваккалчилик асосида иш юритишидир.

Моддий-ашёвий омил - ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча моддий шаклдаги воситалардир. Улар меҳнат қуроллари ва воситаларидан, меҳнат буюмларидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари деб ҳам аталади.

Уларнинг бир қисми - табиий ресурслар, бошқалари эса меҳнат жараёнида яратилган жамғарма иқтисодий ресурслардир.

Ишлаб чиқарини воситалари ва ишловчи куч маълум техник-технологик усуллар ёрдамида бир-бири билан бирикиб, ўзаро бир-бирига таъсир этиб ҳаракатга келади. Натижада ишлаб чиқарини юзага чиқади, товарлар ва хизматлар яратилади.

Барча ишлаб чиқарини соҳалари ва тармоқларида яратилган товарлар ва хизматлар тўплами ялпи ишлаб чиқарини деб аталади.

Мазкур товарлар ва хизматларнинг бир қисми ишлаб чиқарини доирасидан ташқарига истеъмол учун тайёр маҳсулот сифатида чиқмайди, балки улар бир тармоқдан маҳсулот сифатида чиқиб иккинчи тармоққа ишлаб чиқарини воситалари сифатида киради ёки ишлаб чиқаринида ишлатилган бошланғич моддий-ашёвий захиралар ўрнини қоплайди. Масалан, ялпи дон ҳосилидан бир қисми уруғлик захира жамғармасини тўлдирини учун ажратилади.

Ялпи ишлаб чиқаринининг таркибий қисми бўлган мазкур товарлар ва хизматлар оралик истеъмол деб аталади. Улардан ташқари ишлаб чиқаринининг қолган муайян воситалари ялпи қисми провард истеъмол учун яроқли товарлар ва хизматлардан ташкил топади. Ишлаб чиқарини соҳаси (сектори)да улар тайёр маҳсулот ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт миксидида бундай товарлар ва хизматлар агрегати ялпи ички маҳсулот деб аталади, унинг тармоқлари ва секторлари доирасида эса ялпи қўшилган қиймат деб номланади.

Иқтисодий доиравий айланмада мазкур тайёр маҳсулотлар товарлар ва хизматлар бозори орқали истеъмолчилар, уй хўжалиги сектори томон ҳаракат қилади.

Мамлакат ички бозорларининг товарлар ва хизматлар билан туйилишида ички иқтисодиёт билан бир қаторда ташқи иқтисодий факцият ҳам муҳим роль ўйнайди.

Одатда жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини ички ишлаб чиқарини ҳисобига ҳамма товарлар ва хизматлар билан қондириши иложи бўлмайди. Тақчил маҳсулотлар бошқа ажнабий мамлакатлардан импорт қилинади, иқтисодий паф (самара) келтирадиган товарлар эса чет элга экспорт қилинади.

Ички ишлаб чиқарини билан импорт ҳисобига мамлакат ички бозорларининг товарлар ва хизматлар ресурслари шаклланади. Олдин-сотди операциялари натижасида улар харидорлар-аҳоли билан давлат ташкилотлари ихтиёрига ўтади. Иқтисодий доиравий айланмада 4-раъсда тасвирланганидек, товар ва хизматларининг аҳоли хариди билан давлат хариди кейинчалик бирилиб, уй хўжаликлари сектори томон ҳаракат қилади. Мазкур товарлар ва хизматлар асосан провард истеъмол учун уй хўжаликлари томонидан ишлатилади. Демак, такомилланган янги ишловчи кучни қайта тиклаш учун хизмат қилади. Ишлаб чиқарини техника воситаларидан ташкил бўлган қисми омишлар бозори томон янги тикланган ишловчи куч билан биргаликда ҳаракат қилади. Провард натижада янги асосий фондлар ва моддий - ашёвий захиралар ҳамда номоддий активлар жамғармалари вужудга


келади. Аммо иқтисодий доиравий айланма акс этирилган расмда (4-расм) ушбу иқтисодий жараёнлар бирмунча соддалаштириб тасвирланган. Аслида улар бошқачароқ кўринишда кечади.

Аҳоли сотиб олган товарлар ва хизматлар асосан шахсий истеъмол учун ишлатилади. Уларнинг бир қисми эса моддий-техника ресурслари сифатида омиллар бозори томон йўл олади. Давлат харид қилган товарлар ва хизматларга келсак, улар қисман шахсий истеъмол, қисман жамоа истеъмоли ва қисман умуммиллат истеъмоли учун ишлатилади ҳамда аҳоли шахсий истеъмоли билан қўшилиб, провард истеъмолни ҳосил қилади. Моддий-техника воситалари шаклидаги қолган қисми давлат томонидан янги асосий фондлар ва моддий - ашёвий захиралар жамғармасини вужудга келтириш учун ишлатилади. Провард натижада истеъмол фонди ва жамғарма фонди шаклланади. Шундай қилиб товарлар ва хизматлар оқимлари провард истеъмолни ва асосий фондлар, моддий-ашёвий захиралар ҳамда номоддий активлар жамғармаларини вужудга келтириш билан якунланади. Ушбу жамғармалар ва қайта тикланган ишловчи куч янги кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида моддий ашёвий ва шахсий инсоний омиллар сифатида хизмат қилади.

Товарлар ва хизматлар оқими ҳақидаги шарҳларни якунлай туриб, юқорида баён этилган фикрларни янада яққолроқ ва ойдинроқ изохлаш мақсадида қуйидаги тасвирини келтирамыз. (5-расм).

Демак, товар ва хизматлар иқтисодий доиравий айланада турли мақомлар ва шаклларга эга бўлади.

Юқорида товарлар ва хизматлар оқими тасвирланаётганда биз аниқ бозор шароитидан бирмунча четландик. Асосий эътиборни миллий маҳсулот тоифаси ўз ҳаракати давомида иқтисодий жараёнларда қандай шаклда намоён бўлишига жалб қилиш учун бундай абстракция (ахёқ воқеъликдан четланиш) зарур эди. Реал бозор шароитида товарлар ва хизматлар ҳаракати олди-сотди амаллари натижасида пул ёрдамида юзани чикади. Сотиб олинган товарлар учун харидор пул тўлайди, яъни ўз даромадларини ҳарж қилади. Сотувчи эса ушбу пул тушумига яъни даромадга эга бўлади. Демак, товарлар учун пул тўлови сотувчи учун даромад, харидорлар учун буромад (ҳаражат) ҳисобланади. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида товарлар ва хизматлар оқими доиравий айланади. У билан мўвофиқлашган пулда ифодаланган даромадлар ва буромадлар оқими шаклида кечади. Мазкур оқим биринчисиға карама-карини йўналишида ҳаракат қилади. Шунинг учун иқтисодий доиравий айлана чизмасида (4-расм) даромадлар ва буромадлар оқими соат миллиари ҳаракатинг тескари кўринишда тасвирланган. Энди мазкур оқимни чуқурроқ кўриб чиқамиз.



5-расм. Товар ва хизматлар оқичининг шакллари.

Дастлаб молиявий бозорлар, ҳукумат (давлат бошқарув таъшилотлари) ва ташқи иқтисодий алоқалар мавжудлигини эътиборга олмайдик. У ҳолда доиравий айлана кутблари - уй хўжаликлари ва фирмалар бир-бири билан икки тоифадаги бозорлар орқали боғланганини кўрамиз. Пастдаги омиллар бозоридан фирмалар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни ишловчи куч, капитал (асосий фондлар ва моддий-ашёлар) ва табиий ресурсларни уй хўжаликларидан сотиб олишнинг кузатамиз. Демак, ушбу пул тўловлари фирмалар учун бурмад, уй хўжаликлари учун эса даромадлардир. Улар ресурслар учун тегишли пул тўловлари амалда иш ҳақи, фонд даромадлари, рента тўловлари, фойда ва ҳоказолар шакллари олади. Макроиқтисодиёт микёсида мазкур даромад шакллари йиғиндиси уй хўжаликлари қўлида тупланадиган миллий даромаддир. У товарлар ва хизматлар бозорларидан тушпама истеъмол учун уларни сотиб олишга ҳарж килинади.

Миллий даромад миллий маҳсулотга тенгдир. Ҳақиқатда ҳам фирмалар ўз маҳсулотларини товарлар ва хизматлар бозориди (доиравий айлана чизмаси ифодаланган 4-расм юқори қисмига қаранг) уй хўжаликларига сотадилар. Макроиқтисодиёт микёсида ушбу товарлар тушпаидан миллий маҳсулот ҳосил бўлади. Миллий даромад эса уни сотиб олиш учун уй хўжаликлари килган харажатлардир. Унинг аксарият қисмини фирмалар ишчиларга иш ҳақи, ер рентаси, капитал учун фонд тўловлари ва ҳоказо шаклларда ишлатади. Ушбу тўловлар миллий маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари бўлиб, бутун миллий даромад ҳажминини ўз ичига олади. Барча харажатларини қоплангандан сўнг фирмаларда қоладиган фойда миллий даромаднинг таркибий қисми ҳисобланади. Чунки бир вақтининг узида фирмалар эгаси бўлгани уй хўжаликлари уни ишлаб топадилар.

Шундай қилиб, иш ҳақи, фойда ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари учун тўловлар миллий маҳсулотни сотиндан олганин пул тўловлари бўлиб, улар тула ҳолда уй хўжаликлари ихтиёрига утадилар ва миллий даромадини барпо этадилар. Доиравий айлана таркибий қисмлари (миллий даромадини ҳам, миллий маҳсулотини ҳам) реал ва номинал ҳолда ўзгарини мумкин. Иқтисодий фанда "номинал" атамаси ҳар қандай миқдорини ҳақиқий баҳоларда ифодалани учун ишлатилади. Демак, товар ва хизматларини ҳақиқий бозор баҳоларида ҳисоблаш уларнинг номинал ҳажминини аниқлашдир. Агарда пул инфляцияга учраган бўлса, бундай ҳисоблаш унинг таъсирини ҳам ҳисобга олади. "Реал" баҳолаш эса инфляция таъсиридан холи бўлади. Бунинг учун номинал ҳисоблаш натижаси индексациялангани керак.

Уй хўжаликлари билан фирмалар орасидаги ўзаро макроиқтисодий алоқаларини баён эта туриб, энди тармоқ, жамғарини, инвестиция қилиш ва молиявий бозорлар билан боғлиқ бўлган боғланишларини кўриб чикамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари, одатда, уларнинг даромадларидан оқдир. Истеъмол

товарлар ва хизматларни сотиб олиш ҳамда солиқларни тулаш учун қилинган ҳаражатлардан ташкари уй хўжаликлари қулида умумий даромадларидан қолган қисми жамғарма деб аталади. У даромадларни тежаб-тергаб ишлатиш натижасида ҳосил бўлади. Жамғаринининг энг кўп тарқалган шакли нақд пуллар тулаш ёки уларни банкларга қўйиш ёки қимматли қозғоларни сотиб олишдир. Бундай шаклларда жамғармалар вужудга келтириш учун даромадлардан бир қисми ишлатилади.

Айрим иктисодчилар уй хўжаликларида томонидан қарзларни тулаш учун қилинган ҳаражатлар ҳам жамғариш жараёнига киради деб ҳисоблайдилар. Чунки бу ҳолда қарздан қутилиш учун кетган пул истеъмоладан ҳам, солиқларни тулаш учун ҳам ишлатилмайди.

Таъкидлаш керакки, барча уй хўжаликлари жамғарувчилар қаторига кирмайди, албатта. Масалан, ёш оилалар ишлаб топган даромадларидан кўпроқ ҳарж қиладилар, жумладан улар уй-жой, қиммат уй жиҳозлари сотиб олиш, билим олиш учун кўп маблағ сарфлайдилар. Одатда, бу маблағ қарз ҳисобига қoplanади. Қариялар ҳам нафақаларидан ташкари яхшироқ кун кечириш учун олдин жамғариб қўйган маблағларидан қўшимча ҳаражат қиладилар. Шу билан бир қаторда ортиқча даромадларга эга бўлган оилалар ҳисобидан кўпроқ маблағ жамғаришга эришади. Ҳар қандай натижада макроиқтисодиёт микросида уй хўжаликлари қулида бирмунча жамғарма маблағлар ҳосил бўлади.

Агарда уй хўжаликлари йил давомида ишлаб топган даромадларидан камроқ маблағ ҳарж қилсалар, тадбиркор корхона ва фирмалар эса, аксинча ўртача ҳар йили маҳсулотлар сотишдан келган даромадлардан кўпроқ маблағ ҳаражат қиладилар. Бунинг сабаби шундаки, улар ишлаб чиқариш ресурслари учун тўловлардан ташкари қўшимча инвестициялар барпо этишлари учун маблағ ажратишлари керак. Ушбу инвестициялар асосан икки қисмдан ташкил топади - бири асосий фондларни қўнайитириш учун инвестициялар, иккинчиси моддий-ашёвий захираларни қўшимча тулдирини учун инвестициялар. Бу доиравий айланма чизмасида (4-расм) омилар бозори орқали оқимда тасвирланган.

Қўшимча инвестицияларни барпо этишни молиялаштириш масаласига келсак, одатда у молиявий бозорлар ёрдамида ечилиди.

Даромадларни тежаб-тергаб сарфлаш натижасида вужудга келган жамғармаларни уй хўжаликлари, қўшимча инвестиция тулланиши жа фирмалар амалга оширади. Бунинг учун биридан иккинчисига пул маблағларининг кўчишини таъминлайдиган механизмлар зарур. Бу механизмлар молиявий бозорларнинг амал қилиши натижасида вужудга келади.

Молиявий бозорлар турли йўллар мажмуасидан иборат бўлиб, улар орқали пул маблағлари жамғарма соҳиблари (эгалари)дан қарз олувчиларга (тадбиркор фирмаларга) утади. Маъмур каналлар асосан иккита тоифадан ташкил топади: бири - тўғридан-тўғри

молиялаштириш йўллари бўлиб, улар орқали жамгарма эгаларидан маблағлар бевосита қарз олувчиларга ўтади, иккинчиси - эгри молиялаштириш йўлида, яъни уй хўжаликларидан маблағлар тижорат ва жамгарма банклари, суғурта ташкилотлари ва ҳоказолар орқали фирмаларга ўтади. Демак, бу ташкилотлар улар ўртасида молиявий воситачилик ишларини бажаради.

Тўғридан-тўғри молиялаштириш ўз навбатида икки усулда амалга ошириш мумкин: бири - хиссадорлик йўли билан молиялаштириш, иккинчиси - қарз (кредит) олинш йўли билан молиялаштириш. Биринчи ҳолда фирма инвестициялар учун пул маблағларини жалб қилишга уларнинг эгалари хиссадорлик шартномаси асосида фирма мулкида қатнашиш ҳуқуқини бериш йўли билан эришади. Бунинг учун турли акциялар чиқариб, хўжаликларга сотилади, улар фирма фойдасидан блр хиссасини олинш ҳуқуқига эга бўлади. Иккинчи ҳолда фирмалар инвестиция учун пул маблағларини жалб қилаётганда ўз зиммасига ушбу маблағларни келажакда келинчилган фонд билан қайтариб бериш мажбуриятини олади. Шундай қилиб, миллий даромаднинг бир қисми молиявий бозорлар орқали инвестицион жамгармаларга айланади. Уй хўжаликлари учун мазкур жамгармалар келажакда оғир қушларда истеъмол қилиш учун тутилаб қуйилган маблағдир. Шунинг учун шахсий истеъмол билан жамгарма биргаликда тўйлама истеъмол деб ҳам аталади.

Иқтисодий доиравий айланимда, макронқтисодий ўзаро муносабатларни шаклланишида, 4-расмдан кўриниб турганидек, давлат сектори муҳим роль ўйнайди. Айлана чизмасида давлат бонқарув ташкилотларининг барча даражалари - марказий ҳуқуқий қонунчилик идоралари ва ҳукуматнинг ижроия ташкилотлари, ишлот ва туман ҳокимиятлари, бонқа маҳаллий ташкилотлар ягона давлат секторига бириктирилган бўлиб, бу сектор бонқа иқтисодий секторлар билан тўрт воситалар ёрдамида - солиқлар, трансфертлар, товарлар ва хизматларни давлат хариди ва ишхот қарзлар орқали боғланиш тасвирланган.

Демак, бюджет даромадлари асосан фирмалардан ва уй хўжаликларидан олиннадиган солиқ тушумларидан ташкил топади. Аммо 4-расмда фирмалар тўлайдиган солиқлар бевосита тасвирланмаган. Доиравий айланиш соддалигини мақсадда олдин барча фирмалар яъни фойдаларини ўз эгалари бўлиши уй хўжаликларига тулайди, сўнгга улар мазкур фойдалардан ҳамма солиқларни давлат бюджетига йўллайдилар деган ғоя чизмада акс эттирилган. Бундай қараш масала туб моҳиятига таъсир этмайди, албатта. Бюджет даромадларидан уй хўжаликларига давлат пенсиялари ва нафакалари, кам даромадли аҳоли катламларига турли нақддаги иқтисодий ёрдамлар, инсизларга нафакалар ва бонқа бир ёқлама тўловлар берилади. Бундай тўловлар трансфертлар деб аталади. Уй хўжаликларидан давлат секторига тушадиган пул маблағлари оқимиға мавжуд солиқ тизимининг соф таъсирини аниқлаш

учун ялпи солиқ тўловларидан трансферт тўловларини айириб ташлаш керак. Натижада соф солиқлар ҳажми ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, давлат трансфертлари - давлат бюджетига келадиган солиқ тушумлари билан уй хўжаликлари секторидан чиқадиغان пул маблағлари оқими ҳажми орасидаги фарқ ёки бошқача сўз билан айтганда давлат бюджетидан уй хўжаликларига бир ёклама товоносиз тўловлардир.

Соф солиқлар - ялпи солиқ тўловларидан давлат трансфертларини чегириб ташлаш натижасида олинган кўрсаткич (баҳолаш)дир.

Умумий давлат бюджети ҳаражатлари икки қисмдан борат: бири - трансфертлар, иккинчиси - товар ва хизматларни давлат томонидан сотиб олиш ҳаражатлари ёки кичикача давлат харидлари. Улар давлат ташкилотлари сотиб олган товарлар ва хизматлар учун тўловлардан, шунингдек, давлат хизматчиларига бериладиган иш ҳақидан оборат. Шундай қилиб, давлат ҳаражатлари - бу давлат харидлари билан трансферт тўловлари йиғиндисидир.

Доғравий айланма чизмасида (4-расм) барча давлат бюджетнинг барча ҳаражатлари олдин давлат секторидан товарлар ва хизматлар бозорига, сўнгра ишлаб чиқариш бозорлари орқали уй хўжаликларига йўналиши тасвирланган. Бу ерда ҳам маълум даражада соддалантиришга йўл қўйилган. Аслида давлат харидлари таркибида ҳисобга олинган давлат хизматчиларининг моиналари ўз ҳаракатида товар бозорлари ҳамда фирмалар секторини ташқарида қолдириб, давлат секторидан бевосита ишловчи куч (ишлаб чиқариш омиллари) бозорлари томон ҳаракат қилади, сўнгра уй хўжалиги секторига кириб боради.

Ва нихоят, давлат сектори бошқа секторлар билан молиявий бозорлардан олинадиган давлат қарзлари орқали боғланган. Давлат ҳаражатлари ҳар доим солиқ тушумлари ва бошқа давлат даромадларига тенг бўлавермайди. Одатда улар даромадлардан кўнрок бўлади. Натижада бюджет тақчиллиги ҳосил бўлиб, у молия бозорларидан олинадиган қарзлар ҳисобига қопланади. Мазкур қарзлар давлат облигациялари ва бошқа қимматли қогъзаларни молиявий воситачилар уй хўжаликларига ҳамда корхоналарга сотиш йўли билан қопланади. Давлат бюджетида ортиқчалик (даромадлар ҳаражатлардан кўн) ҳосил ҳам бўлиши мумкин, албатта. Бу ҳолда у тўланиб қолган давлат қарзларини тўлаш учун ишлатилади. Демак, давлат сектори молиявий бозорларни пул маблағлари билан таъминловчи сифатида тавдаланади.

Шу пайтгача иқтисодий тизимни ёпиқ шаклда қарадик, яъни у ташқи дунё билан иқтисодий алоқаларга эга эмас деб фараз қилдик. Аммо реал ҳаётда бундай тизим йўқдир. Бозор шароити миллий иқтисодиётни очиқ тизим шаклида бўлишини таъказо этади. Очиқ иқтисодий тизим бутун жаҳон билан товар ва хизмат импорти ва экспорти ҳамда халқаро молиявий бозорлар орқали боғланган.

Ёшқ иқтисодий тизим - бу бошқа мамлакатлар билан алоқалари йўқ тизим.

Очиқ иқтисодий тизим - ажнабий давлатлар билан экспорт, импорт ҳамда молиявий операциялари механизмлари ёрдамида боғланган тизим.

4-расмда халқаро иқтисодий алоқалар доиравий айланада қандай йўл билан яшироқ этишни тасвирланган.

Товарлар ва хизматлар импорти ташқи дунё билан алоқада бўлишининг биринчи бўғинидир. У импорт қилувчи ажнабий давлатларга пул тўловларини аниқлатади. Шунинг учун импорт - даромадлар ва хароқатлар оқими, демак, иқтисодий доиравий айланада ички миллий иқтисодиётдан чет эл томон хароқат қилувчи оқим сифатида ўрин эгаллайди.

Экспорт ички миллий иқтисодиётни чет эл билан боғлайдиган яна бир бўғин ҳисобланади. Ажнабий давлатларга сотилган товарлар ва хизматлар қийматини қоплайдиган тўловлар сифатида олинган маблағлар ички товарлар бозорлари орқали уй хўжаликлари, фирмалар ва давлатга маҳсулотларини сотиндан олинган пул маблағлари оқими билан қўйилади. Ушбу барча маблағлардан олинган маблағлар ички миллий маҳсулотини сотиндан фирмалар олган даромадлар билан қўйилади.

Товар ва хизматларини экспорт ва импорт қилишдан ташқари миллий иқтисодиёт чет эл билан халқаро молиявий операциялар орқали ҳам боғланган. Мазкур молиявий операциялар таркибига, масалан, қарз олиш ва кредит бериш, реал ва молиявий активларини чет элдан сотиб олиш (халқаро харид) ва бошқа мамлакатларга сотиш киради. Ниронард натижада ички миллий иқтисодиёт томон ёки ундан ташқарига, чет элга йўналган тўловлар оқими ҳосил бўлади.

Чет эл сотувчилардан активларини соф хариди билан ажнабий молиявий воситачилардан олинган соф қарзлар натижада вуқудга келган ва ички иқтисодиёт томон йўналган маблағ оқимларини капитал оқиб келиши деб аталади. Бу ерда соф қарзлар деганда янги қарзлар билан ёки қарзлар (суддалар) бўйича тўловлар орасидаги фарқ тушунилади. Ажнабий харидорларга активлар сотишнинг соф хажми ёки улар томонидан соф хариди деганда умумий харид хажмидан ажнабий харидорлар томонидан сотиб олинган активларини қайтадан мамлакат резидентларига сотиш хажмининг айириб танилган натижаси назарда тутилади.

Мамлакатнинг молиявий воситачилар томонидан чет элдан сотиб олинган активлар ва ажнабий кредитдорларга берилган кредит (судда) лар соф хажми бошқа мамлакатларга капиталнинг оқиб келиши деб аталади.

Импорт ва экспорт бўйича тўловлар оқимлари билан капиталлар оқимлари орасида маълум ўзаро боғлиқлиги мавжуд.

Иқтисодий доиравий айланада молиявий бозорларнинг давлат бошқарув ташкилотлари ва ташқи иқтисодий фаолиятдаги роли билан

боғлиқ бўлган масалаларни баён этиш якунида қуйидагиларни таъкидлаб ўтамиз.

Биринчидан, яъни ички маҳсулот таркибидаги товар ва хизматларни мамлакат бозорларидан сотиб олиш билан бевосита алоқадор бўлмаган пул маблағларидан фойдаланишнинг учта йўли мавжуд:

- давлат бюджетига тушадиган соф солиқлар;
- молиявий бозорларига келадиган жамғармалар;
- ниҳоят, импорт бўйича қоплама тўловлар.

Улар чет элга "ажнабий давлатлар сектори"га кетадилар. Пул маблағларини харид қилишнинг ушбу учта усули маҳсулотлар ва даромадлар доиравий айланмасидан "қочирмалар" деб аталади.

Қочирмалар - бу миллий даромаднинг шундай қисмики, уни уй ҳўжаликлари мамлакат ичида ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олиш учун ишлатмайдилар. Санаб ўтилган учта "қочирмалар"нинг яъни хажми билан истеъмол учун харажатларнинг йиғиндиси ҳар доим миллий даромадга тенг.

Иккинчидан, мамлакат ичида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар учун харажатларнинг учта турлари борки, улар бевосита ички истеъмолчиларнинг харажатлари ҳисобланмайди. Булар инвестициялар, давлат харидлари ва экспортдан тушумлар. Бундай оқимларни доиравий айланмага қилинадиган "инъекциялар" деб аталади.

"Инъекциялар" - бу миллий маҳсулотни молиялаштириш учун истеъмолчилардан танкари боника субъектлар томонидан қилинадиган харажатлар, яъни давлат харидлари, экспортни пул билан қоплаш.

Барча "инъекциялар" миқдори билан истеъмол учун харажатлар йиғиндиси ҳар доим миллий маҳсулотга тенг.

Доиравий айланманинг мазкур унсурлари (таркибий элементлари) орасидаги боғланишларга таяниб, уларни ифодалайдиган тенгламалар тузиш мумкин.

C - истеъмол, I - инвестициялар, G - давлат харидлари, X - экспорт, S - жамғарма, T - соф солиқлар, M - импорт десак, у ҳолда:

Яъни ички миллий маҳсулот $Y = C + I + G + (X - M)$.

(X-M) - товарлар ва хизматларни соф экспорт. Яъни ички маҳсулот хажми Y аниқланаётганда туپлама истеъмол (C+I) билан "инъекциялар" йиғиндисидан импорт "X" айириб ташлашнинг керак, чўнки C.I ва G тарифига биноан, импорт истеъмол товарлари учун харажатларни ҳам, инвестиция товарлари учун харажатларни ҳам, ички истеъмол товарлари учун харажатларни ҳам, инвестиция товарлари учун харажатларни ҳам ва ниҳоят давлат Харид қилган товарлар учун харажатларни ҳам ўз ичига олади, акс ҳолда импорт икки марта ҳисобдан ўтади.

Миллий даромад "Д" = C+I+S. Ушбу тенгламани, ўз навбатида, қуйидагича кўринишга айлантириш мумкин:

$I + G + X = S + T + M$ яъни умумий "инъекциялар" ҳажми умумий "қочирмалар" ҳажмига тенг. Энг муҳими шундаки, факат "қочирмалар" ва "инъекциялар"нинг тўплама кўрсаткичларининга бир-бирига тенгдир. Айрим "қочирма" ва "инъекциялар" турларидан жуфт ҳолда олиб қараганда одатда аниқ баланс бўлмайди, умуман бундай бўлиши талаб қилинмайди. Бошқача айтганда давлат Ҳаридлар соф солиқларга, импорт экспортга, жамғарма инвестицияларга тенг бўлиши умуман шарт эмас, чунки молиявий бозорлар "қочирмалар" натижасида олинган маблағларни мавжуд оқимлардан ҳар қандай молиялаштириш йўллантириш қобилиятига эга.

Иқтисодиётда молиявий бозорлар таянч ролга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб, "қочирмалар" ва "инъекциялар" тенгмасинин кўйидаги кўринишида ёзиш мумкин:

$$I + (G - T) = S + (M - X).$$

I инвестициялар ва $(G - T)$ - давлат бюджети тақчиллиги молиявий бозорлардан чиқадиغان маблағларни ишлатиш усуллариридир.

S - жамғарма ва $(M - X)$ - соф импорт. У оқиб келадиған капитал ҳажмига тенг. Демак, $S + (M - X)$ - молиявий бозорларга "кириб келадиған" маблағлар йиғиндисидир.

Шундай қилиб, маҳсулотлар ва даромадлар доиравий айланаси бозор иқтисодиёти секторлари орасидаги асосий макроиқтисодий алоқаларининг акс эттиради. У миллий маҳсулот билан миллий даромад оқимлари орасидаги боғланишларини улар ўз харажатида қандай шаклларда юзага чиқишларининг ҳар тарафлама тавсифлайди. Шунинг учун маъжур иқтисодий доиравий айлана макроиқтисодий статистика кўрсаткичлари тизимининг тузиши учун асос ҳисобланади.

3-§. Макроиқтисодий статистика фанининг кўрсаткичлар тизими

Макроиқтисодий статистик кўрсаткичлар тизими асосида иқтисодий доиравий айланма назарияси ётади. Шу билан бирга уларни тузиш жараёнида системали таҳлил илмий қондалари (принциплари)ни ҳисобга олмаслик мумкин эмас, чунки миллий иқтисодиёт, унинг фаолияти муреккаб объект (tizim)дир. Системали ёндашнингнинг энг муҳим қондалари, илмий принциплари қуйидагилардан иборат:

- яхлитлик (бутунлик), яъни ўрганилаётган объект хоссаларининг унинг таркибий унсурларига тегишли хоссалар арифметик йиғиндисини сифатида таққин этиш бўтулай нотўғри хатти-ҳаракатдир;

- структуралик (тузилмалик), яъни объект тузиллишининг аниқлаб, у орқали тизимни тасвирлаш мумкин. Унинг табиати айрим унсурлар табиатига эмас, балки ўзининг тузилмавий хусусиятига бевосита боғлиқдир;

- иерархиялик (поғонама-поғоналик), яъни унсурлар тартибли тизимликка эга бўлиб, бири иккинчисига бўйсунади. Демак, объектни унинг таркибий қисмлари ва уларнинг тавсифномалари

(кўрсаткичлари)ни тадқиқ қилиш изчил кетма-кетликда олиб борилиши керак;

- тизим унсурларининг ўзаро алоқадорлиги, яъни биртаъки бир тўда унсурлар (охимлар) қийматлари, тавсифномалари, хоссаларининг ўзгариши бошқа унсурларда (натижада) ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Системали тахлилнинг мазкур илмий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий статистика кўрсаткичлари тизимини туздётганда иқтисодий тараққиёт мақсадли йўналишини, қўзғалган мақсадга эришини учун зарур бўлган ресурслар билан уни таъминлаш ва ижобий натижалар олиш (инлаб чиқариш ҳажми, истеъмол даражаси, миллий хавфсизлик ва ҳоказо) муаммолари ҳисобга олинади. Иқтисодий ўсish мақсадлари иқтисодийни ривожлантиришининг барча босқичларига, шу жумладан қайта қуриш даврига ҳам ҳосил.

Иқтисодийни ривожлантириш: умумдавллат мақсадлари аҳолининг барча ижтимоий қатламлари (гуруҳлари) ва умумжамаиёт манфаатларини, жумладан, иқтисодий фаолиятнинг айрим соҳалари ва тармоқларини, минтакаларни ривожлантиришнинг давлат томонидан тасарруф қилиш, инвестициялар ҳажмлари ҳамда йўналишларини, баҳолаш даражаси ва ўзгаришини аниқлаш, демографик ва илмий-техник сифат, ижтимоий муаммоларни ечим, экология, миллий хавфсизликни таъминлаш ва ҳоказо масалаларни аке эттиради.

Объектин мантиқда биноан тараққиёт мақсадларини белгилаш уларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни аниқлашни тақозо этади. Мавжуд ресурслар ўз набаида иқтисодий тараққиёт соҳасида аниқ натижалар олишга қаратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш учун моддий замин ҳисобланади.

Шундай қилиб, системали ёндашишлар асосида миллий иқтисодий ўзаро боғланган блоклардан иборат бўлган мантикий структуравий модел қўрилишида тасвирланиши лозим:

Миллий иқтисодийни режалаштириш мақсадлари - уларга эришиш воситалари - ривожланишнинг умумий натижалари ва самарадорлиги.

Мазкур иқтисодийни ривожлантиришнинг системали тахлил моделига айнинг тарзида макроиқтисодий статистика кўрсаткичлари тизими тузилади:

Миллий иқтисодийни ривожлантириш мақсадларини таърифловчи кўрсаткичлар - уларга эришиш воситаларини таърифловчи кўрсаткичлар ривожланишнинг умумий натижалари ва самарадорлигини таърифловчи кўрсаткичлар - иқтисодий жараёнлар билан уларнинг натижалари орасидаги ўзаро боғланишлар ва мутаносиблигини аке эттирувчи баланс тузилмалар.

Биринчи блокдаги кўрсаткичлар норматив, башорат қилиш, режалаш ҳусусиятга эга бўлиб, улар статистика тизимидан ташқарида шаклланади ва унга четдан кириб келади. Муайян

кўрсаткичлар иқтисодий ривожланиш мақсадлари қандай даражада амалга ошатирилганлиги устида статистик назорат ўрнатилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Охириги блок кўрсаткичлари миллий иқтисодийнинг ривожланиши жараёнини умумлаштириб, унинг барча томонларини ўзаро боғланишда ва ахлитликда таърифлаш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Биринчи блок кўрсаткичларини ҳисобга олмаган тақдирда, системали ёндоқнишлар асосида тузилган макроеқтисодий статистика кўрсаткичлари тизими иқтисодий доиравий айланма назарияси билан мувофиқлашган бўлиб, унинг илмий принципларига тўла жавоб беради.

6-расмда макроеқтисодий статистика кўрсаткичлари ва уларнинг таснифлари тасвирланган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, макроеқтисодий кўрсаткичлар тузилиш жиҳатидан ҳам, ҳисоблаш услубияти нуктаи назаридан ҳам халқаро статистика амалиётида қабул қилинган стандарт тартиб қоидалар ва талабларга тўла мувофиқлашган бўлиши керак. Масалан, миллий бойлик кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Статистика Хайъати (БМТ СХ) ва унинг ихтисослашган муассасалари (Халқаро Банк (ХБ) ва Тараққиёт Дастури (ТД)) томонидан янги концепция ва халқаро тавсиялар ишлаб чиқилган. Унинг моҳияти шундаки, шахсий-инсон омилига инвестицияларнинг ортиб бориши натижасида жамиятда катта ҳажмда "инсоний капитал" вужудга келади. У эса ўз навбатида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ҳарж қилинади. Пировард натижада ишлаб чиқаришнинг учта омили: меҳнат, капитал ва ер ҳақидаги эски формула урнинга унинг янгича талқини (концепцияси) вужудга келди. Шунга монанд тарзда миллий бойлик тушунчаси жамғариладиган "инсоний, табиий ва қайта яратиладиган капитал" тўплами сифатида талқин этилади.

Шу билан бирга халқаро банк миллий бойлигининг янги концепциясини яратибгина қолмасдан, унинг умумий ҳажмининг аниқлаш услубиятини ҳам ишлаб чиқди ва шу асосда 92 мамлакатларнинг миллий бойликларини тажриба-экспериментал тарзда баҳолашга эришди.

Янги концепциянинг таъхияти шундаки, Халқаро банк иқтисодий унинг омиллари назариясидан "Инсонни барқарор ривожлантириш" назариясига утишни таъкиф қилади. Ушбу назарияда ҳар бир киши шахсияти миллий даражада ҳам, халқаро даражада ҳам жамият диққат марказида бўлиши керак. Инсонни ривожлантириш пировард мақсад бўлиб, иқтисодий ўсиш эса ушбу мақсадга эришиш воситасигинадир деб таъкидланади. Шу билан бирга инсонни ривожлантириш меъри сифатида товарлар ва хизматлар мўл-кўллигини эмас, балки инчиларнинг моддий ва маънавий бойини даражасини қабул қилиш таъкиф қилинади.

"Қайта яратиладиган капитал" концепциясига келсак, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Статистика Хайъати томонидан ишлаб чиқилган "иқтисодий активлар" ҳақидаги таълимотларга таянади. Улар миллий ҳисобчиликнинг 1993 й МХТ БМТ-93 томонидан қабул қилинган халқаро стандартида баён этилган. Унда табиий капиталнинг айрим турлари бўйича дифференциал рентаи 25 йиллик муддатта дисконтиштириш йўли билан емирилиш даражасини (ўртача 4 %) ҳам ҳисобга олиб баҳолаш таклиф этилади.

Бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни тузиш ва ҳисоблаш ҳам миллий бўлишни баҳолаш каби халқаро стандартлар ва концепциялар асосида бажарилиши керак.

Макроиқтисодий кўрсаткичларни тузиш ва ҳисоблаш услубияти турли хил усуллари, йўллари ўз ичига олади. Уларни умумлаштириб, қуйидаги тўртта йўналишга келтириш мумкин:

- ўрғанилаётган иқтисодий ҳодиса ёки жараён ҳақидаги назарий тушунишни унга айниқат ҳосилдаги статистик шаклга ўтириш;

- иқтисодий ҳодисалар ва операцияларни ўхшашлик томонларига қараб гуруҳлар, турлар, синфлар ва бўлимларга бирлаштириш, яъни уларни таснифлаш;

- иқтисодий тоифа моделини, яъни соддашантирилган тасвирини ишлаб чиқиш;

- агрегатланган иқтисодий индекторларни яратиш (масалан, истеъмол баҳолари индекси, яъни ички маҳсулот дефлятори, конъюктура индекслари ва ҳоказо).

Статистика кўрсаткичларини биринчи йўналишда тузиш масалалари олдин ин ҳақи кўрсаткичнинг аниқлаш мисолида кўриб чиқилган эди. Яна бир мисол қилиб «қамбағаллик даражаси» деган иқтисодий тоифани статистика жихатидан талқин қилиш масаласини олайлик. Қамбағаллик аҳоли турмуш даражаси билан бевосита алоқадор бўлган тоифадир. У айнан аҳоли гуруҳи, қатлами олган даромадлар билан кун кечирини учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни "савати" орасидаги муносабатларни ifodalayди. Демак, қамбағаллик даражасини фақат даромадларнинг умумий ҳажмига ёки фақат товар ва хизматлар истеъмоли ҳажмига қараб баҳолаб бўлмайди. Бунинг учун яшаш минимал қийматини ҳисоблаш, ҳамда жон бошига олинган тўйлама даромадлар миқдорини аниқлаш керак. Қамбағаллар тоифасига яшаш минимум қиймати чегарасида ва ундан кам миқдорда жон бошига тўйлама даромад олган уй хўжаликларини (oilларни) критини мумкин. Бундай уй хўжаликларининг уларнинг умумий сонидаги салмоғи қамбағаллик даражасини ifodalayди. Яшаш минимум қийматини ва тўйлама даромадлар ҳажминини уй хўжаликларининг айрим гуруҳ ва қатламлари бўйича аниқлаш машаққатли ишдир. Уларни ҳисоблаш статистика соҳасида маълумотга эга бўлиш билан бир қаторда умумиқтисодий, демографик, социологик, шифокорлик соҳаларида ҳам чуқур маълумотларга эга

бўлишни таъказо этади. Шунинг учун маъжур масалани турли тоифадаги мутахассислар биргаликда самарали ечишлари мумкин.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими ва ҳисоблаш услубиятининг иккинчи йўналиши иқтисодий ҳодисалар ва операцияларни таснифларини ишлаб чиқиш ҳамда улар орасида ҳисоб-китоб олиб боришни назарда тутати. Шу мақсадда халқаро стандарт таснифлагичлар яратилган, жумладан иқтисодий фаолият турларининг секторли ва тармоқий таснифлари, товар ва хизматлар билан операцияларининг стандарт таснифлари, даромадлар тақсимотининг стандарт таснифлари, касб турларининг халқаро таснифи ва ҳоказо.

Учинчи йўналиш ҳам статистика назарияси ва амалиётида кенг қўлланилади. Айниқса, тўртинчи йўналиш яъни агрегатланган иқтисодий индексларни тузиш ва фойдаланиш макроиқтисодий статистикада жуда катта қўламда тарқалган. Миллий ҳисоблар тизимида қолдиқ (сальдо) йўли билан олинадиган барча макроиқтисодий кўрсаткичлар (масалан, яъни ички маҳсулот ва миллий даромад, ихтиёрдаги миллий даромад ва провард истеъмол, жамғарма ва ҳоказолар) аниқ йўналишнинг маҳсули ҳисобланади. 6-расмда тасвирланган макроиқтисодий статистика кўрсаткичлари тизими ушбу ўқув қўламанни маъниқий тузилишини белгилайди. Унинг айрим боблари тизимоти блокларидаги кўрсаткичларни баён этишга бағишланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Статистик кўрсаткич деганда нимани тушунаси?
2. Статистик кўрсаткичнинг таркибий унсурларига нималар кирази?
3. Миллий маҳсулот ва даромадларнинг доиравий айланмасини таърифланг ва мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
4. Моддий ва номоддий ишлаб чиқариш деганда нимани тушунаси?
5. Халқ хўжалиги ва миллий иқтисодиёт тушунчаларининг тузилманий тасвирини тавсифланг?
6. Иқтисодий манфаат маркази, резидент, иқтисодий ҳудуд тушунчалари нималарни англатади?
7. Товар ва хизматлар оқимининг нақдларини тушунтиринг?

4-БОБ. АҲОЛИ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ

1-§. Аҳоли ва уни статистик ўрганиш

Аҳоли статистикаси статистиканинг энг қадимги тармоғи ҳисобланади.

Қадимги дастлабки ҳисоб операциялари ҳарбий ва ҳўжалик мақсадларида аҳолини ҳисобга олиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилган. Кўпилаб маълумотларни ўрганиш натижасида аниқланган қонуниятлар биринчи марта аҳолининг туғилиши ва ўлиши билан боғлиқ жараёнларда аниқланган.

Ҳозирги кунда ҳам аҳоли ҳар томонлама тадқиқотлар объекти ҳисобланади, чунки аҳоли ишлаб чиқариш жараёнининг бевосита иштирокчиси ва бу жараён натижасининг истётмолчиси ҳам ҳисобланади. Ҳозирги кунда аҳолини жамиятда рўй бераётган жараёнларни, турмуш шароитларини статистик ўрганишга қизиқини ортиб бормоқда.

Аҳоли статистикасининг ўрганиш объекти маълум ҳудудда яшовчи одамлар йиғиндиси ҳисобланади. Ҳар қандай мамлакатнинг аҳолиси ўз таркиби бўйича бир хил эмас ва у вақт бўйича ўзгарувчан, шунинг учун аҳолининг япаш қонуниятлари, унинг таркибий ўзгариши ва бошқалар аниқ шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўрганилиши керак.

Аҳоли статистикасида кузатиш бирлиги кўпинча алоҳида одам, индивид ҳисобланади. Аммо битта оила ҳам бирлик бўлиши мумкин.

Аҳоли статистикасида кузатиш объекти бўлиб аса турли хил йиғиндилар: бутун аҳоли, аҳолининг алоҳида гуруҳлари, меҳнат ресурслари ва хоқозолар бўлиши мумкин.

Кузатиш объекти ва бирлиги тадқиқот мақсадига боғлиқ ҳолда танланади. Аҳоли статистикасининг асосий маибалари жорий ҳисоб ва ёшасига ёки танлама рўйхатга олиш кўринишидаги кузатишлар ҳисобланади. Рўйхатга олиш аҳоли ҳақидаги маълумотларнинг биринчи маибадир. У аҳоли сони ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотларни беради. Туғилганлар, ўлганлар ёки бу ҳудудга келганлар ёки чиқиб кетганларнинг жорий ҳисоби ва охири рўйхатга олиш натижалари асосида йиллик аҳоли сонини аниқлаш мумкин.

Рўйхатга олишлар орасида жамиятда юз берган демографик ва ижтимоий жараёнлар ҳақидаги маълумотларни олиш учун, одатда, танлама кузатиш ўтказилади.

Аҳолини статистик таҳлил қилишда ҳар хил масалалар ечилиши мумкин. Лекин умуман аҳоли статистикаси ҳақида тапирганда унинг кўидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- аҳоли сонини ва унинг мамлакат ҳудуди бўйича тақсимланишини (жойлашинини) ўрганиш;
- аҳоли таркибини (жинси, ёши, миллиати, ижтимоий аҳоли, маълумоти, бандлиги ва бошқалар бўйича) ўрганиш;

- аҳолининг табиий ҳаракатини (туғилиш, ўлим, табиий ўсиш, никоҳдан ўтиш ва бекор қилиш) ўрганиш;
- аҳоли миграциясини ўрганиш;
- аҳолига ижтимоий таъсир бериш ва хоказо.

2-§. Аҳолининг сонини ва мамлакат ҳудуди бўйича жойлашишини ўрганиш

Статистиканинг биринчи даражати вазифаларидан бири аҳолининг таркиби ва мамлакат ҳудуди бўйича жойлашишини ўрганиш ҳисобланади. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, аҳоли ҳақидаги маълумотларнинг мабъан аҳолини рўйхатга олиш саналади.

Аҳолини рўйхатга олиш аҳоли сони ҳақидаги аниқ сана ва аниқ даврга доир маълумотларни беради. Аҳолини рўйхатга олишлар ўртадаги аҳоли сонини аниқлаш бошланғич маълумотлар ва аҳолининг табиий ва механик ҳаракати ҳақидаги жорий статистик маълумотлар асосида ҳисоблаш йўли билан аниқланади: йил бошидаги аҳолининг сони + шу йилда туғилганлар сони + шу йилда келганлар сони - шу йилда ўлганлар сони - шу йилда чиқиб кетганлар сони = йил охиридаги аҳоли сони.

Алоҳида аҳоли яшан жойларидаги аҳолининг маълум муддатдаги сонини аниқлашда аҳолининг шу жойда доимий яшовчи ва ҳисобга олинмаётган вақтда мавжуд бўлган сонини эътиборга олиш лозим.

Яшан жойининг доимий аҳолисига ҳисобга олин даврида шу ерда яшаётган шахслар, мавжуд аҳолига эса ҳисобга олин даврида шу ерда бўлган барча шахслар кириди. Бунда уларнинг бир жонга вақтинча ёки доимий келилиши ҳисобга олинмайди.

Маълумки, доимий аҳолини ҳисобга олишда уни вақтинча йўқлар ва аксинча мавжуд аҳолини ҳисобга олишда вақтинча келганлар гуруҳларига бўлиш мумкин. Бунда бир вақтнинг ўзига ҳам доимий, ҳам мавжуд аҳоли ҳисобга олинади. Иккила ҳисобни биргаликда олиб бориш зарурияти хир хил эҳтиёжларга асосланади. Масалан, уй-жой қурилушининг режалаштириш, мактаблар, болалар муассасалари, касалхоналар ва бошиқаларни қуришда ҳар бир жойнинг доимий аҳолиси сонидан, шаҳар транспортини тўхтовсиз ишлатилиши таъминлашда мавжуд аҳоли сонидан келиб чиқиш зарур.

Ҳар қандай жойнинг аҳолиси йил давомида ўзгариб туради, шунинг учун умумий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун статистикада аҳолининг йил мобайлидаги ҳаракати эътиборга олинади.

$$ДА = МА + ВЙ - ВЯ$$

$$МА = ДА - ВЙ + ВЯ$$

Бунда:

ДА - доимий аҳоли сони;

МА - мавжуд аҳоли сони;

ВЙ - вақтинча йўқ бўлган аҳоли сони;

ВЯ - вақтинча яшаётган аҳоли сони.

Аҳолининг ўртача йиллик сони одатда оддий ўртача арифметик формула бўйича аниқланади. Бунда аҳолининг муайян давр бошидаги S_6 ва давр охиридаги S_0 сони кўрсаткичлари қўшилиб иккига бўлинади:

$$\bar{S} = (S_6 + S_0) / 2$$

Аҳоли сони ҳақидаги маълумотлар бир неча тенг ораликли саналарга, масалан, ҳар бир ойнинг биринчи кунига нисбатан берилган бўлса, аҳолининг ўртача йиллик сони ўртача хронологик формула бўйича аниқланади:

$$\bar{S} = (1/2 \cdot S_1 + S_2 + \dots + S_{n-1} + 1/2 \cdot S_n) / (n-1)$$

Мамлакат аҳолиси унинг ҳудуд бўйича жойлашгани нуқтан назаридан шаҳар аҳолиси ва қишлоқ аҳолисига бўлинади. Шаҳар аҳолисига шаҳарларда ва шаҳар қўйинидаги посёлкаларда яшовчи, қишлоқ аҳолисига эса қишлоқ жойларида яшовчи барча шахслар киради.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони 2000 йил 1 апрелда 24 548 минг кишини ташкил этди. Уларнинг 60 фоиз дан зиёда қишлоқларда яшайди. Аҳоли сони бўйича Ўзбекистон МДХ да Россия ва Украинадан сўнг учинчи ўринда туради. Аҳоли зичлиги 1 кв. км га 53,3 кишини (1998й) ташкил этади. Ўзбекистонда Мўказий Осиё минтақасининг 40 фоиз аҳолиси яшайди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусияти шундаки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. Кейинги йилларда аҳоли табиий ўсишининг бир қадар пасайишига қарамадан, республикада бу кўрсаткич МДХ давлатлари орасида юнг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб қолмоқда. Чунончи, биргина 1990-1997 йилларининг ўзидаёқ мамлакат аҳолиси 13,3 фоиз га кўнайган. Аҳоли ўсишининг ўртача йиллик суръатлари 1,8 фоиз ни ташкил этди.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш кўрсаткичлари берилган.

Жадвал-1.

1990-1998 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг сони
(минг киши ҳисобида)

Йил	Жами аҳоли сони	Шу жумладан				Аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръати (фоиз)			Аҳолининг 1 кв. км га тўғри келадиган аҳоли сони
		шаҳар аҳолиси		қишлоқ аҳолиси		жами	шу жумладан		
		сони	хисса ги	сони	хисса ги		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	
1990	20322	8282	40,8	12040	59,2	2,1	2,1	2,1	45,4
1995	22562	8733	38,7	13830	61,3	1,6	0,9	2,1	50,4
1996	23007	8831	38,4	14176	61,6	1,9	1,1	2,4	51,4
1997	23444	8944	38,2	14500	61,8	1,9	1,3	2,3	52,4
1998	23867	9059	37,9	14809	62,1	1,8	1,3	2,1	53,3

Манба: «Ўзбекистон Республикаси иқтисодийи». «Ўзбекистон энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти. Т.: -1998.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси йилдан - йилга кўпайиб бормоқда. Чунинчи, республикада умумий аҳоли сони 1998 йилда 23 млн. 867 минг кишини ташкил қилган. Унинг 9 млн. 59 минг нафари (37,9 фоиз) шаҳар аҳолиси, 14 млн.¹ 809 минг нафари қишлоқ аҳолисининг (62,1 фоиз) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, шаҳарга нисбатан қишлоқда аҳолининг кўпайиш даражаси анча юқори. Дарҳақиқат, 1998 йилда мамлакатда умумий аҳолининг йиллик ўртача ўсish суръати 1,8 фоизни, бу кўрсаткич шаҳар аҳолисида 1,3 фоизни ва қишлоқ аҳолисида эса 2,1 фоизни ташкил этди.

3-§. Аҳолини таркибини ўрганиш

Аҳолидай мураккаб мажмуани алоҳида гуруҳлар ва гуруҳчаларга бўлмастан ўрганиб бўлмайди. Бу амал аввало аҳоли таркиби ҳақидаги турли хил кўрсаткичлар бўйича муайян тасаввур беради.

Аҳоли статистикасида аҳолини гуруҳлаш қуйидагилар бўйича олиб борилади: жинси, ёши, оилавий аҳоли, миллати.

1. Аҳолини жинсий бўйича гуруҳлаш ва тақсимлаш унинг таркибиди эркаклар ва аёллар сонини аниқлашга имкон яратади. Худудлар бўйича олинган жинсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар мамлакатнинг аҳоли регионларида эркаклар билан аёллар сонининг ўзаро тенг ёки тенг эмаслиги ҳақидаги тасаввурни беради. Ўз навбатида бундай муносабат регион иқтисодининг ишлаб чиқариш йўналишини ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, кўмир, нефть, металлургия тармоқлари бор жойда эркаклар, энгил ёки тўқимачилик саноати ривожланган жойларда аёллар нисбатан кўп бўлади.

Жинс бўйича гуруҳлаш бошқа гуруҳлаш белгилари (ёши, ижтимоий келиб чиқини, маълумоти ва бошқалар) билан бирга амалга оширилади.

2. Аҳолини ёши бўйича гуруҳлаш ҳам аҳоли статистикасининг асосий ва муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Кўплаб амалий масалаларни ечишда турли ҳилдаги ёш континентларини аниқлаш зарур: боғча ёшидаги, мактаб ёшидаги, меҳнатга лаёқатли ёшидаги аҳоли сони, меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёки катталар сони ва бошқалар.

3. Ҳар бир давлатда турли хил миллатдаги шахслар яшайди. Шунинг учун рўйхатга олиш ҳужжатлари шакллариини ишлаб чиқишда миллат бўйича тақсимланиш ҳақидаги кўрсаткичлар ифодаланишини талаб этувчи саволлар берилди.

Аҳолини миллат таркибини ўрганишда алоҳида миллатлар гапланадиган тил ҳисобланади.

4. Аҳоли статистикасида аҳолини оилавий аҳоли бўйича гуруҳларга тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу масала бўйича рўйхатга олиш ҳужжатлари ҳар хил тарада ишлаб чиқишнинг мумкин. Чунинчи улар бўйича баъзан никоҳдан ўтган ва никоҳдан ўтмаган шахслар сони аниқланади. Оилавий ҳолат тўғрисида тўлиқ ва тўғри тасаввур берадиган гуруҳлаш қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳеч қачон никоҳдан ўтмагилар,

бева қолганлар, никоҳдан ўтмаганлар, ажрашганлар ва бошқалар. Бу тарздаги гуруҳлар эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида ўқазилади. Бунда улар 16 ёшдан бошлаб турли гуруҳларга бўлинади. //

Гуруҳларда шу билан бирга меҳнатга лаёқатли шахслар орасида иқтисодиётда банд бўлганлар сони ва ишсизлар сони ҳам ўрғанилади. Ўз навбатида, банд бўлган аҳоли учун иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари бўйича гуруҳланади.

Рўйхатга олиш ҳужжатларини ишлаб чиқишда аҳолининг маълумотини асос эйтиришга катта эътибор берилади. Бунда аҳоли маълумоти даражаси бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади: олий, тугатилмаган олий, ўрта махсус, умумий ўрта, туликсиз ўрта.

4-§. Аҳолининг табиий ҳаракати статистикаси

Маълумки, аҳоли сони муттасил ўзгариб туради. Аҳоли сонининг туғилишлар ва ўлишлар ҳисобига ўзгариш аҳолининг табиий ҳаракати деб аталади.

Аҳолининг табиий ҳаракатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар: туғилиш, ўлиш, табиий ўсish кўрсаткичлари, шунингдек, улар билан боғлиқ бўлган никоҳдан ўтish ва ажралишлар сони ҳисобланади.

Аҳолининг туғилиш, ўлиш, табиий кўпайиш кўрсаткичлари мутлоқ ифодаларда ҳисобга олинади. Аҳолининг табиий ўсish бу туғилганлар билан ўлганлар орасидаги фарққа тенг. Лекин аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари туғилиш, ўлиш, табиий ўсish даражаларини ифодалай олмайди, бу аҳолининг умумий сонига боғлиқ бўлади. Шунинг учун аҳолининг табиий ҳаракатини ифодалаш учун қайд этиб ўтилган кўрсаткичлар 1000 кишига нисбатан ҳисобланади, яъни ишбий кўрсаткич промилле (‰) да ҳисобланади.

Аҳоли табиий ҳаракатининг асосий ишбий кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади: туғилиш коэффициенти, ўлиш коэффициенти, табиий ўсish коэффициенти, никоҳдан ўтish коэффициенти, ажралиш коэффициенти. Никоҳдан ўтish коэффициентини аниқлаш учун жорий йилдаги никоҳлар сони аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлинади, ажралиш коэффициентини эса шу йилда бекор қилинган никоҳлар сонини аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлиши йўли билан аниқланади.

Туғилиш ва ўлиш орасидаги фарқни аниқлаш учун аҳоли статистикасида ҳаётийлик кўрсаткичига таянилади. У ўлиш туғилганлар сони билан ўлганлар сони орасидаги фарқни ифода этади.

Аҳолининг табиий ҳаракатини ифодаловчи берча кўрсаткичлар одатда бир йилга нисбатан ҳисобланади. Лекин айрил ҳолларда у бир муҳта узоқроқ давр оралиғига нисбатан ҳам ҳисобланиши мумкин.

Қуйида Ўзбекистонда туғилиш ва ўлиш, аҳолининг табиий ўсish кўрсаткичлари ҳамда никоҳ ва ажралишлар ҳақидаги маълумотлар берилган.

Жадвал-2

1980-1998 йилларда Ўзбекистон Республикасида туғилиш, ўлиш ва аҳолининг табиий ўсиши

(минг киши)

Йиллар	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Аҳолининг табиий ўсиши	Аҳолининг ҳар 1000 киши ҳисобига		
				туғилганлар сони	ўлганлар сони	табиий ўсиш
1980	540,0	118,9	421,1	33,9	7,5	26,4
1990	691,6	124,5	567,1	33,7	6,1	27,6
1996	634,8	144,8	490,0	27,3	6,2	21,1
1997	614,0	138,6	475,4	26,0	5,9	20,1
1998	596,0	137,3	458,7	25,4	5,8	19,6

Жадвал-3

1980-1998 йилларда Ўзбекистон Республикасида никоҳ ва ажралишлар сони²

Йиллар	Никоҳлар сони	Ажралишлар сони	1000 киши ҳисобига	
			никоҳлар	ажралишлар
1980	173,6	22,5	10,8	1,4
1990	217,3	29,9	10,6	1,5
1996	171,7	20,2	7,4	0,9
1997	181,4	21,5	7,7	0,9
1998	190,3	22,4	8,2	1,0

Юқорида кўрсатилган барча аҳолини 1000 кишига нисбатан ҳисобланган кўрсаткичлар умумий коэффицентлар саналади. Аҳолини янада мукаммалроқ тавсифлаш учун хусусий (махсус) коэффицентлар ҳам аниқланади. Бу хусусий коэффицентларда умумий коэффицентлардан фарқи ўлароқ аҳолининг ёши, жинси, касби ёки гуруҳларининг бошқа кўрсаткичлари бўйича ҳам ҳисобланади.

Демак, туғилишни ўрғанишида махсус туғилиш коэффиценти (баъзан бу фертил кўрсаткич ҳам дейилади) дан кенг фойдаланилади. Бу туғилишлар сонининг 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган аёлларнинг ўртача сонига нисбати кўринишида ҳисобланади.

Аҳоли статистикасида қуйидаги махсус коэффицентлар ҳам ҳисобланади:

а) аёлларнинг алоҳида ёшлари бўйича гуруҳлари учун туғилиш коэффиценти;

б) $K_{\text{мах.туғ.}} = (T \cdot 1000) / \bar{S}_{15-49}$ ёш аёллар

Бу ерда Т - туғилган болалар сони; $\bar{S}$ - 15-49 ёшгача бўлган аёлларнинг ўртача йиллик сони;

в) пафот этини коэффиценти;

г) табиий ўсиш коэффиценти;

д) никоҳ қуриш ва ажралиш коэффиценти;

² Манба: Ўзбекистон Республикаси истиқлодоти. Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. Т. 1998

е) ҳаётийлик коэффициенти.

Аҳоли сони ўзгармасдан доимий бир хил бўлиб қолмайди. Аҳоли сони туғилиш, вафот этиш ҳисобига ўзгариб туради. Табiiй ҳаракатини ifodalovchi кўрсаткичлар бу туғилиш, вафот этиш ва табiiй ўсish коэффициентларидир.

1. Аҳолининг умумий туғилиш коэффициенти.

Бир йилда туғилганлар сонини 1000 га кўнайитирилади. Ҳосила, аҳолининг ўртача йиллик сонига нисбатига тенг бўлади,

яъни:

$$K_{\text{туғилиш}} = (T \cdot 1000) / \bar{S}$$

Бу ерда T- туғилган болалар сони;

$\bar{S}$ - аҳолининг ўртача йиллик умумий сони;

2. Вафот этиш коэффициенти.

Вафот этиш коэффициенти йил давомида вафот этганлар сонини 1000 га кўнайитирилгач, олинган натижа аҳолининг йиллик ўртача сони нисбатига тенг:

$$K_{\text{вафот}} = (B \cdot 1000) / \bar{S}.$$

Бу ерда B - вафот этганлар сони;

3. Табiiй ўсish коэффициенти. $K_{\text{таб.ус.}} = K_{\text{туғ.}} - K_{\text{вафот}}$

4. Никох қуриш коэффициенти.

$$K_{\text{никох}} = (H \cdot 1000) / \bar{S}.$$

H - никох қўрганлар сони;

5. Туғилиш ва вафот этиш орасидаги нисбат ҳаётийлик коэффициентини ifodalayди.

6. Ажралшh коэффициенти:

$$K_{\text{ажр.ш.}} = (A \cdot 1000) / \bar{S}.$$

Бу ерда A - ажрашганлар сони;

5-§. Аҳоли миграцияси. Аҳоли сонининг истиқболини аниқлаш

Алоҳида аҳоли пунктлари, ҳудудлари аҳолисининг сони фақат табiiй ҳаракат натижасида ўзгармасдан, балки механик ҳаракат натижасида ёки алоҳида шахсларнинг ҳудудий кўчинин натижасида, яъни аҳоли миграцияси ҳисобига ҳам ўзгаради.

Аҳолининг мамлакат ичкарисида ў ердан бу ерга кўчинин ички миграция, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчинин эса ташқи миграция, деб аталади. Ички ва ташқи миграция ҳар хил сабаблардан келиб чиқини мумкин: масалан, иш қидириш сабабли.

Собиқ Иттифок тарқаб кетганидан сўнг унинг тарзибидаги иттифокдор республикаларда миграция жараёнлари анча кучайди.

Ҳозирги вақтда статистикада аҳоли миграциясининг қуйидаги сабаблари ажратиб кўрсатилади: ўқинин давом эттириш, иш жойини ўзгартириш, ишга жойлашини имкониятининг йўқлиги, шунингдек, қинлоқ ҳўжалшн билан шуғулланиш, тадбиркорлик ёки индивидуал

меҳнат фаолияти, экологик шароитлардан қониқмаслик, қишлоқ(шаҳар) жойларида янашши истамаслик ва бошқа сабаблар.

Ҳар бир аҳоли пункти ва умуман мамлакат учун аҳоли миграциясининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади: кириб келганлар сони, чиқиб кетганлар сони ва уларнинг коэффициентлари.

Кириб келиш коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{\text{кириб келиш}} = (\text{кириб келганлар сони} / S) * 1000$$

Чиқиб кетиш коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{\text{чиқиб кетиш}} = (\text{чиқиб кетганлар сони} / S) * 1000$$

$$K_{\text{мех.ўсиш}} = (\text{кириб келганлар сони} - \text{чиқиб кетганлар сони}) / S * 1000.$$

Кириб келганлар ва чиқиб кетганлар сони мамлакат бўйича ҳисобланади, шунингдек у жинси, ёши, миграция сабаблари бўйича тақсимланади.

Миграция ҳақидаги маълумотларнинг таҳлили аҳолининг давлатнинг қасрига ва қасридан, қандай миқдорда қўниши юз бераётганлигини кўрсатади, бу эса ўз навбатида қўлаб ҳўжалик ва бошқа тадбирларини режалаштиришида муҳим ҳисобланади.

Аҳолининг келажакда маълум вақт оралиғидан кейин бўладиган сонини турли хил усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Аҳоли сонининг умумий истиқболини маълум таҳлил қилинаётган маълум даврда аҳоли сонининг табиий ва механик ўсиши ҳақидаги маълумотлар асосида аниқланади. Масалан, агар аҳолининг сони муайян давр бонига маълум бўлса ва умумий ўсиш коэффициенти ҳисобланган бўлса, у ҳолда аҳоли сонининг 1 йилдан кейин бўладиган истиқболини қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$S_{b+1} = S_b (1 + K_{\text{м.ўс}})^1 1000$$

S_b - режалаштирилаётган давр бонига аҳоли сони;

t - баъорат қилинаётган йиллар сони;

$K_{\text{м.ўс}}$ - шу даврга аҳолининг умумий ўсиш коэффициенти;

Умумий аҳоли сонини баъорат қилишнинг бошқа усули ҳам мавжуд. У динамика қаторларини экстраполяция қилишга асосланади.

Аҳоли сони истиқболини алоҳида ёш бўйича гуруҳларга ажратиб ҳам ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун аҳоли сони ва ёш структураси ҳақида, ёши бўйича туғилиш коэффициентилари ҳақида маълумотлар ва хоказолар бўлиши керак.

6-§. Аҳолининг иш билан бандлиги ҳақида тушунча

Бозор иқтисодиётига ўтиш меҳнат бозори статистикасига ўзгартиришлар киритди. Статистика амалиётига: иқтисодий фаол аҳоли, ишсизлар, иш кучи ҳаракати, меҳнат низолари ва хоказо тоифалар киритилди.

Иқтисодий фаол аҳоли - бу аҳолининг ўз меҳнатини маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш учун тақдим этаётган қисми бўлиб, ўз ичига банд бўлганлар ва ишсизлар тоифасини киритади. Қисқа муддатга: кун, ҳафта учун ишлатилганда иқтисодий фаол аҳоли иш кучи ибораси билан юритилади. МХТ банд бўлганлар тоифасига ишлаб чиқариши фаолиятида банд бўлишидан ёки ҳарбий аҳолиси бўлишидан каттий назар фуқаролар киритилади.

Бу ўринда қайд қилиш керакки, бандлик тушунчасининг икки хил психи мавжуд. Биринчиси, бандлик статистикасида ишлатиладиган миллий бандлик, яъни юридик жиҳатдан мазкур давлат истиқоматчиларини ўз ичига олади, яъни давлатнинг бошқа давлат корхоналарида ишловчи резидентлари ҳисобга киритилиб, мазкур давлатнинг чет эл ишлаб чиқариши бирликларида ишлаётган норезидентлари айрилади.

Иккинчидан, ички бандлик. Бунга қуйидагилар киритилади:

- чет эл ишчилари. Давлатда ишлаш учун ҳар кун чегарадан ўтувчилар;

- давлатдан ташқари жойларда хизмат қилаётган ҳарбийлар;

- давлат географик ҳудудидан ташқарида ишлаётган мазкур давлат фуқаролари;

- хорижда дипломатик ташкилотларда банд бўлган мазкур давлат фуқаролари;

- мазкур давлат фуқаролари : бошқараётган самолёт, платформалар, кемаalar ва ҳоказо;

- мазкур давлат ташқарисида жойлашган давлат ташкилотлари ходимлари.

Иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонига, турли мулкчилик кўринишидаги ҳамма корхона, ташкилотларда банд бўлганлар, индивидуал меҳнат фаолияти билан банд бўлганлар, ошловий корхоналарда меҳнат ҳақи олмасдан банд бўлганлар киритилади, яъни:

- ишчи ва хизматчилар;

- ўз-ўзига банд бўлганлар;

- ёрдам берувчи оила аъзолари;

- ҳарбий хизматчилар киритилади.

Корхона ва ташкилотларининг асосий фаолияти билан банд бўлганлар, хусусий сектор учун асосий иш фаолиятига, бандлик таснифига қараб тармоқлар бўйича тақсимланади.

Ўзундалик бандлик таснифи халқаро бандлик стандарт таснифига асосан тузилиб, ўз ичига қуйидаги 10 та гуруҳни олади:

1. Раҳбарлар (ҳамма бошқарув даражалари, шу жумладан, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари билан);

2. Юқори малакали мутахассислар;

3. Ўртача малакали мутахассислар;

4. Маълумот тайёрлаш, ҳужжатлаштириш, ҳисобга олиш ва хизмат кўрсатиш билан банд бўлган хизматчилар;

5. Хизмат кўрсатувчи соҳада, уй коммунал хўжалигида, савдо ва шунга ўхшаш фаолият билан банд бўлган ходимлар;

6. қишлоқ, ўрмон хўжалиги, балиқчилик бўйича малакали ходимлари;

7. Ўйрик ва кичик саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, атока, геология ва ҳоказолар бўйича малакали ходимлар;

8. Оператор, аппаратчилик, машинасозлар, слесарлар;

9. Малакасиз ишчилар;

10. Ҳарбий хизматчилар.

Бандлилик ҳалқаро бандлилик статуси бўйича ўрғанилганда ишчи-хизматчилар:

- ёлланган ишчилар;

- ўз корхонасида ишловчиларга бўлинади ва улар қуйидаги тоифаларни ўз ичига:

1. Ёлланган ишчиларни;

2. Иш берувчиларни;

3. Якка тартибда ишловчи шахсларни;

4. Оилавий корхоналарда ишлайдиган оилаларнинг аъзоларини;

5. Жамоа корхоналари аъзоларини;

6. Бандлилик мақоми бўйича таснифланмайдиган шахсларни.

Корхона ва ташкилотлар доирасида банд бўлганлар қуйидагича таснифланади:

- раҳбарлар;

- мутахассислар;

- ходимлар;

- ишчилар.

Раҳбарларга - корхона ва унинг таркибий бирликларида бошқариш иши билан банд бўлганлар;

Мутахассисларга - инженер-техниклик ишлари билан банд бўлганлар;

Ходимларга - ҳужжатлаштириш, маълумот тайёрлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва ҳоказо ишлар билан банд бўлганлар;

Ишчиларга - товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, машина ва ускуналарни бошқариш, таъмирлаш ишлари, юк ташини, иш жараёни мезёрида утиши учун айрим шароитларни сақлаб туриш (тоқилаш, иситиш ва ҳоказо) билан банд бўлганлар киритилади.

Бу тоифалар орасида алоҳида эътибор ишчиларга қаратилади. Улар иш даврининг давомийлигига қараб: доимий, вақтинча ва мавсумий, бажараётган ишининг хусусиятига қараб асосий ва ёрдамчи ишчиларга бўлинади.

Асосий ишчилар тоифасига технологик жараёнда асосий маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд бўлганлар, ёрдамчи ишчилар тоифасига асосий ишчиларга иш жараёнини бажариш учун ёрдам берувчи (тузатиш, хизмат кўрсатиш, омбор ишчилари ва х.к.) ишчилар киритилади. Ёрдамчи ишчиларнинг меҳнат ҳақи асосий ишчиларнинг меҳнат ҳақига боғлиқ бўлади.

Асосий ишчилар ўз навбатида касби бўйича тоифаланади.

Касб махсус ўқиб ёки амалиётда ишчи томонидан олинган муайян ихтисосдир. Касб эгаси шу асосда маълум турдаги меҳнат фаолиятини амалга оширади.

Меҳнат қонунига асосан айрим касб эгалари ўз касбига махсус фаолият тури билан шуғулланса, қушимча имтиёзлар (нафақага чиқиб ёшнинг камайиши, навбатдаги таътил муддатини узайтириш, махсус кийим, овкат ва х.к)дан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Ишчилар касб доирасида малакаси бўйича ҳам таснифланади. Мутахассис ва ходимлар аниқроқ олий ёки ўрта махсус маълумоти (диплом), кейинчалик меҳнат фаолияти бўйича вақт-вақти билан ўтказилган аттестация натижаларига кўра тоифаларга ажратилади. Уларнинг меҳнат ҳақи маълумоти аттестация натижаларига боғлиқдир.

Ишчиларнинг меҳнат ҳақини ҳисобlashда асос бўлиб тариф разряди ҳисобланади.

Давлат муайян вазифаларни бажариш учун расман энг кам (минимал) иш ҳақини белгилайди. Энг кам иш ҳақи ўта енгил ишларни бажарувчилар учун белгиланиб, тариф сеткасида у биринчи разряд ҳисобланиб, ҳозирги кунда 1750 сўмни ташкил этади. Юқори разрядли ишчиларнинг меҳнат ҳақи тариф сеткасида келтирилган тариф коэффициентлари бўйича ҳисобланади. Тариф сеткаси ва тариф коэффициентлари давлатнинг махсус бонқарув идоралари томонидан тасдиқланади.

Аҳолининг ёши бўйича таркибининг ўрнини бутун давлат ва ҳудудлар бўйича ҳам мутлоқ (абсолют), ҳам нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Меҳнат ёшидаги аҳоли салмоғи қуйидагича ҳисобланади:

$$d_{м.е} = A_{м.е} / A$$

A - аҳоли сони

$A_{м.е}$ - меҳнат ёшидаги аҳоли сони.

Меҳнат ёшидаги аҳолининг барчаси ҳам меҳнатга лаёқатли бўлмаганлиги сабабли меҳнатга лаёқатли аҳолини бандчилик кўрсаткичи (Кб) ҳисобланади:

$$K_b = A_{ба} / A$$

$A_{ба}$ - банд бўлган аҳоли сони.

Бу кўрсаткич қайчалик 1 га яқинланса, шунча кўп аҳоли меҳнатга жалб этилганлигини кўрсатади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандчилик кўрсаткичи 1 дан ажратилгач, чиққан натижа аҳолининг қай даражада банд бўлганлигини ифодалайди.

Меҳнат ресурсларининг потенциал ҳисобчилик даражасини ҳисобlash учун меҳнат ёшига етмаганлар (A_e) сони меҳнат ёшидагилар сонига ($A_{м.е}$) бўлинади:

$$K_y = A_e / A_{м.е}$$

Агарда меҳнат ёшига етмаганлар ва нафақа ёшидагилар сони меҳнат ёшидагилар сонига бўлинса, меҳнат ёшидаги бир кишига меҳнат ёшида бўлмаганлар қанча тўғри келиши маълум бўлади.

Нафақа ёшидагилар (A_n) сони меҳнат ёшидагилар сонига бўлинса, меҳнат ёшидаги ҳар одамга нафақа ёшидагилар қанча тўғри келиши чиқади:

$$K_n = A_n / A_{me}$$

Жами аҳолининг меҳнатга қобилиятлилиқ даражасини ($K_{мк}$) ўрганиш учун қуйидаги кўрсаткич ҳисобланади:

$$K_{мк} = A_{мм} / A$$

$A_{мм}$ - меҳнатга лаёқатли меҳнат ёшидаги аҳоли сони.

Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилиқ ($K_{мл}$) кўрсаткичинини ҳисоблаш учун меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилар сони меҳнат ёшидагилар сонига бўлинади.

$$K_{мл} = A_{ма} / A_{ме}$$

Қандай ёшдагидан, қатъий назар халқ хўжалигида бандлилиқ кўрсаткичи фойдаланишдан меҳнат ресурслари умумий фондиди ифодалайди.

Бу кўрсаткич банд бўлган аҳолининг умумий сонини (A_6) жами аҳоли сонига ёки меҳнат ёшидаги аҳоли сонига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$K_{бандлилиқ} = A_6 / A * 100$$

$$K_{мех.ёш. бандлилиғи} = A_6 / A_{ме} * 100.$$

7-§. Инсизлар ҳақида тушунча ва инсизлар сонини аниқлаш

Инсизлар тоифаси иқтисодий фаол аҳолининг иккинчи қисми ҳисобланади. Улар бозор иқтисодиётинга мансуб тоифадир. Чунки бозор иқтисодиётини ҳар қандай иқтисодий фаолият даромад келтириши лозим. Демак инсизларнинг ташкил этилиши иштирақ этувчи инсизлар чикариши натижаси, меҳнат , предметлари, инсиз кучи омилларидан умумий фойдаланиши зарур. Шундай экан, инсиз кучи бозори ҳам мавжуд бўлиши табиий.

Ушбу хўжалигидаги ҳар бир шахс уч тоифанинг бирига киритилади:

- банд бўлганлар;
- инсизлар;
- инсиз кучига киритилмайдиганлар (болалар, талабалар, уй бекалари).

МХТ бўйича ишсизлар тоифасига турли хил сабабларга кўра, ишламаётган, Лекин ишлашни хоҳловчилар киритилади.

Ишлашни хоҳлаш меъзоли меҳнат биржасидаги қайд ҳисобланади.

Ишсизлар 16 ва ундан юқори ёндаги шахсларга бўлинади. Ўрганаётган давр мобайнида улар тоифасига:

а) ишсиз (ёки даромад келтирмайдиганлар);

б) иш қидираётганлар;

в) ишга тушишга ҳозир бўлганлар киритилади.

Иш қидириш ҳақида гап борганда, фаол иш қидириш тушунилади. Ишсизлар тоифасига меҳнат биржалари томонидан ўқингга йўлланма олганлар ҳам киритилади. Ишсизлар сирасига, ўқувчилар, талабалар, ноғиронлар, нафақахўрлар ҳам киритилиши мумкин.

1998 йил охирида Ўзбекистон Республикасида ишсизлар 40,1 минг кишини ёки иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 0,5 фоиз ни ташкил этди. Бу ўринда қайд этиш керакки, ишсизларнинг умумий сони қайд этилган кўрсаткичдан фарқланади. Шунинг учун хорижий мамлакатларда қабул қилинган ва қўлланиладиган ишсизлар тоифаси устида бизнинг шароитга ва халқаро меҳнат ташкилоти тарифига мос келадиган тариф устида иш олиб бориш лозим.

Меҳнат биржаси статистикаси

Республикаимиз Президенти ва ҳукумати кўржатмасига асосан меҳнат биржаси фақат йўлланма берадиган ёки нафақа тўлайдиган идора эмас, балки меҳнат бозорини тартибга солиш сифатини амалга оширадиган, аҳоли ва ишлаб чиқарувчи билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатадиган, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш ишларини олиб борадиган идора бўлиши лозим.

Мазкур вазифаларни хал қилиш учун Меҳнат вазирлигининг кўржатмасига биноан меҳнат биржаларининг асосий вазифаси - ишсиз фуқароларга юқори даражада хизмат кўрсатишни йўлга қўйишдир. Бунинг учун бандлик хизмати муассасалари қўйидаги тамойилларга амал қилинишларур:

-иш излаётган фуқароларга ишга жойлаштириш учун иложи борица кўпроқ имконичт яратиб бериш;

-дархол ишга жойлаштириш ёки қайта ўқитишнинг иложи бўлмаган тақдирда уларни ҳақ тўланадиган вақтинчалик иш билан таъминлаш ёки ишсизлик нафақаси билан ўз вақтида таъминлаб турилиши йўлга қўйиш;

-вақтинчалик ишдан кўра донмий ишладан, нафақа олинган кўра ишга жойлаштиридан ёки қайта ўқитишдан бевосита манфаатдор бўлиши учун шароит яратиш;

-касбга эга бўлмаган ёки касб малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бермайдиган фуқароларнинг ўқиниши таъминлаш;

Меҳнат биржасига мурожаат этувчи наспорти, меҳнат дафтарчаси, маълумоти ёки касбга ўрнатилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, охириги иш

жойи ва ўртача ойлик иш ҳақи ва шу кабилар ҳақидаги маълумотларни тақдим этгач, бу ердаги мутахассислар уларни рўйхатга олади.

Шундан сўнг бўш ўринлар аниқланади, мурожаат этувчи унда ишлаш хохлишини билдирса, унга шу иш жойига йўлланма берилади. Мабода мурожаат этувчи бирор сабабларга кўра бўш иш жойида ишлангани рад этса, у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ўтмай, яна бир меҳнат биржасига мурожаат этишни таклиф қилинади. Мурожаат этувчи таклиф қилинган ишларни бу гал ҳам рад этса, у ҳолда унга ишсизлик мақоми берилмайдди. Бундай ҳолда утди қайд қилинган санадан ҳисоблаганда 30 кундан кейингига қайтадан рўйхатдан ўтишга ҳақлидир.

Ташкилотлар, корхоналар, муассасалар тугатилишни, қайтадан ташкил қилинишни ёки ходимлар сони қисқартирилишни сабабли ишчи ва хизматчилар учун иш иклатиш муддати улар шундан бўшатишган кундан бошлаб уч ойгача узайтирилади. Шундан бўшатишганлар қайтадан ҳар икки ҳафтада бир мартаба қайд қилинади.

Агарди юқориди айтиб ўтилган тоифадаги фуқаролар мос келадиган шундан уч ой ичида икки марта воз кечса, у ҳолда улар таклиф қилинган ишчи иккинчи марта рад қилган кундан бошлаб белгиланган уч ойлик муддат ўтганга қадар қолган товои нулини олши ҳуқуқидан махрум бўладилар ва кейинги сафар меҳнат биржасида иш излаётган шахслар сифатида фақат умумий асослардагина қайд қилинадилар.

Иш ва иш ҳақиға эға бўлмаган, иш тоиниш мақсадида доимий янаш жойидаги меҳнат биржасидан рўйхатдан ўтган ва ишланга тайёр, аммо мурожаат қилган кундан бошлаб ҳисоблаганда ўн кун ичида ишга жойлаштирилмаган фуқаролар қайд қилинган кундан бошлаб ишсиз деб тан олинадилар ва уларга ишсизлик мақоми берилади. Ишсиз деб тан олши ва ишсизлик мақомини бериш масаласи меҳнат биржаси комиссияси мажлисида ҳал этилади.

Комиссия мажлисида ишсизлик мақомини бериш тўғрисидаги қарор чиқаргандан сўнг «Аҳолини иш билан татминлаш тўғрисида» ги қонуннинг 30-35-моддаларига асосан нафақа тўлаш муддатлари ва миқдори ҳақидаги масала ҳал қилинади.

Меҳнат би, жаси мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар корхоналар, ташкилотлар, иш берувчилар билан ўзаро доимий ҳамкорликда бўлади. Махаллий бошқарув ташкилотларининг корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги қарорига эға бўлган жисмоний ёки ҳуқуқий шахслар солиқ назоратида, пенсия жамғармасида ва бошқа белгиланган жойларда қайд этилганидан кейин ўн кун ичида меҳнат биржасида бадал тўловчилар сифатида рўйхатдан ўтишлари лозим.

Меҳнат биржаси меҳнат бозорини ҳисоблаш ва баҳолашда:

1) Меҳнат бозорини бажарилишни лозим бўлган ёшлар сони - халқ таълими муассасаларини, умумтаълим мактабларини 9 ва 11-синфларини битирувчилари; турли хил поғонадаги ўқиниш битиргандан кейин ишга жойлашинида муаммоларга дуч келган кундузги бўлимларни битирувчилари ҳақида маълумот тўйлаш.

2) Турли омиллар таъсирида халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ишдан бўшатилган ходимлар сони ҳақида (давлат мулкчилигини ўзгариши, бошқариш аппаратини қисқартирилиши, таркибий ўзгаришлар).

3) Жазо муддатини ўташ ёки суд қарори бўйича мажбурий даволаш муассасаларидан озод қилинган шахслар сони ҳақида.

4) Қуролли кучларда хизматларни ўтаб қайтганлар ва муқобил хизматга чиқарилганлар сони.

5) Фаол иш қидирган вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳоли сони.

6) Қўнимсизлик сабабларига қўра меҳнат бозорига тушиб келган шахслар сони ҳақида маълумотлар тўплаш орқали амалга оширилади.

Меҳнат биржасининг аҳолини ижтимоий химоя қилишда асосий қилинадиган ишлар қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолини рақобатга дош бера олмайдиган тоифаси.

- ёш болали (боласи 6 ёшгача бўлган оналар);

- ногиронлар;

- турли хил (ўрта, ўрта махсус) ўқув тизимини битирувчилар.

- етим болалар;

- кўп болали oilалар;

- озодликдан махрум қилиш муддатини ўтаб қайтган шахслар;

- ҳарбий хизматдан қайтганлар бўйича ахборотлар мажмуасини тузиш.

2. Меҳнат бозорида рақобатга дош бера олмайдиган шахслар учун квоталанган иш жойларини тўлдириш устидан назорат олиб бориш.

3. Корхона ёки ташкилотнинг тугатилиши ёхуд штатлар қисқартирилиши мунособати билан муддатидан олдин пенсияга чиқариш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш.

4. Хусусийлаштириш комиссияси ишида қатнашини ва фуқароларнинг хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунларида белгиланган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари муҳофазаси бўйича назорат юритиш.

5. Фуқароларга ижтимоий химоя шакллари, нафақалар, имтиёзлар, иш ҳақининг миқдорлари, пенсия, стипендиялар тўлаш бўйича норматив ҳужжатларни амалда қўллаш кўрсаткичидан маслаҳатлар бериш.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳоли статистикасини асосий вазифалари нималардан иборат?

2. Аҳолини ўртача йиллик соғини ҳисоблаш формулаларини мисоллар орқали тушунтиринг.

3. Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичларига нималар киради?

4. Иш билан бандлик деганда нимани тушунасан?

5. Ишсизлик деганда нимани тушунасан?

6. Ишсизлик даражаси қандай ҳисобланади?

7. Аҳолини истиқболдаги сонини қандай ҳисобланади?

5-БОБ. МИЛЛИЙ БОЙЛИК СТАТИСТИКАСИ

1-§. Миллий бойлик ва миллий мулк ҳақида тушунча ва уларнинг таркиби

Мамлакат миллий бойлиги - инсон меҳнати туфайли тўпланган номолиявий ва молиявий активлар ва табиат инъомларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси миллий бойлигининг ҳажми 1991 йил 1 сентябрдан ҳисоблана бошланди. У яратилиш манбаи бўйича 2 қисмдан иборат:

1. Миллий мулк - инсон меҳнати туфайли шу давргача тўпланган бойликлар.

2. Табиат инъомлари - бойликлари.

Умуман, Европада қўлланадиган МХТ конценциясига асосан Ўзбекистон Республикасини миллий бойлиги қуйидагилардан ташкил топади:

Йил бошида

Моддий бойликлар		Молиявий ресурслар
Табиий ресурслар	Инсон меҳнати туфайли тўпланган моддий бойликлар	
АВ	ВГДЕ	ЖЗНҚЛМН

Йил давомида қилинган операциялар

Моддий бойликлар бўйича қилинган операциялар	Молиявий ресурслар бўйича қилинган операциялар

Йил охирида

Моддий бойликлар		Молиявий ресурслар
Табиий ресурслар	Инсон меҳнати туфайли тўпланган моддий бойликлар	
АВ	ВГДЕ	ЖЗНҚЛМН

1. Табиий ресурслар.

А - фойдаланишга киритилмаган;

Б - ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган;

II. Инсон меҳнати туфайли йиғилган моддий бойликлари;

В - асосий фондлар;

Г - моддий айланма маблағлар ва захиралар;

Д - аҳолининг шахсий мулки;

Е - бошқа моддий бойликлар.

III. Молиявий ресурслар.

Ж - олтин;

З - мавжуд пуллар ва банкдаги ҳисоблар;

И - қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари);

К - заёмлар;

Л - акциялар;

М - суғарта фондлари;

Н - бошқа молиявий маблағлар.

Миллий бойлик ҳажми одатда йил боши ва охирида қуйидагича аниқланади:

$МБ = ТБ + КМТЙМБ + МР$.

Бунда: МБ - миллий бойлик.

ТР - табиий ресурслар;

КМТЙМБ - инсон меҳнати туфайли йиғилган моддий бойликлар;

МР - молиявий ресурслар.

Қандай мақсадга мўлжалланлигига қараб инсон меҳнати туфайли яратилган миллий бойликлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш фондлари;

2. Ноишлаб чиқариш фондлари.

Биринчи гуруҳ инсон меҳнати туфайли йиғилган бойликнинг 40 фоизга яқинини ташкил қилиб, ишлаб чиқариш соҳасидаги ишлаб чиқариш воситаларидан иборат. Иккинчи гуруҳ инсон меҳнати туфайли йиғилган бойликларнинг асосий қисмини (60фоиз) ташкил қилиб, ноишлаб чиқариш фондларини, айланма фондларини ва аҳолининг шахсий мулкнинг ўз ичига олади.

Айланма фондлар - бу ишлаб чиқариш воситаларининг битта ишлаб чиқариш жараёни давомида тамомилан истъмоъл қилинган қисми бўлиб, унинг қиймати тайёр маҳсулотта тўлалигича ўтади. Ноишлаб чиқариш воситалари таркибига қуйидагилар киради:

-меҳнат ашёлари ва ғамламалари;

-туталланмаган ишлаб чиқариш ва ярим фабрикатлар;

-келажак учун мўлжалланган харажатлар.

Айланма фондлар асосий ишлаб чиқариш фондларининг тахминан 19-20 фоизини ташкил қилади. Улар йил давомида бир неча марта айланади. Шу сабабли йил мобайнида сарфланган ресурсларнинг умумий ҳажми уларнинг ўртача йиллик ҳажмига қараганда бир неча баравар катта бўлади.

Статистика мамлакатимиз миллий бойлиги ҳажминини ҳисоблаш билан бирга унинг динамикасини ҳам таҳлил қилади.

Миллий бойлик индекси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$I_{\text{мб}} = \frac{МБ_0 + МД_1 \cdot T_1}{МБ_0} = \frac{МБ_1}{МБ_0}$$

Бу ерда:

МБ₁, МБ₀ -миллий бойликнинг базис ва жорий даврдаги қиймати;

МД₁ - жорий даврда яратилган миллий даромад;

T_1 - миллий даромаддаги жамғарма метёри.

Бу формула миллий бойлик хажмининг миллий даромаддаги жамғарма метёрига тўғри пропорционал, миллий бойлиكنинг йил бошидаги хажмига эга тескари пропорционал боғланишда эканлигини ифодалайди. Миллий бойлиكنинг ўсиши, жамғарил қонуни асосида юз беради. Бу қонунга биноан иқтисодиётда ўсиш юз берганда қўшимча маҳсулотнинг жамғариладиган қисми миллий бойликка айланади.

2-§. Миллик бойлик, миллий ҳисоблар тизимида фаол ва пассив тушунчалари

Актив - бу институционал бирликлар қўлидаги мулк бўлиб, унинг эгалари унга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи туфайли улардан иқтисодий даромад тонадилар. Активлар мулк объекти бўлганлиги сабабли захира кўринишида намоён бўлади. Мулкнинг қийматидаги инфляция МХТ да иқтисодий фаол маъносини беради. Иқтисодий фаолнинг миқдори (кўлами) олинган иқтисодий даромад хажмига, шунингдек, муайян даврда ундан фойдаланилганлик даражасига ҳам боғлиқ.

Мулк объектиларининг хизмат қилиш даври турлича бўлади. Вақт ўтиши билан улардан олинладиган даромад камайиб боради. Натижада мазкур мулкнинг бозор қиймати пасаяди. Турли кўринишдаги фаоллардан фойдаланиш даражаси, эгаллик шакли турлича бўлганлиги сабабли улардан олинладиган даромад ҳам ҳар хил бўлади. Шу тариқа ҳар бир институцион бирлик даромад тонади. Айтайлик:

-ер эгаси деҳқончилик қилиш ёки ерни ижарага бериб рента олишдан;

-пул ёки қимматли қоғозлар эгаси уни қарзга бериб фойз олишдан;

-капитал эгаси уни бизнесда ишлатилишдан даромад тонади.

Пассивлар - институцион бирликларининг қарқлари ёки уларни узин бўйича қардорлик мажбуриятидир.

Фаолларнинг қийматини ҳисобга олиш уларнинг умумий миқдори (хажми) ҳисобга олиш имконини беради. Активларнинг (А) умумий қийматидан (П) пассивларни айириб ташласак, у ҳолда институцион бирликларнинг ҳусусий капитали (ХК) келиб чиқади:

$$ХК = А - П$$

Макроиқтисодиёт миқёсида ҳусусий капитал соф фаоллар деб юритилади. Фаоллар икки турдаги ресурслардан ташкил тонади:

-моддий (номолиявий) ресурслар;

-молиявий ресурслар.

Моддий ресурслар ўз навбатида тикланадиган ва тикланмайдиган фойдаларга бўлинади.

Моддий айланма воситалар ва моддий-товар маблағлар ташкилатлари таркибига қуйидагилар киради:

-ишлаб чиқарувчилардаги тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ғамламалари;

-оралиқ истеъмол учун четдан сотиб олинган хом ашё, маблағ ва ярим фабрикатлар ғамламалари;

-муомаладаги товар ғамламалари ва давлат ихтиёридаги захиралари.

Асосий фондлар ҳам ўз навбатида икки гуруҳ активларидан иборат:

1. Моддий тикланадиган активлар - турар жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва қурилиш маҳсулотлари, ускуналар, ишлаб чиқаришга жалб қилинган табиий ресурслар, буюмланган бадний асарлар;

2. Номоддий тикланадиган активлар - тадқиқотлар ва изланишлар, қазиб олинадиган минерал ресурслар, электрон ҳисоблаш машиналари дастурлари, адабиёт ҳамда санъатнинг нодир асарлари ва ҳоказо.

Моддий активлар жамиятнинг моддий эҳтиёжини қондирувчи ва аниқ моддий ашёвий шаклдаги активлардир. Номоддий активлар ҳам моддий кўринишга эга бўлиб, улар номоддий эҳтиёжни қондиради.

Асосий фондлар деганда хизмат муддати бир йилдан ортиқ ва қиймати ўн беш минимал иш ҳақидан кам бўлмаган ишлаб чиқариш воситалари тушунилади. Улар ишлаб чиқаришнинг бир босқичида эмас, балки бир неча босқичида иштирак этадилар, маҳсулот ишлаб чиқарадилар ва натурал ашёвий шаклини сақлаб қолган ҳолда қийматларини тайёрланаётган маҳсулот қийматига қисман-қисман ўтказиб борадилар. Моддий бойликнинг ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги қисми ғарбда асосий ва айланма капитал деб, МДХ да эса асосий ва айланма фондлар деб юритилади.

Соф молиявий фаол иқтисодиётнинг соф фаолларини ёки хусусий капитални ҳисоблаш учун зарур. У қуйидагича аниқланади:

$$CMA=MA-MM$$

Бу ерда:

CMA - соф молиявий фаол;

MA - молиявий фаол;

MM - молиявий мажбуриятлар;

Молиявий мажбурият кредиторлар ва қарздорлар ўртасида тузилган шартнома муносабатлари натижасида вужудга келади.

Молиявий мажбурият - бу қарздорларнинг ўз кредиторлари талабларини қондириш (тўлаш) бўйича мажбуриятидир.

Актив ва пасив баланслар одатда йил боши ва йил охиридаги ҳолати билан ҳисобга олинади. Шунга қараб мутаносиб равишда актив ва пасив баланслар бошланғич ҳамда якуний кўринишларда тузилади. Бу баланслар МХТ таркибидаги тўртинчи тоифа, счетлар бўлиб уларда активлар элементларининг таркиби мажбурият ва хусусий капиталнинг муайян вақтдаги ҳолати акс эттирилади.

Иқтисодиётнинг соф активи барча секторларнинг соф активлари йиғиндисига тенг:

$$И_{с\alpha} = EC_{\alpha}$$

Бу ерда:

$И_{с\alpha}$ - иқтисодиётнинг соф активи.

EC_{α} - секторлар соф активларининг йиғиндиси.

Чет эл молиявий активлари мамлакатнинг чет эллар бўйича актив ва пасив балансларига асосланиб ҳисобланади. Бу балансининг актив қисмида қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Чет эл валютаси ғамламаси;
2. Хорижий инвестиция ва қимматли қоғоз;
3. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари;
4. Экспорт бўйича кечиктирилган тўловлар учун берилган кредит;
5. Хорижий давлатларнинг қарзлари;
6. Халқаро ташкилотларга берилган бадаллар;
7. Бошқа ташқи факторлар (бунга валюта банкларининг қисқа муддатли чет эл активлари ва корпорацияларининг чет эл активлари киради)

Балансининг пасив қисмида қуйидаги унсурлар ҳисобга олинади.

1. Ички қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар;
2. Ички иқтисодиётга қилинган инвестициялар;
3. Импорт бўйича кечиктирилган тўловлар учун берилган кредит;
4. Хорижий давлатлардан қарзлар;
5. Бошқа ташқи қоғозлар (бунинг таркибига валюта банкларининг қисқа муддатли ташқи қарзи ва корпорацияларининг ташқи қарзлари киради).

Активлар ва мажбуриятлар баланслари ўрганилаётган давр боши ва охиридаги ҳолати билан қуйидаги даромадлар бўйича ишлаб чиқилади:

- институционал бирликлар;
- иқтисодиёт секторлари;
- мамлакат иқтисодиёти миқёсида.

Активлар ва мажбуриятлар балансини тузиш чоғидаги бозор баҳосида баҳоланади. Активнинг таркибий элементлари ва уларнинг давр боши ва охиридаги ўзгариши қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$A_0 + B - C + D + X = A_1$$

Бу ерда:

A_0 ва A_1 - активларларнинг давр боши ва охиридаги қиймати (бозор нархида); B - сотиб олинган активлар (олди-сотди қилиш чоғидаги баҳода);

C - сотилган ёки тугатилган активларлар;

D - активлар таркибидаги бошқа ўзгаришлар;

X - активлар бўйича холдинг номинал фойдаси (+) ва зарари (-).

Жамғарма - капиталнинг шаклланишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Унинг миқдори мавжуд даромаддан жамғариш фойзига

боғлиқ ва у мавжуд даромад билан ҳақиқий пировард истеъмолат ўртасидаги фарққа тенг. Соф жамғарма капитал хажмининг ўзгаришида биринчи ва ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Молиявий активлар таркибидаги ўзгаришлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- халокат ёки фожиа натижасида қўрилган зарарлар;
- қопланмайдиган мусодара қилишлар;
- тасниф ва таркибий қисмлардаги ўзгаришлар;

3-§. Асосий фондлар статистикаси

Ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятини амалга ошириши учун маълум миқдорда ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлишлари керак:

Ишлаб чиқариш фондлари (қуроллар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ўтказувчи қурилмалар ва ҳоказолар) ёрдамида ишчи кучи ишлаб чиқариш воситаларига тайёр маҳсулот олиш учун таъсир этади. Улар ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча актларида иштирок этади ва аста секин эскириб боради. Ишлаб чиқариш предметлари (материаллар, ёнилғи ва ҳоказо) эса ишлаб чиқариш жараёнини охирида бутунлай ишлатилиб тайёр маҳсулотга ўтиб кетадилар.

Демак, ишлаб чиқариш предметлари ўз қийматларини бир ишлаб чиқариш босқичида тайёр маҳсулотга ўтказишади. Ишлаб чиқариш фондлари эса ўз қийматини эскириб боришига қараб аста-секин ўтказишади ва ишлаб чиқаришнинг бир неча босқичида қатнашади.

Шундай қилиб, асосий фондлар - қиймат (пул) шаклида ифодаланган, хизмат муддати 1 йилдан кам бўлмаган меҳнат воситаларининг йиғиндиси бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнида узок вақт қатнашади ва қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин, эскиришига қараб ўтказа боради.

Макроиктисодий статистиканинг бу соҳадаги вазифаларни қуйидагилардан иборат:

1) Асосий фондлар ҳажми ва тузилишини ўрганиш.

2) Асосий фондлар динамикасини ўрганиш.

3) Асосий фондларни ҳолатини тавсифлаш.

4) Асосий фондлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш ва ҳоказо.

Асосий фондлар бажарадиган вазифаларига кўра турли-туман шаклларда учрайди. Шунинг учун уларни турри таснифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Макроиктисодий статистика ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондларни ишлаб чиқаришдаги вазифасига қараб 3 қисмга бўлади:

1) Ишлаб чиқаришнинг суяк ва мусқул тизим (станоклар, машиналар, аппаратлар ва ҳоказолар)

2) Ишлаб чиқариш томонидан истеъмолат қилинадиган тизимлар (омборлар, иншоотлар, қурилмалар-транспортёрлар ва ҳоказолар)

3) Ишлаб чиқариш жараёнини меъёрида ўтиши учун шароит яратувчилар (иморатлар, иншоатлар).

Шуларга асосланиб, макроиқтисодий статистика ва ҳисобда асосий фондлар табиий кўриниши ва технологик вазифасига қараб 12 та гуруҳга ажратилади:

1. Иморатлар.
2. Иншоатлар.
3. Ўтказувчи қурилмалар.
4. Машина ва ускуналар.

Шу жумладан:

- а. Қувватли машина ва ускуналар.
- б. Ишчи машина ва ускуналар.

Улардан:

- а. автоматик машина ва ускуналар.
- б. ўлчайдиган ва тўғрилайдиган асбоблар.
- в. Электрон ҳисоблаш машиналари.
5. Транспорт воситалари.

6. Асбоблар.

7. Ишлаб чиқариш ашё ва анжомлари.

8. Хўжалик анжомлари.

9. Ишчи ва маҳсулдор қорамоллар.

10. Қўп йиллик ўсимликлар.

11. Ерларнинг ҳолатини яхшилаш ва фойдали қазилмаларни топиш учун сарфланган капитал харажатлар.

12. Адабиёт ва санъатнинг нодир асарлари.

Бундай турқумлаш асосий фондларнинг ҳажми бўйича маълумот олиш, техник даражасидаги ўзгаришларни билиш, асосий фондларнинг эскириши ва амортизацияни туғри аниқлаш ва уларни яратувчи тармоқлар фаолиятини режалаштириш имконини беради.

Асосий фондларнинг фаол қисми (меҳнат предметларига таъсир этувчи қисми)ни ажратиш имконини беради. Саноат тармоғида уларга қувватли машина ва ускуналар, ишчи машина ва ускуналар, ўлчов асбоблари, лаборатория ускуналари ва асбоб ускуналари ва ЭХМ лари киради. Мамлакатимизда техника тараққиёти натижасида асосий фондлар фаол қисмининг салмоғи тобора ортиб бормоқда.

Асосий фондлар ҳажмини аниқлаш учун уларнинг ҳар бири ёки бир гуруҳи натурал кўрсаткичда ҳисобга олинади. Масалан: печлар-фойдаланиш майдони m^3 да, яшайдиган иморатлар-сонда ва фойдаланиш майдони m^2 да ҳисобланади ва ҳоказо.

Асосий фондларни бундай кўрсаткичларда ҳисобга олиш кўп иқтисодий масалаларни ўрганишга хизмат қилади.

Шунга қарамай, асосий фондларнинг ҳолати ва эскиришига баҳо беришда, ишдаги умумий кўрсаткичларни аниқлашда, уларни гуруҳлашда, тармоқни ёки бутун саноатни асосий фондларни ҳажмини аниқлашда қиймат (пул) шаклида баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бу

шакл асосида йиллик амортизация меъёри ва суммаси аниқланади, асосий фондларнинг баланси тузилади.

Амалиётда асосий фондларни қўйидаги баҳолаш усуллари қўлланилади:

1.Тўлиқ қиймати бўйича:

а) тўла бошланғич қиймати бўйича;

б) тиклашдаги қиймати бўйича.

2.Эскирган қисмини ажратиш қиймати бўйича:

а) тўла бошланғич қийматида эскирган қисмини ажратиш;

б) тиклашдаги қийматида эскирган қисмини ажратиш;

3.Йўқотишдаги қиймати;

Асосий фондларни сотиб олиш, олиб келиш, ўрнатиш жараёнидаги харажатлар йиғиндиси асосий фондларни тўлиқ бошланғич қийматини ташкил этади ва у баҳолашнинг асосий тури ҳисобланади. Асосий фондлар шу баҳода корхоналарнинг балансига ўтказилади.

Тиклаш қиймати эса шу қийматнинг ҳозирги баҳоларда ифодаланishiдир. Қурилиш материалларини ҳозирги баҳосида, ҳозирги вақтдаги транспорт ва ҳоказолар бўйича харажатлари бўйича баҳолаш. Бу баҳо асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида аниқланади.

Эскирган қисмини ажратиш қиймати деб тўлиқ бирламчи қиймати ёки тиклаш қийматидан эскирган қисм қиймати айириб тапшлангандан кейин қоладиган қийматига айтилади.

Эскириб ишлаб чиқаришдан чиқариб тапшланган қиймати йўқотиш қиймати дейилади.

Асосий фондлар амортизацияси-улар жисмоний ва маънавий томондан эскиришини пул шаклида ифодаланидир. Шу билан бирга амортизация асосий фондлар қийматининг тайёр маҳсулотга ўтказган қисмини белгилайди. Жисмоний эскириш уларни ишлатиш натижасида ҳосил бўлади. Маънавий эскириш эса улар замон талабига жавоб бера олмай қолганида рўй беради.

Маънавий эскиришнинг 2 тури мавжуд:

1)Мавжуд асосий фондларга нисбатан унумлироғи ишлаб чиқарилганда;

2)Мавжуд асосий фондларга нисбатан арзонроғи ишлаб чиқарилганда.

Жисмоний ва маънавий эскиришнинг амортизация ажратмалари аста-секин йиғила бориб амортизация фондини ташкил этади. Бу фонд ҳисобидан асосий фондлар бутунлай ёки қисман тикланиб борилади. Асосий фондлар амортизациясини ўрганишда йиллик амортизация суммасини ва амортизация меъёрини ажратиш керак.

Йиллик амортизация суммаси- йил давомида ажратилган амортизация суммалари йиғиндиси бўлиб, у мутлоқ миқдор - сўмларда ифодаланади.

Бу фондлар суммаси- ишлаб турган вақтида уларни капитал таъмирлаш ва қайта усқуналаш учун, индан чиққанида эса қийматини бутунлай қоплаш ёки янгисини сотиб олиш учун ишлатилади. У қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$A = \frac{П(В) + КР + М - Л}{Т};$$

Бу ерда:

П(В)- асосий фондларнинг бош бирламчи ёки тиклаш бўйича ўртача йиллик қиймати;

КР-капитал таъмирлаш қиймати;

М-модернизация қиймати;

Л-йўқотишдаги қиймати;

Т- асосий фондларнинг хизмат даври.

Масалан: Станокнинг тўла бошлангич баҳоси-2000 ме.

Уни капитал таъмирлаш баҳоси-400 ме.

Ўскирган қисмларини янгиланг-300 ме.

Йўқотишдаги қиймати-40 ме.

Унинг хизмат даври-10 йил.

У ҳолда йиллик амортизация суммаси аниқлансин.

$$A = \frac{2000 + 400 + 300 - 40}{10} = 266 \text{ ме}$$

Амортизация меъёри дсб, йиллик амортизация суммасини уш тўлиқ бирламчи бош баҳосига нисбатини фондда ифодаланшинга айтилади.

$$Na = \frac{A \cdot 100}{П(В)} = \frac{266 \cdot 100}{2000} = 13.2\%$$

Демак, ушбу станок қийматининг 13,2 фоиз миқдорида йиллик амортизация суммаси ажратиб борилади.

Агар ушбу станок 10 йилдан кейин ҳам ишлаб чиқаришда иштираётган бўлса, унда факат капитал таъмир учун амортизация ажратилади.

Корхоналардаги асосий фондлар қиймати тинмай ўзгариб туради. Уларнинг кўпайишига қуйидаги омиллар таъсир этади:

1) Сотиб олин;

2) Қуриш;

3) Хатлаш (инвентаризация) давридаги баҳосининг ортиши.

Асосий фондлар ҳажмининг камайишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Ўскирилганлиги сабабли йўқотиш;

2. Бошқа корхоналарга сотиш;

3. Табиий офат натижасида йўқотилиши;

4. Хатлаш даврида баҳосининг камайиши.

Асосий фондлар ҳақидаги маълумотларга асосан корхона ва тирмоқ бўйича уларнинг тўлиқ қийматига кўра баланси тузилади.

$$Оф_{\text{йил бошига}} + П - В = Оф_{\text{йил охирига}}$$

Бунда: Оф- асосий фондларнинг йил бошидаги қолдиги.

Оф_{инст} бошига - асосий фондларнинг йил охиридаги қолдиги.

II- ишлаб чиқаришга киритилган асосий фондлар.

B- ишлаб чиқаришдан чиқиб кетган асосий фондлар.

Масалан: Тармоқда йил бошида 6000 м.с. асосий фонд мавжуд эди. Йил давомида ишлаб чиқаришга 1200 м.с. асосий фонд киритилди ва 200 м.с. асосий фонд чиқарилди. Асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати аниқлансин ва баланси тузилсин:

$$1) \Phi_0 + II - B = \Phi_1$$

$$2) 6000 + 1200 - 200 = 7000$$

$$3) 6000 + 1200 = 7200$$

$$4) 7200 \text{ м.с.} = 7200 \text{ м.с.}$$

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнини тахлил қилини учун уларнинг ишлаш ҳолатини, эскирини даражасини ва бу фондлардан фойдаланиш даражасини тавсифлайдиган маълумотларга эга бўлмоқ керак.

Асосий фондларнинг эскирини даражаси мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Масалан: Саноат тармоғининг йил бошидаги асосий фондлари қиймати 10 млн.сўм. Унинг қолдиқ қиймати эса 8 млн.сўм. Бундай ҳолда унинг эскирини суммаси 2 млн.сўм, бўлади. Эскирини коэффициентни қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$\text{Эскириш коэф} = \frac{\text{Оф} - \text{Оф}^1}{\text{Оф}}$$

Бу ерда Оф-асосий фондларни бошланғич қиймати.

Оф¹-қолдиқ қиймат.

Эскириш коэффициентни яроқлилик коэффициенти билан узвий боғлиқ. Эскирини коэффициентини қанча кичик бўлса, яроқлилик коэффициентини шунча катта бўлади ва аксинча. Агар «1» дан эскирини коэффициентини айириб ташласак, яроқлилик коэффициентига эга бўламиз. Юқоридаги мисолимизда

$$\text{Эскирини коэффициентини} = \frac{10-8}{10} = 0.2 \text{ ёки } 20 \% \text{ бўлса,}$$

$$\text{Яроқлилик коэффициентини} = 1-0.2 = 0.8 \text{ ёки } 80 \% \text{ бўлади.}$$

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш суръатини тавсифлаш учун уларнинг жисмоний ва техник ҳолатини ўрганишда янгилаш коэффициентини қўлланамиз.

$$\text{Янгилаш коэффициентини} = \text{ЕВ} / \text{ЕО}_{\text{фк}}$$

Бунда ЕВ- ишлаб чиқаришдаги янги киритилган асосий фондлар қиймати.

ЕО_{фк} -асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати.

Бундан ташқари чиқини коэффициентини ҳам қўлланамиз.

$$\text{Чикини коэффициентини} = \frac{\text{ЕВ}}{\text{ЕО}_{\text{фн}}}$$

Бунда ЕВ- ишлаб чиқаришдан чиқарилган асосий фондлар қиймати.

ЕО_{фн} -асосий фондлар йил бошидаги қиймати.

Асосий фондлардан фойдаланиш даражасини тавсифлаш учун Ҳар бир сўмлик асосий фондга тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хажми (фонд кайтими) кўрсаткичи қўлланилади. Унинг динамикасини ўрганишда асосий фондлар ҳам, маҳсулотлар ҳам ўзгармас баҳоларда ҳисобланади.

Масалан: Корхона бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

	1997 йил	1998 йил
Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати (млн.сўм.).	6000	8000
Ялпи маҳсулот (млн.сўм.)	9000	14400

Аниқлансин:

1. 1997 ва 98 йилларда асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларини;
2. 1998 йилда ялпи маҳсулот хажмига таъсир этган қуйидаги омиллар қувватини;

а) асосий фондлардан яхшироқ фойдаланиш натижасида;

б) асосий фондлар қийматининг қўнайиши натижасида;

$$1) 1997\text{й} = 9000/6000 = 1.5 \text{ сўм}$$

$$1998\text{й} = 14400/8000 = 1.8 \text{ сўм}$$

$$2) 14400 - 9000 = 5400 \text{ млн.сўм.}$$

$$\text{а) } 0.3 * 8000 = 2400 \text{ млн.сўм.}$$

$$\text{б) } 1.5 * 2000 = 3000/5400 \text{ млн.сўм.}$$

Демак, 5400 млн.сўмлик қўшимча маҳсулот 2400 млн.сўми асосий фондлардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига, 3000 млн.сўм асосий фондлар хажмини қўнайитириш ҳисобига олинган.

Жамиятимизни моддий - техника ислоҳи мустаҳкамланган сари меҳнатнинг асосий фондлар билан қуролланиш даражаси ортиб боради. Бу кўрсаткичнинг асосий фондлар қийматини корхонадаги ходимлар сонига ёки энг кўп ишчи ишлаган еменадаги ишчилар сонига бўлиб аниқланади.

Масалан : Корхонада асосий фондлар қиймати -12 млн.сўм.лик. Энг кўп ишчилар ишлаган еменадаги ишчилар сони 12000 киши. Бунда меҳнатнинг фонд билан қуролланганлиги $= 12000/12 = 10 \text{ млн.сўм.}$

Демак ҳар бир ишчи 10000 минг сўмлик асосий фонд билан қуролланган экан. Бу кўрсаткичнинг ортиши меҳнат унумдорлигини ортишига олиб келади.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий бойлик деганда нимани тушунасан?
2. Миллий бойлик статистикасини асосий вазифаларини тушунтириб бериш.

3. Миллий мулк нима?
4. Асосий фондлар деганда нимани тушунасан?
5. Асосий фондлар қандай баҳоланади?
6. Асосий фондлар балансларини тушунтиринг.

6-БОБ. ФАН ВА ИЛМЙЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ СТАТИСТИКАСИ

1-§. Фан ва илмий техник тараққиёти тўғрисида тушунча ва уни статистик ўрганишнинг вазифалари

Бозор иқтисодиётига ўттиш даврида илмий техника тараққиёти ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини оширишнинг, уни штеисивлаштиришнинг ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг муҳим омилдир.

Илмий - техника тараққиётининг иқтисодий натижаси-меҳнатин тежан, унинг унумдорлигини оширини ва шу асосда жамият учун зарур бўлган мислий маҳсулотни ва мислий даромадни кўпайтиришдан иборат. Илмий техника тараққиёти аввало янгиликлар оқими шаклида намоён бўлади. У илмий техника тадқиқотларини натижаларини қўллаш асосида техникани, технологияни ва ишлаб чиқаришни юритиш услубларини такомиллаштирилишини, ишлаб чиқариш кучлари ривожлантирилишини англатади. Ушбу мураккаб жараён кенг қамровли йўналиш ва омилларни ўз ичига олади:

1. Назарий ва илмий масалалар устида илмий тадқиқотлар ўтказини;
2. Машина ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг синовдан ўтказиладиган намуналарини яратиш ва тайёрлаш;
3. Ёкиларининг янги навларини тажриба асосида кўпайтириш ва ҳайволларининг янги зотларини урчишини;
4. Замоनावий техника воситаларини кўплаб ишлаб чиқариш ва уларни ишлаб чиқаришда кенг қўллаш;
5. Ишлаб чиқариш технологиясини ва бошқарувини такомиллаштириш;
6. Кадрлар малакасини оширини;
7. Ишлаб чиқаришда замоनावий ОХМ лардан фойдаланиш ва хоказолар.

Маълумки, ишлаб чиқариш кучлари доимо ривожланишда. Шунинг учун ҳам техника, технология ва ишлаб чиқариш жараёнлари доимо такомиллашиб боради. Лекин бу ривожланиш ва такомиллашув узок вақт маълум тамойиллар чегарасида кечади, илмий-техниканий билнмларининг жамланшини ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш аста-секин амалга олади. Шундай вақт келадики, дастлабки техника, технология, ўсимлик навларининг имкониятлари тугайди. Аста-секин ўзгарини асосида тубдан янги турдаги энергия, материаллар, техника ва технологиялар пайдо бўли бошлайди. Натижада ишлаб чиқаришнинг ривожланишида сифат бўйича сакран юз боради. Бу илмий техника инқилоби деб аталади.

Илмий техника тараққиёти ишлаб чиқариш жараёнида олдин кўзга таппанмаган имкониятларни очиб беради. Бу ҳар хил йўналишларда намоён бўлади.

1. Илмий техника тараққиёти янги имкониятлардан фойдаланиш имконини беради ва шу асосда ишлаб чиқаришнинг юқори ўсши суръатларини таъминлайди;

2. Аввалдан белгиланган ҳоссаларга эга бўлган янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун имкониятлар яратлади.

3. Илмий техникавий ечимларни ишлаб чиқаришда қўллаш натижасида бир бирлик маҳсулот ҳисобида меҳнат ва моддий харажатлар сарфини анча камайтиради;

Илмий техникавий тараққиёт ижтимоий масалаларни ҳал қилиш учун имкониятлар яратлади. Натижада меҳнат шароити яхшиланади, ходимларнинг малакаси оширилади, меҳнат кўпроқ ижодий мазмун касб этади. Жамият ривожининг ҳозирги босқичи фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялаш жараёнининг интегрискини билан тавсифланади. Шунга боғлиқ ҳолда иқтисодий фан олдига илмий техника тараққиётини бошқариш ва унинг ривожланишини таъминлаш вазифаси қўйилган. Бунда статистика муҳим роль ўйнаб, у фан ва илмий техника тараққиёти статистикаси кўрсаткичларини ишлаб чиқиб ва доимо такомиллаштира бориб, илмий техника тараққиётига таъсир этувчи омилларни аниқлайди. Бу жараёнга ҳос бўлган қонуниятларни очиб беради, жамият ҳаётининг ҳар хил томонларига илмий техника тараққиёти таъсирини ўрганади.

Илмий - техника тараққиёти статистикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш, уларнинг ривожланишини таҳсил ва назорат қилиш.

2. Илмий - техника тараққиёти йўналишларига макроиқтисодий статистик нуқтаи-назардан баҳо бериш.

3. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда илмий техника тараққиётини жадаллаштириш таъсирини статистик кўрсаткичларда тасвирлаш.

4. Илмий техника тараққиётининг ижтимоий - иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш.

5. Илмий техника тараққиётининг асосий йўналишларини ҳар томонлама тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш ва бошқалар.

Фан ва фан хизматлари кўрсатиш статистикаси - бу фаннинг ҳолатига, илмий тадқиқот ютуқларини амалиётда қўллаш ва унинг самарасига миқдорий тавсиф беради.

Фан ва фан хизматларини кўрсатиш статистикаси ўз ичига қуйидагиларни характерлайдиган 4 гуруҳ кўрсаткичларини олади:

1. Илмий - техникавий потенциал (ИТП).

2. Илмий тадқиқотлар.

3. Илмий тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларини (ИТГКН) бажаришга сарфланган харажатлар

4. Илмий тадқиқотларнинг натижавийлиги ва самарадорлиги.

Илмий техниканин потенциал деганда жамият ва табиат тўқрисидаги билимларнинг ривожланиши ҳамда билимларнинг янги технологик маҳсулот ва хизматлар, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илгор шакллари кўринишида моддийлангириш учун, ижтимоий-иқтисодий тизимга эга бўлган ресурслар йиқиндиси тузинилади. Илмий техника потенциални ишон томонидан йиқилган билимларни ва уларни тадбиқ этиш шароитларини бирлантиради.

Бу имкониятларнинг тадбиқ қилиниши даражаси шу потенциалдан фойдаланиш самарадорлиги даражаси билан аниқланади. Илмий техника потенциални ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) кадрлар потенциални - илмий муассасаларда, олий ўқув юртрларида, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотларида, корхоналарнинг конструкторлик бюросларида меҳнат қилаётган олимлар, муҳандислар ва бошқа мутахассислардан ҳамда илмий педагогик кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

б) моддий-техник потенциални - илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини ўтказиш ва янги маҳсулот ҳамда технологияларнинг тажриба намуналарини тайёрлаш учун мўлжалланган асосий ва оборот фондларидан ташкил тонади.

в) информация потенциални - юқорида қайд этилган илмий техника потенциалидан самаралироқ фойдаланишни ташкил этишнинг усул ва воситалари йиқиндисини ўз ичига олади.

Илмий - техника потенциалнинг асосий кўраткичлари қуйидагилар: илмий ходимлар сони, янги тиндаги машина ва ускуналар намуналарининг сони, рационализаторлик ва ихтирочилик кўраткичлари, янги техникани қўлаш кўраткичлари, барпо этилган ишлаб чиқариш ва илмий ишлаб чиқариш бирликлариининг сони ва шу кабилар.

2. Илмий - тадқиқотларини харақтерловчи кўраткичлар қуйидагилардан иборат:

- илмий тадқиқот ишларининг йиллик тематик ишлар бўйича маъзу (тема)лар сони.
- ҳисобот йилида ҳақиқатда тугалланган маъзулар сони.
- ҳисобот йилида жорий қилиниши мумкин бўлган маъзулар сони.
- ҳисобот йилида яратилган ва ишлаб чиқаришга таъсия этилган техника намуналарининг сони.
- ҳисобот йилида капифиётлар, ихтирлар, рационализаторлик ташаббуслари ва чон этилган илмий ишлар сони ва шу кабилар.

3. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини байжаришга сарфланган харажатлар молиялаштириш манбалари бўйича умумий харажатлар кўраткичларини ўз ичига олади. Бу харажатлар давлат бюджети, харажат турлари ва йўналиши бўйича ажратиб ўрганилади. Буида харажатлар капитал қўйилмаларга ва жорий харажатларга ажратилади.

4. Иқтисодий тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлигини харақтерловчи кўраткичларга қуйидагилар киради: Умумий қутилаётган

йиллик самара, яратилган техника намуналарини сотишдан қўтиллаётган йиллик иқтисодий самара, шу жўмладан ихтиролардан ва рационализаторлик ташаббусларидан;

Илмий-техника потенциалдан фойдаланиш самарадорлигининг умумий иқтисодий кўрсаткичининг аниқлаш учун интенсив омиллар таъсирида олинган миллий даромад ўлушини шу миллий даромаднинг снпига сабаб бўлган илмий-техника потенциалнинг қийматиға бўлинади. Унинг махражи илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига сарфланган харажат ёки илмий ходимларининг сонини олиш мўмкин. Сўрватида фойда сўммасидан фойдалансак ҳам бўлади. Бунда фойда-бу, илмий-техника потенциалдан фойдаланиш натижаида олинган сўммадир.

2-§. Илмий-техника тараққийи статистикасининг асосий кўрсаткичлари

Илмий техника тараққийининг ҳар томонлама статистик ўрганиш учун унинг босқичлари ва йўналишларига баҳо берадиган статистик кўрсаткичлар тизими зарурдир. Бозор иқтисодиётинга ўтиш мўносабати билан илмий техника тараққийини иқтисодий юксалишининг бош омиллика айлантириш вазифаси 1-ўрида туради.

Илмий техника тараққийини 4-босқичға ажратиш мўмкин:

1. Янги техникани яратиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини ўтказиш. Уни илмий текшириш ишлари ва тажриба-конструкторлик бюрolari амалға оширади. Улар фаолияти натижаларининг умумий таъсифлаш техник жихатдан мамлакат ва чет эл намуналаридан ўстун бўлган ишларининг салмоқи даражасини белгилайди. Бундан ташқари статистика қабул қилинган ва фойдаланилган рационализаторлик ташаббуслари ва ихтироларининг сони ва улардан олинган иқтисодий самара миқдорини характерлайди.

2. Янги техника ишлаб-чиқаришнинг ўзлаштириш ва сериялаб ишлаб чиқариш. Буни янги техникани тайёрлаган корхоналар ва тармоқлар амалға оширадилар. Бу босқични статистик характерлаш учун янги техникани ишлаб чиқариш тўқрисидаги маълумотлардан фойдаланилади. Бу маълумотлар таркибига янги турдаги ва марқадаги машиналар, аппаратлар, асбоблар ва бошқа буюмларнинг сони киритилади.

Ишлаб чиқаришнинг техник даражаси деғанда ишлаб чиқариш прогрессив элементларининг салмоғини тушунамиз.

Ишлаб чиқариш техник-ташкилий ва ижтимоий даражасининг асосий кўрсаткичлари.

Техникавий кўрсаткичлар			Ташкилий кўрсаткичлар		Социал кўрсаткичлар	
Маҳсулотини техник жадаражаси кўрсаткичлари	Ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси кўрсаткичлари	Ишлаб чиқаришнинг техник даражаси кўрсаткичлари	Меҳнатини ташкил этиш даражаси кўрсаткичлари	Ишлаб чиқаришнинг ташкил қилишининг даражаси кўрсаткичлари	Меҳнатини механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаси кўрсаткичлари	Меҳнаткашларнинг маълакаси ва таркиби кўрсаткичлари

3. Янги техникани ўзлаштириш ва қўллан.

Бу босқични янги техникани истеъмолчи корхоналар ва тармоқлар доирасида амалга ошириш. Бу босқичнинг статистик тавсифи бўлиб, илмий-техника ютуқларини қўллан харажатлари ва уларнинг самарадорлиги ҳисобланади. Янги техникани қўллашни умумий ҳаракатсизлайдиган кўрсаткич эса саноат ишлаб чиқариш аппаратурининг янгилашни коэффициентини саналади. Буни ҳисоблаш учун ҳисобот даврида фойдаланинига киритилган янги машина механизми ва бошқа ускуналар қийматини ҳисобот даври охиридаги ишлаб чиқариш ускуналарининг умумий қийматига бўлиши зарур.

4. Халқ ҳўжалигида техникадан фойдаланиш. Бу босқичда халқ ҳўжалиги тармоқларига киритилган техника, машина ва механизмлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозимлиги кўрсатилади.

3-§. Илмий-техника тараққиётининг асосий йўналишлари

1. Халқ ҳўжалигини электрлаштириш.

Илмий техника тараққиётининг асосий йўналишларидан бири-халқ ҳўжалигини электрлаштириш ҳисобланади. Халқ ҳўжалигини электрлаштириш -бу ишлаб чиқаришда электр энергиядан фойдаланиш демакдир. Электрлаштириш жараёни кўрсаткичлар тизими билан харақтерлашиб, улардан асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: электростанцияларнинг сони ва қуввати, уларнинг таркиби, ишлаб чиқарган электр станцияси, ишлаб чиқариш жараёнларини электрлаштириш кўрсаткичлари, меҳнатнинг энергия билан қўролланиши, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган электр-энергия;

Электростанцияларнинг қуввати одатда кВт да, ишлаб чиқарилган электр-энергияси эса кВт - соатда ҳисобга олинади.

1кВт = 1,36 от кучи.

1 от кучи = 0,736 кВт

Электрлаштириш жараёнининг муҳим тамонини электробаланс кўрсатиб, унда ишлаб чиқарилган энергиянинг ҳажми ва унинг халқ ҳўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланиши ҳақида маълумотлар акс эттирилади.

Статистикада электростанцияларнинг қуввати қуйидагича гуруҳланади:

500 кВт гача;

500 - 9999 кВт гача;

10000 - 49999 кВт гача;

100000 кВт ва ундан юқори.

Ишлаб чиқариш жараёнида турли хилдаги энергиялар истеъмол қилинади. Ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган электр энергия салмоғини аниқлаш учун ишлаб чиқариш жараёнларини электрлаштириш коэффициентлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар энергетик ускуналарининг

қуввати ёки истеъмол қилинган энергия тўқрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланиши мумкин.

1. Ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштиришнинг потенциал (қувват) коэффициентини:

$$K = \frac{K_{\text{эл.мотор}} + K_{\text{эл.аппарат}}}{K_{\text{умумий}}}$$

$$K_{\text{умум}} = K_{\text{механик ускуналар}} + K_{\text{элек.ускуналар}}$$

2. Ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштиришнинг ҳақиқий (истеъмол қилинган энергия бўйича) коэффициентини:

$$K = \frac{\Sigma_{\text{эл.мотор}} + \Sigma_{\text{эл.аппарат}}}{\Sigma_{\text{умумий}}}$$

3. Меҳнатни энергия билан қуролланишининг потенциал коэффициентини:

$$K = \frac{K_{\text{умумий}}}{\dots}$$

Танг тўлиқ сменадаги ишчилар сони ёки ўрт.рўйхатдаги ишчилар сони

4. Меҳнатни энергия билан қуролланишининг ҳақиқий коэффициентини:

$$K = \frac{\Sigma_{\text{умумий}}}{T \cdot I};$$

Бу ерда T - ишланган киши - соатларни.

Масала №1. Корхонада июнь ойида электр ускуналарнинг қуввати 19200 кВт ни, механик ускуналарининг қуввати эса 7180 кВт ни ташкил этган.

Ой давомида корхонада ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун 9158 760 кВт-соат электро-энергия ва 2348 670 кВт-соат механик энергия истеъмол қилинган. Энг тўлиқ сменадаги ишчилар сони 2258 кишини ишланган киши-соатлар эса 821 576 ни ташкил этган.

Ушбу маълумотларга асосланиб қуйидагиларни ҳисоблаймиз:

1) Ишлаб чиқариш жараёнини электрлаштиришнинг потенциал (қувват) коэффициентини.

$$K_{\text{қув}} = (K_{\text{эл.мотор}} + K_{\text{эл.аппарат}}) / K_{\text{умумий}} = 19200 / (19200 + 7180) = 0,76 \text{ ёки } 76\%$$

2) Ишлаб чиқариш жараёнининг электрлаштиришнинг ҳақиқий коэффициентини.

$K_{\text{хак}} = (\Sigma_{\text{эл.мол.}} + \Sigma_{\text{эл.аппарат}}) / \Sigma_{\text{умумий}} = 9158760 / (9158760 + 2348670) = 0,88$
ёки 88%.

3) Мехнатни энергия билан қуролланишнинг потциал коэффициенти;

$$K_{\text{пот.}} = K_{\text{умум.}} / T_{\text{энг тул.мен. ишчилар сони}} = 26380 \text{ кВт} / 2258 \text{ киши} = 11,7 \text{ кВт.}$$

4) Мехнатни энергия билан қуролланишнинг ҳақиқий коэффициенти;

$$K_{\text{энр.}} = \Sigma_{\text{умум.}} / T_{\text{ишланган киши-соатлар}} = 11507430 \text{ кВт-соат} / 821576 \text{ киши-соат} = 14 \text{ кВт/киши.}$$

2. Булардан ташқари меҳнатни электрэнергия билан қуролланиш кўрсаткичи ҳам аниқланиб, буида жамъи энергия ўрнига фақат электрэнергия кўрсаткичидан фойдаланилади.

Мағала №2.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасининг энергетик қуввати, ишловчилари сони ҳамда экин майдонларининг ўлчами тўғрисида қўйидаги маълумотлар берилган:

	1990	1997	1999
Қишлоқ хўжалиги соҳасининг энергетик қуввати, млн. кВт-соат.	15,7	21,2	21,5
Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўртача йиллик ишловчилар сони, млн. киши.	1,8	2,0	2,1
Ўлчам экин майдонлари, млн.га.	3,9	4,3	4,2

Ушбу маълумотларга асосланиб, қўйидагиларни ҳисобланг:

1. Мехнатнинг энергия билан қуролланиш даражасини;

2. Энергетик қувват билан таъминланиш даражасини;

3. Ҳисобланган бу кўрсаткичларнинг ўсиш суръатини;

Ечилиши:

1) $K_{1990} = K_{\text{ум}} / T = (15,7 \text{ млн. кВт-соат}) / (1,8 \text{ млн. киши}) = 8,1 \text{ кВт-соат/киши.}$

$K_{1997} = K_{\text{ум}} / T = (21,2 \text{ млн. кВт-соат}) / (2,0 \text{ млн. киши}) = 10,6 \text{ кВт-соат/киши}$

2) $K_{1990} = K_{\text{ум}} / \text{экин.май.} = (15,7 \text{ млн. кВт-соат}) / (3,9 \text{ млн.га.}) = 3,9 \text{ кВт.}$

$K_{1997} = 21,2 / 4,33 = 4,8 \text{ кВт-соат/га.}$

3) а) $K_{1997} - K_{1990} = 10,6 - 8,1 = +2,5 \text{ кВт-соат/киши.}$

$K_{1990} - K_{1997} = 10,2 - 10,6 = -0,4 \text{ кВт-соат/киши.}$

$K(1999) - K(1990) = 10,2 - 8,1 = +2,1 \text{ кВт-соат/киши.}$

б) $K_{1997} - K_{1990} = 4,8 - 3,9 = +0,9 \text{ кВт-соат/киши.}$

$K_{1999} - K_{1997} = 5,1 - 4,8 = +0,3 \text{ кВт-соат/киши.}$

$K_{1999} - K_{1990} = 5,1 - 3,9 = +1,2 \text{ кВт-соат/киши.}$

Нисаб чiqарилши электрлантириши ўз навбатида механизациялани ва автоматлантириши даражасининг ўсишига олиб келади Нисаб чiqарилши механизациялантириши ва автоматлантириши меҳнатни энгилантиришига ва унинг унумдорлиги ошишига таъсир этувчи асосий омилларидан биридир. Нисаб чiqарилши жарёнларини механизациялантириши деганда нисаб чiqарилшида қўл меҳнати ўрнига машина ва меҳанизмлар қўлланилиб, иш бажарилши туннилади. Бунда алоҳида нисабларни механизациялантириши хусусий, барча асосий ва

ёрдамчи операцияларни тўлиқ механизациялаштириш жа комплекс механизациялаштириш деб аталади.

Механизациялаштиришнинг энг юқори босқичи - ишлаб чиқаришнинг автоматлаштиришидир, у техника тараққиётининг алоҳида йўналиши сифатида шаклланади. Ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш бир-бири билан чамбарчас боғланган машина ва асбоблар тизими меҳнаткашларнинг жисмоний меҳнати бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидан четлатади. Маҳсулот автоматларда ишлаб чиқарилади. Ишчилар фақат автомат ва асбобларнинг ишлаши устидан назорат қилиб турадилар. Илмий техника тараққиётининг статистикасида ишлаб чиқаришнинг механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаси икки йўл билан: 1) иш вақти сарфи кўрсаткичлари ва 2) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми кўрсаткичлари ёрдамида аниқланиши мумкин:

1. Иш вақти сарфи бўйича ишлаб чиқаришнинг механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаси қуйидагича аниқланади:

а) Алоҳида турдаги иш (ёки маҳсулот) бўйича қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{инд мех}} = \frac{T_{\text{м}}}{T_{\text{м}} + T_{\text{н}}} = \frac{T_{\text{м}}}{T}$$

авт. ва т

бу ерда:

$T_{\text{м}}$ - механизациялашган, автоматлаштирилган иш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган иш вақти.

$T_{\text{н}}$ - механизациялаштирилмаган ёки автоматлаштирилмаган ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган иш вақти.

б) бир ишлаб чиқариш жараёнига мансуб бўлган турли хилдаги барча бажарилган иш (ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот)лар бўйича қуйидагича:

$$K_{\text{кумулят.мех.}} = \frac{\sum T_{\text{м}}}{\sum T_{\text{м}} + \sum g_{\text{н}}} = \frac{\sum T_{\text{м}}}{\sum T} \quad \text{бунда } t = \frac{T}{g}; \quad t = \frac{T}{q};$$

авт. ва т

Бу ерда :

T - жами сарфланган иш вақти.

$g_{\text{м}}$ - механизациялаштирилган, автоматлаштирилган усулда бажарилган ишлар ҳажми.

$T_{\text{м}}$ - механизациялаштирилган, автоматлаштирилган усулда бир бирлик ишни бажариш учун сарфланган иш вақти.

g - жами бажарилган ишлар ҳажми.

t - бир бирлик ишни бажариш учун сарфланган ўртача иш вақти.

2. Бажарилган ишлар ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми орқали ишлаб чиқариш, механизациялаштириш, автоматлаштириш даражаси қуйидагича ҳисобланади:

а) Алоҳида бажарилган иш ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича:

$$K_{\text{инд. мех. авт. иш}} = \frac{g_m}{g_m + g_n} = \frac{g_m}{g}$$

Бу ерда:

g_m - механизация ёрдами билан бажарилган иш ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот.

g_n - механизация ёрдамсиз, яъни қўл кучи билан бажарилган бўлса, у ҳолда бу кўрсаткич қуйидагича топилади:

$$K_{\text{инд. мех. авт. иш}} = \frac{\sum g}{\sum g_m + \sum g_n} = \frac{\sum g_m}{\sum g}$$

в) Бир ишлаб чиқариш жараёнига боқлиқ бўлган турли хилдаги ишлар бажарилса, у ҳолда бу кўрсаткич қуйидагича топилади:

$$K_{\text{умумий мех. авт. иш}} = \frac{\sum g_m t}{g t}$$

Бу ерда:

g_m - механизациялаштирилган, автоматлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларида бажарилган ҳар хил ишларнинг ҳажми ёки ишлаб чиқарилган ҳар хил маҳсулотларнинг миқдори.

g - умуман ҳар бир бажарилган иш ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича миқдори.

t - умуман ҳар бир бажарилган иш бирлиги учун сарфланган ўртача иш вақти ёки ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот бирлиги учун сарф қилинган ўртача иш вақти.

3. Халқ ҳўжалигини химиялаштириш.

Илмий техника тараққиётининг асосий йўналишларидан бири- халқ ҳўжалигини химиялаштиришдир.

Химиялаштириш деганда халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ва кундалик турмушда химиявий моддийларни ва буюмларга ишлов беришда химиявий усулларни кенг қўллаш тушунилади. Кенг қўламда халқ ҳўжалигини химиялаштирини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва ассортиментни кўпайтиришга имконият яратади, саноат хом ашё базасини кенгайтиради, ишлаб чиқариш жараёнларини интенсификаштириш, моддий ресурслардан тўлиқ ва раціонал фойдаланишга имконият яратади. Халқ ҳўжалигини химиялаштирини

кўрсаткичлар тизими билан характерланиб, уларни 3 та гуруҳга бирлаштириш мумкин:

1-гуруҳ: Химиялаштириш моддий техника базасининг ҳолатини, яъни химия саноатининг ривожланишини ва химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини ўз ичига олади.

2-гуруҳ: Ишлаб чиқаришнинг химиялаштириш кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар ўз навбатида химиявий маҳсулот ва химиявий услубларнинг қўлланилишини характерлайди.

3-гуруҳ: Ишлаб чиқаришнинг химиялаштиришнинг иқтисодий натижалари самарадорлиги.

Масала 3 Аёллар кўйлагини тикиш учун қуйидаги миқдорда ипак сарфланган (кг):

Базис даврда:

а) Химиявий толадан тайёрланган сунъий ипак - 190 кг.

б) Табиий ипак - 2050 кг.

Ҳисобот даврида:

а) сунъий ипак - 420 кг.

б) табиий ипак - 2160 кг.

Ушбу маълумотларга асосланиб аниқланг:

1) Ҳар бир давр учун ишлаб чиқаришнинг химиялаштириш даражасини;

2) Ишлаб чиқаришнинг химиялаштириш даражасини динамикасини;

Базис давр учун:

$$K_{\text{хим}0} = M_{\text{хим}}(0) / (M_{\text{хим}}(0) + M_{\text{град}}(0)) = 190 / (190 + 2050) = 8,4\%.$$

Ҳисобот даври учун:

$$K_{\text{хим}1} = M_{\text{хим}}(1) / (M_{\text{хим}}(1) + M_{\text{град}}) = 420 / (420 + 2160) = 16,3\%.$$

$$I = K_{\text{хим}1} : K_{\text{хим}0} = 1,94 \text{ ёки } 194\%.$$

Ишлаб чиқаришнинг химиялаштириш, албатта меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот миқдорини кўпайтиради, уларнинг таннархини камайтиради.

Химиялаштиришнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар:

1. Ишлаб чиқаришнинг химиялаштириш даражаси.

$$K_{\text{хим}} = \frac{M_{\text{хим}}}{M_{\text{хим}} + M_{\text{град}}}$$

Бу ерда:

$M_{\text{хим}}$ - ишлаб чиқаришда химиявий маҳсулотларнинг сарфланган ҳажми (қиймат ва натурда).

$M_{\text{град}}$ - ишлаб чиқаришда сарфланган маҳсулотлар билан алаштирилишини мумкин бўлган, моддийларнинг ҳажми (қиймат ва натурда).

2. Ишлаб чиқаришнинг химиялаштириш даражасининг динамикаси қуйидагича аниқланади:

$$I_{\text{хим}} = K_{\text{хим}1} : K_{\text{хим}0}$$

Бу ерда:

$K_{хим1}$ ва $K_{хим0}$ - ҳисобот ва базис йилдаги химиялаштириш даражаси.

3. Ишлаб чиқаришни химиялаштириш ишлаб чиқаришда фойдаланиётган ускуналарга асосланиб ҳам аниқланиши мумкин:

$$K_{уск\ хим} = \frac{Y_{хим.р}}{Y_{хим.р} + Y_{н\ хим.р}}$$

Бу ерда:

$K_{уск\ хим}$ - ишлаб чиқаришни химиялаштириш коэффициенти.

$Y_{хим.р}$ - ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган химия ускуналарининг қиймати.

$Y_{н\ хим.р}$ - ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган бошқа ускуналарнинг қиймати.

Бу кўрсаткич ишлаб чиқаришда (моддий ишлаб чиқаришда, унинг тармоқларида, корхоналарида) химия ускуналарининг бутун фойдаланилаётган ускуналардаги салмоғини ifodalayди. Ишлаб чиқаришда химия технологияси қанча кўп қўлланилса, кўрилатган кўрсаткич шунча ўсиб боради.

Илмий техника тараққиётининг асосий йўналишларидан бири - бу компьютерлаштириш. Компьютерлаштириш анча кенг маънога эгадир. У ахборотнинг вазифасини тубдан ўзгартирмоқда, информатикани янги ресурсга ва технологик жараён элементиға, меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бириға айлантirmoқда. Ҳозирги даврда компьютерлаштириш халқ хўжалиғи бўйича кенг жорий қилинmoқда, ижтимоий жараёнларни бошқаришға туб ўзгаришлар киритmoқда.

Илмий техника тараққиётининг яна бир йўналиши бу ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳисобланади ва у ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши.
2. Ишлаб чиқариш ёки маҳсулотнинг мустақил тармоқ сифатида ажрallиши.
3. Ихтисослашган корхоналар, цехлар ва поток линиялари соғи ва уларнинг салмоғи ва бошқалар.

4-S. Фан ва илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш самарадорлиғининг кўрсаткичлари

Фан-техника тараққиёти статистикасининг асосий шасалларидан бири-бу техника тараққиётининг самарадорлиғини ўрганишдир.

Халқ хўжалиғида фан ва техника ютуқларини қўлланишнинг иқтисодий самарадорлиғи кўрсаткичи, янги техникани ишлаб чиқаришға жорий қилиш натижасида олинadиган фойда суммасининг қўшимча ўсиши ҳисобланади.

Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$\bullet \Pi = [(P_2 - C_2) - (P_1 - C_1)] \cdot g_2$$

$\bullet \Pi$ - янги техникани қўллаш натижасида олинган қўшимча фойда суммаси.

P_2 ва C_2 - мос равишда янги техникани қўллашдан кейинги даврдаги бир бирлик маҳсулотнинг улгуржи баҳоси ва таънарихи.

P_1 ва C_1 - янги техникани қўллашгача бўлган даврдаги бир бирлик маҳсулотнинг улгуржи баҳоси ва таънарихи.

g_2 - янги техникани қўллашдан кейинги даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг натурал миқдори.

Ишлаб чиқариш жараёнида янги техникадан фойдаланиш натижасида эришилган йиллик харажатлар тежамси:

$$C = (C_1 - C_2) \cdot g_2$$

Бу ерда:

C_1 - олдинги даврдаги маҳсулот бирлигининг таънарихи.

C_2 - кейинги даврдаги маҳсулот бирлигининг таънарихи.

Янги фан - техникани қўллаш натижасида жонли меҳнатни тежамли ходимларнинг шартли қисқаришида ўз аксини топади ва у қуйидагича аниқланади:

$$T_g = \frac{g_2}{W_1} \cdot T_2 \text{ ёки } T_B = (t_1 - t_2) \cdot g_2$$

Бу ерда:

W_1 - янги техникани қўллашгача бўлган даврдаги меҳнат унумдорлиги даражаси.

T_2 - ходимларнинг янги техникани қўллашдан кейинги даврдаги вақти.

t_1, t_2 - бир бирлик маҳсулотга сарфланган жонли меҳнат.

Янги техникани қўллашдан олинadиган йиллик иқтисодий самара.

$$\Xi = [(C_1 + T_1 K_1) - (C_2 + E_n K_2)] \cdot g_2$$

E_n - янги техника иқтисодий самарадорлигининг норматив коэффициенти. $E = 0,15$

K - бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган капитал маблағлар.

Янги техника учун сарф қилинган капитал маблағларининг қоплааниш муддати:

$$T_d = \frac{K_d}{\bullet \Pi}$$

Бу ерда:

K_d - янги техника учун сарф қилинган қўшимча капитал маблағлар.

•П - янги техникани қўллашдан олинган қўшимча фойда суммаси.
Капитал маблағларининг иқтисодий самарадорлик коэффициентни қуйидагича ифодаланилади:

$$K_3 = \frac{P}{K_2}$$

Масала-4. Ёғочни қайта ишлаш комбинатида янги техникани ва ишлаб чиқариш технологиясини қўллаш тўқрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

	Кўрсаткичлар	янги техникани қўллашгача бўлган давр	Янги техникани қўллашдан кейинги давр
1.	Йил мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот, минг куб метр.	5440	6713
2.	Бир минг куб м нинг танаархи	2150	1946
3.	Ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги йиллик сони, киши	1740	1682
4.	Ишлаб чиқариш ускуналарига сарфланган капитал маблағлар млн. сўм.	65.3	70.8

Қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаймиз.

1) Йиллик харажатлар тежамини;

$$C = (C_1 - C_2) \cdot q_2 = (2150 - 1946) \cdot 6712 = 1369248 \text{ сўм.}$$

2) Янги техникани қўллаш натижасида ишлаб чиқариш ходимданиннг шартли қисқариши.

$$T_v = (q_2 / W_1) \cdot T_2 = 6712 / (5440 / 1740) - 1682 = 465 \text{ киши.}$$

3) Янги техникани қўллашдан олинган йиллик иқтисодий самара.

$$\begin{aligned} \Theta &= ((C_1 + E_n K_1) - (C_2 + E_n K_2)) \cdot q_2 = ((2150 + 0,15 \cdot (65300000 / 5440)) - \\ & (1946 + 0,15 \cdot (70800000 / 6712))) \cdot 6712 = (3150,5 - 3528,2) \cdot 6712 = 2834,6 \text{ минг сўм.} \end{aligned}$$

4) Капитал маблағларининг қоплаш муддати.

$$T_d = K_d / \Pi = (K_2 - K_1) / ((70800000 / 6712) - (65300000 / 5440)) = (2150 - 1946) = 1,68 \text{ йил.}$$

Хулоса қилиб айтганда, фан-техника тараққиёти йирик номиналланган ишлаб чиқариш учун характерли бўлган фан ва техниканиннг муттасил равишда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишидир.

Ижтимоий эhtiёжларининг ўзини ва мураккаблaшуви таъсирида фан-техника тараққиёт жадалланади. Бу тобора қудратли бўлиб бoрaётган табиий кучлар ва ресурсларини инсонга хизмат қилдириши, ишлаб чиқаришда табиий ва бошқа фанлар маълумотларининг аниқ мақсадни қўлаб қўллаш имконини беради.

Республика мустақиллиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муаммолар билангина эмас, балки фан-техника тараққиёти билан ҳам шуғулланишни тақозо этади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шу нарсадан далолат берадики, назарий tadқиқотлар кенглиги ва самарадорлиги асосан давлат томонидан доимий ва ўсиб борувчи молиявий мададга боғлиқдир.

Зеро, АҚШ да фан-техника тараққиётини рўстлаб туришга қаратилган 100 дан ортиқ қонуни бор. Бизнинг республикамизда ҳам фан, техника ва технология тараққиётининг ҳуқуқий асоси яратилиши керак. Шу муносабат билан фан ва техника соҳасидаги муносабатларни белгилловчи қонуни лойиҳаларини бозор иқтисодиёти тамойилларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш ва тасдиқлаш ҳаёт тақдирисидир.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Илмий-техника тараққиёти статистикасининг асосий вазифалари нима-лардан иборат?
2. Илмий-техниканин потенциал нима?
3. ИТТни ифодаловчи асосий статистик кўрсаткичларини тунутиринг.
4. Янги техниканин қўллан натижасида олинган қўшимча фойда суммаси қандай хисобланади?
5. Канитал маблағларини қондан муддатини тунутиринг.

7-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

1-§. Макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг умумназарий асослари

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун қуйидаги омиллар бўлиши шарт: ишчи кучи, капитал, ер ва тадбиркорлик. Ишчи кучи ишлаб чиқариш жараёнининг энг асосий омилли бўлиб, унинг меҳнат сарфи натижасида товарлар яратилади ва хизматлар кўрсатилади. Меҳнат сарфи учун ишчи кучи иш хақи олади ва бу унинг даромади ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва уй ҳўжалиги капитал билан таъминланса, товар ва хизматлар хажми ортади, миллий иқтисодиёт ривожланади. Ишлаб чиқаришнинг энг илғор технология билан курашлантириш, маҳсулотнинг рақобат қобилиятини ошириш, янги реклама қилиш, хом ашё олиш ва бошқа қўш масалалар капиталга боғлиқ. Капитал эгалари сарфлаган капиталларидан белгиланган фойзда даромад оладилар.

Ишлаб чиқариш корхоналари ҳам, уй ҳўжаликларига хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам маълум жойда, яъни ерда жойлашган. Ер эгалари ишлаб чиқаришнинг ташкил этишдан рента тўловлари олиб, даромад топадилар.

Тадбиркорлар ишчи кучи, капитал ва ердан фойдаланиб, бозорда талабга мос хажмдаги, сифатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар. Агар тадбиркорлар бозор конъюктурасига мос товарларни ишлаб чиқарса, уни сотиб даромад ёки фойда оладилар.


Фойда олган тадбиркорлар фаолиятини давом эттирса, фойда олмагандарни эса иқдорсизга учрайди ва табиий ташқилда йўқолиб боради.

Юқоридаги 4 гуруҳда баён этилган ишлаб чиқариш омиллари биргаликда товар ва хизматлар яратар экан, уларнинг эгалари даромад қиладилар. Уларнинг биргаликдаги харажати мунофиклантириш зарур, чунки уларнинг янги фаолиятидан янги миллий маҳсулот (ЯММ) ва миллий даромад (МД) яратилади.

Товар ва пулли хизматларни ишлаб чиқариш жараёни эркин тадбиркорлар ва эркин истеъмолчиларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини ўз ичига олади. Уларнинг эркин иқтисодий муносабатларини ўрганишимиз учун товар ва пулли хизматларнинг доиравий айланishi моделини кўриб чиқамиз. (7-решмага қаранг).

Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун жами фирмалар ишлаб чиқариш омиллари бозорига мурўжаат қиладилар. Ишлаб чиқариш омиллари бозоридан хом ашё ва материаллар, ёқилғи, ишчи кучи, капитал ва шу каби ишлаб чиқариш омилларини сотиб оладилар. Фирмаларда сотиш учун товар (хизмат)лар ишлаб чиқарилади ва уни товар ва хизматлар бозорига олиб бориб сотилади.

Бунда омиллarning фирмаларга қараб ҳаракатини, фирмалардан ишлаб чиқариш омиллари учун пулнинг оқимини кўрамиз.



7-расм. Товар пуллик хизматларни доиравий айланиш модели.

Фирмалардан эса товар ва хизматлар бозорига товарлар оқими ҳаракат қилса, ўз навбатида товар ва хизматлар бозоридан фирмаларга уларнинг сотилишидан пул келади. Уш хўжаликлари эса тайёр матбуотлар ва хизматларнинг истеъмолчиларидир. Улар товарларни истеъмол қилиш учун сотиб оладилар ва уларнинг ўрнига пул тўлайдилар. Уш хўжаликлари пул ишлаб чиқариш омиллари бозоридан келиб тушади. Яъни, уш хўжаликлари ишчи кучини ишлаб чиқариш омиллари сифатида сотиб, унинг эвазига пул оладилар.

Шундай қилиб, товар ва хизматлар макро ва микро қуламада ҳаракат қилади. Макро қуламадаги товар ва хизматларнинг доиравий айланиши ва унинг самарадорлигини ошириш билан микроқисодиёт шугулланади. Микроқисодиёт эса худди шу омиллари яхлит фирмалар, уш хўжалиги, деҳқон-фермер хўжалиги, яхлит миллий ишлаб чиқариш омиллари ва товар, хизматлар бозори сифатида ўрланади.

7-расмда келтирилган товар ва пулларнинг макроқуламадаги доиравий айланиши товар ва пуллар оқимининг энг оддий моделидир. Унинг ёрдамида товар ва пулларнинг оқимини, унинг доиравий ҳаракатини, ушбу ҳаракатда ҳар бир ишлаб чиқариш омилининг ўз ўрни, функциялари борлигини, иқтисодий манфаатларнинг тўқнашувини, ҳар бир омилининг самарали алмашув учун ҳаракатини макроқуламадаги мураккаб манфаатларни, нисбатларни тасаввур этиш мумкин.

Товар ва хизматлар натурал, шартли-натурал ва қиймат (пул) ҳолатида ҳисобга олинади.

Маҳсулотнинг натурал ҳолда ҳисобга олиниши шу маҳсулотнинг истеъмол қиймати томонини ифодалаб, унинг физик ҳусусиятига боғлиқ бўлган ўлчов бирлиги билан ўлчанади. Маҳсулотларни натурал ҳолда ҳисобга олганда қуйидагилар ўлчов бирликлари бўлиб хизмат қилиши

мумкин: маҳсулотларнинг сони (дона), вазни (кг), узунлиги (м,см) , майдони (м кв, га), ҳажми (м куб), ва ҳоказо.

Айрим ҳолларда бир турдаги маҳсулотлар бир-биридан сифат жиҳатдан фарқ қилади. Аслю маҳсулотлар натурал ҳолда ҳисобга олинганда уларнинг сифат томонлари ўз ифодасини тонмайди. Маҳсулотлар шартли натурал ўлчов бирлигида ҳисобга олинганда уларнинг иқтисодий қийматлари эътиборга олинади. Шартли-натурал ўлчов бирлиги бир турдаги маҳсулотларга қўлланилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажмига таъсиф бериш учун бир корхона доирасида ҳам, тармоқ ва халқ хўжалиги бўйича ҳам хар хил турдаги маҳсулотларни ўзаро қўшиб ҳисоблаш лозим.

Маҳсулотларни қиймат(нул) усулида ҳисоблаш усули, уларни корхона ва бутун халқ хўжалиги бўйича қўшиб ҳисоблаш ва йиғиндисини аниқлаш имконини беради. Бунда маҳсулот сифати ҳам эътиборга олинади, чунки юқори нақли маҳсулотлар наст нақли маҳсулотларга нисбатан юқори баҳоларда баҳоланади. Бу усулда кўрсатилган хизматлар ҳам айнан шу усулда ҳисобга олинади.

2-§. Иқтисодий фаолиятларнинг умумий макроиқтисодий натижасини аниқлашнинг икки модели, уларнинг моҳияти ва фарқи

Бозор иқтисодиёти - умумбашарий ҳодиса бўлиб, жаҳон цивилизацияси ривожланиши йўлидаги муқаррар божқичдир. Тартибли асосдаги бозоргина халқимизнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини рўйбга чиқаришга, ташаббускорлик ва ишбилармонлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишда давлат статистика органларининг роли каттадир.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда амал қилинаётган статистика ва ҳисобот тизими иқтисодиётни маъмурий буйруқбозлик усули билан бошқариш шароитида вужудга келган бўлиб, марказлаштирилган режалаштириш методологиясига ва янги статистик кузатишга асосланган эди.

Кўрсаткичлар тизими назирликлар ва маъмуриятларни бошқариш заруриятидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, бозор муносабатларига жавоб бери олмайди.

Бозор муносабатлари шароитида статистика соҳасидаги янги муаммоларни ҳал этиш унинг назарий асосини қайта қўриб чиқишни мавжуд статистика амалиётида кескин ўзгарттиришлар бўлишини талаб этади.

Шу мақсадда макроиқтисодий статистика ривожланишининг асосий йўналишларида тўб ўзгаришлар ҳосил қилиш учун халқ хўжалиги баланси (ХХБ)ни саклаб қолган ҳолда, маҳаллий шароитларга мослашган миллий ҳисоблар тизимининг (МХТ) халқаро стандартини ишлаб чиқиш ва жорий этиш керак бўлади.

Қуйида иқтисодий фаолиятларнинг умумий макроиқтисодий натижасини аниқлашнинг юқорида зикр этилган икки модели ХХБ ва МХТ, уларнинг моҳияти ва фарқи билан танишиб чиқамиз.

Ҳозирги даврга қадар мамлакатимизда иқтисодий ривожланишнинг тартибга солинган режа ҳужжатларининг асосийси бўлиб, ХХБ ҳисобланиш келинди. ХХБи асосида А.Смит ва К.Маркс таълимотлари: меҳнатнинг қиймат назарияси, моддий ишлаб чиқариш соҳаси, миллий даромадни яратиш ва бошқалар ётади.

ХХБ нинг сийёсий иқтисод таълимотлари асосида ташкил этилганлиги учун уларнинг асосий кўрсаткичларига яшн ижтимоий маҳсулот, миллий даромад, реал даромад ва шу кабилар киради.

ХХБ нинг статистик тизими маҳсулотни қайта ишлаб чиқариш механизмининг, халқ ҳўжалигини моддий техника базасини шакллантиришнинг қатор соҳалари хақида анча қимматли маълумотларни олишга имкон беради.

Бу тизимда фақат моддий ишлаб чиқариш ва шу билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари ҳисобга олинган. Аҳолига хизмат кўрсатиш, банк ва молиявий хизмат кўрсатиш, тиббий хизмат, маориф ташкилотлари каби соҳалар ҳисобга олинмаган.

Шу билан бирга хўжалият ижтимоий тараққийетини кўнгина соҳаларининг, капитал ва молиявий ўзаро алоқадорликни, бутун халқ ҳўжалиги юритилиши ва ҳўжалик механизмининг амалга оширилишининг ўрганиш учун иқтисодийетни макростатистик моделлаштиришга моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ўстўчилиги нуктаи назаридан ёндашнин бир тарафлама бўлади.

Бўтун халқ ҳўжалиги бўйича ишлаб чиқариш соҳасидаги барча ҳўжалик бирликлари ўртасидаги мавжуд алоқалар, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасига баҳо бериш, меҳнатга ҳак тўлаш, давлат бюджети, кредит, тўлов баланси каби тушунчалар ва тавсифлар ХХБ да узининг етарлича ифодасини топмайди.

ХХБ даромадларнинг ҳаракат жараёнини таҳлил килишда энг содда ўсулдир. У фақат товарларнинг экспорт ва импорти билан чегараланиб, тулов балансининг энг муҳим элементларини ҳисобга олмайди. Шу билан бирга ХХБ жаҳон тажрибалари асосидаги кўрсаткичларини, яъни таҳсимланган даромад, жамғармаларни ҳам ўз ичига олмайди.

ХХБ нинг энг муҳим камчиликларидан бири моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган маҳсулотларинингига ҳисобга олиб, номоддий соҳада кўрсатилган хизматларни (маиший хизматлар, тиббий хизматлар, уй-жой, коммунал хизматлар, фан, маориф, маданият ва санглат) унумсиз ва мамлакатда яратилган даромадда иштирок этмайди, деб кўрсатилади.

ХХБ билан МХТ ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, МХТ да ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларининг натижалари ҳисобга олинган бўлади.

Агар ХХБ иқтисодийетни бошқаришнинг маъмурий бўйруқбозлик ўсулига, марказлаштирилган режалаштириш шароитига хизмат қилган

бўлса, МХТ эса бозор иқтисодиёти мунособатлари шароитидаги иқтисодий бошқаринига хизмат қилади.

МХТ макростатистика модели сифатида бозор иқтисодиётига, иқтисодий жараёнларнинг барча субъектлари (иштирокчилари) ўртасидаги товар-пул мунособатлари қонуниятларини билишга йўналтирилгандир. У аввало макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг ҳар томонлама ривожланиши натижасида юзага келди.

МХТ нинг асосий вазифаси - бир бири билан ҳамбарчас боғланган иқтисодий операцияларни ўрганишдан иборат.

МХТ - бу, пул (қиймат) шаклида ифодаланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг жамланган тизими бўлиб, иқтисодиётни таърифлаш ҳамда иқтисодий прогнозлар тузиш ва халқ ҳўжалигининг мувофиқлаштириш учун хизмат қилади.

МХТ - макроиқтисодий кўрсаткичларга алоқадор жадваллар мажмуидир.

МХТ жадваллари турли туман баланслардан ташкил топган бўлади. Унинг таркибига кирувчи жадваллар халқаро статистикада кенг қўлланиладиган макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашга қаратилган.

3-§. Миллий иқтисодиётни амал қилишининг ялли ва пировард натижаларини таърифловчи кўрсаткичлар

Макроиқтисодиётда турли мақсадларга йўналтирилган қўлаб кўрсаткичлардан фойдаланилади. (Ялли миллий маҳсулот, ялли ички маҳсулот, миллий даромад ва бошқалар). Улар орасида энг асосийси бўлиб, ялли ички маҳсулот (ИИМ) кўрсаткичи ҳисобланади.

ИИМ - бу халқ ҳўжалиги бўйича иқтисодий фаолиятни якуний кўрсаткичларини ифодаловчи умумий кўрсаткичдир. У асосан бир бири билан мустаҳкам боғланган иқтисодий жараён оқимларини: моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, даромадларни тақсимлаш, моддий неъмат ва хизматлардан пировард фойдаланишнинг ўрганишда кенг қўлланилади.

ИИМ - бу барча ҳўжалик бирликлари бўйича: моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни, хизмат кўрсатиш соҳасини, шунингдек аҳолини шахсий ёрдамчи ҳўжалиklarини, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини иқтисодий натижаларини уз ичига олади. Иқтисодий фаолият натижаларида яратилган моддий неъматлар ва кўрсатилган хизматлар киряди.

ИИМ ни ҳисоблашда 3 хил усулдан фойдаланамиз (ишлаб чиқариш, тақсимот ва якуний истеъмол). (Булар тўғрисида 2-матърузада батафтил тўхталиб ўтамиз).

ИИМ - ИИМ нинг бир қисми бўлиб ҳисобланади ва уларнинг фарқи шундан иборатки, ИИМ шу мамлакат корхоналарининг қайси давлат ҳудудида жойлашганлигига қарамасдан иқтисодий фаолият натижаларини ифодалайди.

ЯИМ эса ушбу мамлакат ҳудудидаги хўжалик бирликлари томонидан моддий бирликлар ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатишни акс эттиради.

ЯИМ - бу йил давомида мамлакатда яратилган пировард маҳсулотларининг қийматини ифодалайди. (5-жадвалга қarang) МХТ нинг умумий ҳисобларида ЯИМ ни такрор ишлаб чиқаришни ҳар хил аспектиари: уни ишлаб чиқариш, ташкил топиши, тақсимлаш ва жамғариш ҳамда башқа қатор мақсадлари акс эттирилади.

ЯИМ да ўзаро боғланган ва бир-бирини тақазо этадиган товарлар ва хизматлар, даромадлар оқими такрор ишлаб чиқариш жараёнида босқичма - босқич ифодалаб берилади.

Жадвал-5

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти таркиби, %

	1994	1995	1996	1997	1998	1999
Саноат	17,0	17,1	17,8	15,6	14,9	13,9
Қишлоқ хўжалиги	34,5	28,0	22,4	28,2	26,8	28,0
Транспорт ва аюка	5,8	7,3	6,7	6,5	6,8	6,5
Қурилиш	7,2	7,1	8,3	7,3	7,5	6,9
Савдо ва умумий овкатланиш	7,5	5,2	7,1	8,4	8,4	9,3
Башқа соҳалар	19,8	22,2	23,3	21,2	21,2	20,4
Товарларга ва экспорт, импорт муомалаларига соф соликлар	8,2	13,1	14,4	14,4	14,4	15,0
Ҳами	100	100	100	100	100	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, республика ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги тармоғининг салмоғи анча каттадир. Ўзбекистонда ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 1996 йилда 22,4% ни ташкил этган бўлса, 1999 йилда 28% ни ташкил этди. Асосан 1996 йилнинг hozirги давргача реал ЯИМ ўсиши давом этиб келмоқда. 1999 йилда реал ЯИМ дефлятори 1,385 1998 йил дефляторидан фарқ қилмади (1,385). Ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 37,2% ни йилнинг биринчи ярмида ва 67,8 % йилининг иккинчи ярим йилигида ишлаб чиқарилганлиги иктисодиётнинг мавсумийликка мойиллигини акс эттиради. Мустақиллик йилларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши таъминламоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган пул тушумлари 1999 йилда 8,9 млрд. сўмини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғида 1990-1999 йиллар оралиғида ЯИМ ни 15,0 %и яратилди. Бозор иктисодиёти шаронтида саноат тармоғини ривожлантириш учун саноат марказларини

ва ҳудудий жойлаштиришни янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қуйидаги йўналишларга эътиборни кучайтириш зарур:

- келгусида саноат тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятларини белгилашга;

- республика вилоятларининг табиий ва ижтимоий-иқтисодий ихтисосланиш ҳуусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарил мажмуини ривожлантиришга;

- саноатнинг ҳудудий ривожлантириш даражасини кўтаришда янги қурилаётган объектларни мақсадга мувофиқ жойлаштиришга;

- саноат узеелари ва марказларининг туманларда, туман марказларида, кичик шаҳарларда ишлаб чиқаринини ҳудудий мажмуини ташкил этиш ва унинг ривожланишини таъминлаш ва шу қабилар.

Соф миллий маҳсулотни аниқлаш.

Соф миллий маҳсулот (СММ)- бу миқдоран янги миллий маҳсулотдан асосий фондлар истеъмоли (амортизацияси)ни чегириб ташлагандан сўнг қолган қисмига тенг, яъни

$$СМ = ЯММ - А$$

Соф миллий маҳсулот моҳияти билан меҳнат туфайли янгидан ҳосил қилинган маҳсулот бўлиб, у пул (қиймат) шаклида ўлчанади. СММ икки қисмдан иборат бўлади: а) зарурий маҳсулот; б) қўшимча маҳсулот;

Зарурий маҳсулот - соф миллий маҳсулотнинг яратилиш жараёнида ўз меҳнати билан иштирок этганларнинг иш қобилиятини тиклаш, оиласини таъминлаш учун кетадиган маҳсулотдир.

Қўшимча маҳсулот эса зарурий маҳсулотдан ортиқча маҳсулотдир. Агар зарурий маҳсулот ишчи кучи эгаларига ёки меҳнат соҳибларига тетадиган бўлса, қўшимча маҳсулот моддий ашёвий омил эгаларига уларнинг даромаддаги ҳиссаси орқали тетади.

Соф миллий маҳсулот уни яратилишда иштирок этинлар омил эгасига даромад бўлиб, ер эгасига рента, капитал эгасига фойда ва фонд, ишчи эгасига иш хақи, тадбиркорларга иш хақи ва фойда шаклида тетади.

Соф миллий маҳсулотнинг жамият аъзоларига уларнинг даромади шифатида теккан қисми миллий даромад (МД) деб юритилади.

Миллий даромад жамият миқёсидаги барча даромадлар йиғиндисидир, у табиатан янгидан ҳосил этилган маҳсулот, лекин унинг пул шаклида инфодаланишидир.

Миллий даромад моддий жиҳатдан олганда ишлаб чиқарил воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат бўлиб, зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг асосий қисминини ўз ичига олади.

Янги миллий ҳисоблар тизимида энг муҳим кўрсаткичлар орасидаги боғланиш қуйидагича инфодаланади:

- А. Янги ички маҳсулот.

Б. Берилган мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган даромадлари (мулкдан олинган даромад, меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришга солиқлар).

В. Хорижий мамлакатларга бериладиган бирламчи даромадлар.

Г. Ялпи миллий даромад (А + Б + В).

Д. Берилган мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган жорий трансфертлари қолдиги (ижтимоий ёрдам, қариндошлардан олинган совға-саломлар).

Е. Ялпи миллий соф даромад (Г + Д).

Янги МХТ методологияси бўйича ялпи фойда (ялпи аралаш даромад) ва соф фойда (соф аралаш) даромад қуйидагича аниқланади: Ялпи фойда = ялпи қўшилган қиймат - ишловчиларни меҳнат ҳақи - ишлаб чиқаришга солиқлар + субсидиялар.

Соф фойда = ялпи фойда - асосий фондлар истеъмоли.

Агар ЯИМ дан асосий фондлар истеъмолини айириб ташласак, у ҳолда соф миллий маҳсулот кўрсаткичи келиб чиқади.

Миллий иқтисодиётнинг пиروвард натижаларини таърифловчи кўрсаткичларининг таркиби билан келгуси **бобларимизда батафсил танишиб чиқамиз.**

4 §. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини аниқлашда қўлланиладиган баҳолар тизими

Статистика ва ҳисобнинг халқаро андозаларга ўтказиши Ўзбекистон Республикаси статистика амалиётида қўлланиладиган тушунча ва категорияларининг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритди, ялпи иқтисодий фаолият, унинг чегаралари ва натижалари тўғрисидаги тушунчалар ўзгарди; ички ва миллий иқтисодиёт тушунчалари ва уларга мос равишда ялпи ички ва ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичлари ҳосил бўлади; хизмат кўрсатиш соҳаларининг моддий неъматлар яратишдаги роли қайтадан кўриб чиқилди; иқтисодиётнинг тармоқлар ва секторлар бўлиниши аниқлаштирилди ва ҳоказолар.

Миллий Ҳисоблар Тизимининг биринчи халқаро стандарти 1950 йилда БМТ томонидан тайёрланган; БМТ ҳузуридаги статистика комиссияси томонидан 1968 йилда маъқуланган иккинчи халқаро стандарт бўйича иқтисодий фаолият натижаларининг ўрнини учун халқаро статистика амалиётида ички ва миллий иқтисодиёт тушунчаларининг қўлланилиши, ўз навбатида ялпи ички ва ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичларининг аниқлаш заруриятини келтириб чиқарган.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳудудидаги резидент ва порезидентларнинг иқтисодий фаолиятини ифодалайдиган иқтисодиёт - ички иқтисодиёт деб; касрдан бўлишдан қатъий назар факат резидентларнинг иқтисодий фаолиятини ифодалайдиган иқтисодиёт эса - миллий иқтисодиёт деб юритилган.

МХТ да ички иқтисодиёт чегарасини аниқлаш учун қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

- а) иқтисодий ҳудуд;
- б) резидент;
- в) иқтисодий кизикни мақсади.

Шахслар, товарлар ва пул маблағларининг эркин ҳаракат қилиши кузатиладиган ҳамда мамлакат ҳукумати билан маъмурий бошқариладиган ҳудудга - иқтисодий ҳудуд деб аталади. Мамлакатнинг географик ҳудудидан фарқи равишда иқтисодий ҳудудига бошқа давлатларнинг элчихоналари, консулликлари ва бошқа дипломатик муассасалари киритилмайди.

Қандай давлатга қарашлиги ва фуқаролигидан қатъий назар мамлакатнинг иқтисодий ҳудудида иқтисодий кизикни марказига эга бўлган ҳамда бир муддатдан кам бўлмаган давр ичида иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ёки яшовчи барча иқтисодий бирликлар - резидентлар деб аталади.

Статистика ва ҳисоботнинг халқаро методологияси бўйича резидентлар иқтисодий фаолиятнинг охириги натижаси бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобланади. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаларида иқтисодий фаолият натижаларини ҳисобга олиш учун қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

- а) маҳсулотлар;
- б) хизматлар;

Моддий шаклга эга бўлган тўғри, фойдали меҳнат натижалари ва энергия маҳсулот ҳисобланади.

Шахсий ва жамият аъзолари эҳтиёжини қондирадиган моддий шаклга эга бўлмаган меҳнат натижалари - хизмат ҳисобланади. Иқтисодий бирликлар (корхоналар ва уй ҳўжаликлари) ўз истеъмоли учун яратган қандайдир хизмат, бошқа резидентлар томонидан ишлаб чиқарилмаса иқтисодий фаолият натижаси бўлиб ҳисобланмайди. Демак, спорт билан шуғулланиш ва физиологик эҳтиёжларини қондирилиши иқтисодий фаолият таркибига киритилмайди.

Ишлаб чиқариш харажатларини қоплайдиган баҳоларда сотини учун мўлкашланган маҳсулотлар ва хизматларга - товарлар деб юритилади.

Яъни Ички Маҳсулот - МХТ шинг марказий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Мамлакат иқтисодий ҳудудида маълум бир давр ичида (одатда бир йил) охириги истеъмол учун иқтисодий бирликлар ишлаб чиқарган товар ва хизматларининг бозор баҳосида ҳисобланган қийматига - яъни ички маҳсулот дейилади.

Яъни ички маҳсулот кўрсаткичининг таърифида унинг 3 асосий хусусияти кўрсатишган:

1. Яъни ички маҳсулот кўрсаткичи - охириги истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати бўлиб ҳисобланади, яъни ЯИМ ҳажмида оралиқ истеъмолининг қиймати аке эттирилмайди.

2. Яъни ички маҳсулот кўрсаткичи - ички маҳсулот қиймати ҳисобланади, яъни мамлакат иқтисодий ҳудудида иқтисодий бирликлар ишлаб чиқарган маҳсулот қийматини аке эттиради. Ўзининг мустақил

баланси ҳамда ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган бирликка - иқтисодий бирлик деб юритилади.

3. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳажмида асосий капиталнинг истеъмоли ҳам акс эттирилади.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш жараёнида шитирок этадиган асосий капиталнинг жисмоний ва маънавий эскириши натижасида унинг қийматини камайишига асосий капиталнинг истеъмоли деб аталади.

Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи билан асосий капиталнинг истеъмоли ўртасидаги фарқ - соф ички маҳсулот кўрсаткичинини ифодалайди. Соф ички маҳсулот кўрсаткичинини аниқлаш учун асосий капиталнинг амортизацияси тўғрисидаги маълумотлар талаб қилинади. Бухгалтерия ҳисобининг асосий капитал амортизацияси тўғрисидаги маълумотлари эса МХТ методологиясига мос келмайди. Чунки, бухгалтерия балансида асосий капиталнинг қиймати икки хил баҳолаб: дастлабки ва тўла тиклан баҳоларида ҳисобга олинади. Шунинг учун, МХТ методологияси бўйича иқтисодий фойда натижаларини ифодалаш учун ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи қўлланилади. Агар мамлакат иқтисодиёти ташқи дунёга боғлиқ бўлмаса, ялпи ички маҳсулот қиймати ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилинган резидентларнинг ялпи даромадига тенг бўлади. Ҳақиқатда эса мамлакат иқтисодиёти ташқи дунёга боғлиқ бўлганлиги сабабли ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромад кўрсаткичлари бир-бирига тенг бўлмайди. Ялпи ва соф ички маҳсулотлар ҳамда ялпи ва соф миллий даромад кўрсаткичлари ўртасидаги боғланишларни қуйидаги тенгламалар билан ифодалаш мумкин:

1) соф ички маҳсулот = ялпи ички маҳсулот - асосий капиталнинг қиймати;

2) ялпи миллий даромад = ялпи ички маҳсулот + бирламчи даромад қолдиғи;

3) соф миллий даромад = ялпи миллий даромад - асосий капиталнинг истеъмоли;

4) соф миллий даромад = соф ички маҳсулот + бирламчи даромад қолдиғи;

1993 йилдаги МХТ лнинг учинчи халқаро стандарти бўйича ялпи ички маҳсулот кўрсаткичинини аниқлаш учун статистика амалиётида қуйидаги баҳолар қўлланилади:

- а) омилий баҳо;
- б) асосий баҳо;
- в) ишлаб чиқариш баҳоси;
- г) харидор баҳоси.

МХТ даги баҳоларнинг ҳосил бўлишини қуйидаги тартибда ифодалаш мумкин:

- 1) Омил баҳо = меҳнат хаки + оралик истеъмоли + ялпи фойда.
- 2) Асосий баҳо = омил баҳо + ишлаб чиқариш соф солиғи;
- 3) Ишлаб чиқариш баҳоси = асосий баҳо + маҳсулот соф солиғи.

4) Харидор баҳоси = ишлаб чиқариш баҳоси + савдо-транспорт устамаси.

Омилли баҳо - ишлаб чиқаришдаги 4 омилнинг қийматини ўзида акс эттиради (ишчи кучи, асосий, оборот фондлар, тадбиркорлик) ва ундан тармоқлараро баланс тузишда фойдаланилади.

Асосий баҳо - бозор баҳоси бўлиб, омил баҳога ишлаб чиқариш соф солиғи қўшилади. У ўз навбатида ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар баҳосига бўлинади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг бозор баҳоси - ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулот бирдм.нинг сотилган баҳосини англатади. Бунда асосий баҳога маҳсулотларга бўлган солиқ қўшилади (қўшилган қиймат ва импорт солиғидан ташқари) ва маҳсулотларга бўлган субсидиялар айрилади. Субсидиялардан ташқари солиқлар - соф солиқлар деб аталади.

Харидорлар бозор баҳоси - харидор томонидан маҳсулот ва хизматларга тўланган тўловлардир. Буларга маҳсулотларга бўлган соф солиқлар ва савдо-транспорт устамалари қўшилади.

ЯИМ (ЯММ) омил баҳо (асосий баҳо) ва харидорлар бозор баҳосида баҳоланиши мумкин. Омил баҳода ҳисоблаш юқорида қайд қилингандек фақат ишлаб чиқариш харажатларини ёки асосий фондлар амортизацияси, оборот фондлар қиймати, иш хақи ва фойдани ўз ичига олади. Бозор баҳосига эва ундан ташқари яна соф ва тесқари солиқлар қўшилади.

МХТ ва тармоқлараро баланслардаги хар хил баҳоланиш усулларига қўшилган қийматнинг ҳосил бўлишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Иш хақи;
2. -/- Фойда;
3. Омилли баҳодаги қўшилган қиймат;
4. + Ишлаб чиқариш солиғи;
5. -Ишлаб чиқариш субсидиялари;
6. Асосий баҳодаги қўшилган қиймат;
7. + Маҳсулотларга солиқлар;
8. -Маҳсулотларга субсидиялар;
9. Ишлаб чиқарувчи баҳосидаги қўшилган қиймат;

ЯИМ билан ЯҚҚ йиғиндилари орасидаги тенглама қуйидаги кўринишга эга:

$$ЯИМ = \Sigma ЯКК + \Sigma C^1 - \Sigma C$$

ЯҚҚ - истеъмолчи баҳосидаги ЯҚҚ;

C^1 - маҳсулот солиқлари;

C - маҳсулот субсидиялари.

Агар ялпи маҳсулот ишлаб чиқарувчилар баҳосида баҳоланса, Y^1 билан ЯҚҚ йиғиндилари орасидаги тенглама қуйидаги кўринишга бўлади:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma \text{ЯКК} + \Sigma \text{ККС} + \Sigma \text{С}^1 - \Sigma \text{С}$$

ККС - ишлаб чиқарувчи баҳосидаги қўшилган қиймат солиғи.

С¹ - импорт товарлар солиғи.

С - импортга субсидиялар.

5-§. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини аниқлаш усуллари

Ялпи ички маҳсулот ҳажми қуйидаги 3. усул билан ҳисобланиши мумкин:

- 1) Ишлаб чиқариш усули;
- 2) Таксимот усули;
- 3) Охириги фойдаланиш усули.

1 Ишлаб чиқариш усули.

ЯИМ кўрсаткичи ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланганда, унинг ҳажми мамлакат иқтисодий ҳудудидаги барча резидентлар томонидан яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯКК)лар йиғиндисига тенг бўлади:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma \text{ЯКК}$$

Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини ишлаб чиқариш усули билан ҳисоблаш учун, дастлаб ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичи аниқланиши лозим.

МХТ услубиятига асосан ҳисобот даврида мамлакат иқтисодий ҳудудидаги резидентлар ишлаб чиқарган барча маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг жорий баҳолардаги қиймати йиғиндисига - ялпи ишлаб чиқариш деб аталади.

МХТ нинг учинчи халқаро стандартига асосан ялпи ишлаб чиқариш қуйидаги элементлардан ташкил тонади:

1) Қасрда фойдаланилишидан катъий назар ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар (бошиқа резидентларга жўнатилган маҳсулотлар ҳамда ўз истеъмоли ёки жамғарини учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар);

2) бошиқа резидентларга кўрсатилган бошор хизматлари;

3) давлат ишқарув идоралари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг бошор хизматлари;

4) тан уй хизматкорларининг уй хизматлари;

тан уй хизматлари иқтисодий фаолият соҳасига

учун уй ва квартира эгалари томонидан хизматлари.

танган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва иқтисодий хамда қонунан руҳсат этилган, аммо тан даромадни яширадиган маҳсулотлар хизматлар кўрсатадиган иқтисодий МХТ фаолият соҳасига киритилади.

вис. 1000-
1000-

Ялпи ишлаб чиқариш хажми одатда бир йил учун аниқланади. Шунинг учун маҳсулотлар ҳисобга олиниш вақтида тайёрлик даражасига қараб уч хил кўринишда бўлади:

- тайёр маҳсулотлар;
- ярим тайёр маҳсулотлар;
- туғалланмаган ишлаб чиқариш.

Иқтисодий бирликлар (корхоналар, ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва ҳоказо) миқёсида ишлаб чиқарилиши туғалланган маҳсулотлар - тайёр маҳсулотлар дейилади. Кўп ҳолларда ишлаб чиқарилиши туғалланган ҳамда белгиланган техник талабларга жавоб берадиган маҳсулотларнинг тайёргарлик даражасининг кайд этилиши вақти техник назорат бўлими томонидан қабул қилиниш даволатномаси билан расмийлаштирилади. Банкқа ҳолларда ишлаб чиқарилиши туғалланган маҳсулотларнинг тайёргарлик даражасини кайд этилиши вақти реализация вақтига мос келади (қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлатга сотилиши, умумий овқатланиш маҳсулотларининг сотилиши). Баъзи ҳолларда эса маҳсулотларнинг тайёрлик даражаси вақти кайд этилмайди (қишлоқ хўжалигида ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар). Бундай ҳолларда маҳсулотларнинг тайёрлик даражаси, вақти ишлаб чиқариш жараёнининг туғалланиш вақтига мос келади.

Корхонадаги матълум бир цехда ишлаб чиқарилиши туғалланган ҳамда шу корхонанинг банкқа цехларида ёки бошқа корхоналарда қайта ишланиши талаб этиладиган маҳсулотлар -ярим тайёр маҳсулотлар дейилади.

Ярим тайёр маҳсулотларга саноат ва умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари киради.

Корхонанинг матълум бир цехида ишлаб чиқариш жараёни бошланган, лекин ишлаб чиқарилиши туғалланмаган маҳсулотлар - туғалланмаган ишлаб чиқариш дейилади. Саноат ва умумий овқатланиш корхоналарида туғалланмаган ишлаб чиқаришга, матълум бир ишлаб чиқариш божичида ишлаб чиқарилиши туғалланмаган маҳсулотлар киради.

Қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик тармоғида туғалланмаган ишлаб чиқариш хажми келгуси йил ҳосилини етиштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммаси билан аниқланади. Чорвачилик тармоғида эса туғалланмаган ишлаб чиқариш хажми ёш чорва молларининг ўстириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига тенг бўлади.

Туғалланмаган қурилиш хажми қурилиши туғалланган ҳамда буюртмачи ҳақини тўлаган айрим қурилиш ишлари ёки конструктив элементлар қиймати билан аниқланади.

Энди айрим тармоқларининг ялпи ишлаб чиқариш хажмининг аниқланишининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз:

Саноат тармоғининг ялпи ишлаб чиқаришига қуйидагилар киради:

-корхонанинг ялпи маҳсулоти тайёр маҳсулотлар, ўзиде ишлатилгандан ташқари ярим тайёр маҳсулотлар, саноат хусусиятига эга

бўлган хизматлар ва туталланмаган ишлаб чиқаришнинг давр охиридаги хажми билан давр бошидаги хажми қийматларининг фарқи;

-машиний хизматлар (кийимлар, оёқ кийимлар, трикотаж ва юнгли буюмларни ташини ва таъмирлаш).

Уш хўжаликларининг саноат хўсусятига эга бўлган фаолиятига қўидагилар киради:

-сотини учун ва ўзи учун ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғи, вино ва қурилми материаллари;

-саноат ва бадиний буюмлар ишлаб чиқарини.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи ишлаб чиқарини деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ва кўрсатилган бозор ва нобозор қишлоқ хўжалиги хизматлари.

Қурилмининг ялпи ишлаб чиқарини, янги қурилми ишлари қиймати, мавжуд асосий фондларни кенгайтирини ва қайта қуриши ишлари қиймати.

Тўловли хизмат кўрсатувчи тармоқларининг ялпи ишлаб чиқарини (коммунал хўжалик, машиний хизматлар кўрсатини, тўловли илм олиши ва соғлиқни сақлаш, маданий муассасалар ва ҳокозо) бу хизматларни кўрсатганини учун тўловлар суммалари йилидисига тенг.

Тўловсиз хизмат кўрсатувчи тармоқларининг ялпи ишлаб чиқарини (тўловсиз илм олиши ва соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, муҳофаа, бошқарув, ички ишлар базирлиги) бу хизматларни кўрсатини учун қилинган жорий харажатлар қиймати.

Молиявий сектор ялпи ишлаб чиқарини қўидагиларининг ялпи ишлаб чиқарини йилидисидан ташкил тонади: Республика ҳалк банки, тижорат банклари, молиявий компания ва корпорацияларининг хўсусий инвестицион фондлари, суғурта компаниялари ва нафақа фондлари.

Маҳсулот ишлаб чиқарини ва хизматлар кўрсатини учун ишлаб чиқарини жараёида истеъмол қилинган товарлар (асосий капитал истеъмолни бундан мустасно) ва хизматларининг ишлаб чиқаринига киритилиши вақтида мавжуд булган баҳолардаги қийматига - оралиқ истеъмолни дейилади.

Оралиқ истеъмолни қўидаги элементлардан ташкил тонади:

- моддий харажатлар;
- помоддий хизматлар учун тўловлар;
- сафар харажатлари ва меҳмонхона хизматлари;
- оралиқ истеъмолнининг башиқа харажатлари;

Товар ва хизматлар ишлаб чиқарини учун сарфланган меҳнат буюмлари моддий харажатлар деб юригилади.

Моддий харажатларга қўидаги меҳнат буюмлари киради:

- а) хом ашё ва материаллар;
- б) ярим тайёр маҳсулотлар ва деталлар;
- в) энергия ва ёзилгининг барча турлари;
- г) маҳсулот ишлаб чиқарини ва хизматлар кўрсатини билан боғлиқ булган корхоналарининг ишлари ва хизматлари;

- д) ўзининг ва чет корхоналарининг транспорт хизматлари; алоқа ва ҳисоблаш марказларининг хизматлари;
- е) ўраш материалларининг қиймати;
- ж) ходимлар учун зарурий инструментлар, иш кийимларга харажатлар;
- з) корхонанинг бир муассасасидан бошқа муассасага ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун жўнатиш товарлар ва хизматлар;
- и) ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш учун меҳмонхона, ресторан, кафеларнинг озик-овкат маҳсулотларининг харид қилиниш, касалхона ва бошқа медицина муассасаларининг беморлар учун озик-овкат маҳсулотлари ва дори-дармонлар сотиб олиниш;
- к) уй хўжаликларининг инструментлар, иш кийимлари, қурилиш материаллари, уруғ ва ем-хашак харид қилиниш;
- л) харбий таъқислотларнинг қуролланиш ва уларни келтириш учун харажатлари;
- м) армия учун формали кийим-кечак ва озик-овкат маҳсулотларининг харид қилиниши;

Номоддий хизматлар учун тўловларга қуйидагилар қиради:

- а) товар сифатини текшириш учун тўловлар;
- б) илмий-текшириш ва экспериментал ишлар учун тўловлар;
- в) молиявий воситачиларнинг хизматлари учун тўловлар; суғурта хизматлари;
- г) корхона ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ўқув муассасаларига тўловлар (маҳсулот таннархига киритиладиган);
- д) корхона ходимларининг соғлиғини сақлаш учун соғлиқни сақлаш муассасаларига тўловлар;
- е) бино, иншоот, машина ва асбоб-ускуналар учун тўловлар; реклама учун тўловлар;
- и) товарларни ишлаб чиқариш учун рухсатномага тўловлар;
- к) ёнғиндан сақлаш ва қоровуллик хизматлари учун тўловлар.

Сафар харажатларига қуйидагилар қиради:

- а) йўл харажатлари;
- б) меҳмонхона харажатлари (овқатланиш харажатлари ва миний хизматлар меҳнат ҳақига киритилади).

Оралик истеъмолига қуйидагилар киритишмайди:

- а) бино ва иншоотларини капитал тузатиш ёки қуриш учун харажатлар;
- б) натурал шаклдаги ижтимоий ёрдам, ердан фойдаланганлик учун ижара тулови;
- в) ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий-маданий хизматларининг қиймати;

Демак, МХТ услубиятига асосан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи "ишлаб чиқариш" усули билан ҳисобланганда, унинг ҳажми қуйидаги тартибда аниқланади:

$$1) \text{ЯКК} = \text{ЯИЧ} - \text{ОИ};$$

$$2) \text{ЯИМ} = \sum \text{ЯКК};$$

2. Тақсимлаш усули

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи тақсимлаш усули билан ҳисобланганда, унинг мамлакат иқтисодий ҳудудидаги барча резидент ва норезидентларнинг тўланган бирламчи даромадлари йиғиндисига тенг бўлади:

$$\text{ЯИМ} = \sum \text{БД}$$

1993 йилда статистика амалиётига киритилган МХТ нинг учинчи халқаро стандарти бўйича қуйидаги даромадлар бирламчи даромадлар ҳисобланади:

1. Ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган даромадлар:
 - а) ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи;
 - б) ишлаб чиқариш ва импорт соф солиғи;
 - в) ялпи фойда ва ялпи аралаш даромад.
2. Мулкдан олинган даромадлар яъни бошқа иқтисодий birlikлар фойдаланиш учун уларнинг ихтиёрига берилган молиявий ва номолиявий активлардан олинган даромадлар:
 - а) фоиизлар;
 - б) дивидентлар;
 - в) чет эл инвестицияларини қайта инвестициялаш натижасида олиннадиган тушум;
 - г) суғурта полисларининг эгаларига бериладиган мулкдан олиннадиган даромадлар;
 - д) рента.

Ҳисобот даврида ёлланма ходимлар бажарган ишлар учун иш берувчилар томонидан уларнинг пул ёки натура шаклидаги рағбатлантирилиши - ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи деб аталади.

Мамлакат иқтисодий ҳудудидаги резидент ва норезидентларга тўланган меҳнат ҳақи ҳисобланган суммалар асосида ҳисобга олинади ва икки қисмдан ташкил топади:

- 1) ялпи иш ҳақи;
- 2) ижтимоий суғурта ажратмалари;

Даромад солиғи ва ажратмалар учун тўланадиган тўловлар ҳам ялпи иш ҳақи ҳажмида кўрсатилади.

Пул шаклидаги ялпи иш ҳақида қуйидаги элементлар киритилади:

- а) ҳисобот даврида ёлланма ходимлар бажарган ишлари учун ишбай нархлар, тариф ставкалари ва лавозим маошлари бўйича ҳисобланган иш ҳақи;
- б) ишбай нархлар, тариф ставкалари ва лавозим маошларига қўшимча ва ўстама ҳақлар; оғир шароитларда бажарилган ишлар учун тўловлар;ни вақтидан ташқари ва туғли вақтларда бажарилган ишлар учун қўшимча ҳақлар; дам олин ва байрам кунларида бажарилган ишлар учун тўловлар;
- в) чакана нархларининг ўзгариши муносабати билан тўланган ўстама ҳақлар;

г) ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлари ва кўп йиллик ютуқлари учун мукофот ва рағбатлантиришлар;

д) ходимларнинг ҳар йилги таътили учун ва қўшимча тўловлар;

е) ходимлар малакасини ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган ходимларнинг ўқиниш даври учун тўланган иш ҳақи;

з) ходимларни тиббий текшириш учун уларга тиббиёт муассасаларида булган вақтлари учун тўловлар;

и) меҳнат шартномасида кўрсатилган фойданинг бир қисми;

к) комиссия ва чой пули;

л) ёлланма хизматкорларнинг иш ҳақи;

Натура шаклидаги ялпи иш ҳақига қуйидаги элементлар киритилади:

а) корхоналарнинг ёлланма ходимларига бажарган ишлари учун берилган, яъни шу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар қиймати;

б) айрим тармоқларнинг ўз ходимларига (конунга мувофиқ) текинга берилган уй-жой хизматлари, озик-овқат маҳсулотлари, товарлар, шу жумладан формали кийим-кечакларнинг қиймати ёки уларнинг пасайтирилган нархларда сотилиши мунособати билан имтиёзли суммалар;

в) ходимларнинг яшайдиган уй-жойлари учун корхона томонидан тўланадиган харажатлар;

г) ходимларнинг ошхона, буфет ва даволаниш жойларида текинга ёки имтиёзли суммалар бўйича овқатланиши;

д) ходимларни иш жойларига олиб келиш учун транспорт тўловлари;

е) айрим ёлланма ходимлар учун корхона томонидан тўланадиган суғурта тўловлари;

ж) айрим ёлланма ходимлар учун корхона томонидан нодавлат ижтимоий фондларга тўланадиган ажратмалар;

з) мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбия қилиш учун тўловлар; даволаниш мақсадида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун йўлланма ҳақи;

и) ходимларни рағбатлантириш мақсадида текинга берилган акцияларнинг қиймати ёки акцияларга эгаллик қилиш учун уларга берилган имтиёзлар ва натура шаклидаги меҳнат ҳақининг бошқа турлари;

МХТ услубияти бўйича ёлланма ишчилар учун ҳисобланган иш ҳақларининг ҳисоблаш методикаси қуйидаги жадвалда ифодаланади:

Ялпи иш ҳақи

Кўрсаткичлар	Қатор рақами
1. Рўйхатдаги ходимларнинг пул ва натура шаклидаги иш ҳақи фонди	01

2. Рўйхатдаги ходимларнинг иш ҳақи фондига киритилмайдиган харажатлар, МХТ услубияти бўйича жса иш ҳақи фондига киритилган (03 + 04 + 05 + 06 + 07)	02
Шу жумладан:	
а) бир кеча қўндузлик харажатлар ва йўл ҳақи	03
б) канифётлар, ихтиролар ва рационализаторлик тақлифлари учун раббатлангиринлар	04
в) шахсий суғурта полисига кўра айрим ёлланма ходимлар учун иш берувчилар томонидан подаклат ижтимоий фондларга тўланадиган ажратмалар	05
г) ёлланма хизматкорларининг иш ҳақи	06
д) чой пули, совғалар	07
е) шартнома бўйича даволаш муассасаларининг хизматлари учун иш ҳақи фондида ҳисобга олинмадиган корхона харажатлари, МХТ услубияти бўйича жса иш ҳақи фондида киритилмаган	08
ж) меҳнат статистикаси ҳисоботида ҳисобга олинмаган иш ҳақи	09
з) ИКамп иш ҳақи (01 + 02-08 + 09)	10

Ижтимоий суғурта ажратмалари икки хил бўлиши мумкин:

- а) ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмалар;
- б) ижтимоий суғуртага шартли ҳисобланган ажратмалар;

Ёлланма ходимларининг келгуси даврларда ижтимоий таъминлаш мақсадида корхона ва ташкилотларининг давлат ижтимоий суғуртаси, нафақа ва тиббий суғурта фондларига ўтказадиган тўлоқлари - ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмалар бўлиб ҳисобланади.

Ёлланма ходимларини келгуси даврларда ижтимоий таъминлаш мақсадида ўз ходимларига бевосита тўлоқлар, ижтимоий суғуртага шартли ҳисобланган ажратмалар ҳисобланади. Ёлланма ходимларининг келгуси даврларда ижтимоий таъминлаш мақсадида корхона ва ташкилотларининг давлат ижтимоий суғуртаси, нафақа ва тиббий суғурта фондларига ўтказадиган тўлоқлари-ижтимоий суғуртага шартли ҳисобланган ажратмалар саналади.

Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, ёки ишлаб чиқариш омиқларидан фойдаланишни муносабати билан ишлаб чиқариш бирикмалари томонидан давлат бонқарув идораларига ўтказиладиган мажбурий текни қайтарилмайдиган тўлоқлари-ишлаб чиқариш ва импорт солиғи деб аталади.

Ишлаб чиқариш ва импорт солиғи икки хил бўлади:

- махсулот ва импорт солиғи;
- ишлаб чиқаришнинг бошқа солиқлари.

Резидентлар ишлаб чиқарадиган, сотадиган ёки чет эллардан келтирадиган товар ва хизматларнинг қийматига мутаносиб равишда улардан олиннадиган солиқлар маҳсулот ёки импорт солиғи ҳисобланади.

Маҳсулот ва импорт солиғига қуйидагилар киритилади:

- а) қўшилган қиймат солиғи;
- б) акциз солиғи;
- в) оборот солиғи;
- г) реклама солиғи;
- д) фойда солиғи;
- е) импорт ва экспорт солиғи;

Резидентларнинг ишлаб чиқарини омишларидан фойдаланишни ҳамда қандайдир ишлаб чиқарини фаолияти билан шуғулланишни учун руҳсатномага улардан олиннадиган солиқлар ишлаб чиқаринининг бошқа солиқлари ҳисобланади.

Истиқодий бирикмалари ихтиёрида ёланма ходимларига меҳнат ҳақи, давлат бошқарувиغا ишлаб чиқарини ва импорт солиғи тўлангандан кейин қоладиган ялпи қўшилган қийматнинг бир қисмига ялпи фойда деб аталади.

Меҳнат ҳақи ва фойда бирга қўшилган даромад-аралаш даромад бўлиб ҳисобланади.

3. Охириги фойдаланиш усули

Ялпи ички маҳсулот ҳажми "охирги фойдаланиш" усули билан аниқланганда, унинг қиймати охириги истеъмолни танқис этувчи элементларининг суммаси сифатида аниқланади:

1. Охириги истеъмол товарлари ва хизматларининг харид қилиш учун сарфланган харажатлар;

2. Ялпи жамғаринг;

3. Соф экспорт.

Охириги истеъмол товарлари ва хизматларининг харид қилиш учун сарфланган харажатларга қуйидаги харажатлар киритилади:

уй хўжаликлари томонидан истеъмол товарлари ва хизматларининг харид қилиш учун сарфланган харажатлар;

давлат бошқарув муассасалари томонидан алоҳида ёки жамoa бўлиб истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматларини харид қилиш учун сарфланган харажатлар;

уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат танкилотлар томонидан алоҳида ёки жамoa бўлиб истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматларини харид қилиш учун сарфланган харажатлар;

Уй хўжаликларининг охириги истеъмол харажатларига қуйидагилар киритилади:

а) истеъмол товарлари ва хизматларининг харид қилиниш учун сарфланган харажатлар;

б) натура шаклидаги меҳнат ҳақи учун олинган товар ва хизматларининг истеъмол қилиниши;

в) уй хўжаликлари ишлаб чиқарган товар ва хизматларининг ўз эҳтиёжлари учун истеъмол қилиниши;

Уй ҳўжаликларининг охириг истетъмол харажатларида резидентлар чет эллардан харид килган товар ва хизматлар киймати ҳисобга олинади, норезидентлар мамлакат иктисодий ҳудудда харид килган товар ва хизматлар киймати жса ҳисобга олинмайди. Уй ҳўжаликларининг охириг истетъмол харажатлари истетъмол товарлари ва хизматлари учун ҳақиқатда тўланган суммалар билан аниқланади.

Давлат бошқарув муассасалари ва уй ҳўжаликлариға хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг охириг истетъмол харажатлари қўйидаги тартибда аниқланади:

Ушбу муассасалар ва ташкилотларининг жорий харажатлари (жорий харажатларда асосий капитал истетъмол ҳисобга олинади) - уларинин товар ва хизматларин сотишдан оладиган тушумлари + уй ҳўжаликлариға текинға бериладиган истетъмол товарлари ва хизматларинин ушбу муассасалар ва ташкилотлар томонидан сотиб олининин + давлат ижтимоий суғурта фондлари ҳисобига амалга оширилган уй ҳўжаликларининг охириг истетъмол харажатлари.

МХТ нинг учинчи халқаро стандартида охириг истетъмолни ифодалаш учун ялпи кўрсаткич, ялпи ҳақиқий охириг истетъмол кўрсаткичи киритилган. Ҳақиқий охириг истетъмолға охириг истетъмол харажатлари ва натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар киритилади.

Товарлар, хизматлар ва активларининг маълум бир икисодий бирликлар томонидан бошқа иктисодий бирликларға текинға берилишинин акс эттирувчи иктисодий операциялар - трансфертлар деб аталади.

Уй ҳўжаликларининг ҳақиқий охириг истетъмол харажатлари давлат бошқарув муассасалари, ва уй ҳўжаликлариға хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларидан олинган натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар суммаси билан аниқланади.

Охириг истетъмол учун фойдаланилмайдиган, жорий даврда ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматларин резидентлар томонидан харид килинишиға - ялпи жамғарини деб аталади.

Ялпи жамғариниға қўйидагилар киритилади:

- 1) Асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини;
- 2) Моддий айланма маблағлар захираларининг ўзгарини;
- 3) Бойликларининг харид килинишини.

Келгуси даврларда даромад олиш учун ишлаб чиқаринида фойдаланиладиган асосий капитал объектлар учун сарфланган маблағларға - асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини деб аталади.

Бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида товарлар ишлаб чиқарини ва хизматлар кўрсатини учун ишлаб чиқарилган активлар асосий капитал деб юритилади.

Асосий капиталға қўйидаги активлар киритилади:

- 1) бинолар;
- 2) иншоотлар;
- 3) машина ва асбоб-ускуналар;
- 4) транспорт воситалари;
- 5) ускуналар, ишлаб чиқарини ва ҳўжалик инвентарлари;

- 6) ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;
- 7) кўн йиллик дарахтлар;
- 8) фойдали казилмаларни топиш учун сарфланган маблағлар;
- 9) компьютерлар учун дастурлар яратилишга сарфланган маблағлар;
- 10) адабиёт ва санъатнинг нодир асарлари.

1968 йилдаги МХТнинг халқаро иккинчи стандартида фойдали казилмаларни топиш учун сарфланган маблағлар; компьютерлар учун дастурлар яратилишга сарфланган маблағлар; адабиёт ва санъатнинг нодир асарлари оралиқ истеъмоли тарзида ҳисобга олинган.

1993 йилдаги МХТнинг учинчи халқаро стандартида эжа улар асосий капитал таркибига киритилган, чунки ушбу харажатларнинг натижалари ишлаб чиқариш жараёнига узоқ ва кўн марта хизмат қилади.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини қуйидаги баҳоларда ҳисобга олинади:

а) асосий капиталнинг харид қилиниш қиймати;

б) асосий капиталнинг ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар қиймати.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилишига ишлаб чиқарилмаган активлар ҳолатини яхшилаш учун сарфланган маблағлар ҳам киритилади.

Ишлаб чиқарилмаган активлар қуйидаги элементлардан иборат: ер ва табиий ресурслар; патентлар; руҳсатномалар ва ҳокозо; Ушбу активлар асосий капитал таркибига аке эътирилмайдн, лекин уларнинг ҳолатини яхшилаш учун сарфланган маблағлар асосий капиталнинг ялпи жамғарилишига киритилади.

Ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар ва қайта сотиш учун мўлажалланган товарлар қийматининг ҳисобот даврида ўзгаришига - моддий айланма маблағлар захираларининг ўзгариши деб аталади.

Моддий айланма маблағлар захираларининг ўзгариши маҳсулотларнинг захирага киритилиш ёки чиқарилиш пайтида бажор баҳоларида ҳисобланган фарқи сифатида аниқланади. Лекин, захирага киритилган ва чиқарилган маҳсулотлар туғрисида аниқ маълумотларни олиш қийин бўлганлиги учун амалиётда моддий айланма маблағлар захираларининг ўзгариши бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича йил охири ва бошида мавжуд бўлган захира қийматларининг фарқи сифатида аниқланади.

Қийматини аниқлаш мақсадида, яъни оралиқ ва охириги истеъмолга сарфланмайдиган буюмларнинг резидентлар томонидан харид қилиниши - бойликларнинг харид қилиниши деб юритилади.

Бойликларга қуйидаги буюмлар киритилади: қимматбаҳо металл ва тошлар (бойликлар таркибига монетар олтин ҳисобга олинмайди) заргарлик буюмлари; санъатга доир нодир асарлар;

Мамлакат иқтисодий ҳудудига чет эллардан келтирилган ва мамлакат иқтисодий ҳудудидан чет элларга чиқарилган товарларнинг қиймати- товар ва хизматлар экспорти ва импорти дейилади.

Қуйидаги шартли мисолда ялпи ички маҳсулот хажми кўрсаткичини юқорида баён этилган 3 хил усул ёрдамида аниқлаймиз (млрд. сўм):

1. Ишлаб чиқариш усули

1. Асосий баҳолардаги ялпи ишлаб чиқариш	1057019,7
2. Маҳсулот солиғи	69179,5
3. Субсидия	17018,0
4. Оралиқ истеъмоли	498179,1

ЯИМ=ЯИЧ+МС-С-ОИ=1057019,7+69179,5-17018,0-498179,1= 610993,1 млрд.сўм

2. Тақсимлаш усули

1. Ялпи даромад ва ялпи аранин даромад	309356,6
2. Ёлланга ходимларининг меҳнат ҳақи	233384,0
3. Ишлаб чиқариш ва импорт солиғи	85270,5
4. Субсидия	17018,0

ЯИМ= (ЯД+ЯАД) +МХ+ИИС-С=309356,6+233384,0+85270,5-17018,0=610993,1 Млрд. сўм.

3. Охири фойдаланиш усули

1. Ялпи мавжуд даромад	610993,1
2. Охириги истеъмоли харажатлари шу жумладан:	418735,1
а) уй хўжаликлари	247082,8
б) давлат муассасалари	134986,4
в) уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи потнжорат ташкилотлар	36676,5
3. Ялпи жамғарма (1-2)	192257,4
ЯИМ=ОИХ+ЯЖ=418735,1+192257,4=610993,1 млрд. сўм.	

6-§. Ялпи ички маҳсулот хажмини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш усуллари

Ялпи ички маҳсулот хажминини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш учун қуйидаги усуллар қўлланилади:

- 1) баҳо индекси ёрдамида дефляторлаш;
- 2) икки қаррали дефляторлаш;
- 3) физик хажм индекси ёрдамида базис давр кўрсаткичларининг экстраполяциялаш;
- 4) харажат элементларинин қайта баҳолаш.

Ўқорий даврда охириги истеъмоли учун фойдаланилган товар ва хизматларининг қийматинини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш баҳо индекси ёрдамида дефляторлаш усули билан амалга оширилади:

$$\Sigma p_1 q_1 / I_p = (\Sigma p_1 q_1) / (\Sigma p_1 q_1 / \Sigma p_0 q_1)$$

$\Sigma p_1 q_1$ - жорий даврда охириг истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларининг жорий баҳолардаги умумий қиймати;

$\Sigma p_0 q_1$ - жорий даврда охириг истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларининг ўзгармас баҳолардаги умумий қиймати;

Жорий ва базис даврларда умумий охириг истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларининг умумий қиймати таққосланса, физик ҳажм индекси ҳосил қилинади:

$$I_q = \Sigma p_0 q_1 / \Sigma p_0 q_0$$

Баҳо статистикасида Ласпейрсе, Пааше ва Фишер индекслари қўлланилади.

Яъни икки маҳсулотни ўзгармас баҳоларда ва физик ҳажм индексини ҳисоблаш учун қайси индекс қўлланилади деган савол туғилади.

МХТ нинг учинчи халқаро стандартида амалиётда қўллаш учун Фишер индекси tavsiya қилинади. Чунки Фишер индекси қўлланилганда "индекслар аксимотик назарияси"нинг асосий талабларидан бири - индексларнинг таққослаш базисига боғлиқ эмаслигини аниқланадир. Фишер индекси ўртача геометрик миқдор формуласи ёрдамида, яъни Ласпейрсе ва Пааше индекслари кулайтимасидан олинган квадрат илдиз билан аниқланади:

$$I^F = I^L * I^P = (\Sigma p_1 q_0 / \Sigma p_0 q_0) / (\Sigma p_1 q_1 / \Sigma p_0 q_1)$$

Индексларнинг таққослаш базисига боғлиқ эмаслиги сабабли талабни ўртача арифметик миқдор формуласи қаноатлантирмайди.

Мисол. агар иккинчи даврдаги баҳонинг биринчи даврдаги баҳога нисбатини ифодалайдиган Ласпейрсе индекси 110 га тенг бўлса, у ҳолда ўртача арифметик миқдор 115 ни таъкид этади, яъни:

$$I_{2/1} = (I_{2/1}^L + I_{2/1}^P) / 2 = (220 + 110) / 2 = 115$$

Фараз қилайлик, биринчи даврдаги баҳонинг иккинчи даврдаги баҳога нисбатини аниқлаш талаб қилинса, у ҳолда Ласпейрсе индекси $I_{2/1}^L = 1 / 120 = 0,833$, Пааше индекси $I_{2/1}^P = 1 / 110 = 0,909$ га тенг бўлади. Ўртача арифметик миқдор эса $I_{2/1} = (I_{2/1}^L + I_{2/1}^P) / 2 = (0,833 + 0,909) / 2 = 0,871$.

Иккинчи даврдаги баҳонинг биринчи даврдаги баҳога нисбатини ҳисобланса, у ҳолда $I_{2/1} = 1 / 0,871 = 114,8$ га тенг бўлади.

Демак, тўғри ва тескари индексларининг бир-бирига тенг бўмаслиги, ўртача арифметик миқдорнинг таққослаш базисига боғлиқлигини кўрсатади. Фишер индекси қўлланилган ҳолда эса ҳисоблаш натижаси таққослаш базиси учун биринчи давр олинса, у ҳолда:

$$(I_{2/1}^F)^2 = 120 \cdot 110 = 114,9$$

Агар таққослаш базаси учун иккинчи давр олинса, у ҳолда :

$$(I_{2/1}^F)^2 = 0,833 \cdot 0,909 = 0,870$$

$$I_{2/1}^F = 1 / 0,870 = 114,9$$

МХТнинг учинчи халқаро стандарти бўйича статистика амалиётида Ласпейрес ва Пааше индексларидан фойдаланилади, шунинг учун индекслар икки хил мақсадда қўлланилади:

1) аналитик;

2) техник.

Аналитик мақсадда фойдаланилганда баҳо индекси баҳо динамикасини ўрганиш учун қўлланилади, яъни бу мақсад учун Ласпейрес индекси тавсия қилинади. Чунки вази сифатида базис даврда сотилган маҳсулот миқдори олинади. Техник мақсадда фойдаланилганда баҳо индексини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш учун қўлланилади, яъни бу мақсад учун Пааше индекси тавсия қилинади. Чунки физик ҳажм индекси билан баҳо индексининг қўнайтмаси қиймат индексига тенг бўлади:

$$\Sigma p_1 q_1 / \Sigma p_0 q_0 = (\Sigma p_1 q_1 / \Sigma p_0 q_1) \cdot (\Sigma p_0 q_1 / \Sigma p_0 q_0)$$

Баҳо, физик ҳажм ва қиймат индекслари орасидаги боғланиш "индекслар аксиоматик назарияси"нинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ласпейрес ва Пааше формуласининг камчилиги шундаки, бунда:

а) агар баҳо динамикасини ўрганиш учун Ласпейрес формуласи қўлланилса, у ҳолда жорий даврда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг қиймати ҳисобга олинмайди;

б) агар баҳо динамикасини ўрганиш учун Пааше формуласи қўлланилса, у ҳолда биринчидан, жорий даврда ишлаб чиқарилган янги товар ва хизматларнинг қиймат базис давр учун қандай ҳисобланиши номаълум, иккинчидан, "ўрин алмаштириш самараси"нинг кучи камайтирилади. Масалан, истеъмолчи вақт ўтиши билан арзон баҳоли товар ва хизматларни харид қилади. Харажатлар умумий ҳажмида арзон баҳоли товар ва хизматларнинг салмоғининг ортинги баҳо индексининг пасайишига олиб келади.

Фараз қилайлик, базис даврда А ва В товарларнинг салмоғи бир хил, яъни 50 фоизга тенг бўлсин. Жорий даврда А товарнинг баҳосининг 2 марта ортгани, унинг салмоғини 10 фоизгача камайтирсин. Агар баҳо индексини ҳисоблаш учун Пааше формуласи қўлланилса, у ҳолда:

$$I^P = \Sigma p_1 q_1 / \Sigma p_0 q_1 \cdot 100 = (\Sigma p_1 q_1 / \Sigma p_1 q_1) / i_p \cdot 100 = 1 / (0,2/2 + 0,9/1) \cdot 100 = 105\%$$

Агар Ласпейрес формуласи қўлланилса, у ҳолда:

$$I^2 = \sum p_1 q_0 / \sum p_0 q_0 * 100 = (\sum i_p p_0 q_0 / \sum p_0 q_0) * 100 = (\sum d_0 i_p) * 100 = (2 * 0.5 + 1 * 0.5) * 100 = 150\%$$

Агар А товар салмоғи 0 гача камайса, Пааше формуласи баҳо даражасини ўзгармасдан қоллиниши кўрсатади. Ҳақиқатда эса А товар баҳосининг ошгани унинг салмоғи пасайишига олиб келади. Демак, Пааше формуласи истеъмолат товарлар таркибининг ўзгаришига боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Жорий даврда охириги истеъмолат учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг қийматини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш икки қаррали дефляторлаш усули ёрдамида ҳам амалга оширилади. Икки қаррали дефляторлаш усули қўлланилганда дастлаб ялпи ишлаб чиқариш, кейин эса оралиқ истеъмоли ўзгармас баҳоларда ҳисобланади. Ўзгармас баҳоларда ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми қўйидаги мунособат билан аниқланади:

$$ЯИМ = ЯИЧ - ОИ + МИИС$$

Мисол. Қўйидаги маълумотлар асосида ЯИМ ҳажмининг ўзгармас баҳоларда ва ЯИМ физик ҳажмининг индекси ҳисоблансин.

кўрсаткичлар	Давр	Индекс		
	базис жорий	баҳо	ҳажм	
1. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг ялпи ишлаб чиқариши	100	200	160	-
2. Бозор хизматларини ялпи ишлаб чиқариши	150	450	250	-
3. Ҳамомга хизмат кўрсатиш учун бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари	80	160	-	120
4. Алоҳида корхоналарга хизмат кўрсатиш учун бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари	50	95,7	-	116
5. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги оралиқ истеъмоли	40	90	180	-
6. Бозор хизматлари соҳасида оралиқ истеъмоли: (ялпи ишлаб чиқаришига нисбатан фойз ҳисобида)	30	28	-	-
7. Бюджет ташкилотларининг оралиқ истеъмоли	32,5	66,5	175	-
8. Маҳсулот ва импорт соф солиғи	24	60	240	-
Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгармас баҳоларда икки қаррали дефляторлик усули ёрдамида ҳисоблаш усулибояти:				

1) Базис даврдаги ялпи ишлаб чиқариш ҳажми:

$$\Sigma p_0 q_0 = 100 + 150 + 80 + 50 = 380 \text{ млрд.сум.}$$

2) жорий даврдаги ялпи ишлаб чиқариш ҳажми базис давр баҳоларида:

$$\Sigma p_0 q_1 = 200 / 1,6 + 450 / 2,5 + 80 * 1,2 + 50 * 1,16 = 459 \text{ млрд.сум}$$

3) базис даврдаги оралиқ истеъмоли:

$$\Sigma p_0 q_0 = 40 + 0,3 + 150 + 32,5 = 117,5 \text{ млрд.сўм}$$

4) Жорий даврдаги оралиқ истеъмоли базис давр баҳоларида:

$$\Sigma p_0 q_1 = 90 / 1,8 + 0,28 * 450 / 2,5 + 66,5 / 1,75 = 138,4 \text{ млрд.сўм}$$

5) Базис даврдаги ЯИМ ҳажми:

$$\Sigma p_0 q_0 = 380 - 117,5 + 24 = 286,5 \text{ млрд.сўм}$$

6) Жорий даврдаги ЯИМ ҳажми базис давр баҳоларида:

$$\Sigma p_0 q_1 = 459 - 138,4 + 60 / 2,4 = 345,6 \text{ млрд.сўм}$$

7) ЯИМ физик ҳажм индекси:

$$I_q = \Sigma p_0 q_1 / \Sigma p_0 q_0 = 345,6 / 286,5 = 1,241 \text{ ёки } 124,1\%.$$

Демак, ўзгармас баҳоларда (базис давр) ҳисобланган ЯИМ жорий даврда базис даврга нисбатан 24,1 % га ортган.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Товар ва пуллик хизматларнинг доиравий айланиш моделини тушунтиринг.
2. Ялпи ички маҳсулот бозор баҳоларидан қандай ҳисобланади?
3. ЯИМни ҳисоблаш усулларини тушунтиринг.
4. Ялпи миллий даромад қандай ҳисобга олинади?
5. Соф фойда қандай топилади?
6. Макроиктисодий кўрсаткичларнинг баҳолаш усулларини тушунтиринг.

8-БОБ. МАҲСУЛОТ ТАҲНАРХИ ВА КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ СТАТИСТИКАСИ

1-§. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва статистиканинг ислоҳоти

Маъмурий-бўйруқбозликка асосланган тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиш бухгалтерия ҳисоби, аудит, хўжалик фаолиятини таҳлили ва статистикани қайта ташкил этилишини тақозо қилади. Мустақил Ўзбекистонда бу борада муайян қадамлар ташланди. Чунинчи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макронқисодиёт ва статистика вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан қўлаб қонунлар қабул қилинди, МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб қабул қилинган бу қонун ва низомилар қуйидагилар:

1. "Аудиторлик фаолияти ҳақида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 й., 5 декабрь.

2. "Давлат статистикаси ҳақида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й., 2 сентябрь.

3. "Бухгалтерия ҳисоби ҳақида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1994 й., 20 март.

4. "Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳақида Низом". 1-илова. 1994 й., 26 март.

5. "Корхоналарининг молия - хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби сечлари режаси ҳақида Низом". 2-илова. 1994 й., 26 март.

Яқон андозалари талабларига тўла жавоб бера оладиган юқоридаги ҳужжатларга асосланиб, айни вақтда корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби, ҳужалик фаолияти таҳлили, ички ва ташқи аудит ва статистика ишлари олиб борилади.

Ўзбекистон республикаси бухгалтерия ҳисобининг ислоҳоти қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. "Бухгалтерия ҳисоби ҳақида" қонун. 1994 й., 20 март.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотини бўйича харажатлар тузилиши ва уларни таҳнарга қўйиш ва корхоналар молиявий ҳолатини ташкил этиш.

3. Бухгалтерия ҳисоби андозалари (шу жумладан инфляция шароитида бухгалтерия ҳисоби ва чет эл валюталарида амалга оширилган операциялар ҳисоби).


4. "Аудиторлик фаолияти ҳақида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 й., 5 декабрь.

5. Бухгалтерия ҳисоби сечлар режаси ва янги киритилган ҳисобот формалари.

Бухгалтерия ҳисоби ҳақида қонунга асосан, корхона бухгалтерия ҳисоби 2 қисмга бўлинади:

1. Ишлаб чиқаришнинг бухгалтерия ҳисоби;

2. Молиявий ҳолатининг бухгалтерия ҳисоби.



8-расм. Корхона бухгалтериясининг таркибий тузилиши.

Ишлаб чиқарини бухгалтерия ҳисобининг вазифаси маҳсулот таннархи бўйича маълумотларни йиғиш ва қайта ишланган иборат. Бу маълумотлар корхоналарнинг тижорат сирини ҳисобланади ва ундан фойдаланишга бошқарини ходимлари томонидан фойдаланилади ва юқори танкилотга эса ҳисобот берилмайди. Ҳар бир корхона ишлаб чиқарини ва сотини харажатларини ўз хусусиятларини эътиборга олган ҳолда маҳсулоти ишлаб чиқарини бухгалтерия ҳисоби асосида танкил этади.

Молиявий ҳолат бухгалтерия ҳисобининг вазифаси корхонадаги молиявий ҳолатни ифода қилаётган маълумотларни тўлиқдан, уларни қайта ишланган ва солиқ соҳаси билан ишланган иборат. Молиявий ҳисобот корхона билан танқи муҳит (мулк эгаси, кредит б-рувчилар, солиқ бошқармалари, таъминотчи ва сотиб олувчилар) орасида боғловчи восита хизматини ўйнайди ва бу маълумотлар корхона рақобат фаолиятига зарар келтирмайди.

Бухгалтерия ҳисобини бундай 2 қисмга ажратини бозор иқтисодиёти шароитига тўла мос келади.

2-§. Маҳсулот таннархи киритиладиган ишлаб чиқарини харажатлари таркиби.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда қабул қилган 64-қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (хизматлар)нинг сотини харажатларининг тузилиши ва молиявий

натисжаларнинг таъшикл топиши қоидалари»га асосан корхоналарнинг харажат моддалари қуйидагилардан таъшикл топади:

1. Ишлаб чиқариш харажатлари:

1.1. Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари:

- маҳсулотга қўшиладиган хом ашё ва материаллар - сотиб олинган материаллар (ишлаб чиқаришни метъерида утишини таъминлаш, ахтиёт қисмлар, маҳсулотларни ўраш, жойлаш учун материаллар ва хокозо).

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга хизматлар ва ишлар;

- табиий хом ашё (сув, ёроч ва хокозо);

- энергия ва ёқилғининг ҳамма турлари;

- материалларнинг табиий камайиши;

1.2. Ишлаб чиқариш харажеридаги меҳнатга тўловлар:

- бажарилган ишлар учун тўловлар;

- қўшимча тўловлар;

- ишланмаган вақтлар учун тўловлар;

1.3. Ижтимоий суғуртага ажратмалар:

- иш хақи фондига нисбатан ажратмалар;

- нодавлат нафақа фондида, ихтиёрний тиббий суғуртага ва баншқа ихтиёрний тўловлар;

1.4. Асосий фондлар ва номатериал активлар амортизацияси:

- асосий фондларнинг эскиришга қараб бош бирламчи баходан ажратма.

1.5. Ишлаб чиқариш харажерида бошқа харажатлар:

- ишлаб чиқариш жараёнига кўрсатилган хизматлар;

- ишлаб чиқариш хом ашё ва материаллар билан таъминлаш;

- асосий фондларни ишчи ҳолда сақлаш харажатлари;

- ўт ўчиришни таъминлаш ва қоровуллар;

- ишлаб чиқариш асосий фондларини ижара хақи;

2. Давр харажатлари:

2.1. Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

- толарларни ташиш харажатлари;

- савдо ва умумий овкатланиш корхоналарининг муомала харажатлари;

2.2. Маъмурий харажатлар.

- бошқарув ходимларининг меҳнат тўловлари;

- уларга суғурта ажратмалари;

- хизмат автомобилларини асраш;

- бошқарувнинг техник воситалари, аюка, сигнализация, ҳисоблаш маркази ва хоказо.

- бошқарувдаги асосий фондлар амортизацияси;

- юкори таъшиклотларни асраш (вазирлик, идора, ассоция, концерн ва хокозо).

- хизмат сафари харажатлари;

2.3. Бошқа операцион харажатлар.

- кадрлар тайёрлаш;

- қурилишдаги камчилкларни йўқотиш;

- маслахатлар бериш ва ахборотлар хизмати тўловлари аудитлар хизмати тўловлари ва ҳоказо.

3. Молиявий фаолият харажатлари

- банкларнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитлари учун тўловлар;
- узоқ муддатли ижара учун тўловлар;
- валюта курсининг ўзгариши сабабли фойда ва зарарлар;
- корхонанинг ўз қимматбаҳо коғозларини чиқариш ва тарқатиш харажатлари

4. Фавқулодда зарарлар

Юқоридагилардан кўришиб турибдики янгича шароитда маъмурий, тижорат, умумхўжалик ва молиявий харажатлар маҳсулот таннархига киритилмайди. Улар ҳар даврнинг ўзида корхона фойда суммаси ҳисобидан қопланади ва бу ҳолат мислий ҳисоблар тизимига мос келади.

Давр харажатлари корхоналар фаолиятида янги кўркаткич ҳисобланади. Бу харажатлар бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ эмас.

3-§. Корхоналарнинг молиявий ҳолати статистикаси

Бозор иқтисодиёти жараёнида корхоналарнинг даромад турлари қуйидагича бўлади:

1. Маҳсулот (хизмат)ли сотиндан олинган соф тушум, унинг ҳажмининг аниқлаш учун сотиш суммасидан қўшилган қиймат солиги, акциз ва экспорт, божхона тўловлари айириб ташланади.

2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар:

- олинган жарима, устама уеши ва бошқа жарималар;
- бу йил аниқланган аввалги йил фойдаси;
- асосий фондлар ва бошқа мулкларни сотиндан олинган фойда
- кредиторлик ва депонент қарзларини ўчириб юборишдан олинган даромадлар;

- молиявий ёрдамлар ва ҳоказо;

3. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар:

- бошқа корхоналар фаолиятида янгича этиндан олинган хисса даромади.

- мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад;

- валюта курсининг ўзгаришидан олинган даромад ва ҳоказо;

4. Фавқулодда фойдалар:

Сотиндан ташқари даромадлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхонанинг мажбурий ва қимматбаҳо коғозларидан олган дивидендлари ва даромадлари;

- корхона мулкни ижарага беришдан олинган даромад;

- чет эл валюталари билан операциялардан олинган даромад;

- аввалги йил операцияларидан олинган лекин бу йил аниқланган фойда;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромадлар.

Сотиндан ташқари харажатлар

- тўхтатиб қўйилган объект ва қувватларни асрашдан қўрилган зарарлар;

- маҳсулот ва ишлаб чиқариш заҳираларининг баҳосини пасайишидан қўрилган зарарлар;

- табиий офатлар натижасида қўрилган заралар;

- арбитраж ва суд харажатлари;

Сотиндан ташқари даромадлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- корхонанинг акциялари ва қимматбаҳо қоғозларидан олган дивидентлари ва даромадлари;

- корхона мулкни ижарага беришдан олган даромад;

- чет эл валютаси билан қилинган операциялардан олинган даромаднинг базис йили операциялардан олинган лекин жорий йилда оширилган ҳолда;

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромадлар;

Сотиндан ташқари харажатлар:

- тўхтатиб қўйилган объект ва қувватларни асрашдан қўрилган зарарлардан;

- маҳсулотни ва ишлаб чиқариш заҳираларининг баҳоси пасайишидан қўрилган зарарлардан;

- табиий офатлар натижасида қўрилган зарарлардан;

- арбитраж ва суд харажатлари;

- чет эл валютаси билан қилинган операциялардан манфий натижалардан иборат.

Корхонанинг молиявий маблағлари ҳажми ва таркиби ривожланиши ва самарадорлик даражасига боғлиқ. Корхона қанчалик яхши ишласа унинг пул даромадлари шунчалик кўп бўлади.

Корхона молиявий статистикасининг асосий вазифалари қўйидагилардир:

- Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-пул мунособатларининг ҳолати ва ривожланишини ўрганиш;

- молиявий ресурсларнинг ҳажми ва таркиби;

- пул маблағларидан фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

- корхоналар фойдаси ва рентабеллиги даражасининг таҳлили;

- молиявий катъийлик даражаси ва тулай олин қобилиятига баҳо бериш;

- молиявий коэффициентларни аниқлаш ва уларнинг таҳлили.

Фойда - корхона фаолиятини ҳар томонлама ифодаловчи пул жамғармалари курилишидаги иктисодий кўрсаткичдир. У ишлаб чиқариш савдо жараёнининг охириги натижаларини ифодалаб, корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Корхона молия статистикасида фойданинг қўйидаги кўрсаткичлари ҳисобланади: балансидаги фойда, маҳсулот (хизмат, иш)ни сотиндан олинган фойда, ялпи ва соф фойда.

Балансидаги фойда - маҳсулот (хизмат, иш)ни, асосий фондлар ва корхонанинг бошқа мулкларини сотиндан, шу билан бирга сотиндан ташқари операциялардан олинган даромад ва зарарларининг фарқиға тенг.

Маҳсулот (хизмат)ни сотиндан олинган фойда - уни сотиндан тушган тушум (қўшимча қиймат, акциз ва экспорт солиқларидан ташқари) билан маҳсулот танинархи орасидаги фарққа тенг.

Ялпи фойда - балансидаги фойдадан тўланган жарималар ва ўсимта тўлоқлар фарқиға тенг.

Соф фойда - корхоналар даромадининг солиқларини ва бюджетга мансуб бошқа туловларни тўлагандан сунг қолган қисмиға айтилади.

Солиқ - қонунға асосан белгиланган миқдорда ва муддатда алибатта тўланадиган тўлов ҳисобланади.

Корхона (ташкилот)лардан олинадиган асосий солиқ турлари қўйидагилардан иборат: фойда (даромад) солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, табиий ресурслардан фойдаланганлик солиғи, ер солиғи, экспорт-импорт божхона солиғи, махсус солиқ, даромад солиғи, транспорт солиғи ва бошқалар.

Давлат бюджетидан ташқари фондларға тўланадиган суғурта тўловлари - нафақа фондига ажратмалар, аҳолининг бандчилиқ фонди, ижтимоий ва тиббий суғурта фонди ва йўл фондидан иборат. Булардан ташқари корхоналар шаҳар ва туманлардаги аҳоли яшайдиган пунктлар бюджетга қўйидаги солиқ ва йиғимларни тўлайдилар: савдо қилиш ҳуқуқи учун, реклама солиғи, автомобиль тўхтаб туришни учун, турар жой ва ижтимоий- маданий соҳа фондини асраш солиғи ва ҳоказо. Шундай қилиб ҳўжалик юртгўвчи субъектлар тўлайдиган солиқлар, йиғимлар ва суғурта тўловлари республика, вилоят ва туман бюджетларини тўлдириб турилишини таъминлайди.

Корхоналарнинг соф фойдасидан: ишлаб чиқаринини ривожлантириш, жамғарини, ижтимоий ривожланиш ва моддий манфаатдорлик фондларини ташкил этиш учун фойдаланилади. Ташкил этилган фондлардан ходимлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида акциялар буйича дивидентлар тўланади, янги акциялар, облигациялар ва қимматбаҳо қоғозлар сотиб олинади, эҳтиёклар қондирилади, уй-жой ҳўжаллигини асрашға маблағ ажратилади.

Солиқ олинадиган базани аниқлаш учун қўйидаги нартлаи миқордан фойдаланамиз:

Корхона фаолиятининг молиявий натижалари бўйича 1998 йил охири ҳисоботи:

	(сўм)
1) Сотиндан олинган тушум	100 000
2) Солиқдан маҳсулот танинархи:	

а) материалларга қилинган тўғри харажат	30 000
б) меҳнатга қилинган тўғри харажат	20 000
в) қўшимча харажатлар	5 000
Жами	45 000
3) Янги фойда	-
4) Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари (таъмир)	10 000
5) Операцион фойда	35 000
6) Бошқа харажатлар:	
а) фоииз тўлаш	5 000
б) палюта курсидан йўқотилиш	2 000
7) Солиқ тўлашдан олдинги фойда	28 000
1998 йил охирига солиқ ҳисоботи:	
8) Солиқ тўлашдан олдинги фойда	28 000
9) Солиқ тўланадиган фойдага қўшилладиган харажатлар:	
а) ижтимоий харажатлар	7 000
б) белгиланган сметада шижарин хизмат сафарин харажатлари	5 000
10) Солиқ тўлаш учун база	40 000
Молиявий харажат даражасин	40%
У ҳолда	
11) Тўланадиган солиқ суммаси	16 000
12) Соф фойда	12 000
Юқоридаги фойда кўрсаткичлари корхоналар фаолиятининг умумий молиявий кўрсаткичларининг ифодаласида, лекин унинг интенсивлигининг, даражасининг ифодаб беролмайдилар. Бу вазифани рентабеллик кўрсаткичлари бажаради.	

4-§. Рентабеллик даражаси кўрсаткичлари

Молия статистикасида мулоқ миқдор фойда суммаси билан бир қаторга, рентабеллик даражаси инсбий кўрсаткичи ҳам қўлланилади. Буида корхона фаолиятининг ифодаловчи хар хил миқдор ва сифат кўрсаткичлари: маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннарни, фойда суммаси ва бошқалар муҳасамланади.

Амалийётда рентабеллик даражасининг қуйидаги кўрсаткичлари қўлланилади:

1) Корхона ҳамма активларининг рентабеллиги даражаси:

$$P_{\text{активлар}} = \frac{БФ}{(Ф_{\text{ас}} + Ф_{\text{об}})}$$

Бунга, БФ - балансидаги фойда

Ф_{ас} + Ф_{об} - асосий ишлаб чиқариш фондлари, номатериал активлар ва материал оборот маблағларининг ўртача йиллик киймати.

Бу кўрсаткичининг моҳияти шундаки, у шу корхона активларига инвестор ва кредиторлар томонидан қўйилган хар бир сўм неча сўм фойда келтирганини ифодалайди.

2) Сотилган маҳсулот рентабеллиги даражаси:

$$P_{\text{сотилган маҳсулот}} = \text{СОФ} / \text{МТ}$$

бунда, СОФ - маҳсулот (хизмат)ни сотиндан олинган фойда.

МТ - сотилган маҳсулот танаархи.

Бу кўрсаткич хар бир сўмлик сотилган маҳсулот неча сўм фойда келтирганини ифодалайди. Олинган маҳсулот тури бўйича рентабеллик даражаси хом ашё баҳоси, маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги даражаси, ишлаб чиқаришда сарфланган харажатларга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги юқоридagi омиллардан ташқари яна ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш даражасига, носаноат фаолият натижаларига ҳам боғлиқ бўлади. Демак, сотилган маҳсулот даражаси кўрсаткичи, умумий рентабеллик даражаси кўрсаткичининг тўлиради.

3) Корхона хусусий капиталининг рентабеллиги даражаси:

$$P_{\text{х.к}} = \Phi_{\text{соф}} / \text{ХК} * 100$$

Бунда, $\Phi_{\text{соф}}$ - соф фойда

ХК - хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати (устав капитал+кушимча капитал+резерв капитал+жамғарилган фойда). Бу кўрсаткич капитал эгалари томонидан қўйилган хусусий капиталнинг бир сўми неча сўмлик фойда келтирганини ифодалайди.

4) 1 акциянинг рентабеллиги даражаси:

$$P_{\text{ак}} = (\Phi_{\text{соф}} / \text{АКМ}) * 100$$

Бунда $\Phi_{\text{соф}}$ - соф фойда

АКМ - муомалага чиқарилган акциялар миқдори.

Бу кўрсаткич компаниянинг муомалага чиқарилган хар бир акцияси қанча сўм фойда келтирганини ифодалайди.

Корхона (ташкilot)нинг молиявий томондан ишчан-фаолияти даражасини ифодалаган мақсадда қўйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

1) Капиталнинг умумий айланиш кўрсаткичи:

$$K_a = \text{СТ} / \text{КК}$$

Бу ерда, СТ- маҳсулотни сотиндан тушган тушум.

КК - асосий капитал, оборот маблағлари, номолиявий активлар, муомала фонди. Капиталнинг умумий айланиш корхона мулкнинг доиравий айланишининг тезлатиш натижасидагина эмас, балки жорий даврда капиталнинг иккбий камайиши ва инфляция сабабли баҳо

баҳо қўтарилиши ортиши натижасида ҳам ортиши мумкин. Бу кўрсаткич корхона активига қўшилган ҳар бир сўм неча сўмлик маҳсулот сотишга имкон беришини ифодалайди.

2) Дебиторлик қарзининг айланиш даражаси:

$$DA=365:(CT:DK)$$

Бунда, 365 - бир йилдаги кунлар сони;

CT - маҳсулот сотишдан тушган тушум;

DK - харидорнинг дебиторлик қарзи.

Бу кўрсаткич харидорга дебиторлик қарзини ўзини учун неча кун керак бўлишини ифодалайди.

3) Кредиторлик қарзининг айланиш даражаси

$$KA=365:(TH:TK)$$

Бунда, 365 - бир йилдаги кунлар сони.

TH - сотилган маҳсулот таннарихи.

KK - корхонанинг кредиторлик қарзи.

Бу кўрсаткич ўзининг кредиторлик қарзини тўлаши учун корхонага неча кун керак бўлишини ифодалайди.

4) Ишлаб чиқаришдаги материал захираларининг айланиши

$$M3=365:(TH:M3)$$

Бунда, 365 -бир йилдаги кунлар сони;

TH - маҳсулот таннарихи;

M3 - материал захиралар ҳажми.

Бу кўрсаткич корхонанинг ўз моддий захираларини ишлатиб юбориши учун неча кун керак бўлишини ифодалайди.

Юқорида баён этилган кўрсаткичлар менежерлар учун ҳам, инвесторлар учун ҳам муҳим ҳисобланади. Булар ичида энг муҳими капиталнинг умумий айланиш кўрсаткичи ҳисобланиб, қолган кўрсаткичлар унга боғлиқ бўлади.

5-§. Молиявий коэффициентлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий ҳолатини, молиявий ишончлилигини, капитал қўйилмалар, акциялар сотиб олинishing ишончлилиги ва таваккаллик даражаси ва ҳоказоларни аниқлаш мақсадида молиявий кўрсаткичлар ҳисобланади. Бунинг учун молиявий ҳисобот маълумотлари асос бўлади. Компанияларнинг молиявий ҳисоботларига қўйилганлар қиради: компанияларнинг баланси, даромад ва зарарлар ҳақида ҳисобот, капитал ва пул маблағлари ҳақида ҳисоботлар.

Молиявий таҳлилга 2 нуқтадан назардан қаралади:

1) корхоналар эгалари томонидан;

2) инвесторлар, банклар ва мамлакат бюджети томонидан;

Шу асосда аниқланадиган барча молиявий кўрсаткичлар 3 гуруҳга бўлинади:

Молиявий муқобиллик дейилганда хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ўз вақтида ўз маблағлари ҳисобидан тўлай олиш қобилияти тушинулади. Бу ҳолатни ифодалаш учун автономлик коэффициентини, ўзининг мабалағлари ва қарзга олинган маблағлар нисбати, айлана олиш ва йўқота олиш коэффициентлари аниқланади.

Автономлик коэффициентини корхона молиявий ҳолатини қарз олиш мабалағларидан ҳолилик даражасини ифодалайди:

$$K_a = \frac{XM}{\sum MP}$$

Бунда, XM - хусусий маблағлар;

$\sum MP$ - молиявий ресурслар суммаси.

Автономлик коэффициентининг ортиши корхона (ташкilot)нинг келажақда молиявий мажбуриятларининг тулаши учун ўзининг молиявий ресурсларини ортиб бораётганини ифодалайди. Амалиёт шунини кўрсатадики, агар $K_a > 0,6$ дан катта бўлса, хўжалик юритувчи субъект молиявий мажбуриятларини ўз маблағлари ҳисобидан бажариш имкониятига эга бўлади.

Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати корхонанинг бошқа маблағлари ишлаб чиқаришга жалб қилини мумкинлигини аниқлаш мақсадида ҳисобланади:

$$T_k = K_k \cdot XM$$

Бунда, K_k - кредиторлик қарзи ва қарзга олинган маблағлар (банк кредити ва заемларсиз). Бу коэффициентнинг бирга тенг ($T_k = 1$) бўлиши энг мақбул йўл ҳисобланади. Агар бирдан катта бўлса, бошқалар маблағини тўлаш учун маблағлар етишмаганлигини ифодалайди.

Айлантира олиш коэффициенти корхона ўз маблағларини қанчалик айлантира олишини ифодалайди:

$$K_a = (XM + UMK3 - A) / XM$$

Бунда, XM - хусусий маблағлар;

$UMK3$ - узоқ муддатли кредит ва заёмлар.

A - асосий капитал ва бошқа айланимас активлар (номатериал активлар, узоқ муддатли капитал қўйилмалар ва ҳоказо). Бу коэффициентнинг давр мобайнида ортиши хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи барқарорлигини англатади.

Корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишини эътиборга олиб, тўлай олиш қобилиятини аниқлаш учун тўлай олиш коэффициенти аниқланади:

$$T_{\text{тул.ол.}} = \frac{ПМ}{КМК}$$

Бунда, ПМ - қимматбаҳо қоғозлар, товар материал бойликларга қўйилган маблаглар, дебиторлик қарзларига қўйилган пул маблағлари.

КМК - қисқа муддатли қарзлар.

Бу коэффициентнинг пасайиши корхонанинг тўлай олиш қобилияти ожизлигини ифодалайди.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Маҳсулот таннархи статистикасининг асосий вазифаларини тушунтиринг.
2. Маҳсулоттаннархига киритиладиган ишлаб чиқариш харажатлари таркибини изоҳланг.
3. Давр харажатлари нима?
4. Фойда ва унинг турларини тушунтиринг.
5. Бир акциянинг рентабеллик даражаси қандай аниқланади?
6. Молиявий коэффициентларни тушунтириб беринг.
7. Молиявий муқобиллик деганда нимани тушунасиз?

9-БОБ. НАРХ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СТАТИСТИКАСИ

1-§. Нархлар ва инфляция тушунчаси ва моҳияти

Бозор иқтисодига ўтин шароитларида иқтисодчилар, менеджерлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар ишга янгича ёндашгани тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида уларнинг статистик тайёргарлигига янгича талаблар қўймоқда.

Статистик услубиётга эга бўлиш – бозор конъюктурасини аниқлаш, талаб ва таклиф майлларини ўрганиш ва истиқболларини таҳлил қилиш, товарлар ва хизматлар бозорида барча даражалардаги тижорат фаолияти бўйича мақбул қарорлар қабул қилинишни муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Нарх – қўн функцияли иқтисодий ҳолат, етакчи бозор категориясидир. Нархларнинг ўзгариши қўнмича, жиддий ижтимоий, иқтисодий, шунингдек, сиёсий натижаларга олиб келади. Шунинг учун нархлар тўғрисидаги объектга ва ҳар томонлама таҳлил, уларни ўзгариш тенденцияси ва қонуниятлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлардан нафақат ҳокимият тузилмалари ва маркетнинг хизматлари, балки бутун жамоатчилик манфаатдордир.

Нарх – товар бирлиги учун тўланадиган пул, товарнинг пулга айирбоқлаш эквивалентидир. Биринчи мазмунда нарх товар ёхуд хизматда тавдаланган ижтимоий меҳнатини – қийматини пул шаклида ифода этади, пулда ўлчайди. Нархни қиймат белгилайди, аммо у аниқ бир қийматдан юқори ёки паст бўлиши мумкин, бу эса бозордаги муайян товарга бўлган талаб ва таклифга боғлиқ. Нарх фақат қийматин эмас, балки талаб ва таклиф, шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги, сифати ва бошқа товарлар ўринини боса олгани, муамлодаги пулнинг харид қобилиятига ҳам боғлиқ. Шу сабабдан нарх қийматдан миқдоран фарқланади. Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан нарх турлари қўнади: улгуржи, чакана, ички, халқаро нархлар шаклланади.

Иккинчи мазмунда нарх шундай иқтисодий воситаки, унинг таъсирида иқтисодиёт рағбатлантирилади, чунки нарх ошиб кетиши ёки пасайиши товар ишлаб чиқарувчилар олган фойда миқдорини ўзгартиради, фойданинг қилинган сарф-ҳаражатларга нисбатан юқори ёки паст бўлишини таъминлайди. Нарх орқали қўнмича маҳсулот пул шаклига кириб, фойдага айланади. Фойдага интилиш эса ишлаб чиқарин сарфларини камайтиришга, товарни қўнлаб яратишга ундайди.

Нархлар, уларни шаклланиши ва ўзгариши статистик тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Нархлар статистикаси – статистика амалиётига ва шунга мос равишда ижтимоий-иқтисодий статистика фашига кирувчи асосий мустақил бўлимдир. Шунинг учун давлат статистикаси идораларида мустақил нархлар статистикаси хизмати ташкил этилган. Нархлар статистикасига муқобил бўлган хизматлар ҳам юзага келиши табиий ҳолдир.

Нархнинг моҳияти, унинг иқтисодий табиати шундаки, у бозорда намоён бўладиган иккиламчи ролда қўринади. Чунончи, нарх қуйидаги кўринишларда бўлади:

- бозор конъюктураси ва сиёсатини ақс эттирувчи индикатор (талаб ва таклиф нисбати, савдо ва иқтисодий тасарруфчилик, молия-кредит вазияти, бозорнинг рақобатчилик даражаси ва ҳ.к.);

- талаб ва таклиф, бозор структураси ва ҳажми, пулнинг харид қобилияти, товар захираларининг айланувчанлиги ва бошқаларга таъсир этадиган бозор маркетингининг тартибга солувчиси (регулятор)дир. Нархлар тартибга солувчи сифатида ресурслар истеъмолини чегаралашга имкон беради ва инглаб чиқариш учун асос ҳисобланади.

Бозор нархи турлича вазифаларни бажаради. Нарх – товарларни пулга айирбошлаш пайтидаги ўлчов воситасидир. Нарх – бозор конъюктураси, талаб ва таклиф нисбати ҳамда структураси даражасининг омили, инглаб чиқаришни ҳудудий жойлаштиришнинг муҳим кўрсаткичидир. Нарх – фойданинг шаклланиши ва самарали бошқарув дастаги, солиқ солиш омилidir. Нарх – бу инфляция жараёналарининг асосий қисми (бўғини), инвестиция сиёсатига таъсир этиш воситасидир (нархларнинг ошinishи кўпинча сармоялар оқимиға сабаб бўлади). Нарх – меҳнат бозорига, истеъмол ҳажми ва структурасига, ҳар хил ижтимоий гуруҳлар реал даромадларининг даражасига таъсир этувчи, аҳоли турмуш даражасининг муҳим омилidir. Ва ниҳоят, нарх – бу рақобат курашининг кўролидир.

Нархлар турли йўналишлар бўйича таснифланади.

Товар ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича:

- истеъмол ва саноат-техник маҳсулотлар катта миқдорларда корхона томонидан сотиладиган улгуржи нархлар (улгуржи соҳа ичида тармоқлараро ва улгуржидан чаканага). Товари истеъмол қилишнинг кенг тарқалган шаҳобчалари мавжуд бўлганда, воситачи улгуржи фирмалар ёки ташкилотлар (таъминот – сотиш ташкилотлари, товар биржалари) сотишнинг мақбуллаштириш имкон беради. Воситачиларга эҳтиёж бўлмаганда, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари ўрнатадилар;

- товарлар чекланган миқдорда охириги истеъмолчи (асосан аҳоли)ға сотиладиган чакана нархлар;

- давлат қинилоқ хўжалиги корхоналаридан (фермерлардан) маҳсулотларни сотиб оладиган харид нархлари;

- хизмат кўрсатиш нархлари ва тарифлари. Тарифлар улгуржи (масалан, транспорт юк тарифлари, франко - жўнатиш нархлари) ва чакана савдо (йўловчи ташини тарифлари) соҳасига тегишли бўлиши мумкин.

Транспорт харажатларини ақс эттириш усули бўйича:

- франко-жўнатиш нархлари - магистрал транспорт пунктига қадар бўлган харажатларни ўз ичига олади, қолган йўл харажатларини харидор

тўлайди (кенг тармоқли истеъмол ва ишлаб чиқарилиши чекланган товарлар);

- франко-пункт нархлари белгиланган пунктгача бўлган транспорт харажатларини ўз ичига олади.

Сотиш шакл (форма)лари бўйича:

- шартноманий (контракт) нархлар – харидор ва сотувчи ўртасидаги ҳақиқий шартномавий нархлар;

- биржа катировкалари – биржалар орқали сотиладиган товар нархининг даражаси. Биржа товарининг нархи етказиб бериш жойидан узоқ-яқинлиги, сифати учун устамалар (чегирмалар) ва биржа котиrowкаларидан ташкил тонади;

- ярмаркалар ва қўрғазмалар нархлари (қўшнча имтиёзли);

- аукцион (ким ошди) нархлари аукционда сотишларнинг боришини аке эттиради.

Аукционлар (оммавий савдо) уч тилида бўлади:

1. Нархлар оиниши (товар харидор таклиф қилган нархдан анча юқори нархларда сотилади).

2. Вейлинг савдолари (таклиф нархи энг юқори, экрандаги стрелка (циферблат) тескари йўналишга эга, харидор тугмани босиши биланоқ ўзига қулай бўлган нархни аниқлайди.

3. Мухрланган конвертларда аризалар бериш- бунда бопқа харидорларнинг сўровлари билан таққослаш имконияти йўқ.

Сотиш боскичлари бўйича:

- сотувчи товарни шу нархда сотишни хоҳлайдиган таклиф нархлар (сотувчи ёки дастлабки нархлари). Одатда, бу харидор билан музокаралар олиб бориш жараёнида тўғриланадиган, айнан шу товарга қўйилиши мумкин бўлган нархнинг энг юқори даражаси. Айрим товарлар учун таклиф нархлари – бозордаги нарх даражаси, тўғрисидаги маълумотларнинг ягона манбаи ҳисобланади;

- харидор товарни сотиб олишни хоҳлайдиган талаб нархи;

- сотиш нархи (битим, сотиш, харид) – ҳақиқий ёки номинал нархлар. Уларни - нархларнинг умумий даражаси ёки жамият даромади даражаси билан таққосланган реал нархлардан фарқлаш керак.

Тартибга солиш даражаси бўйича:

- қатъий белгиланган (маъмурий – буйруқбозлик - иқтисоди шароити-даги нархларнинг асосий тили);

- тартибга солинадиган (маълум чегараларда ўзгаришига йўл қўйилади, одатда ижтимоий аҳамиятта эга бўлган товарларга давлат томонидан белгиланади);

- эркин (тўғридан-тўғри аралашилмайди, бозор конъюктурасидан келиб чиқиб шаклланади).

Вақтга қараб барқарорлик даражаси бўйича:

- қаттиқ (ўзгармас): шартнома тузиш чоғида шартноманинг бутун амал қилиш муддатига белгилаб қўйилади;

- ўзгарувчан (ҳаракатчан): агар шартномада белгилаб қўйилган товар нархининг бозор нархи ўзгарган бўлса, шартномада қайд қилинган нарх товарни етказиб бериш вақтида ўзгаради;

- ўйноқи (ўзгарувчан): шартномада дастлабки нарх белгиланади ва нархни шакллантирувчи омилларининг қиймати ўзгарган тақдирда, ўзгартиришлар киритиш тартиби (формуласи) келинилади;

- кейинчалик белгиланадиган: шартномада нарх даражасини аниқлаш принципи ва белгилаш шартлари аниқлаб олинади, яъни: белгиланишнинг даврийлиги, белгиланш базаси, келишини муддатлари ва белгиланиш амалга ошириш.

Битим тузиш чоғида, нарх даражасини белгилаш ёки ўзгартиришлар қилиниш учун йўналишлар, базавий нархлар сифатида қўйиладиганлардан фойдаланилади:

1. Техник ва тижорат шартловларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир маълум буюртма учун маҳсулот етказиб берувчи томонидан асослаб бериладиган ҳисоб нархлари;
2. Даврий намуналар, каталоглар, маълумотномаларда эълон қилинадиган маълумот нархлари. Одатда, бу муайян давр учун маълум бир битимларнинг ўртача нархлари, эксперт баҳолари, биржа котировкалари, йирик фирмаларнинг таклиф нархлари ва ҳ.к.;
3. Прейскурантлар ва нархномалар. Прейскурантлар одатда, тайёр буюмлар учун ишлаб чиқарувчилар томонидан чиқарилади, миқдорларга жўнатилади, фирма товар номенклатурасининг ҳаммаси ёки бир қисми бўйича барқарор чегирмалар, пировард фойдаланувчилар учун нархларни ўз ичига олади. Нархлар тез-тез ўзгариб туриши зарурияти бўлганда, прейскурантлар ўзгариш кккфрнциситлари кўрсатилган варақлар билан тўлдирилиб турилади.

Юқорида санаб ўтилганлардан таниқари, бошқа нарх турлари ҳам mavжуддир, масалан:

- трансферт (фирма ичида – бир корхона цехлари, шуъба корхоналар, хорижий филиаллар ўртасидаги айирбоқлаш учун, конфиденциал);
- дунё (бир неча давлатларда сотиладиган товарларининг шартли ўртача қиймати сифатида намоён бўлади, амалиётда одатда модал, яъни алоҳида давлатларнинг нархлари – товарни асосий ишлаб чиқарувчиларининг нархларидан фойдаланилади).

Нархнинг базавий ёки белгиланган даражаси ҳар хил чегирмалар (устемалар) билан тўғрисилашни мумкин. Қўйиладиган энг кўп тарқалгандир:

- нақд тўловлар учун чегирмалар;
- бошқа фаслда сотиб олинганлик учун фаслий чегирмалар;
- олдиндан белгилаб қўйилгандан кўпроқ миқдорда товар харид қилганлиги учун ёки серия чегирмалари;
- томонлар келишилган муддатлар мобайнида эришилган оборот (айланма)га боғлиқ ҳолда маълум шкала бўйича айланма (бонус) учун чегирмалар;

- сотиш бўйича доимий воситачиларга дистрибютерлик ва дилерлик чегирмалари;
- доимий мижозларга “ишончни қозонганлиги” учун;
- дастлабки тўлов эвазига – сконто;
- буюртмалар ва синов партияларига махсус чегирмалар;
- шу фирмадан илгари сотиб олинган эскирган моделини қайтарганлик учун чегирмалар (ёки янги моделга алмаштириш вақтидаги чегирмалар);
- ишлатилган товарларни сотиш чоғидаги чегирмалар;
- ички бозорда амал қиладиган чегирмалардан ортиқ равишда хорижий харидорларга бериладиган экспорт чегирмалари;
- қуришти, силкитиш, саралаш вақтидаги йўқотишлар, лой миқдорининг ортиқлиги (қуруқ мевалар) учун, қуюқ товарларни ташинидаги йўқотишлар, буғланиш (масалан, цистерналардаги сут), тозаланиши қийин бўлган қолдиқ (асал), намнинг қўйлиги (пахта, жүн) учун чегирмалар;
- яқка буюртма учун устамалар;
- юқори сифатга эга бўлганлиги учун устамалар;
- тўлов муддати узайтирилганлиги учун устамалар;
- қўшимча хизматлар учун устамалар;
- ўраш, идишлар учун устамалар.

Ривожланган бозор шароитида асосий нарх давлат томонидан тартибга солинмайдиган эркин нарх ҳисобланади, нарх шаклланиши жа маркетинг дастағи (инструменти)га айланади. Нарх стратегиясини ишлаб чиқиш биринчи навбатда фирма бозордан кутаётган мақсадларга боғлиқдир. Бу олатда, бозордаги фойдани ёки улушни максималлаштириш (ошириш), барқарор вазиятга эришишдир. Нарх шаклланиши жараёнида талаб (талаб қонуни, талабнинг нархга нисбатан эгилувчанлиги, нархни психологик қабул қилиш), тўлиқ ва чегаравий харажатлар, рақобатчилар нархлари ва имкониятлари, товар ҳаракатланишида иштирок этувчи бошқа катнашчиларнинг таъсири, нархларни чеклашнинг қонуний асослари, товарнинг ҳар хил тавсифлари каби омиллар ҳисобга олинади.

Нархларни эркин калькуляция қилиш уни тўлиқ стихиялилиги ва бошқарилмаслигини билдирмайди. Кўпчилик ривожланган давлатларда иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида бошқариладиган ва эркин нархларни биргаликда қараш сиёсати олиб борилди. Масалан, Германия ва АҚШда фақатгина 1970 йилларда вертикал белгилаб қўйилган нархлар (саноат ва савдо ўртасидаги қатъий шартномаларга асосланувчи) бекор қилинди, доимий равишда таъсия қилинувчи нархларнинг роли пасайиб бормоқда (савдо фирмалари махсуслот етказиб бериш чоғида ишлаб чиқарувчи томонидан таълиф этилаётган нарх даражасини бирмунча ўзгартириши мумкин).

Белгиланадиган нархлар ролининг пасайиши нархларни иқтисодий (солиқлар орқали) тартибга солиш самарадорлигини ўсиши билан баҳоланади. Қўшимча қиймат солиғи 40%дан ортиқ давлатларда

қўлланилади (ЕИИ ният 17 аъзоси) ва харажатларни эмас, балки даромадларни рағбатлантирганлиги, универсаллиги учун солиқ солишнинг самарали шакли ҳисобланади. Масалан, Францияда 1989 йилдан бошлаб қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) нинг учта ставкаси амал қилмоқда:

5,5% - энг зарур товарлар ва хизматларга;

18,6% - барча товарларга;

28% - алкаголь, тамаки, зеб-зейнат буюмларига.

ЕИ битими доирасида бундан буён фақат икки ставка – нормал ва пасайтирилган ставкалар амал қилади. Бундан ташқари, ҚҚС дан кичик корхоналар баъзи хайрия ишлари озод этилади, ҚҚС бўйича имтиёзга ижтимоий характердаги товарлар ишлаб чиқарувчи ва фанга сармоя киритувчи корхоналар эга бўлади.

Нархларнинг иқтисодий бошқаришдан ташқари маъмурий (қонунчилик бўйича) чоралар тизими кенг қўлланилади. Қонунбузарлар судлар орқали жаримга солинадилар ёки қамоқ жазосини оладилар. Масалан, АҚШда улгуржи ва чакана савдо, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги нарх келишувлари, ишлаб чиқарувчилар ва улгуржи савдо томонидан ўз товарларининг чакана нархларини назорат қилиш тақиқланади. Австрияда иқтисодиёт вазири ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар нархларининг энг юқори чегарасини ёки нархлар “қайчисини” белгилайди. Назорат ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий идоралар ва “ижтимоий ҳамкорлар” (касаба уюшмалари ва ҳ.к.) томонидан амалга оширилади.

Францияда айрим товарларнинг нархларини чегаравий даражаси ёки индексини аниқлайдиган, янги маҳсулот нархини ошириш шарти бўлган сифатини яхшилашни амалга оширувчи молия маъмурияти ва корхоналар конфедерациялари ўртасидаги маъмуриятлар кенг қўлланилади. Давлат назоратни кўчайтириш учун истеъмолчилар ассоциацияларига субсидиялар беради. Инфляция кучайганда назорат янада қаттиқ олиб борилади (масалан, 1980-1981 йилларда инфляция 10% га етган эди).

Инфляция — пул массаси ва товар хажми ўртасидаги мувозанат бузилиши оқибатида келиб чиқадиган, пулнинг қадрсизланиши ва нархларни умумий даражасининг ошишидир.

Диспропорция қуйидаги сабаблар натижасида келиб чиқади:

- инфляция талаби — давлат бюджети тақчиллигини қоплайдиган, товар билан татминланмаган пулларни чиқаришдир; давлатнинг ноншлаб чиқариш харажатлари; товарлар тақчиллигини юзага келтирувчи ва ишлаб чиқаришнинг ошишини ортада қолдирган аҳоли пул даромадларининг ўсиши. Дунёда, масалан, ОПЕКка аъзо мамлакатлар нефт сотишни бойкот қилиши нефт нархини ошиши ва касаба уюшмаларининг босими остида иш ҳақини ошишига олиб келди);

- харажатлар даражасининг ўсиши (масалан, хом-ашё нархининг ўсиши ва ҳ.к.).

Иш ҳақи ва нархларнинг юқори суръатларда ўсиши бир-бирига туртки беради ва давлат сиёсатига мос бўлган “паст” (“ўлик”) инфляция

гиперинфляцияга айланади: нормал иқтисодий муносабатлар бузилади, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар пулларини турли бойликлар ва кучмас мулк сотиб олишга сарфлайдилар, бартер ҳисоб-китобларига ўтадилар, спекулятив фаолият кучаяди, жамоатчиликнинг жамғармалари қадрсизланади.

Даромадлари чегараланган фуқаролар, омонатчи-кредиторлар ва тадбиркорлар зарар кўрадилар. Иш ҳақини енгил охира оладиган фирмалар масалан, инфляция даврида қиймати турмуш қийматидан тез ўсадиган қимматбаҳо буюмлар билан савдо қилувчилар ва бошқалар ютадилар.

2-§. Нарх статистикасининг вазифалари

Иқтисодиётнинг маълум бир тили нарх статистикаси томонидан ечиладиган умумий ва аниқ вазифаларга ўз измини (таъсирини) кўрсатади. Улар нархнинг шаклланиши, роли, функцияларининг характери билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг режалаштирилган ва маъмурий-бўйруқбозлик тизими шароитида нарх статистикаси концепцияси режалаштирувчи ва бошқарувчи давлат идоралари учун керакли бўлган маълумотларни олиш заруратида келиб чиқар эди. Нархлар статистикасининг вазифасига эса асосан, аҳолининг яшаш даражаси бўйича нарх ўзгаришларини баҳолаш, товар айланиши, маҳсулот, миллий даромад, ҳамда фойданинг омили ҳисобланган савдо чегирмалари қиймат кўрсаткичларининг нарх омилиларини ажратип киради эди. Иқтисодиётнинг бу тизими учун ушбу концептуал вазифалар амалиётда қўйидаги асосий вазифалар ёрдамида ўз ечимини топади:

Индекслаш усулига асосланган нарх динамикаси таҳлили. Бундан ташқари, нарх статистикаси режалаштирилган нархлар структурасини, нархларнинг ташкил топиш негизини таъминлаш ва нархлар устидаги назорат қилиш билан шуғулланилган. Минтақалараро нархлар ўртасидаги тафовутлар, уларнинг тебраниб туриши, мавсумий характерга эгаллиги (деҳқон бозорлари нархлари бўйича) ҳамда ҳар хил товарларининг нархлари ўртасидаги нисбат умуман ўрганилмаган ёки жуда ҳам чегараланган ҳолда ўрганилган.

Ҳозирги замон бозор талаби режалаштирилган концепциядан келиб чиққан ҳолда нархлар статистикаси олдида турган вазифаларни нафақат камайтиради ва чуқурлаштиради, балки уларни қатъий тарзда ўзгарттиради. Нархлар статистикаси олдида турган концептуал вазифаларининг ҳозирги замон таснифномаси асосини қўйидаги мазонлар ташкил қилиши мумкин: олдида қўйилган вазифаларни ечиш учун маълум бир мақсадни белгилаш ва ушбу вазифани ечилишига манфаатдор бўлган субъектлар.

Биринчи таснифнома ўз ичига қўйидаги учта концептуал вазифани қўяди:

1. Бозор ҳолати (конъюктурасини) тавсифи. Бозор шароитида ушбу умумий вазифани ечишда, статистика нархларнинг иқтисодий вазиятларни ўзгаришига бўлган муносабатини (пул эмиссияси, талаб ва таклифнинг мувозанатлаштирилиши, аҳоли даромадиниң ўсиши ва дифференциалланиши, ўзаро ўриндош товарлар нархларининг ўзгариши, товарлар сифатини ва уларга бўлган талаб даражасининг ўзгариши ва ҳ.к.).

2. Бозорни бошқариш воситаси сифатида нарх тавсифиномаси. Ушбу йўл орқали статистика нархларни ишлаб чиқаришга (жумладан, нарх таркибига киритилган солиқлар) айланishi (айланиш тезлиги ва муомала ҳаражатларининг нархга боғлиқлиги (қарамлиги) ва талабга бўлган таъсири даражаси ва имконияти ўрганилади. Нарх ва талаб ўртасидаги умумий тан олинган тескари боғлиқлик доим ҳам амалиётда исботланмайди, масалан, “намунали” ҳолатдаги ёки “сифат кўрсаткичи” ҳолатидаги нархлар. Нархлар статистикаси бозорни маркетнинг орқали бошқариш учун мавжуд бўлган иқтисодий дастакларни асослаб бериш имкониятига эгадир.

3. Нархларни давлат томонидан бошқариш ва нархни ташкил қилишининг маркетнинг бошқаруви йўлига биноан нархларни таҳлил қилиш. Бу масалани ечишда, нархни шакллантириш қонунияти, сотувчи ва нарх ҳатти-ҳаракатини аниқлаш, уларнинг ҳаёт кечириш даражасига таъсирини, нархларнинг ўзгариш истиқболлари ва уларни моделлаштириш эҳтимоллари тахмин қилинади.

Иккинчи тавсифиномада — статистик нарх ахборотини буюрувчилар ва ишлатувчилар позицияси томонидан қўйидаги умумий нарх статистикаси вазифалари алоҳида ажратилади.

1. Давлат йўли томонидан: нархни бозор самарадорлигининг иқтисодий ва ижтимоий қуроли сифатида, ҳаёт кечириш даражаси, инфляция жараёнларини асосий ташкил қилувчиси; нарх ўзгаришининг оқибатлари ва истиқболларини аниқловчи, меҳнат бозорига бўлган таъсирини ўрганиш; қайта бюджетни шакллантиришда асосий омил ҳисобланган қиймат кўрсаткичларини қайта ҳисоблаб чиқишда дефляторлик ролини ўрганиш; нархларни статистика томонидан ўрганиш, нархни шакллантириш бўйича қарорларни қабул қилиш, давлатдаги пул муносабатлари устидан назорат ўрнатиш учун мавжуд қонуниятларни моделлаштириш; капитал қўйишга фойдали бўлмаган, хусусий сектор ва бошқа самарасиз соҳаларда стратегик ва ҳаётий муҳим бўлган товарларнинг нарх даражаларини бошқариш мақсадида нархларни таҳлил қилиш.

2. Ишлаб чиқарувчи, сотувчи йўлидан: нархни маркетнинг воситаси сифатида ўрганиш, ички кўринишли, минтақалараро нарх даражалари ва уларнинг дифференциацияси, товарнинг сифат тавсифи ва нархларининг ўзаро боғлиқлигини моделлаштириш, тармоқдаги нарх таркиби (структураси), ўзаро муқобил товарлар, суббозорлар ва бошқаларни таҳлил қилиш.

3. Сотиб олувчи позициясидан: нарх даромадни индексация қилиш омили сифатида, ҳаёт кечириш даражасининг минимуми ва истеъмол саватини шакллантирувчи сифатида ўрганиш; турли хил ижтимоий гуруҳларнинг ҳаёт кечириш даражасига нархнинг таъсирини аниқлаш; истеъмолчи эътиборини қозонган, даромад даражаси ва товар сифатига нархнинг мос келишини таҳлил қилиш; нархларни танлаш омили орқали харид қилишдаги (мажбуран) ассортимент томонидан дифференциацияланиш аниқлаш ва бошқалар.

Юқорида айтиб ўтилган нарх статистикасининг концептуал вазифалари қуйидаги аниқ функционал вазифалар ёрдамида амалга оширилади:

- нархларни рўйхатга олиш, уларнинг ўзгаришини кузатиб бориш;
- нарх ва унинг дифференциациялаш даражасини таҳлил қилиш;
- нарх таркибини тавсифлаш (характерлаш);
- ҳар хил товарлар, суббозорлар ва қарама-қарши эгилувчан нархлар ўртасидаги нисбатни ўрганиш;
- нархларнинг мавсумийлиги, циклилиги ва тебранувчанлигини моделлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- нархларнинг миктақавий таҳлили;
- нарх динамикасини (ҳаракатини, ўсишини) моделлаштириш ва таҳлил қилиш;
- нарх динамикаси (ҳаракати, ўсиши), вариацияси ва даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва моделлаштириш;
- нархларнинг истиқболлини белгилаш.

Режалаштирилган иқтисодиёт шароитида давлат бошқаруви вазифасини бажарувчи нарх статистикаси бозор муносабатларининг борган сари кенгайиб бориши натижасида бизнес-статистика манфаатлари доирасига кенг жалб қилинмоқда. Бозор структураси (таркиби) эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, нарх статистикасининг янги муқобил хизматлари пайдо бўлмоқда.

3-§. Нарх статистикасининг кўрсаткичлар тизими

Нархлар бозор механизмининг ташкил этувчи элементларидан бири бўлиб, мураккаб тизим ҳисобланади. Кўрсаткичлар тизими бозор нархларининг ҳар хил турларининг ҳар хил турдаги, ҳудудий, вақт бўйича, даромади гуруҳлари бўйича, турли хилдаги суббозорлари бўйича фарқ қилишини ўзида ақс эттириши керак. Бозор шартотида нархларга турли хил омилларнинг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Шу сабабли нарх эластиклиги кўрсаткичлари ва уларнинг нисбатлари нарх статистикаси кўрсаткичлари тизимида ўз аксини тўлини дозим.

Аҳолининг маълум даромад даражасига ва истеъмол талабларига мос келадиган товарлар танлашда уларнинг маълум даражада сифати ва нархини бирга олиб қараш имконияти статистик баҳолаш кўрсаткичлари тизимида истеъмолчилар истаги ва товар сифатининг нархда ақс

этирилиши ва мос келишининг зарурияти аниқланилади. Нарх шаклланишининг эркинлаштирилиши ва келажакда иқтисодийётининг барқарорлашини нархларни математик моделларда инфодалаш имкониятини беради. Энг асосийларидан бўлиб динамика кўрсаткичлари (айниқса индекслар) ва баъорат қилган ҳолда баҳо бериши (нархларга таъсир кўрсатувчи омиллар ва шартларини эътиборга олган ҳолдаги прогнозлар) ҳисобланади. Товарларининг сифат кўрсаткичларининг ҳисобга оладиган нарх динамикаси кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади.

Жадвал-6

Нарх шаклланиши ва нарх статистикаси кўрсаткичлар тизими

Кўрсаткичлар блوكлари	Кўрсаткичлар	Субкўрсаткичлар
Нарх даражаси	Алоҳида даража Ўртача даража	Товар тури ва навиининг ушбу шайтдаги нархи Сана ва давр учун ўртача нарх: товарлар гуруҳи (комплекс); ҳудудлар, шаҳар, қишлоқ ва суббозорлар бўйича; ҳаридорлар гуруҳи бўйича
	Умумлаштирувчи даража	Истеъмол саватиининг киймати; алоҳида, ўрта ва умумлаштирувчи нархларининг даромадга бўлган нисбати
Нархлар тузилмалари	Танинарх, устяма нарх, четирмалар (улгуржи, чакана), солиқлар	Ҳар бир элементининг товар (чакана) нархидаги улуши; яъни даромадининг товар айланшинидаги улуши; улгуржи ва чакана нархлар нисбати; чакана нарх элементларининг тузилмалари ва нисбатлари
Нархлар нисбати	Ҳудудий, суббозор ва товар нархлари нис- батлари коэффициент- лари	Товар нархларининг базавий нархларга нисбати; нарх нисбатларининг базавий нархлардан фарқлашини даражаси; динамикада нисбатлар барқарорлиги
Нарх ўзгаришлари	Ижтимоий-иқтисодий, географик ва вақт бўйича нарх ўзгариш- лари кўрсаткичлари	Товар гуруҳлари (нарх даражаси бўйича бир номдаги товарларини гуруҳлаш) бўйича нархларини тақсимлаш; нархларини ҳудудлар бўйича тақрибий даражаси (нарх даражалари бўйича ҳудудий ёки аҳоли пунктларини гуруҳлаш); динамикада нархларининг барқарорлик даражаси (третид моделининг аппроксимация коэффициенти); нархлар тақрибийинининг маусумий ва циклик даражаси; аҳоли ижтимоий гуруҳларининг сотиб олиш нархлари бўйича фарқлашини даражаси
Нарх динамикаси	Алоҳида товар-вакил- лари, товар гуруҳлари ва барча товарларининг динамика кўрсаткич- лари	Алоҳида, гуруҳий, умумий нарх индекслари; ўртача нархлар индекси; нарх третидлари
Нархларининг ис- теъмотчилик фик- ри ва товар сифатига мос келиши	Нархга, сифат дина- микасига, нарх дина- микасига сифат таъ- сири кўрсаткичлари	Моделлар параметрлари; эластиклик коэффициенти, индекслар; экспертларининг баҳолашлари
Нархларининг эластиклиги	Нарх кўрсаткичлари-нинг ижтимоий-иқтисодий омилларга, ҳамда баъзи товар нарх-ларининг бошқа товар нархларига бағлиқлик кўрсаткичлари	Эластиклигининг эмперик коэффициенти; назарий эластиклик коэффициенти

4§. Нархларни рўйхатга олиш тамойиллари ва усуллари

Нархларни рўйхатга олишнинг 2 та усули мавжуд. 1. Прейскурант усули — бу ўз номи билан ҳужжатлаштиришга асосланган, яъни нархнаволар тўла кузатиш орқали ҳисоб-китоб қилинади. Бу асосан нархлар ўзгармас бўлганда қулай, айниқса товар турлари (ассортименти) кам бўлганда жуда қўл келади. Бунда хаттоки нархларни ўзи эмас, балки уларни ўзгариши қайд қилинади. Товарларнинг турлари ва ҳажми қўпайиши билан ҳар хил ноаниқликлар ва хатолар юзага келиши мумкин. Ҳисобсиз (ёритилмаган) ҳолда нархлар ўсиши натижасида инфляция жараёнлари ҳам яширин ҳолда ўсиб бориши кузатилади, яъни индексда олдин чиқарилмаган товар турларининг янги нархлари, товарлар сифатини яхшиланиши натижасида оширилган нархлар, туриб қолган товарлар нархларининг ўзгаришлари ҳисобга олинмаган. Бундай конценция, марказлашган режали иқтисодиётда аҳамият касб этади. Бозор шароитида, ундан асосан ҳисоб ишлари яхши йўлга қўйилган тижорат корхоналарида фойдаланилади.

80-йилларнинг охириларидан бошлаб, нархлар эркинлаштирилиши, яъни бозор тизимига ўтиш бошланиши билан, нархларни рўйхатга олиш халқаро тажрибага асосланган танлама кузатиш назарияси орқали амалга оширила бошланди. Ўтган йилларда бу усул бўйича нархларни статистик кузатиш маълум даражада чегараланган эди.

Бозор нархларини ўрганиш тажрибаларидан келиб чиқиб, 1988 — 1989 йиллардан бошлаб давлат статистикаси қўйидаги тамойилларга асосланган ҳолда нархларни рўйхатга олишнинг танлама кузатиш тизимига ўта бошлади:

- ҳар хил мулк шакллари мавжуд ҳолатда қўллаш имконияти бўлмаган ҳисоб-китобнинг ялпи ташкил қилиш ва кузатишдан воз кечиш;
- нархларни ялпи кузатиш усулидан воз кечиш орқали танлама кузатиш усулига ўтиш;
- истеъмол саватини шакллантириш, яъни товарлар рўйхатини аниқлантириш;
- товар сифатига ўзгартириш тизимини киритиш;
- савдонинг барча шакл ва турларини қамраб олиш.

Танлама мажмуи қўйидаги схема асосида шаклланади:

1. Вақт асосида танлов. Нархларни ҳар ойда рўйхатга олиш етарли ҳисобланади. Зарурият туғилиб қолганда, айрим товарлар нархларини ҳар ҳафтада ёки ҳар куни кузатиш мумкин. Қўйида нархлари тўғрисидаги ахборот ҳар ҳафтада тўпланилиши зарур бўлган 14 та асосий озиқ-овқат товарларининг рўйхати келтирилган:

- 1) бугдой уни; 2) олий навли ундан қилинган бугдой нони; 3) биринчи навли ундан қилинган бугдой нони; 4) гуруч (силлиқланган); 5) мол гўшти; 6) қўй гўшти; 7) сут; 8) тухум; 9) ҳайвон ёғи; 10) ўсимлик ёғи; 11) бошпиез; 12) сабзи; 13) картошка; 14) шакар.

Ушбу товарларнинг нархларини ҳар ҳафтада олдинги ойнинг 21 кунидан жорий ойнинг 20 кунигача бўлган даврда қайд қилиш керак, сўнгра тўртта нархдан оддий ўртача арифметик нархни ҳисоблаш лозим. Ҳисоблаб топилган нарх ойлик истеъмол нархлари индексини (ИНИ) аниқлашга эътиборга олинади.

2. Вакил товарларини танлаш. Нархлар динамикаси тўғрисидаги объектив ахборот олинishiни таъминловчи фаолиятнинг муҳим босқичларидан бири - нархлар ва тарифларни қайд этишда вакил товарлар (хизматлар) ни тўғри танлашдир. Истеъмол савати (унинг асосида ИНИ ҳисобланади) аҳоли томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматлар гуруҳларининг республикадаги барча минтақалар учун ягона бўлган репрезентатив танламасидир. Тўпламга оммавий истеъмол талаби товарлари ва хизматлари, шунингдек мажбурий тарзда истеъмолда бўлиши талаб этилмайдиган айрим товар ва хизматлар (енгил автомобиллар, олтидан ясалган заргарлик буюмлари, енгил автомобилга техник хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) киритилган. Товарлар ва хизматларни танлашда уларнинг аҳоли истеъмолида нисбатан муҳимлигидан, бир жинсли товарларга бўлган нархлар динамикаси акс этиши жиҳатидан вакил бўла олишligидан, уларнинг сотувда барқарор мавжудлигидан келиб чиқилган.

Бундай тўплам республика миқёсида шаклланади ва узоқ вақт (одатда, 1 йилдан ошиқ) мобайнида ўзгаринсиз қолади.

Минтақавий даражада мутахассислар товар гуруҳининг умумий тавсифини муайян истеъмол хусусиятларига эга бўлган шундай вакил товарлар билан аниқлаштирадики, бундай товарлар мазкур шаҳарнинг истеъмол бозорида катта улушни ташкил этади ва, эҳтимол, узоқ вақт мобайнида сотувда тақлиф этилади.

Ўзбекистоннинг катта ва кичик шаҳарларида истеъмол бозорининг товарлар ва хизматлар билан таъминланиши турлича бўлган ҳолларда ҳудудий статистика идораларига нархларни қайд этиш учун товарлар ва хизматлар рўйхатини умумреспублика рўйхатидан келиб чиққан ҳолда жойининг ўзида шакллантириш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикасида нархлар устидан кузатув ташкил қилишда 300 та товар ва хизматлардан иборат истеъмол савати тузилган бўлиб, у 94 номдаги озиқ-овқат, 151 турдаги ноозиқ-овқат товарлари ва 55 хизмат туридан иборат. Ушбу тўпламда аниқ вакил товарлар (хизматлар) эмас, балки ўз таркиби ва истеъмол аҳамиятига кўра бир жинсли товар ва хизматларнинг турлари вакил қилинган. Аниқ вакил товарлар нархларини бевосита қайд этувчилар танлаб олишлари керак. Вакил товарлар (хизматлар) танламаси, товар ва хизматларни ҳар бир турдан бир неча товар ва хизматлар (8-10 тадан) танлаб олинади ва улар барча товар ва хизматлар мажмуасининг вакиллари бўлишлари мумкин.

3. Вакил товарлар нархларини рўйхатта олишнинг 4 усули бўлиши мумкин.

- модал;

- оддий ўртача арифметик;
- вазили;
- тасодифий танлов орқали.

4. Худудлар бўйича танлов:

- мутаносиб равишда катта, кичик шаҳарлар ва қишлоқлар (географик, маъмурий худудлар) ни танлаш;
- халқаро амалиётга кенг қўлланаётган ўлчовининг мутаносиблигидан келиб чиққан ҳолда танлаш. Бунда танламага, аҳоли сонин берилган ўлчамдан катта бўлган барча шаҳарлар киритилади. Қолганлари эса эҳтимоллик даражаси бўйича танлаб олинади.
- аҳоли пунктларини оралиқ гуруҳларга бўлиш асосида танлаш;

Ўйинча тадқиқот ўтказиш мақсади, мамлакат имконияти, географик жойлашуви ва ҳоказолардан келиб чиққан ҳолда ҳар хил танлама усулларини умумлаштириш маълум маъно касб этади. Масалан, АҚШда танламасига 12 шаҳар (1 млн.кишидан кўп) киритилган. Қолганлари эса аҳоли zichлиги, муҳити, даромад даражалари ва ҳоказо. белгилар бўйича тасодифий танлов асосида 3 гуруҳга бўлинади. Бир қатор ғарб мамлакатларида кузатишларга катта сарф-харажатлар сарфланганини сабабли, уларда фақат пойтахт ва энг катта шаҳарлар танлаб олинади ва кузатилади. Бу эса бошқа аҳоли пунктларига нисбатан нотўғри ҳудосалар чиқарилишинга олиб келиши мумкин.

Кузатиш ўтказиш мақсадида корхоналар ва товарлар (хизматлар) нинг аниқ асортиментини танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўйинча омилларга, жумладан аҳоли сонига, марказдан узоқчилигига ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда турли миқтоқларда нархлар даражаси ва уларнинг ўзгариши турлича намоён бўлиши мумкин. Қайд этиш учун танлаб олинган худудларга марказдан турличача узоқликда бўлган ҳам йирик, ҳам кичик аҳоли пунктлари киритилиши тавсия этилади.

Нархлар даражаси ва уларнинг динамикаси тўғрисида объектив ахборотни олиш мақсадида нархларни қайд этиш учун савдо корхоналарини шундай танлаш зарурки, бунда танлаш натижалари илोजи борида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг маҳаллий хусусиятларини аниқроқ аке эттирсин. Хусусан, ўз катталиги бўйича фарқ қиладиган (йирик, ўрта ва кичик) шаҳарнинг ҳам марказий қисмида, ҳам ч-кка қисмида жойлашган савдо нуқталари вакил қилинган бўлишлари зарурки, натижада кузатува савдо (хизмат кўрсатиш) шартлари турлича бўлган савдо корхоналари киритилган бўлсин.

Кузатув соҳасига репрезентатив равишда мулкчиликнинг барча шаклларидаги ва таркибий-хукудий шакли турлича бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, шаҳарнинг ошқ-омдат ва буюм бозорлари киритилади. Нархларни қайд этиш нумунасидек, майда ушугржи ярмаркаларида (бозорларида) ҳам ўтказилади.

Турли мулкчилик шаклидаги савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини танлашда сотув ёки пуслик хизмат кўрсатиш ҳажмида (савдо статистикаси маълумотларига кўра) ёки харид ҳажмида (ошавий

бюджетлар статистикаси маълумотларига қўра) уларнинг нисбатига риоя этиш, шунингдек қўлланилиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда дўкон ва бозорларнинг тенг мутаносиблик асосида қамраб олинishiini таъминлаш лозим.

Танлаб олинган дўконлар таркибида хўжалик, китоб, телерадиотонарлар ва бошқа турдаги ҳам универсал, ҳам ихтисослашган дўконлар бўлиши шарт.

Ҳар бир товар (хизмат) бўйича нархларни шаҳарнинг марказий қисмидаги турли дўкон (хизмат кўрсатувчи тармоқ) ларда 2-3 нархни ва шаҳарнинг турли уй-жой массивларида ва чеккаларида 3-4 нархни (ҳаммаси бўлиб 10 та нархни йиққан ҳолда, шулардан камида 5 тасининг таққосламалигини таъминлаган ҳолда) қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Хизмат соҳасининг базавий корхоналарини танлашда улардан аҳолига энг кўп хизмат турларини кўрсатадиганларига (масалан, маиший уйлар, маиший хизмат комбинатлари, комплекс қабул пунктлари) ёки аҳоли томонидан энг кўп таширф қилинадиган ва йил давомида ишлайдиган корхона ёки муассасаларга эътибор бериш лозим.

5-§. Нархлар индексини ҳисоблаш усули ва таҳлили

Нарх динамикаларини статистик ўрганишда индекс усули асосий усуллардан бири ҳисобланади.

Бирор бир товар нархини таққослаш алоҳида нарх индекслари орқали амалии оширилади:

$$i_p = p_1 / p_0$$

Бу ерда: p_1 ва p_0 – жорий ва базис даврдаги товар бирлигининг нархлари.

Ўртача нархлар индекси товар гуруҳлари нархлари, алоҳида товарнинг турли хил ҳудудлардаги ва бозорлардаги нархлари ўзгаришсини ўрганишда қўлланилади:

$$I_p = (\sum p_{1i} q_{1i} / \sum q_{1i}) : (\sum p_{0i} q_{0i} / \sum q_{0i}) = (\sum p_{1i} q_{1i} / \sum p_{0i} q_{0i}) * (\sum q_{0i} / \sum q_{1i}) \quad (2)$$

Бу ерда: p_i , q_i – i турдаси сотилган товар бирлигининг нархи ва миқдори, $i = 1, n$

Солштирилётган товарлар бир хил турга мансуб бўлиши керак.

Аҳолининг товарлар сотиб олиш учун қилган пул харажатлари алоҳида товар турларининг нарх даражалари ва сотув структураси орқали аниқланади. Сотувда 2 хил тузилмавий сўлжишлар аниқланади: товар сифати ўзгаришини акс эттирадиган ва фақат ўртача нархлар ўзгаришига олиб келадиган. Охиригисига товар массасини ҳудудлар,

бозорлар бўйича қайта тақсимлаш киради. Статистика бу жараёнларни ўртача нархлар индекси тизими орқали ўрганади:

Ўртача нарх индекси (ўзга-рувчан таркибли) = Доимий таркибли нарх индекси • Ўртача нархлар динамикаси-га таъсир кўрсатаётган тузилмавий силжишлар индекси

Масалан, дўконда сотилган товарнинг нархи ва миқдори тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиб, ҳар бир навнинг нарх динамикаси, ҳар чорак учун ўртача нархни баҳолаб, сотувдаги товар навлари ўртасидаги қайта тақсимлашни ва алоҳида нархлар ўзгаришининг ўртача нархлар ўзгаришига бўлган таъсирини аниқлаймиз.

Жадвал-7

Ўртача нархлар индексини ҳисоблаш

Товар нави	Нарх, минг сўм 1 дона учун		Миқдори, доғ		Товарооборот, млн.сўм				Алоҳида нарх ин- декси i_p
	I чорак, p_{01}	II чорак p_{11}	I чорак q_{01}	II чорак q_{11}	$p_{01}q_{01}$ 1	$p_{11}q_{11}$	$p_{01}q_{11}$	$p_{11}q_{01}$	
A	40	80	500	200	20	16	8	40	2.0
B	50	70	300	600	15	42	30	21	1.4
B	60	90	200	200	12	18	12	18	1.5
Ҳаами			1000	1000	47	76	50	79	

Жадвалнинг иккинчи қисмида базис ва жорий давр чоракларининг товарооборотлари, алоҳида нарх индекслари ва ҳар бир нав учун шартли товарооборот ҳисобланган. I чоракдаги товарнинг ўртача нархи 47 минг сўмни, II чоракда – 76 минг сўмни ташкил қилади.

Индекслар тизими қўйидаги кўринишга эга:

$$I_p = p_1q_1/p_0q_0 = 76/47; \quad I_p = p_1q_1/p_0q_1 = 76/50; \quad I_p = p_0q_1/p_0q_0 = 50/47$$

Индивидуал индекслардан фарқли улароқ умумий индекслар тўплам ўзгаришини тўлалигича характерлайди.

Баҳоларнинг умумий индексини замонвий усулларда ҳисоблашгача бўлган давр статистика тарихида муҳим ўрин тутди..

Умумий баҳо индексини ҳисоблашга биринчи уриниш 1752 йилда француз иқтисодчиси Дюто томонидан амалга оширилди.

$$I_p = \Sigma p_1 / \Sigma p_0 \text{ бу ерда:}$$

I_p - баҳоларнинг умумий индекси, Σ - йиништи белгиси.

Аммо чуқур мулоҳаза юритиш индексларни бу усулда ҳисоблашдан воз кечишга мажбур қилади. Бу ҳисоблашлардан олинган натижалар

айрим маҳсулотларга базис йилдан жорий йилгача бўлган даврда баҳоларнинг ўзгаришига қараб эмас, балки у ёки бу маҳсулотнинг қанақа ўлчов бирликларида ифодаланганлиги ва бу бирликларда маҳсулот қандай нисбатга эга эканига қараб аниқланади.

Агар бирор маҳсулотта нархни 1 кг ҳисобига, иккинчисига эса 1 тонна ҳисобига оладиган бўлсак, бу икки маҳсулот бўйича ҳисобланган умумий баҳо индекси ўз-ўзидан маъносини йўқотади. Маълумки, турли маҳсулотлар турли хил ўлчов бирликларида баҳоланади. Агар барча маҳсулотларни бир хил ўлчов бирликларида келтиришга ҳаракат қилинса ҳам (агарда мумкин бўлса) бу нарса ишда енгиллик ярата олмайди. 1кг нон ва 1 кг олтин нархлари бир-биридан жуда катта фарқ қилиши мутлақо аён. Уларга кетган меҳнат харажатлари ҳам турлича. Шунинг учун бу маҳсулотларнинг умумий баҳо индексини оддий ҳолда уларнинг кейинги икки даврдаги нархларини қўшиб, олинган йиғинди натижани бир-бирига таққослаш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ҳеч қандай маъно бермайди.

Италиялик иқтисодчи Карли 1764 йилда умумий баҳо индексини ҳисоблаш учун бошқа усул таклиф этди.

$$I_p = \sum i_p / n$$

Дюто индексидан фарқли равишда бу индекс таққослама индекслар билан иш қўради. Чунки бу индекс мутлоқ, турли хил миқдорлар билан эмас, балки ҳодисаларнинг ўзгаришини характерловчи нисбий сонларда ҳисобланади. Бироқ, бу индекснинг ҳам жиддий камчилиги бор, яъни унда бутун бир тўпламдаги алоҳида маҳсулотларнинг турли хил вазилари ҳисобга олинмайди, яъни оддий арифметик формула қўлланилади.

XIX асрдан бошлаб асосан агрегат усулда ёки унга мос ўртача арифметик (ўртача гармоник) формула асосида баҳо индексларини қуришда гарб статистиклари ўлчамлар тизимидан фойдаланишни бошладилар. Базис ёки жорий вазиларни таълаб олишга боғлиқ равишда иккита формула юзага келди.

$$\text{Ласпейрес (1871 й.)} - I_p = (\sum p_1 \cdot q_0) / \sum p_0 \cdot q_0.$$

$$\text{Пааше (1874 й.)} - I_p = (\sum p_1 \cdot q_1) / \sum p_0 \cdot q_1.$$

Бу икки формуланинг моҳияти шундан иборатки, баҳоларнинг ўзгаришини аниқлаш учун маҳсулотлар миқдори ўзгармас деб фараз қилинади ва Ласпейрес формуласида базис давридаги миқдор олинса, Паашеда эса жорий даврдаги миқдор олинади.

Назарий жиҳатидан ҳар икки формула ҳам иқтисодий аҳамиятга эга. Бироқ, шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай жорий давр учун маҳсулотларнинг жорий давр тизими бўйича ҳисобланган нархлар ўзгаришини кўрсатувчи Пааше формуласи афзалроқдир. Ривожланган мамлакатларда кўп ҳолларда Ласпейрес формуласи қўлланилади. Бу ҳол

Ласпейрес формуласининг Пааше формуласига кўра афзалроқ эканида эмас, балки кўпгина ривожланган мамлакатларда баҳолар индексида вазнларни аниқлаш учун кўп ҳолларда базис йилидаги маъlumотларга таянилади.

Жорий ва базис вазнлар орасидаги натижаларда бир оз фарқ бўлиши индекслар назариясида вазн хатолиғи муаммосини келиб чиқишига сабаб бўлди. Бунинг моҳияти шундан иборатки, фақат жорий ёки фақат базис вазнлардан фойдаланиш индекси миқдорида қандайдир хатоликларга олиб келади.

Вазн хатоликлари назарияси тарафдорларининг таъкидлашларича, индекслар назариясининг асосий вазифаларидан бири шуки, у индексларни ҳисоблаш учун хусусан баҳолар индекси учун шундай формула топиш керакки, юқорида келтирилган хатоликлардан ҳоли бўлсин, ижобий натижага олиб келсин ва турли даврлардаги вазнлардан фойдаланишининг ҳеч қандай таъсири бўлмасин. Бу ҳолда И.Финшер иккита индексдан ўртача геометрик ҳисоблашни тақсиф қилди, яъни

$$I_p = \sqrt{(\sum q_1 \cdot p_1) / (\sum q_1 \cdot p_0) \cdot (\sum q_0 \cdot p_1) / (\sum q_0 \cdot p_0)}$$

Индексларни ҳисоблашда универсал формулаларни топишга бўлган уринишлар статистиклар томонидан ҳали ҳам давом этмоқда. Улар жумласига Р.Д.Аллен, В.Эйхорн, К.С.Бенеджи, У.Кроу, Ю.Вартна, А.Фогт ва бошқалар олимлар киради.

6-§. Инфляция даражаси ва динамикасини баҳолаш усуллари

Хар қандай мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини тавсифловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири инфляция даражаси бўлиб, у жами нархлар даражасининг ошиб кетиши натижасида юзага келади. Нарх даражаларининг ўсиши “инфляция таъсирида нархлар ўсиши” тушунчасидан фарқ қилади, чунки у маҳсулот ва хизматлар сифатлари ўзгаришига боғлиқ бўлган ҳолда нарх ўзгаришларини эътиборга олади. Биринчи иккинчисидан ажратиб турувчи ягона статистик кўрсаткич мавжуд эмас, зеро экспертлар усулларини жалб қилмасдан сифат ўзгаришларини баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун инфляция ўзгаришини баҳолашда фақат кенгайтирилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Йахон амалиётида умумий инфляция даражаларини тавсифлашда 2 та кўрсаткичдан фойдаланилади.

1. Ялли ички маҳсулот дефлятори (ЯИМД): ЯИМД мамлакатда ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган халқ истеъмоли товарлари, давлат манфаатлари учун фойдаланиладиган товарлар, инвестиция товарлари, экспорт ва импорт товарлари ва хизматлари нархларидаги ўзгаришларни баҳолашда қўлланилади. Кўпгина давлатларда Истеъмол нархлари индекси хар ойда, иқтисодий кризис ҳолатидаги давлатларда хар ҳафтада нашр қилиб турилади. Ялли ички маҳсулот дефлятори

хисоб-китобларининг анча мураккаблиги туфайли ҳар чоракда ёки йилда бир марта ҳисобланади.

2. Истеъмол нархлари индекси (IIII) исббий кўрсаткич бўлиб, ўртача истеъмолчи томонидан харид қилиб олиннадиган товар ва хизматлар ташлаб олинган тўлими қийматининг умумий ўзгаришини ўлчаб беради, яъни истеъмол қилинадиган товар ва хизматларининг ўзгармас миқдорида вақтининг муайян даврида аҳолининг истеъмол харажатлари умумий қийматининг ўзгаришини тавсифлайди.

IIII инфляция даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир ундан декларат молия сўёсатини амалга оширишда, иқтисодиётда нарх-навоининг шаклланиши жараёнларини таҳлил қилиш ва баъоратлашда, миллий валютанинг реал кўрсини бошқариб туришда, энг кам иқтимоий кафолатларин қайта кўриб чиқишда фойдаланилади. У шунингдек яъни ички маҳсулот (ИИМ) дан пировард фойдаланишнинг муҳим танкил килувчиларидан бири бўлган уй хўжаликларининг пировард истеъмол харажатларини ўзгармас нархларда баҳолаш учун Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) кўрсаткичларини ҳисоблашда ва аҳоли даромадларини индексациялашда ҳам қўлланилади.

Истеъмолчилар доимо ўз харажатларини ўзгарувчан бозор шароитларига мослаштириб боришлари натижасида аҳоли томонидан айрим товар ва хизматларни истеъмол қилиш таркиби жиҳдидй ўзгариши мумкин. IIII ни ҳисоблашда ушбу ўзгаришлар эътиборга олинмаслини керак, акс ҳолда индекс соф нарх-наво ўзгаришларини ўлчашга имкон бермайди. IIII да шунингдек аҳоли томонидан сотиб олиннадиган товар ва хизматлардаги сифат ўзгаришлари ҳам эътиборга олинмайди, яъни бир хил сифатта эга бўлган товар ва хизматлар таққосланиши лозим.

Истеъмол нархлари индекси Ласпейрес формуласи бўйича ҳисобланади. Бу формула бўйича инфляция даражасини ҳисоблашда таққосланадиган давр аниқлашди ва асас қилиб олинади.

Ласпейрес формуласи қуйидаги математик кўринишга эга:

$$I = \Sigma p_1 q_0 / \Sigma p_0 q_0$$

Америка Қўшма Штатларида ҳисоблашнинг бошқа формуласи ишлатилади:

$$I = \Sigma p_1 q_1 / \Sigma p_0 q_1$$

Бу ерда: q_1 - қандайдир t шинг аниқ меъёрида кузатишган кўрсаткич ёки қандайдир вақт ичидаги ўртача истеъмол кўрсаткичи.

Бу жорий давр кўрсаткичининг ҳар қандай бошқа давр кўрсаткичи билан тўғридан-тўғри таққослаш имконини беради.

Истеъмол нархлари индексини ойлик ва йил бошидан ўсиб бориши Ласпейрес формуласи бўйича қуйидагича ҳисобланади.

$$I = \Sigma (p_i / p_{i-1}) \cdot p_{i-1} q_0 / \Sigma p_0 q_0$$

Агар инфляция даражаси ойда 1-9% бўлса, инфляция “судралувчи”, 10-99% - “чоңқилаётган” ҳисобланади. Агар у ойда 50% бўлса, бунда иқтисод ўта носоғлом, яъни гиперинфляциядан дарак беради.

Статистикада инфляциянинг асосий кўрсаткичларидан ташқари иқтисодиётнинг айрим секторларида (бўғинларида) инфляция метъринин характерловчи кўрсаткичлар ҳам ҳисоб-китоб қилинади (ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, ҳом-ашёлар, алоҳида, шўрвард ва оралиқ товарларнинг улгуржи нархлари индекслари).

Инфляцияни ўлчашда пул бирлигининг сотиб олиш қобилияти, яъни пул қанчага қадрсизланишини ҳам ифодалайди:

$$I_{co} = 1/I_p$$

Масалан: агар нарх индекси 125% ини, яъни қандайдир давр билан солиштириганда нарх 25% ортди. Бундан кўринадикки, пулнинг сотиб олиш қобилияти шу даврда 20% камаяди:

$$I_{co} = 1,0/1,25 = 0,8; \quad (1-0,8) \cdot 100\% = - 20\%$$

Инфляцияга таъсир этувчи омиллардан бири сифатида пул массаси эмиссияси, яъни пулнинг товар ва хизматлар билан мос равишда таъминланмаган миқдори тушунилади. Пул массаси эмиссиясининг катталиги муомаладаги пул миқдори ва унинг айланиш тезлигидан боғлиқдир. Назарий жиҳатдан пул айланишининг секинлашуви натижасидаги пул массасининг нисбатан ўсиши инфляцияга олиб келмаслиги мумкин. Масалан, депозитларга фойз ставкаларининг оширилиши. Аммо товар миқдорига мос келадиган пулнинг чиқарилиши харидорларга тезда улардан фойдаланиш учун шароит яратади, бу жа пул айланиши тезлигини оширади ва натижада инфляция жараёнлари жадатланади. Товар массаси катталиги инфляциянинг иккинчи ташкил этувчиси бўлиб, у товарнинг физик ҳажми ва нархига боғлиқ. Пул ва товар массаси бозор мувозантига қанчалик интилса, товар массасининг ўртача нарх ўсиши, унинг физик ҳажми ўзгариши муомаладаги пул массаси ва унинг айланиш тезлиги билан аниқланади. Буни мисол орқали кўриб чиқамиз.

Жадвал-8

Пул массаси динамикаси

Бошланғич маълумотлар	Базис йил	Ўқорий йил	Ўсиш суръати
Пул массаси:			
Йил бошида	945,0	1511,0	1,631
Йил охирида	1511,0	11328,0	7,497
Ўртача йиллик	1243,0	6434,5	5,177

Я Н М:			
Жорий нархларда	1822,3	22900,0	12.567
Базис йилнинг доимий нархларида	1822,0	1500,0	0,823

Бунда ЯНМД $22900/1500 = 15,27$ га тенг бўлади

Инфляция миқдори: $(15,27-1) \cdot 100 = 1427\%$.

Пул массасининг оборотдаги миқдори (жорий нархдаги ЯНМ ни ўртача йиллик пул массасига нисбати):

Базис йилда: $1822,3: 1243,0 = 1,466$;

Жорий йилда: $22900,0: 6434,5 = 3,559$.

Жорий йилдаги айланмиш тезлигини базис йилга нисбати:

$3,559: 1,466 = 2,427$.

ЯНМ дефляториини яна пул массаси, пул айланмиш тезлиги ва ЯНМ физик ҳажмининг ўзгариши орқали ҳам ҳисоблаш мумкин:

$15,27 = 5,177 \cdot 2,427 \cdot 0,823$.

Шундай қилиб, инфляциянинг умумий миқдори пул массасининг ўсиши ва пул айланмиш тезлигининг ошishiга тўғри пропорционал ва товар массаси (доимий нархлардаги) ўсишига тескари пропорционал.

Пул массаси давлат статистикасида нақд ва нақд бўлмаган айланмишдаги ва қолдиқ ҳолатдаги пул воситалари, барча даромадларни ҳисобга олгандаги жамғармалар, тўловлар йиғиндисини орқали ҳисобланади.

Товар массаси – аҳолининг товар ва хизматлар ёки ЯНМ сотиб олиши учун сарфлаган пул харажатлари.

Товар ва пул массасининг бир-бирига мос келиш даражаси қатор кўрсаткичлар орқали баҳоланади:

- пул ва товар массасининг нисбати;
- пул эмиссияси ва нархнинг ўсиш суръатлари нисбатлари;
- даромад ва нархларнинг ўсиш суръатлари нисбатлари.

Номинал даромадлар ўзгариши ($p_1q_1 - p_0q_0$) реал (таққослама нархларда ҳисобланган) даромадлар ($p_0q_1 - p_0q_0$) ва нарх ўзгариши натижасида олинган даромадлар ўсиши натижасида ҳосил бўлади. Ушбу кўрсаткичларнинг таққослангани реал даромадларни йўқотиш (қўшимча ўсиш) ўлчамини ёки аҳоли даромадларини қанчага ўсишни пул қадриёқлигининг натижасидаги йўқотишларни қоплатиш мумкинлигини кўрсатади. Мос равишда аҳоли пул жамғармаларининг реал йўқотишни таҳлил қилинади.

Инфляцияни таҳлил қилиш учун керак бўлган маълумотлар базаси турлича. Вақтл товар ва хизматлар нархлари статистикада танлама кузатиш орқали йиғилади; истеъмол харажатлари структураси эса статистикада уй ҳўжаликлариининг оила бюджетини доимий кузатиш жараёнида аниқланади; пул массаси тўғрисидаги маълумотларни статистика ташкилотлари банк тизимидан олади; аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баъзанен товар ва хизматларни сотиб олишга кетган харажатларни аниқлашга ёрдам беради.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Нарх статистикасининг вазифаларининг нималардан иборат?
2. Инфляция ва унинг келиб чиқиш сабабларининг тушунтиринг.
3. Инфляция даражаси қандай аниқланади?
4. Нархларни рўйхатта олиш усулларининг тушунтиринг.
5. Нарх индекси қандай ҳисобланади?
6. Ўртача нарх индексини ҳисоблашнинг тушунтиринг.

10-БОБ. МОЛИЯ - КРЕДИТ ТИЗИМИ СТАТИСТИКАСИ

1-§. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари кўсаткичлари ҳамда бюджет камомадини статистик ўрганиш

Мамлакатнинг иқтисодий сиёсати ва ҳўжалигининг ривожланишида бюджет-солиқ тизими муҳим роль ўйнайди. Бюджет-солиқ сиёсати иқтисодий ресурслардан ялпи фойдаланишга ва ялпи талаб даражасига таъсир этади, тўлов балансининг ҳолатини, қарздорлик ва иқтисодий ўсиш даражасини белгилайди.

Мамлакат бойлигининг тақсимланиши, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар харажати, солиққа тортиш ва давлат харажатлари, қарз олиш жараёнидаги сиёсат, макроиқтисодиётдаги дисбаланслар бюджет камомадига боғлиқ ва у билан ифодаланади.

Давлат молия статистикаси бўйича давлат бошқарув ташкилотларига қуйидагилар киради:

- марказий ҳукумат;
- регион ёки маҳаллий даражасидаги ташкилотлар;
- маҳаллий ташкилотлар.

Давлат бошқаруш ташкилотлар секторидаги бюджет операциялари жуда бўлмаганда марказий ҳукуматни ўз ичига олиб, бу ҳукумат давлат бюджетини ташкил этади. Кўп мамлакатларда бюджет операциялари билан регион ва маҳаллий бошқарув ташкилотлар (органлари) ҳам шуғулланади.

Хар бир даражадаги давлат бошқарув ташкилотлари турдаги операцияларни бажаради:

- бюджет операциялари;
- бюджетдан ташқари операциялар;
- ижтимоий суғурталаш фондлари маблағлари билан бўлган операциялар.

Бюджет операциялари бюджет орқали амалга оширилади. Бюджетдан ташқари операциялар эса мажбурий тўлов ва бадаллар орқали олиб борилади. Масалан: ёнилғига қўйилган махсус солиқ маблағлари йўл-транспорт хужалигини сақлаб қолиш учун сарфланади.

Давлат молия статистикаси жараёнидаги операциялар касса ёки тўлов принципи асосида қайд этилади. Олинган маблағлар ва тўловлар касса принципи бўйича молиявий ҳисоб-китоб вақтига ҳисобга олинади.

Давлат операцияларини бюджет ўсулида олиб бориш уларни пул-кредит ҳисоб варақаларида қайд этилган ҳолати билан солиштириш имкониятини беради. Бундай таққослаш иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан жуда муҳим, чунки касса принципи асосида қайд этилган операциялар (давлат молия статистикаси) ва ўтказиш ўсулида ҳисоблаш (начисления) ўсулидаги операцияларни расмийлаштиришда маълум бир фарқ пайдо бўлади. Бу фарқ асосан товарлар бўйича қарз муздати ўтиб кетиши билан боғлиқ. Бундай фарқ давлат бошқаруш

ташкilotларини ўз мажбуриятларини вақтида бажара олмаслигини кўрсатади ва касса асосида ҳисобланган бюджет билан ўтказиш усулида ҳисобланган бюджет миқдорлари орасида анчагина фарқ пайдо бўлишига олиб келади.

Ўтказиш усулида ҳисобланган бюджет мамлакатнинг ташқи ва ички мажбуриятларини тўлиқ ифодалайди, касса усулида ҳисобланган бюджет эса ҳақиқий фонд тўловларини ифода этади.

Давлат молия статистикаси тизими давлат бошқарув органларининг барча операцияларини миллий ва жаҳон иқтисодиёти барча секторлари билан бўлган алоқаларини қамраб олади.

Бу тизимнинг асосий принциплари ўз ичига қуйидаги тушунчаларни олади:

- даромадлар, киримлар, тўловлар ва харажатлар. Биринчидан, барча даромадлар - киримлар, лекин ҳамма киримлар даромад бўла олмайди. Мажбуриятни қоплаш билан боғлиқ бўлмаган киримларнинг барчаси даромаддир. Давлатга кредит шаклида тушган киримлар даромад эмас, чунки улар қайтарилиши керак.

Шунга ўхшаш ҳамма тўловлар ҳам харажат бўлмайди. Масалан: кредитни қайтариб берин бу харажат эмас, лекин фонд тўлови харажатдир;

- ялпи ва соф сумма. Даромадлар ва харажатлар одатда унинг ялпи миқдори (суммаси) билан кўрсатилади.

- икки томонлама ва бир томонлама операциялар натижасида пул товар ёки хизмат эвазига тўланади. Бир томонлама операцияларда эса тўлов қандайдир товар ёки хизматга эга бўлиш билан белгиланмайди (масалан, трансферт ёки грант).

- солиқ ёки носолиқ бўлмаган тушумлар; Даромадлар (грантлардан ташқари) барча қайтмайдиган тушумларни ўз ичига олади.

Даромадларни икки турга бўлиш мумкин:

- жорий маблағлар ҳисобига тушган даромадлар ва капитал эвазига тушган даромадлар. Солиқ эса давлат органлари томонидан олинган (бир томонлама тушумлар) ва ижтимоий эҳтиёжлар учун сарфланган бир томонлама тушумлардир.

Солиқ тушумларига фискал монополиялар томонидан давлат бюджетига тўланган даромадлар ва ижтимоий суғурта бўйича мажбурий операциялар киради.

Носолиқ тушумлари - мулк эгаллигидан тушган даромад, тўловлар, жарималар ва давлат корхоналари томонидан фойдадан ажратмалардир.

- бегараз тушумлар - бу бошқа мамлакат ҳукуматларидан ва халқаро ташкilotлардан бир томонлама тушумлардир;

- давлат ташкilotларини соф кредитлаш - соф кредитлаш (кредит минус сундирилган кредит) эмас, балки давлат етисига оид масалани ҳал этиш тадбиридир. Масалан, кичик фирмаларга бюджет субсидиялар. Давлат молия статистикаси бўйича соф кредитлаш - бу, молиялаштирини эмас, балки харажатлардир.

- банк капиталини тўлдириш. Айрим мамлакатларда ҳукуматга қисман ёки тўлиқ тегишли банклар капитал етишмаслигини хис этади. Бу ҳолатда мамлакат ҳукумати уларнинг капиталига маблағ қўйишни ёки қарз мажбуритлари ўрнини олишни мумкин;

- давлат мулкчини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар.

- марказий банкнинг фойдаси. Марказий банк томонидан ҳукуматга ўтказилган фойда даромад ҳисобланади.

Шундай қилиб давлат бошқарув органларининг операциялари даромадлар ва харажатларга бўлинади. Уларнинг таснифи иқтисодий мазмунини асосида олиб борилди.

Бюджет операциялари қуйидагича гуруҳланиши мумкин:

- даромадлар ва трансфертлар;

- солиқ тушумлари;

- қўшимча қийматдан олинган солиқ;

- акциз солиқлари;

- корпорациялардан олинадиган даромад солиғи;

- шахсий даромадлардан олинадиган солиқ;

- ижтимоий сугурта ва пенсиялардан олинадиган солиқ;

- ташқи савдо солиқлари;

- бошқа солиқ тушумлари;

- солиқдан ташқари тушумлар;

- лицензия, йўғим ва ҳоказо;

- марказий банк фойдасидан ажратмалар;

- трансфертлар;

- харажатлар ва соф кредитлар;

- жорий харажатлар;

- иш ҳақи;

- товар ва хизматлар;

- фоииз тўловлари;

- ташқи фоииз тўловлари;

- ички фоииз тўловлари;

- пенсиялар;

- трансфертлар;

- субсидиялар;

- бошқа харажатлар;

- капитал қўйималар;

- соф кредитлар;

- янги енгисат доирасидаги кредитлар (деҳкон хўжаликлари ва давлат хўжаликларига субсидиялар). Сундирилиш ҳисобидан тўловлар

- умумий сальдо = (даромадлар ва трансфертлар) - (харажатлар ва соф кредитлар);

- молиялаштириш;

- ташқи молиялаштириш;

- янги қарз олишлар;

- қарз тўлаш ҳисобига тўловлар;

- ички молиялаштириш;

- ички банк молиялаштириши;
- банкдан ташқари молиялаштириши.

Бюджет балансини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Умумий камомадлар = (даромад + олинган грантлар) - (харажатлар + қўйилган қисми чегириб ташланган кредитлар).

Бошқа усулда бюджет камомadini қуйидагича аниқлаш мумкин:

- умумий камомадлар/муҳбат сальдо = молиялаштириш = (заёмлар - амортизация) - нақд пулининг соф ўзгариши.

Деяк давлат бюджети дефицити - бу даромад ва грантлар ҳисобига бўлган тушумдан харажатлар ва соф кредитлаш миқдорининг бир қанча устунлиги. Бу камомад давлат бошқарув органлари томонидан ёки қара олинган ёхуд узининг мавжуд маблағлари ҳисобига қопланади.

Бюджет балансини аниқлаш ва бюджет баланси камомади таҳлили ўта муҳим ва бу таҳлил давлатнинг молиявий аҳоли, пул-кредит соҳаси, ички талаб ва тўлов балансини тўлиқ ифода этади.

Бюджет баланси ва бюджет камомадини ҳисоблашнинг бир неча усули булиб, ягона усули йўқ. Қўйилган мақсадларга қараб бюджет баланси хар хил усулларда ҳисоблашнинг мумкин.

Балансини ҳисоблашда қуйидагилар эътиборга олинishi керак:

- дисбаланс тури;
- қамраб олинган жараёнинг (марказий ҳукумат, давлат бошқарув сектори ёки давлат секторлари);
- бухгалтерия ҳисоби усули (касса принципи усули);
- шартли мажбуриятлар ҳолати.

Баланс хар хил усуллар а ҳисоблашнинг мумкин:

а) жорий бюджет баланси (жорий операциялар счёти бўйича баланс). Бу баланс жорий даромадлар ва жорий харажатлар асосида аниқланади ва жорий бюджет сальдоси = давлат жамғармалари = яъни жорий даромадлар - яъни жорий харажатлар.

б) бирламчи ёки фискализ баланс. Бу баланс фискализ тўловларни ўичига олмасдан, жорий бюджет сисёатининг хар хил босқичлардаги самарасини аниқлашга имкон беради.

в) оператив баланс.- бу ағъанарий баланс ёки бирламчи баланс + реал фонд тўловлари (инфляциянинг ҳисобга олманган фонвлар).

Даромадлар таҳлили

Макроқиссий нуқтан назардан давлат бюджетини даромадлари динамикаси даромадларини яъни ички маҳсулот миқдорига нисбатан таққослашнинг лозим. Бюджет камомадини камайитириш зарурияти соликлар ҳажмининг ошириш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда давлат харажатларини камайитириш билан боғлиқ харажатларини иқтисодий харажатлар билан солиштириш зарур.

Солиқ тизими самарадорлигини аниқлашда эластик коэффициентни ва соликлар динамикаси кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Эластик коэффициентни қуйидагича ҳисобланади:

Солиқ тушумларининг эластик коэффиценти = солиқ тизими ўзгармас ҳолидаги солиқ тушумининг фоидадаги ўзгариши / солиққа тортиш базасининг фоидадаги ўзгариши.

Агарда солиққа тортиш базаси кўрсаткичи ўрнига ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичидан фойдалансак, у ҳолда ЯММ бўйича эластиклик коэффиценти қуйидагича бўлади:

$$\text{Эластик коэффиценти} = (\Delta AT / AT) / (\Delta ЯММ / ЯММ)$$

Бу ерда: ΔAT - ўзгармас солиқ тизимидаги солиқ тушумларининг фоидадаги ўзгариши;

AT - солиққа тортиш базасининг фоидадаги ўзгариши;

$\Delta ЯММ$ - ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг қўшимча ўсиши;

$ЯММ$ - ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг базавий даражаси.

Эластик коэффиценти 1 дан юқори бўлса, у ҳолда солиқ тизими ҳам эластик (мოსлаиувчан) ҳисобланади, яъни янги солиқлар ва солиққа тортиш меъерлари ўзгармаган ҳолда солиқлар ҳажми ЯИМ нисбатан ўсади. Эластиклик - бу ижобий ҳолат ва қайси мамлакатда давлат харажатлари ўсиш суръатлари ЯИМнинг ўсиш суръатларидан юқори бўлса, бу ҳолатни аниқлаш керак.

Солиқлар динамикаси олинган солиқ суммасини ЯИМ иккибўй ўсишига нисбатан олинади.

Унинг формуласи қуйидагича:

$$\text{Динамика коэффиценти} = (\Delta T / T) / \Delta ЯИМ / ЯИМ.$$

Бу ерда:

T - солиқ миқдори (суммаси);

ΔT - жорий даврда солиқлар миқдорининг мураккаб ўзгариши.

Солиқ тизимини баҳолаш учун бир неча меъзонлар қўлланилади. Бунинг учун Танзи диагностик тестида фойдаланиш мумкин.

Даромадлар самарадорлигини баҳолаш учун Танзи диагностика тести қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Концентрация индекси. Умумий даромадларнинг аксарият қисми камроқ солиқ турлари ва солиққа тортиш ставкалари ҳисобига олинадими?

2. Дисперсия индекси. Кам тушумли солиқлар борми ва бундай солиқлар солиштириш учун ноқулайми?

3. Эрозия индекси. Ҳақиқий солиқ базалари потенциал солиқ базаларига тенгми ёки фарқи борми ва бу фарқ қанча?

4. Кечикиб қолиш индекси. Солиқлар қанча вақтда тўланади? Кечикиб қолса бу кўрсаткич динамикаси?

5. Аниқ индекси. Солиқ тизимида имкон қадар кам бўлган конкрет ставкали солиқлар сони асосланганми?

6. Объективлик индекси. Олинadиган солиқлар қанчалик объектив аниқланган солиққа тортиш базасидан олинади?

7. Солиқлар олиш даражасининг таъминланиш индекси. Солиқлар тўлиқ йиғиб олинадими?

8. Солиқлар олингандаги харажатлар индекси. Солиқларни йиғиб олиш бўйича бюджет харажатлари канчалик энг кам метёрига (минимумга) келтирилган?

Барча саволлар бўйича ижобий жавоблар ушбу мамлакатнинг солиқ тизими самарали, тушумлар нуқтаи назаридан эса энг юқори баҳога лойиқ эканлигини кўрсатади.

Солиқларни йиғиш даражасини ифодаловчи самарадорлик индикатори бу самарадорлик коэффициентидир.

Самарадорлик коэффициенти = Солиқ тушумлари / АЙМ.

Давлат харажатлари таҳлили

Давлат харажатлари - давлат бошқарув органлари томонидан товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш, даромадларни трансферт қилиш билан боғлиқ харажатлардир.

Харажатлар даражаси ва таркибини баҳолашда махсус аналитик усул қўлланилади.

Бу усул ўз ичига беш элементни олади:

- ялпи харажатлар даражаси ва макроиктисодий таҳлилга мойил бюджет баланси;

- хусусий сектордан товар ва хизматлар бажарилиши учун оқилана фойдаланиш;

- берадиган самарасига қараб харажатларни тақсимлаш;

- маълум дастур ёки секторга сарф қилинадиган харажатлар таҳлили;

- бюджет институтларининг батафсил таҳлили (ялпи харажатлар миқдорини камайтириш ва тақсимланадиган харажатлардан юқори самарали фойдаланиш мақсадида)

Давлат харажатлари турлари: иш хақи, товар ва хизматлар, субвенциялар, трансфертлар, фонд тўловлари ва капитал қўйилмалар.

Давлат даромадлари ва харажатлари баланси - давлат бюджети ўз ичига қуйидаги кўрсаткичларни олади.

Ўқувал-9

Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	млн. сўм
1. Мақсадли фондлар даромадларини ҳисобга олмаган даромадлар - жами: - қўшимча қиймат солиғи - акцизлар - юридик шахслар фойдасидан олинадиган солиқ - ижтимоий шахслар даромадидан олинладиган солиқ - Республика ҳудудига кiritиладиган товарлардан олинадиган йиғим	

-ишбилармон шахслар даромадидан олиннадиган солиқ -Мулк солиғи -Ер солиғи -Фойдали казилмалар солиғи -Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи -Божхона тўловлари -Ижтимоий инфраструктуранинг ривожланиши учун солиқ -Экология солиғи -Бошқа солиқ ва даромадлар -Қўпроқ солиқ олинганлиги сабабли қўшимча даромадлар. 2. Мақсадли фондлар даромадлари. -жами: -шу жумладан: Шу жумладан: пенсия фонди бандлик фонди давлат мулк қўмитаси махсус счёти йўл фонди	
Жами даромадлар	
Даромадлар камомати	

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад қисми қарийб 622 миллиард сўмини, бошқача айтганда режага нисбатан 100,3 % ни, харажатлар қисми эса 658,7 миллиард сўмини, яъни режага нисбатан 99,0 % ни ташкил этди. Олий Мажлис томонидан 3 % даражасида белгиланган Давлат бюджети тақчиллиги ҳақиқатда 1,8 % бўлишга эришилди. Яъни ички маҳсулотга нисбатан Давлат бюджети даромадлари 30,4 % ни, харажатлари эса 32,2 % ни ташкил этди. Давлат бюджети даромадларининг асосини ташкил этадиган солиқларга назар ташласак, 1998 йилда бевосита солиқлар умумий даромадларининг 31,2 %ини ташкил этган бўлса, 1999 йилда 29,4 % га етди. Билвосита солиқларининг Давлат бюджети умумий даромадларидаги улуши эса ошиб, 46,1 % ни ташкил этди.

Давлат бюджети тақчиллигини қоплашнинг асосий манбаси Давлат қисқа муддатли облигациялари ва бошқа нонфилицион маблағлардан ташкил топади. Давлат қисқа муддатли облигацияларининг давлат бюджетини қоплаш хажми 11,75 млрд. сўмини, бошқача қилиб айтганда яъни ички маҳсулотнинг 0,6 % ни ташкил этди.

Бюджет камоматининг таҳлили

Юқорида кўрсатилгандек, бюджет тақчиллиги ҳар хил усулларда ҳисобланиши мумкин. Асосий усул - бу бюджет даромадлари ва харажатларини солиштириш усулидир (с-расм).

Умумий камомат = (даромад + грантлар) - (харажатлар + кредитни қопланмаган қисми) ёки

Умумий фарқ = молиялаштириш = (заёмлар - амортизация) - нақд пулнинг соф ўзгариши.

**Давлат бюджети тақчиллигини қоплашнинг асосий
манбалари**

Кўрсаткичлар	млн.сўм
1.Мақсадли фойсиз харажатлар - жами: - шу жумладан: - ижтимоий-маданий таъбирларга харажатлар Шу жумладан: маориф,соғлиқни сақлаш ва спорт фан ва маданият, оммавий алоқа воситалари ижтимоий таъминот -Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари - жами -Халқ ҳўжалиги учун харажатлар. -Марказлашган сармоялар харажатлари. -Давлат бошқарув органларини сақлаш харажатлари -Резерв фонди -Бошқа харажатлар 2. Мақсадли фойзли харажатлар - жами: шу жумладан: - пенсия фондлари - баъдлик фонди - давлат мулк кумитаси счёти - йўл фонди	
Жами харажатлар	-

2-§. Банк статистикасининг асосий кўрсаткичлари

Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими, шу жумладан бу тизимнинг йирик қисми - банк тизими жуда катта аҳамиятга эга. Банк тизими асосан икки поғонали бўлиб, у ўз ичига юқорида - Марказий банкни, қуйида - тижорат банкларини олади. Банк тизимининг таҳлили аввало уларнинг баланси таҳлилидан бошланади.

Банк фаолиятини ифодаловчи энг асосий маълумотлар манбаи - бу банк баланси, даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоботи.

Банк балансида банк томонидан жалб қилинган ва ўз маблағлари ва шу маблағларини жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар ўз ифодасини топади, яъни маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ операциялар пассив операциялар, уларни жойлаштириш билан боғлиқ операциялар - актив операциялар деб аталади.

Банк балансини қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

Активлар = мажбуриятлар + капитал.

Даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоботида қуйидагилар кўрсатилади:

Даромадлар	Харажатлар
Фонсиз даромадлар Фонсиз даромадлар	Фонсиз харажатлар Фонсиз харажатлар
Ҳами	Ҳами

Банк акцияси қиймати = келажакдаги дивидендлар тушуми / дисконт даражаси.

(1)

Бу ерда:

$E(t)$ - акционерлар томонидан келажакда тўланадиган дивидендлар миқдори.

K - энг минимал даромад даражаси.

t - давр.

Банк фаолиятини ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткич - бу фойдалилик (рентабеллик) кўрсаткичлари.

Банк фаолиятини ифодаловчи рентабеллик кўрсаткичлари:

Акционер капиталига тўғри келадиган фойда (ROE) = соф фойда / акционер капитал. (2)

Активлар бирлигига тўғри келадиган фойда (ROA) = соф фойда / активлар. (3)

Соф фонсиз маржа = (фонсиз даромадлар - фонсиз харажатлар) / активлар (4).

Соф фонсиз маржа = (Фонсиз даромадлар - Фонсиз харажатлар) / Активлар. (5)

Операцион фойданинг маржаси = (операцион даромадлар - операцион харажатлар) / активлар. (6)

Битта акцияга тўғри келадиган соф фойда = Соф фойда / муомаладаги оддий акциялар сон. (7)

Банкнинг фонсиз даромадларини берилган кредит учун фонд тўловлари, банк сотиб олган қимматли қоғозлардан тушган фондлар, бошқа кредит ташкилотларининг қўйган маблағларидан тушган фонд тўловлари ва хоказолар қиради.

Банкнинг фонсиз даромадлари ҳақ бу асосан хар хил маслахатлар (консалтинг), трест хизматлари учун тўловлар, тонараар ва шунга ўхшаш даромадлардир.

Банкнинг фонсиз харажатлари - банкка қўйилган маблағлар (депозит, заём учун банк тўловлари) ва шунга ўхшаш банкнинг фонд тўловлари.

Банкнинг фонсиз харажатларини асосан банк хизматларига тўланадиган иш хаёги, коммунал тўловлари, ижара тўловлари ва хоказолар ташкил этади.

Банк баланси маълумотлари асосида бу балансининг таркибий қисмлари, улар орасида ва хар бир қисмин ташкил этувчи кўрсаткичлар


орасидаги нисбат, мутлоқ ва нисбий миқдорлар усули асосида махсус таҳлиллар ўтказиш мумкин.

Банк акционерлик шаклида тузилган бўлса, у ҳолда унинг энг асосий кўрсаткичларидан бири - банк акциясининг бозордаги (курс) ўзгариши.

Акция қийматини ўзгаришини қуйидаги формула асосида ҳисоблашимиз мумкин:

$$\text{Банк акциясининг қиймати} = \sum \frac{E(D_i)}{(1 + K)^i}$$

Давлат бюджети камомадини ўлчап ва таҳлил этиш



9-расм. Давлат камомадини ўлчап ва таҳлил этиш.

$\text{СНРЭД} = (\text{фондли даромадлар} / \text{даромад келтирувчи активлар} - \text{Фондли харажатлар} / \text{банкнинг фоиз туланадиган пасивлари}). (8)$

Банкининг даромад келтирувчи базаси = Даромад келтирувчи активлар / Активлар. (9)

Банк фойдаланишнинг аниқловчи кўрсаткичлар бир-бири билан боғлиқ ва бу кўрсаткичлар орасидаги энг муҳимлари акционер капиталига тўғри келадиган фойда ва активлар бирлигига тўғри келадиган соф фойда кўрсаткичларидир. Улар орасида қуйидаги боғланиш мавжуд:

$$ROE = ROE * (\text{активлар} / \text{акционер капитал})$$

ёки

$$\text{соф фойда} / \text{акционер капитал} = \text{соф фойда} / \text{активлар} * \text{активлар} / \text{акционер капитал}.$$

Демак, $ROE = ((\text{даромадлар} - \text{операцион харажатлар} - \text{соліқлар}) / \text{активлар}) * (\text{активлар} / \text{акционер капитал})$.

Бу боғланиш банк фойдаси нимага боғлиқлигини ифодалайди - яъни қайси ресурслар ҳисобига банк фойдаси танқил топган - мажбуриятларми ёки банкининг акционер капиталы эвазигами? ROE ва ROA кўрсаткичларининг боғланганлиги банк фойдаси (банк фаолияти) ва ханф-хатар орасидаги кескин боғланишнинг ифодалайди.

Бу кўрсаткичларни янада деталланган ҳолда таҳлил этишимиз мумкин.

$$ROE = (\text{соф фойда} / \text{операцион даромадлар}) * (\text{операцион даромадлар} / \text{активлар}) * (\text{активлар} / \text{акционер капитал}).$$

Ёки:

$$ROE = \text{соф фойда маржаси (PM)} * \text{активлардан фойдаланиш коэффициентини (AM)} * \text{капитал мультипликаторини (EM)}.$$

Бу тенгламани ҳар бир аспекти банк операциялари ҳолатини ифодаловчи индикатор. Банк фойдаси маржаси банк хизматларига қўйиладиган баҳолар сифатини ва харажатларини бошқарини самарадорлигини ифодалайди.

Банк активларидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи коэффициентини (AM) банк активлари портфелини бошқарини самарадорлигини кўрсатади.

Капитал мультипликаторини (EM) молиялаштириш сифатини ифодалайди, яъни банк ресурслари маблағларини мажбуриятлар яъни акционерлик капиталидан фойдаланиш самарасини кўрсатади.

Демак, $ROE = PM * AM * EM$ га тенг.

Ҳар бир кўрсаткичнинг қамийини банк менеждерлари томонидан бу ўзгаришнинг чуқур таҳлилини талаб этади.

ROE банк фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, у ёрдамида баянча тенглама тузишимиз мумкин. Бу тенглама банк фаолиятини тўрт соҳасидаги бошқарини ҳолатини ифодалаш ва таҳлил этишга имкон беради.

$$ROE = (\text{солиқ тўлагандан кейинги фойда} / \text{солиқ тўлагандан олдинги фойда}) * (\text{солиқ тўлагандан олдинги фойда} / \text{операцион$$

даромадлар) * (операцион даромадлар / активлар) * (активлар / акционерлик капитали)

ёки

$ROE = \text{солиқларни бошқариш самарадорлиги} * \text{харажатларни назорат этиш самарадорлиги} * \text{активларни бошқариш самарадорлиги} * \text{ресурсларни бошқариш самарадорлиги}$.

Масалан: Банк баланси ва даромадлар ва харажатлар ҳисоботи маълумотлари қуйидагича:

солиқдан кейинги фойда - 1 млн. сўм;

солиқдан олдинги фойда - 1.3 млн. сўм;

операцион даромадлар - 39.3 млн. сўм;

активлар - 122,0 млн. сўм;

акционер капитали - 7,3 млн. сўм.

Бу банкнинг $ROE = (1.0 / 1.3) * (1.3 / 39.3) * (39.3 / 122) * (122 / 7.3) = 0.769 * 0.033 * 0.322 * 16.71 = 0.137$ ёки 13.7 %

ROE кўрсаткичининг ҳар бир элементиди ўзгариш бўлиб, бу ўзгариш катта бўлса, у ҳолда буни сабабини аниқлаш лозим. Масалан, 0.769 коэффициентни 0.610 га тулса, у ҳолда банк менеждерлари солиқ сиёсатини ва солиқ тўлаш бўйича назорат ҳолатини батафсил ўрганишлари лозим.

Банк фаолияти статистик таҳлилининг яна бир томони ROA кўрсаткичини (активлар даромадлиқ даражасини) баҳолашдир. Бу кўрсаткич ҳам бир неча кўрсаткичларга бўлиниб урганилиши мумкин ва ҳар бир кўрсаткич банк фаолиятини у ёки бу томонини ифодалайди

$ROA = \text{соф фойиз маржаси} + \text{фойизсиз маржа} - \text{махсус операциялар кўрсаткичи} = \text{соф фойда} / \text{активлар}$.

Соф фойизли маржа = (фойизли даромадлар - фойизли харажатлар) / активлар → ифодалайди → активларнинг даромадлиқ даражаси.

Фойизсиз маржа = (фойизсиз даромадлар - фойизсиз харажатлар) / активлар → ифодалайди → солиқ тўлашдан олдинги активлар даромадлиқ даражаси.

Махсус операциялар кўрсаткичи = (махсус операциялар буйича фойда / активлар) → жорий операциялардан фарқ қилувчи операциялар даромадлиқ даражаси.

Активлардан олиннадиган фойда (ROA) = (соф фойда / активлар) → ҳамма харажатлардан акционерлар ихтиёрига келиб тунадиган фойда даражасини ифодалайди.

Банк фаолиятининг энг асосий йўналишларидан бири - кредит операцияларидир.

Статистик нуқтан назардан кредит операцияларини ҳар хил таснифлаш мумкин:

- қарз олувчилар бўйича: халқ хўжалиги, аҳоли, давлат бошқарув органлари;

- мақсади бўйича: истеъмол кредити, саноат, савдо, кинжол хўжалиги, сармоя, бюджет кредитлари;

- катнашинин жараёни буйича: асосий фондларни кенгайтириш, ишлаб чиқарини жараёни ва айланма фондлар жараёнида катнашадиган кредитлар;

- муддати буйича: талаб буйича ва муддатли;

муддатлилари ўз навбатида киска муддатли (1 йилгача) ўрта муддатли (1 йилдан 3 йилгача) ва узок муддатли (3 йилдан ортик) кредитларга бўлинади.

- миқдори буйича кредитлар майда, ўрта ва йирик кредитларга бўлинади.

- таъминот даражаси буйича кредитлар таъминланмаган (бланк) ва таъминланган кредитларга бўлинади.

- берилишини буйича кредитлар компенсацион (копланувчи) ва тўлов кредитларига бўлинади. Биринчи ҳолатда улар қарз олувчининг ҳисоб варағига ўтказилади. Иккинчи ҳолатда эса кредит суммаси бевосита ҳисоб-пул ҳужжатларини тўлаш учун ўтказилади.

- қоплаш усули буйича банк кредитлари қисман ва бир вақтга қопланадиган (қайтариб бериладиган) кредитларга бўлинади.

Кредит суммаларини ифодалаш учун статистик ўртача миқдорлар қўлланилади.

Асосан бу ўртачалар кредит қайтарини даражасини таҳлил этишида қўлланилади.

Бу кўрсаткичлар:

1) муддати ўтиб кетган кредитларининг ўртача давомийлиги;

2) қайтариб берилган кредит миқдоридаги ўз вақтида қайтарилмаган кредитлар салмоғи;

3) кредит буйича қарздорлик ҳажмида вақтида қайтарилмаган кредитлар салмоғи.

Муддати ўтиб кетган кредитларининг ўртача давомийлиги қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$O = K_{ep} / K \cdot \Delta$$

Бу ерда:

O_k - муддати ўтиб кетган кредитларининг ўртача давомийлиги (кунларда);

K - муддати ўтиб кетган кредитларининг қайтариб берилган суммаси;

K_{ep} - муддати ўтиб кетган кредитларининг ўртача қолдиқлари;

Δ - даврдаги кунлар сони.

Қайтариб берилган кредит миқдоридаги ўз вақтида қайтарилмаган кредитлар салмоғи кўрсаткичи:

$$Y_A = (\Delta / K) \cdot 100$$

Бу ерда:

Д - муддати ўтиб кетган кредитлар ҳисоб варакасидаги дебет сальдоси;

К - барча кредит ҳисоб варакасидаги кредит сальдоси;

Қайтариб берилмаган кредитлар салмоғи $= d =$ муддати ўтиб кетган қарзлар миқдори / умумий қарздорлиқ миқдори.

Кредитларни фойдаловчи кейинги кўрсаткич - кредитларнинг айланиш тезлиги (кунларда ва айланиш сони).

Кредитни айланиш тезлиги (кунда) $=$ (давр мобайнида кредитни уртача миқдори / қайтариб берилган кредитларнинг умумий миқдори) * даврдаги кунлар:

$$\Delta = K / (K \cdot t)$$

Кредитни айланиш тезлиги (айланиш сони) $=$ Давр узунлиги / айланиш тезлиги (кунда):

$$V = KK / \Delta$$

Банк операцияларининг янги муҳим гури - депозит операцияларидир. Бу операциялар банк ресурсларини жалб этиш билан боғлиқ. Депозитлар муддати бўйича биринчи талаб билан қайтариб бериладиган депозитларга, жамғарма ва муддатли депозитларга бўлиниши мумкин.

Уларни ўрганишда мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар усули, ўртача миқдорлар ва динамика каторлари усулидан фойдаланиш мумкин.

Депозитларнинг ўртача миқдори оддий ўртача миқдор ва тортилган ўртача миқдор формуллари ёрдамида топилиши мумкин.

Депозитларни таҳлил қилишда уларнинг уртача миқдори оддий гармоник ўртача миқдор шаклида ҳисобланиши мумкин.

Депозитлар бўйича қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланиши мумкин:

1) депозитнинг уртача миқдори (Δ):

$$\Delta = \Delta / n$$

Бу ерда:

Δ - ҳисоблардаги депозит қолдиқлари;

n - депозит ҳисоблари сони.

2) депозит сақланишининг ўртача вақти (t):

$$a) t = t\Delta / \Delta$$

t - депозитнинг сақланиш муддати.

$$b) t = T \cdot (d^* / d)$$

Бу ерда:

T - даврдаги кунлар ёки ойлар сони.

d* - депозит бўйича ҳисобланган ҳақиқий фонд тўловлари;

d - депозит бир йил сақланганда тўланадиган фонд тўловлари.

Шу усулларда кредитнинг ўртача миқдори ва кредитлашнинг ўртача муддатини ҳисоблаш мумкин. Кредитнинг ўртача миқдори K қуйидагича ҳисобланади:

$$K = (Kt) / t$$

Бу ерда:

K - берилган кредитлар миқдори;

t - кредит муддати;

Кредитлашнинг ўртача муддати t икки усулда ҳисобланиши мумкин:

Биринчи усул: $t = (Kt) / K$

Иккинчи усул: $t = T(d^* / d)$

T - даврдаги кунлар ёки ойлар сони;

d - кредитдан бутун давр фойдаланганлигида тўланадиган фоизлар миқдори;

d^* - кредит учун туланган ҳақиқий фоиз тўловлари.

Банк статистикасига юқорида қайд этилган кўрсаткичлардан ташқари банк хавф-хатарлари статистикаси, банк капиталини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар, қимматли қозғаларга сармоялар статистикаси, балансдан ташқари операцияларнинг статистик таҳлили ҳам киради. Лекин бу алоҳида ўрганиладиган маъно.

3-§. Пул муомаласи баланси ва пул қадриёзланишини статистик ўрганиш

Пул муомаласи - бу мамлакатдаги товар ва нотовар тўловларининг ички оборотидаги нақд ва нақд пулсиз шаклидаги пуллар ҳаракатидир. Пул муомаласини ифодаловчи асосий иқтисодий кўрсаткичлар - пул массаси, товар ва хизматлар баҳоси, кредит миқдори, нақд пулсиз ва ўзаро ҳисоб - китоблар, пулнинг айланиш тезлигидир.

Бу кўрсаткичлар асосида пул муомаласи қонунини чиқариш мумкин.

Муомала учун зарур пуллар миқдори ($KД$) қуйидагича ҳисобланади:

$$KД = (СТБ - K + П - ВП) / С$$

Бу ерда:

$СТБ$ - сотилган товар ва хизматлар баҳоси суммаси;

K - кредитга сотилган товарлар қиймати;

$П$ - мажбурийлар бўйича тўловлар;

$ВП$ - ўзаро ҳисоб - китоблар натижасида сундирилган мажбурийлар;

$С$ - пулнинг айланиш тезлиги;

Бу формулани бошқача қўриниши америкалик иқтисодчи, статистик ва математик Ирвинг Фишернинг пулнинг миқдорий назариясида ўз аксини топган. И. Фишер ўз изланишлари натижасида "алмашув тенглигини" топган. "Алмашув тенглиги" бўйича $MV = PQ$

Бу ерда:

M - муомаладаги пуллар миқдори;

V - пулнинг айланиш тезлиги;

P - нархларнинг ўртача тортилган даражаси;

Q - товарлар ҳажми

Бу баланс асосида у қуйидаги ҳўлосаларга келади. Баҳо даражаси пул миқдори ва унинг айланиш тезлиги билан тўғри, товар ҳажми билан эса тескари боғланган, яъни:

$$P = (MV) / Q$$

Иқтисодий нобарқарорлик натижасида ишлаб чиқариш ҳажмини устириш имкони бўлмайди. Бундай шароитда нарх наво даражасига таъсир этувчи асосий омил - пул массасини бошқариш ҳисобланади:

$$P = M^* (V / Q)$$

Пул массасини ўзгартириб, иқтисодиётдаги нарх-навога, нарх-наво орқали эва бутун иқтисодиётга таъсир этиш мўмкин.

Пул массасининг ҳажми ва таркибини ўрганишда бир неча кўрсаткичлар қўлланилади.

Пул агрегатлари тўрт турга бўлинади:

M₁ - нақд пуллар ва жорий счётлардаги пул маблағлари.

M₂ - M + муддатли ва жамғарма депозитлар.

M₃ - M + махсус молия-кредит ташкилотларидаги жамғарма депозитлар.

M₄ - M + капиталдан даромад олиш ҳўқўқини берадиган депозит сертификатлари, кредит жамғарма ташкилотлари акциялари ва бошқа кредит мажбуриятлар.

Пулнинг айланиш тезлигини икки хил ҳисоблаш мўмкин:

1) $V = \text{ялпи миллий маҳсулот (ёки ялпи миллий даромад)} / \text{Пул массасининг ўртача миқдори (m)}$.

2) $V = \text{тўлов обороти} / \text{пул массасининг ўртача миқдори (M)}$

Иккинчи кўрсаткич ЯММга кирмайдиган олди-сўтди операциялар ҳажмини ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодий муаммоларни ечишда аҳолининг сотиб олиш қобилияти даражаси муҳим роль ўйнайди. Бу қобилиятни урганиш учун аҳолининг даромад ва харажатларини таҳлил этиш зарур. Бунинг учун аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси тузилади.

Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси 3 қисмдан иборат:

1) даромадлар;

2) харажатлар;

3) баланс сальдоси (даромадларни харажатлардан устўнлиги ёки аксинча).

Аҳоли даромадлари ва харажатларини ўрганишда иқтисодиётнинг ҳар хил секторлари билан мўносабатлар ҳамда аҳоли орасидаги пул даромадлари ва харажатлари тақсимоти ўрганилади.

Пул муомаласи баланси пул массасини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Пул массаси ўзгариши макроиқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Пул массасининг етишмаслиги иқтисодиётда тўлов, ҳисоб-китоб операциялари секинлашганини ёки тўхтаб қолишига, ортиқчалиги эса пулнинг қадриазалини ёки инфляцияга олиб келади.

Инфляция - бу пулнинг товарларга, олтинга ва чет эл валютасига нисбатан қадриазалиниши, бу эса нарх-навоининг ўсишида ўз аксини топади.

Олтинга нисбатан пулнинг қадриазалиниши эса кредитларнинг инфляциясида ва олтиннинг бозордаги ҳақиқий баҳоси ўсишида ифодаланади.

Чет эл валютасига нисбатан миллий валютанинг қадриазалиниши унинг бу валюталарга бўлган курси пасайишида ўз аксини топади.

Демак, инфляция - бу иқтисодиёт бўйича баҳоларнинг умумий ўсишидир. Инфляция шароитида айрим товар ёки хизматларнинг баҳоси пасайиши ҳам мумкин, лекин баҳоларнинг умумий йўналиши - ўсиш йўналишидир.

Инфляциянинг бир неча турлари мавжуд: локал инфляция (айрим мамлакатларда кузатилади) ва умумжаҳон инфляцияси; сакровчи инфляция; бу ҳолатда нарх-наволар кескин ошиб боради; судратувчи инфляция - нарх-наво аста секин ўсади; ички омиллар натижасида пайдо бўлган инфляция; танқи омиллар натижасида пайдо бўлган инфляция; гиперинфляция - нарх-навоининг жуда юқори ўсиш суръатларидаги ўсиши.

Пул массаси қадриазалиниши ўсиш суръатлари ва пул массаси ўсиш суръатларини таққослашнинг уч усули мавжуд:

1. Пул қадриазалинишининг ўсиш суръатлари пул массасининг ўсиш суръатларидан пастрок. Бундай жараёнда ҳукуматнинг эмиссион даромади ўсади.

2. Пул қадриазалинишининг ўсиш суръатлари пул массасининг ўсиш суръатларидан юқорироқ. Бу ҳолатда аҳолини пулга бўлган ишончсизлиги кучаяди.

3. Пулнинг қадриазалиниши ва пул массасини ўсиш суръатлари вақти-вақти билан ўзгариб туради. Бу ҳолат асосан судратувчи инфляция учун мансуб.

Пулнинг қадриазалинишини қуйидаги статистик усулларда ўрганиш мумкин:

$$I_p = \sum q_1 p_1 / \sum q_1 p_0$$

Бу ерда: P_0 ва P_1 - жорий ва базис даврлардаги баҳолар даражаси;

q - жорий даврдаги товарлар ва хизматлар ҳажми;

Бу индекслар асосида истеъмол товарлар баҳоси индекси ҳисобланади.

Пулнинг қадри (сотиб олиш қобилияти) индекси:

$$I_{\text{пул қадри}} = 1 / I_p$$

Демак, инфляция даражаси индекси:

$$I_{\text{инфляция}} = 1 - I_{\text{пул қадри}}$$

Масалан: баҳо индекси 9,8. У ҳолда пул қадри индекси $I = 1 / 9,8 = 0.102$ ёки 10.2 %.

Демак, инфляция даражаси $= 1 - 0.102 = 0.898$ ёки 89.8 %.

Инфляция даражасини ҳисоблашда бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

4-§. Тўлов баланси ва унинг кўрсаткичларини статистик ўрганиш

Мамлакатнинг тўлов балансида у ташқи дунё билан олиб борган иқтисодий алоқаларнинг қиймат шаклидаги мунособатлари ўз ифодасини топади. Бу маълум даврда муайян мамлакатнинг чет давлатларга хакикий тўловлари ва бошқа мамлакатлардан унга келиб тушган тушумлардир.

Тўлов баланси ўз ичига асосан уч балансни олади:

1. Савдо баланси - бу баланс экспорт ва импорт орасидаги нисбатни ифодалайди.

2. Хизматлар ва нотижорат тўловлари баланси. Бу балансга транспорт, сугурта, почта - телефон ва телеграф алоқа хизматлари бўйича тўловлар, коммиссион операциялар, саёхат, маданий алоқалар, трансфертлар, иш ҳақи, нафақа, мерос, стипендиялар, дипломатик ва савдо ваколатхоналарини саклаб туриш харажатлари, капитал бўйича дивидент ва фоицалар, лицензиялар бўйича тўловлар, техник ёрдам, гонорарлар, капифиётлардан фойдаланиш учун тўловлар ва чет элдаги харбий харажатлар киради. Бу баланс операциялари, одатда " кўзга кўринмас операциялар" деб аталади. "Савдо баланси ва хизматлар ва нотижорат тўловлари баланси тўлов балансининг жорий операциялар балансини ташкил этади.

3. Кредит ва капиталлар ҳаракати баланси. Бу балансда хусусий ва давлат капиталлари билан халқаро кредитларни олиш ва бериш ҳаракати ифодаланган. Тўлов баланси кўрсаткичлари таснифи қуйидагича:

А. Жорий операциялар товарлар хизматлар сармоялардан тушган даромад бошқа хизматлар ва даромадлар хусусий трансфертлар расмий трансфертлар.

В. Бевоҳита сармоялар ва бошқа узок муддатли капитал, бевоҳита сармоялар, портфел сармоялар; бошқа узок муддатли капитал

С. Қисқа муддатли бошқа капитал.

Д. Хатолар ва ўтказишлар.

Е. Компенсацион моддалар.

SDR ни тақминлаш ва фойдаланиш, олтин-валюта захираларини қайта баҳолаш.

Ғ. Фавқулотда молиялаштириш.

С. Чет эл расмий ташкилотлари захираларини ташкил этувчи мажбуриятлар.

Н. Захираларни якуний ўзгариши.

Олтин, SDR, ХВФ ни захира йўли, чет эл валютаси, бошқа талаблар, ХВФ нинг кредитлари.

Тўлов балансидан ташкари ҳисобот баланси ҳам тузилади. Ҳисобот балансининг муайян мамлакатнинг бошқа мамлакатларга бўлган талаб ва мажбуриятлари маълум санага тузилган балансидир. Ҳисобот балансининг сальдоси мамлакатнинг неттоқарздор ёки нетто-кредиторлигини билдиради.

Тўлов баланси мамлакатни чет эл сектори билан алоқаларини ифодалайди. Унинг кўрсаткичлари ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичлари асосида аниқлаштириши мумкин. Тўлов баланси айниқса очик иқтисодиётда муҳим роль уйнайди.

Миллий ҳисобларнинг асосий тенгламаси қуйидагича:

$$Y = C + I + G + Nx,$$

Бу ерда: (1)

Y - ялпи миллий маҳсулот;

C - товар ва хизматлар истеъмоли;

I - сармоялар;

G - давлат томонидан товар ва хизматларга харажат;

Nx - соф экспорт (экспорт ва импорт фарқи).

Очиқ иқтисодиётда молиявий бозорлар товар ва хизматлар бозори билан чамбарчас боғлиқ. Буни ифодалаш учун юқоридаги тенгламани икки томонидан (C ва G) чегириб ташлаймиз. У ҳолда

$$Y - C - G = I + Nx; \quad (2)$$

Молиявий бозорнинг асосий кўрсаткичи жамғармалардир. Улар ижтимоий жамғармалар $Spubl = T - G$ ва хусусий жамғармаларга бўлинади $Spriv = Y - C - T$, (Бу ерда: T - соликлар хажми).

Умумий жамғарма (S) буларнинг йиғиндисига тенг. Яъни:

$$S = (T - G) + (Y - C - T) = T - G + Y - C - T = Y - C - G. \quad (3)$$

Иккинчи формула билан солиштирсак, бу ҳолда:

$$S = I + Nx.$$

Бунда миллий ҳисобларнинг асосий тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$(I - S) + Nx = 0.$$

Бу формула капитални жамлаш билан боғлиқ халқаро маблағлар оқими ($I - S$) ҳамда товар ва хизматларнинг халқаро оқимлари (Nx) орасидаги боғланишнинг ифодалидир.

Бу тенгламани ҳар бир қисми ўз номига эга. ($I - S$) - тўлов балансининг кредит ва капиталлар ҳаракати баланси деб аталади. Капиталлар ҳаракати счёти ички сармояларни ички жамғармалардан устуниги (ортиқчаслиги)ни ифодалидир. Сармоялар ички жамғармалардан жаҳон миқёсида бозорларида инвесторлар томонидан қарз олинган шартда ортиқроқ бўлиши мумкин.

Nx эса тўлов балансининг жорий операциялар баланси номини олган. Жорий операциялар счёти - бу соф экспорт эвазига чет элдан мамлакатга келадиган валюта маблағларидир.

Миқдорий ҳисоблар тенгламаси капитал ва кредит ҳаракати счёти билан жорий операциялар счёти баланслашганини кўрсатади, яъни капиталлар ҳаракати счёти салдоси + жорий операциялар счёти салдоси = 0.

$$(I - S) + Nx = 0$$

Демак, тўлов балансининг капиталлар ҳаракати счёти ва жорий счёти - бу, бир ҳодисанинг икки томондан ифодаланганидир.

Агарда мамлакат жамғармалари унинг сармояларидан юқори бўлса, у ҳолда мамлакат ичида сармояга сарфланмаган жамғармалар чет эллик қарз олувчиларга берилади. Капитал мамлакатдан оқиб кетади.

Агарда мамлакат сармоялари мамлакат жамғармаларидан юқори бўлса, у ҳолда мамлакатта пул маблағлари оқиб келади ($I > S$). Бу ҳолатда биз импорتنинг тўлаш учун халқаро миқёсида бозордан қарз оламиз ва Nx счёти манфий бўлади.

Тўлов балансини ифодаловчи бу счётлар ёрдамида биз ушбу статистик баҳоланиш ва таҳлил қилишимиз мумкин.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Бюджет даромадлари ва харажатлари таснифнинг беринг.
2. Бюджет даромадлари ва тушумлари орасида қандай фарқ бор?
3. Бюджет харажатларини таснифнинг беринг.
4. Бюджет тақчиллигини қайси кўрсаткичлар ифодалидир?
5. Эластик коэффициентни нимани ифодалидир?
6. Солиқ тушуми самарадорлигини қандай баҳолаш мумкин?
7. Банк актив операцияларига тушунча беринг.
8. Банк пасив операцияларига тушунча беринг.
9. Банк фаолиятини қандай кўрсаткичлар ифодалидир?
10. Пул қарзгизилишининг қандай статистик кўрсаткичлар ёрдамида ифодаланиш мумкин?
11. Тўлов балансининг асосий таркибий қисмларини тушунтириб беринг.
12. Жорий операциялар счётига тушунча беринг.

II-БОБ. ФОНД БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ

1-§. Фонд бозори ҳақида тушунча ва бу соҳадаги статистиканинг вазифалари

Асрлар давомида инсон онги, унинг дунёқараши, ички кечинмалари ва кўникмалари атроф-муҳит таъсири, инсонлар ўртасидаги муносабат ва муомалалар таъсирида шаклланиб борди, шу билан биргаликда унинг иқтисодий кўникмалари ҳам ривожланди. Хусусан, инсоният тарихи давомида шундай иқтисодий категорияларга асос солиндикки, улар ҳозирда нафақат ўз салмоғини йўқотмади, балки яна ҳам кенг ривож топди. Шундай иқтисодий категориялардан бири - фонд бозоридир.

Фонд бозори ҳозирги кунда энг муҳим бозорлардан ҳисобланади ва унинг қай даражада ривожланганлиги давлатнинг иқтисодий салоҳиятини белгилайди. Ҳозирда ўзининг тўлиқ шаклланган ва мустахкам ҳўжалик механизми сифатида намоён қилаётган ушбу бозор биржавий ва биржадан ташқари кўринишида бўлиб, ўзининг тартиб-қоидалари, аъёналарига эга ва баъзи ҳолларда бир неча асрлик тарихни бошидан кечирган.

Қимматли қоғозлар - бу уларни чиқарувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги мулкий муносабатлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатдир, бунда улар асосида даромад - дивиденд олинб кўзда тутилади. Уларни пайдо бўлиши асосан ғарбда савдо капиталининг пайдо бўлиш даврига тўғри келади. Ўша даврларда савдонинг ривожланишига савдогарларнинг ўз маблағларини етишмаслиги тўсик бўлган. Шунинг учун савдогарлар керакли пул маблағларини четдан олишга ҳаракат қилганлар. Бунинг энг оддий йўли маблағга эга бўлган кишилардан қарз олинб бўлиб, қарз олганлигини тасдиқлаш учун эса қарз қоғози - ҳозирда вексель деб юритилаётган қимматли қоғоз бериш аъёна бўлган. Ушбу муносабатни ҳуқуқий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, маълум бир миқдордан пул ёки товар учун мулкий жавобгарлик бир кишидан бошқасига, яъни қарз берувчидан қарздорга ўтган. Бунни тасдиқлаш учун эса вексельлардан фойдаланилган.

Илк товар бозорларининг ривожланиши қимматли қоғозларнинг айланганини ҳам тасвирлаган, лекин уларнинг тартибли ҳаракатини таъминлай олмаган. Шунинг учун қимматли қоғозлар учун алоҳида бозорни ташкил бўлишига эҳтиёж туғилиб, бунда илк қарз қоғозларини бонка товарлар сингари сотиш ва харид қилиш мумкин бўлган.

Маълумки, давлатлар доимо уруш олиб бораганлар ва бу урушлар билан боғлиқ харажатларни қоплаш йўлини топиш ўзкан муаммо бўлган. Шунда давлатлар ҳам ўз харажатларини қоплаш ёки маълум бир ишни амалга ошириши (каналлар қазини, шаҳарлар барпо этиш ва ҳ.к.) учун қарз олганлар, муомалада қарз қоғозларининг пайдо бўлиши билан эса улар ҳам шундай қарз қоғозларини муомалага чиқара бошлаганлар. Бу қимматли қоғозларнинг ривожланишида муҳим босқич бўлган.

Бунга сабаб давлатлар томонидан чиқарилган қimmatли қоғозлар анча ишончли бўлиб, уларни маблағга эга бўлган кенг қатламдаги кишилар сотиб ола бошлады, демакки улар ҳам қimmatли қоғозлар оборотида иштирок эта бошлады.

Шундай қилиб қimmatли қоғозлар таклифи ва уларни сотиб олинга бўлган талаб пайдо бўлди. Ушбу талаб ва таклифни учраштириш жойи бўлиб эса фонд бозори хизмат қила бошлады.

Демак фонд бозори бошқа турдаги бозорлар каби олди - сотди муносабатлари бўйича иқтисодий алоқалар системасини акс эттиради, бунда талаб ва таклиф бир бири билан тўқнашади.

Қimmatли қоғозлар бўйича таклиф асосан давлат ва корпоратив эмитентлар томонидан қилинади. Иirik ва ўрта бизнес, шунингдек давлат фонд бозорида соф қарадор сифатида намоён бўлади, чунки уларнинг барчасига ўз феолиятини ривожлантириши учун қўшимча маблағлар зарур.

Қimmatли қоғозларга бўлган талаб эса асосан инвесторлар, яъни худди юқоридagi каби давлат ва корпоратив инвесторларининг бўш пул маблағларини қimmatли қоғозларга йўналтириши асосида келиб чиқади.

Фонд бозорида талаб ва таклиф тўқнашар экан, ушбу бозорни назорат этиш ҳамда бошқаришда маълум бир қонун қондалар бўлмоғи шарт. Хусусан, давлат бунда ушбу қонун қондаларни инлаб чиқувчи асосий орган вазифасини бажариши лозим.

Фонд бозорининг ҳозирги кундаги асосий вазифалари эмитент ва инвестор учун эркин савдо - сотиқ юритишга шароит яратиш ва қуйидаги вазифаларни бажариш асосида иқтисодийётнинг ривожланишига қўмаклашишдан иборат:

- эмитентлар учун керакли маблағларни қimmatли қоғозлар чиқариш воситасида жалб қилишга шароит яратиш;

- инвесторлар учун бўш пул маблағларини қimmatли қоғозлар сотиб олинга сафарбар этиш асосида маълум даромад - дивидендлар олинга шароит яратиш;

- бозордаги инвестицион воситачиларининг эркин иш олиб бориши учун соф рақобат муҳити яратиб бериш, модомки уларнинг қанчалик эркин фаолият юритиши фонд бозоридаги оборотни шунчалик қўнайишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Фонд бозори статистикасининг бугунги кундаги вазифалари эа қуйидагилардан иборат:

- статистик қужатини ўтказиш;
- фонд бозорининг статистик кўрсаткичлар тизимини яратиш;
- статистик кўрсаткичларининг таҳлили;
- олиб боришган таҳлил асосида ҳулосалар чиқариш.

Бунда статистиканинг асосий методларидан фойдаланиш кўзда тутилди.

Ўзбекистон шароитида фонд бозори ўзининг ilk даврини кечирмоқда ва ҳозирги кунда барча давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам фонд бозорини ривожлантиришдан катта иқтисодий самара кутилмоқда.

Республика Фонд Биржаси (РФБ) ўз фаолиятини 1991 йилда бошлаган бўлса, лекин фонд савдоларининг кескин ўсшини 1994-1995 йилларга тўғри келади. Фонд бозорларининг ривожланиши республикадаги хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ. Хусусийлаштириш икки bosqichda олиб борилди - аввал кичик хусусийлаштириш, сўнгра эса ёппасига хусусийлаштириш жараёни бошланди - қимматбаҳо қоғозлар бозори (фондлар бозори) ёппасига хусусийлаштириш бошлангандан сўнг анча фаоллашди. 1994 йилда РФБга қўйилган корпоратив қимматбаҳо қоғозларини ёппасига савдога қўйиш жараёни бошланиб, 1997 йилгача давом этди. 1997 йилда фондлар бозорининг иккинчи сегментининг - корпоратив қимматбаҳо қоғозлар бозорининг - ривожланиши учун жиддий туртки бўлди. Бу Хусусийлаштириш Инвестиция Фондлари (ХИФлари) ташкил қилиниши билан боғлиқ эди. Ҳақиқатда эса, фондлар бозорида иккиламчи савдоларининг асосий қисми ХИФлар ҳисобига тўғри келади. Бирламчи савдога фақат хусусийлаштирилмаётган ва энди ташкил топаётган корхоналар (юридик шахслар) акциялар қўйилмоқда. Бирламчи савдо бозорида ушбу акцияларнинг улуши 30 фоизни ташкил қилмоқда.

Жадвал-11

РФБда 1995-1998 йилларда сотилган акциялар

Йиллар	Умумий сотилган ҳажми млн. Сўм	Сотилган акциялар сони минг дона
1995	1321.5	1857.8
1996	2815.4	6762.7
1997	2304.7	5422.9
1998	3554.6	5668.2

Биржадан ташқари савдоларини раёбатлантириш ва кенгайтириш учун 1998 йил 2 июлидан «Элсис-Савдо» электрон тизими ўз фаолиятини бошлаб, у РФБга нисбатан бир неча афзалликларга эга:

- «Элсис-Савдо» орқали тузилмадиган битимларга келишувлардан кам миқдорда комиссия тўловлар солинади;

- компания акцияларини сотиш ва харид қилишда jismonий шахслар ҳам иштирок этишлари мумкин;

- эндигина ташкил топан корхоналар ўз акцияларини савдога қўйиш ҳуқуқига эга бўладилар (биржадан ташқари бирламчи бозор).

1998 йилда «Элсис-Савдо» тизими обороти 126.9 млн. сўмин ташкил этиб, 245 мингта акция сотилган.

2-§. Қимматли қоғозларнинг турлари ва статистик кўрсаткичлар тизими

Юқорида айтилганидек, қимматли қоғозлар бу маълум ҳуқуқий гучга эга бўлган пулик ҳужжатдир. Бир неча асрлик ривожланиш йўлини ўтиб, ҳозирга келиб уларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

Акция - асосий қимматли қороз тури бўлиб, амал қилиш мuddати чегараланмайди. У ўз эгасининг маълум бир ҳиссадорлик жамиятидан мулкний улуғини тасдиқлайди ва шу акциядорлик жамияти фаолияти натижасида олинган даромаддан маълум улуғига эга бўлишнинг кафолатлайди. Акция эгаси акциядорлик жамиятининг бошқаринида ўз овозига эга бўлади.

Облигациялар - бу, пуллик хужжат бўлиб, у асосан корхоналар ва давлат томонидан эмиссия қилинади. Уни сотиб олган шахс томонидан унда кўрсатилган номинал қийматидаги суммани эмитентга тошириганини тасдиқлайди. Облигацияларни сотиб олишда даромад белгиланади ва у асосан фонсларда бўлади. Яъни облигацияда кўрсатилган мuddатда облигация эгаси маълум миқдорда фонслар олишни мумкин. Акциялардан фарқли улароқ облигациялар бўйича даромад фонслари қатъий белгиланади.

Ғазнахона мажбуриятлари - давлат томонидан эмиссия қилинади ва эмиссия асосида жалб қилинган маблағ бюджет харажатларини қоплаганига ишлатилади. Яъни у ўз эгаси томонидан ўзининг номинал қийматидаги суммани давлат бюджетига тошириганини тасдиқловчи пуллик хужжатдир. Ғазнахона мажбуриятлари асосан «тақдим этувчига» кўришнинг эмиссия қилинади, амал қилиш вақти тугагач қатъий фонслар даромад сифатида тўланади. Улар асосан узок мuddатга чиқарилиб, амал қилиш даври қатъий чегараланади.

Детакит сертификатлари - бу қимматли қороз тури банклар томонидан эмиссия қилинади, улар асосида жалб этилган маблағлар банк эмитентининг айлама маблағларини қўнайитиришга қаратилади. Ўзбекистон Республикасида банк детакит сертификатларини муомалага чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини Марказий банк белгилайди. Ушбу сертификат эгаларига ҳам мuddат ўтгач қатъий фонд тўлаш қўзда тутилади.

Вексель - юқориде айтганимиздек илк қимматли қороз тури бўлиб, ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. У асосан ишбатан иқтисодий ичорроқ давлатларда кенг ривож тошди. Чунки иқтисодий ичкироқ тўфайли бу давлатлардаги йирик корхона ва ташиқлотлар бўйича тўлов қобилиятининг йўқотадил ва векселлар воситасида ўз тўловларини бирок камиштиришга эришади. Бунда вексель берувчи шахс уни олувчи шахсга ўзининг маълум суммадаги қарзи борлигини тасдиқлайди. Вексель асосан дисконтли бўлади, яъни у номинал қийматдан четирмани олиб ташлаб сотилади ва тўлов вақтида номинал қиймати бўйича тўланади.

Фонд бозоринда қимматли қорозлар келтирувчи (контракт) детал тўлишча ҳам учрайди, бу қимматли қороз туринга қуйидагилар киряди:

Қимматли қорозлар опцион - пуллик ҳуқуқни билдирувчи хужжат бўлиб, у ўз эгасига маълум турдаги қимматли қорозлар (асосан акция ва облигациялар)ни контрактда кўрсатилган баҳоларда ва қатъий ўрнатилган мuddатда сотиб олиш ҳуқуқини беради. Бунда опцион контракт мақлида тайёрланади ва маълум суммадаги раббатлантириш

эвазига берилади. Опцион эгаси унда кўрсатилган қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки олмасликда мутлоқ эркинликка эга.

Қимматли қоғозлар бўйича фьючерслар - маълум турдаги қимматли қоғозларни контрактда кўрсатилган нархда келажақда ва жорий даврда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз (контракт)дир. Унинг эгаси ҳам фьючерс контракти учун маълум бир рақаблантириш бериши лозим.

Юқорида айтиб ўтилган қимматли қоғозлар ҳозирги кунда амалда бўлиб, улар асосида турли иқтисодий операциялар амалга оширилмоқда.

Ушбу операцияларни маълум бир тартибда ўрганиш учун қимматли қоғозларни ҳам турли гуруҳларга таснифлаш муҳим роль ўйнайди. Уларни таснифлаш асосида ҳар бир турдаги қимматли қоғознинг обороти тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имкони пайдо бўлади. Юқорида санаб ўтилган қимматли қоғозларни энг аввало 2 та йирик гуруҳга таснифлаш мумкин. Ушбу гуруҳларни шартли равишда куйидагича номлаш мумкин:

- Ҳуқуқ берувчи қимматли қоғозлар;
- Фақат даромад олишга қаратилган қимматли қоғозлар;

Биринчи гуруҳга акция, қимматли қоғозлар фьючерси ва опционларнинг киритамиз, чунки уларни сотиб олган шахслар эмитентларнинг фаолиятини бошқариш, назорат этиш ва ўзаро савдо муносабатлари ҳуқуқини киритадилар. Яъни улар фақат даромад олибгина қолмасдан ўзлари ҳам бўлажак даромадлар йўлида маълум фаолият юритиш, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Иккинчи гуруҳга эга облигациялар, ғазнахона мажбуриятлари, банк депозит сертификатлари ва векселлар киради. Ушбу қимматли қоғозлар эмитентлари инвесторларга уларнинг бўш пул маблағларидан фойдаланганликлари учун маълум миқдорда даромад бериш мажбуриятини олади. Шу билан бирга инвесторлар ўз маблағларининг эвазига даромад олишдан бўлак бошқа ҳеч қандай тарзда эмитентнинг фаолиятига таъсир кўрсата олмайди.

Қимматли қоғозларни таснифлашда уларнинг ҳар бирининг яна ички бўлакларга бўлинишини ҳам кўздан қочирмаслик лозим. Хусусан, уларнинг маълум бир белгилар асосида таснифлангани кўзда тутиш керак. Ҳозир уларнинг таснифланганини бирма - бир кўриб чиқайлик.

Акциялар - уларнинг амал қилиш муддати чегараланмаслиги сабабли, даврийлик белгиси йўқ.

Чикарилиш тартибига асосан,

-оддий (эмитент даромадига асосан акциядорлар кенгашининг қарори асосида дивиденд олиш ҳуқуқини ва овоз бериш ҳуқуқини берувчи);

-имтиёзли (эмитент даромадидан қатъий назар қатъий белгиланган % олишни кўзда тутувчи лекин савдо ҳуқуқини берадиган).

Эмитентнинг ҳуқуқий аҳволига кўра,

-корпоратив (корхона ва ташкилотлар акциялари)

-давлат акциялари.

Чиқарилиш шаклига қараб,

-банк шаклида;
-махсус электрон ёзувлар шаклида, бунда электрон ёзувларини тасдиқловчи сертификат берилади.

Облигациялар - уларни таснифлаш биров ўзгачадир.

Даврийлигига қараб облигациялар:

- қисқа муддатли (1 йилгача);
- ўрта муддатли (1 - 5 йилгача);
- узоқ муддатли (5 йилдан кўп) бўлиши мумкин.

Чиқарилиш тартибига асосан:

- оддий (фонзли);
- ютуқли (лотерея каби уларнинг тиражи бўлади);
- фонзсиз (мақсадли, масалан, ноҳия шифохонасини қуриш учун маблағ йиғиш мақсадида).

Амал қилиш ҳудудига қараб:

- маҳаллий;
- умумдавлат;
- халқаро турлари мавжуд.

Эмитентнинг ҳуқуқий аҳволига кўра:

- корпоратив (корхона ва ташкилотлар облигацияси);
- маҳаллий (маҳаллий ҳокимият органлари томонидан эмиссия қилинган);
- давлат (марказий давлат органлари, масалан, молия вазирлиги эмиссияси).

Чиқарилиш шакли банк кўринишида бўлиб:

- оддий;
- «тақдим этувчига»;
- купонли ва купонсиз бўлиши мумкин.

Ғазнахона мажбуриятлари - бу қимматли қоғоз тури асосан 1 кўринишида чиқарилади, яъни «тақдим этувчига» кўринишида. Уни таснифлашда, *даврийлигига қараб:*

- қисқа муддатли (1 йилгача);
- ўрта муддатли (1 - 5 йилгача);
- узоқ муддатли (5 йилдан кўп).

Чиқарувчи эмитент ҳуқуқий аҳволига кўра:

- Давлат (махсус органи);

Шаклига кўра банк кўринишида:

- купонли ёки купонсиз;
- оддий бўлиши мумкин;

Банк депозити сертификатлари ҳам худди ғазнахона мажбуриятлари сингари таснифланади.

Векселлар - эса ўзгачароқ таснифланиши мумкин, хусусан, *даврийлигига қараб таснифланиши мумкин:*

- узоқ муддатли (1 йилдан кўп);
- ўрта муддатли (6 ойдан 1 йилгача);

-қисқа муддатли (6 ойгача) турларга бўлинади.

Чиқарилиш тартибига кўра:

-оддий (SOLO);

-ўтиб юрувчи (TRATTA), буида бир шахснинг қараларини, ушбу шахсга қарздор бўлган бошқа шахс томонидан тўланиши тушинилади.

Эмитентнинг ҳуқуқий аҳволига кўра:

-ғазнахона (эмитент - давлатнинг махсус органи);

-тижорат (корхона, таъкилот ва жисмоний шахслар томонидан берилган).

Асосан бланк шаклида бўлади.

Қимматли қоғозлар фьючерси ва опциони эса контрактда кўзда тутилган қимматли қоғоз тури бўйича таснифланиши мумкин:

-акциялар опциони;

-облигациялар фьючерси ва ҳоказо.

Юқорида таҳлил этилган масалани умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, қимматли қоғозларни таснифлаида қуйидаги белгилардан фойдаланиши мумкин ва уларни таснифлаи келгусида статистик кўрсаткичларни ишлашда асқотади. Демак, қимматли қоғозлар қуйидаги белгилар асосида таснифланиши мумкин:

-амал қилиш даври;

-чиқарилиш шакли;

-эмитентнинг ҳуқуқий аҳволи;

-чиқарилиш тартиби;

-амал қилиш ҳудуди;

-бошқа индивидуал белгиларга кўра.

3-§. Фонд бозори индекслари

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики фонд бозори жуда ҳам мураккаб тизимга эга бўлиб, у - эмитент, инвестор ва инвестицион воситачилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг умумий тизимидир. Буида ҳар бир иштирокчи ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда фақлият юритади. Шунинг учун статистик кўрсаткичларнинг қанчалик аниқ бўлиши фонд бозорини ҳозирги кундаги аҳволини баҳолаш ва келажакдаги ривожланишини белгиланда муҳимдир.

Ушбу кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда фонд бозори коинъюктураси, унинг иштирокчиларининг ҳуқуқий аҳволи асос қилиб олинини лозим.

Фонд бозори статистикасида яна шундай иқтисодий тушунчалар борки, уларни бир сўз билан статистиканий категориялар деб номлаш мумкин. Ушбу иқтисодий категорияларга *Биржа индекслари* мисол бўла олади.

Халқаро амалиёт шундан далолат берадики, фонд бозоридаги талаб ва таклифнинг ҳақиқий аҳволини фақатгина чайқовчилик операциялари бўлиб кўрсатини мумкин. Шунга қарамадан Биржалар (аниқроқ

айтганда, биржа индекслари ва котиrowкатлари) иқтисодий аҳволининг энг аниқ индикатори ҳисобланади.

Биржада котиrowка қилинувчи акциялар курсларининг ҳаракатини баҳолаш учун деярли барча биржаларда акция курслари индекслари ҳисобланилади. Ҳар бир акция (облигация)нинг курс нархи индекси ($I_{a,k}$) унинг курсини (P_k)ни биржада котиrowка қилинаётган шу турдаги акциялар сони(N)га кўпайтирилиб, акция номинали($P_{ном}$)га бўлиш орқали аниқланади:

$$I_{a,k} = (P_k \cdot N) / P_{ном}$$

Акциянинг курс нархи индексларидан биржанинг агрегат индексларини ҳисоблашда фойдаланилади.

Нью-Йорк фонд биржасининг «Дой-Жонс» (Dow-Jones, DJ) индекси энг кенг тарқалган ҳисобланади. Унинг андозасида бошқа биржаларнинг индекслари ҳисобланади.

Дой-жонс индекси Американинг етакчи компаниялари акцияларининг ўртача арифметик биржа нархи (курс) индекси кўринишида ҳисобланади ва 1884 йилдан бўён «Дой жонс энд Ко инкорпорейтед» (Dow-Jones & Co. Inc.) фирмаси томонидан чон этилади.

Дой-жонс индекси қўйидаги гуруҳ компаниялар учун ҳисобланилади:

а) АҚШнинг етакчи 30 саноат корпорациялари акциялари учун;

б) 20 етакчи транспорт компаниялари акциялари учун;

в) Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг энг йирик 15 компанияси учун.

Дой-жонс индексининг жамланган кўрсаткичини (composite) юқорида айтиб ўтилган барча 65 компания учун ҳисоблаш амалдадир.

Агарда индексда акс этган компания бошқа компания томонидан сотиб олинса ёки бирлашса, унинг акциялари индексдан чиқариб ташланади ва бошқа йирик компания акциялари киритилади. Бу компаниялар рўйхатини «Уолл Стрит Джорнел» газетаси ҳар куни нашр этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Дой-жонс индекси фақатгина унинг жорий аҳволини илгариги аҳвол билан солиштириш имкони бўлгандагина аҳамиятлидир. Масалан, Дой-жонс индексининг 1870,5 кўрсаткичи бир кун олдинги 1871,71 кўрсаткичи билан солиштирилади. Кўнлик солиштирувдаги фарқ пунктларда ҳисобланади. Шунда индекс кўрсаткичлари орасидаги -1,21 (1870,5-1871,71) фарқ акция курсларининг 1,21 пунктга пасайганини билдиради.

Дой-жонс индексининг аҳамияти АҚШдан ташқарида ҳам кенгдир. Бунга сабаб, Нью-Йорк биржаси айланмаси ривожланган капиталистик давлатлар фонд бозори айланмасининг 50 фоизга яқинини ташкил этиб, (унга чиқарилган акцияларнинг жами ҳажми, бир неча триллион долларни ташкил этади) Дой-жонс индексидаги ўзгаришлар бозор иқтисодий ривожланган давлатлардаги молиявий ва иқтисодий аҳволининг ҳолатини акс эттиради. Шунининбатта олиб у ҳар ярим соатда эълон қилинади.

Шу билан бирга Доу-жонс индексининг рақобатчилари ҳам мавжуд. Масалан, фонд бозорининг ҳолатини таҳлил қилувчи АҚШдаги йилнинг «Стендард энд Пуерс» (Standard and Poor's 500 index. S&P 500) 1957 йилдан АҚШнинг 500 энг йирик компания акциялари нархи индексини ҳисоблаш бошланган. Бу индекс репрезентативроқ, chunkи у 400 саноат, 20 транспорт, 40 маший хизмат ва 40 молия компаниялари ўз ичига олган. Нью-йорк гуруҳ тармоқларга бўлак (мустақил) индекслар ҳам ҳисобланади. Лекин акция нархининг ўртача тортилган индекс камчилигига эга, унинг рақамли кўрсаткичи Доу-жонс индексидан бир неча мартаба кичик. Дейлик, Доу-жонс индекс 2965,56га тенг бўлганда «S&P 500» 377,75га тенг. Шунинг учун «S&P 500» билан ҳисобланган кўрсаткичларда бозордаги чайқални унчалик кўзга ташланмайди.

Юқоридаги асосий кўрсаткичлари қаторида ҳар бир биржа ва биржадан танқари бозор ўзида рўйхати олинган компаниялар акциялари нархи динамикасини характерлиги учун ўзларининг кўрсаткичларини ҳисоблайдилар. Нью-Йорк биржаси бундай кўрсаткични 1966 йилдан киритди. Унинг йўлидан Америка фонд биржаси бориб, ўзида рўйхатдан ўтган 500 компания учун худди шундай кўрсаткични киритди. Фонд бозори ривожланган барча давлатларда биржа индекслари тузилмаси худди шундай тартибда ташкил толган.

Мисол учун, Доу-жонсининг аналогли бўлиб Япониянинг «Никкей» (Nikkei) индекси, Токио биржасининг «Тоинкс» (ToPIX) индекси, Германиянинг «DAX» («DAX») индекси ҳисобланади. «S&P 500» методига асосланиб эга рўйхатдан ўтган компаниялар учун бир қанча газета ва информацион агентликлар ўзларининг индексларини ҳисоблайдилар. Масалан, Буюк Британияда индексни Рейтер агентлиги (Reuter), Германияда «Франкфуртер Альгемайне Цайтунг» (FAZ-Index) газетаси чоп этилди.

4-§. Давлат облигациялари бозори индекслари

Иқтисодий ривожланган давлатларда ² давлат харажатларини молиялаштиришда, банк тизимининг ликвидлигини татминлашда ва умуман иқтисодийётнинг ривожланишида давлат қимматли қоғозлари муҳим роль ўйнайди.

Давлат бюджетининг даромадларидан харажатлари ортганида, камомад марказий банк ёки тижорат банкидан олинмадиган кредитлар асосида қоплагани мумкин. Лекин, жаҳон амалиёти шунинг кўрсатдики, бу мақсадларда кредитлардан фойдаланиш ўзини оқламайди, chunkи фондларини тўлаш давлат томонидан катта харажатларни талаб қилади. Шунингдек, банкларининг ўзи ҳам узок муддатли кредитлардан кўра, қисқа муддатли, юқори фонзли кредитларини беришдан кўпроқ манфаат тонади. Давлат бюджети харажатлари ўрнини шунинг эҳтисоси асосида қоплаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, chunkи бу нарсая пул муомаласини издан чиқаради ва инфляцияга олиб келади.

Шундай қилиб, давлат бюджети харажатларини молиялашнинг энг маъқул усули давлат қимматли қоғозларини эмиссия қилиш ҳисобланади. Унинг воситасида эса асосан қуйидаги муаммолар ҳал қилиш қўзда тутилади:

-Бюджетнинг жорий камомадини молиялаштириш.

Давлатнинг даромадларининг келиб тушиши ва харажатлари даври ўртасида узилиш кутилганда молияга эҳтиёж пайдо бўлади, чунки бюджетта тушумлар маълум даврлардагина амалга оширилади, харажатлар эса олдиндан тақсимланган бўлади.

-Илгариги олинган қарзларни тўлаш.

Ушбу мақсадларга қаратилган қимматли қоғозлар эмиссия қилинишига давлат бюджетига камомад бўлмаганда эҳтиёж пайдо бўлади.

-Бюджетта солиқ тўловлари тушумидаги елликнишларни мундонатлаш учун (бюджетнинг кассаний балансидаги йўқотиш учун);

-Тижорат банклари ва бошқа кредит-молия институтларини ликвидлик ва юқори ликвидликка эга бўлган захира ақтиклари билан таъминлаш учун.

Қўйида давлатларда бу мақсадларда қисқа муддатли қимматли қоғозлар чиқарилган. Кредит-молия институтлари ҳукумат чиқарган қарз мажбуриятларини сотиб олиб фонд хисобида даромад қўрадилар.

-Бюджетдан ташқари фондларга маблағларини жалб этиш, маҳаллий органлар ва капиталталаб лойиҳалар, ўз дастурларини молиялаштириш учун.

Шунингдек, давлат ва маҳаллий ҳукумат органлари томонидан пул маблағларини жалб қилиш мақсадида давлат қимматли қоғозларини икки туридан фойдаланилади:

-Бозорда айланмайдиган давлат қарз мажбуриятлари.

-Бозорда айланмайдиган қимматли қоғозлар.

Ўзбекистон шароитида иккинчи гуруҳга кирувчи қисқа муддатли давлат облигациялари (ҚМДО), бозори ўз фаолиятини 1996 йил апрел ойидан бошлаган. Бу бозор давлат бюджетининг даромад қисмини тўлдирувчи барқарор манбалардан бири бўлиб, бюджет солиқ сисъатининг молиявий имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилишга мўлжалланган эди. Биринчи даврда 3 ойлик муддатли ҚМДОлар муомалада бўлиб, савдо дилерлар (резидент юридик шахслар) ўртасида бир ҳафтада икки мартаба ўтказиларди. Бу ҚМДО аукционларида дилер (бирламчи савдода) иштирок этиш учун жойлантириладиган эмиссия ҳажмидан 2%дан кам бўлмаган миқдорини сотиб олиш мажбуриятини олиши керак эди. Шунга мурофиқ, асосан, тижорат банкларининг бундай мажбуриятларини бажаришга имконлари бўлганлиги сабабли, улар ҚМДО аукцион савдоларида асосий иштирокчилар эдилар. Шундай қилиб, бюджетни бошқариш жавобгарлигини олган Молия Вазирлиги ўзининг қарз олиш имкониятларини кенгайтирди. Унинг ҚМДОларини тўлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олганлиги бундай молиявий

имкониятларнинг бошқаларга нисбатан ишончлигига ва барқарорлигига олиб келади.

Қимматли қоғозлар бозори ривожланганлигининг муҳим индикатори бўлиб уларнинг даромадлиги ҳисобланади.

ҚМДОлари даромадлигининг энг аввало унинг бирламчи базаси - номинал қийматини аниқлашдан бошланади, бу:

$$P_{\text{ном}} = K / C$$

Бунда, K - қарз хажми,

C - эмитантланган облигациялар сони.

Айрим ҳолларда облигацияларни бирламчи ёки эмиссион жойлаштириш нархи номинал нархга тўғри келмаслиги мумкин, шунда иккита вариант ҳосил бўлади:

-эмиссион нарх номинал нархдан паст, бундай нарх дисконтли, ёки чегирмали нарх ҳисобланади;

-эмиссион нарх номинал нархдан юқори, демак, ушбу қимматли қоғозлар мукофот билан жойлаштирилган.

Қарз мажбуриятини иккиламчи бозорда сотиш натижасида бозор нархи ҳосил бўлиб, унинг курсини ушбу нарх ($P_{\text{боз}}$)нинг номинал қийматига нисбатида аниқлаш мумкин:

$$K_{\text{нарх}} = P_{\text{боз}} / P_{\text{ном}}$$

Бунда, $K_{\text{нарх}}$ - облигация нархи курси.

Облигация ёки сертификатни харид қилишда инвестор уларни эмиссион, яъни курс нархида сотиб олади, узини чоғида эса эмитент томонидан номинал нарх тўланади. Қарз олиш шартларига асосан бу нархлар мос келмаслиги мумкин. Қимматли қоғозларни узиш ва харид қилиш нархларни ўртасидаги тафовут капиталнинг умумий қарздорлиги давридаги қўшимча ўзини ёки зарар миқдорини кўрсатади.

Агар облигация дисконт асосида сотилиб, улар бўйича мажбуриятлар номиналда узилса, инвестор ўз капиталининг қўшимча ўсишига эга бўлади:

$$\Delta\Delta = P_{\text{ном}} - P_{\text{диск}} \Delta\Delta > 0.$$

Бу ҳолда облигация даромадлилиги купонда кўрсатилганидан юқорироқ бўлади.

Агар облигация мукофот билан сотилиб номинал нархда узилса унинг эгаси зарар кўради.

$$\Delta\Delta = P_{\text{ном}} - P_{\text{мул}} \Delta\Delta < 0.$$

Ҳақиқат облигация бўйича даромад купонда кўрсатилгандан ност даражада бўлади.

Облигация, шунингдек, номинал қийматда сотилиб шу қийматда узиллиши мумкин. буида инвестор даромад кўрмайди. Демакки, облигация даромадлиги купон даромадига тенг бўлади.

Юқорида облигациялар даромадлигининг қайд этилган вариантлари капиталнинг йиллик қўшимча ўсиш ёки зарар кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

$$\Delta A_{\text{йил}} = \Delta A / t$$

Бу ерда:

$\Delta A_{\text{йил}}$ - капиталнинг йиллик мутлоқ қўшимча ўсиш ёки зарари миқдори;

ΔA - капиталнинг умумий қарздорлик давридаги мутлоқ қўшимча ўсиш ёки зарари миқдори.

t - қарздорлик давридаги йиллар сон.

Йиллик қўшимча даромад ёки қўшимча даромад ставкаси эси қуйидагига тенг бўлади:

$$I_{\text{қўш}} = \Delta A / A_{\text{ж.к.н}}$$

Бу ерда:

$A_{\text{ж.к.н}}$ - облигацияларни харид қилиш нархи.

Облигациялар даромадлиги иккита миқдорни мужассамлаштиради: купонли тўловлар эмитентга берилган қарз учун рағбатлантириш ва облигацияни харид қилиш ҳамда сотишдаги нархлар тафовути.

Йиллик даромаднинг мутлоқ миқдори ($\Delta A_{\text{йил}}$) қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Delta A_{\text{йил}} = (I_c \cdot P_{\text{ном}}) / 100$$

Бу ерда:

I_c - йиллик купон ставкаси, фоиз;

$P_{\text{ном}}$ - облигациянинг номинал нархи.

Жорий даврдаги купонли даромад ушбу формула билан ҳисобланади:

$$I_c = (\Delta A_{\text{йил}} / P_{\text{ном}}) \cdot 100$$

Бунда купонли даромад даражаси кўпроқ икки омилнинг таъсирига боғлиқ бўлади: қарздорлик даври (бу ерда тескари алоқадорлик мавжуд бўлиб облигациянинг ўзиш даври қанчалик узоқ бўлса, даромадлилик

фоиизи шунчалик юқори бўлади) ва қимматли қоғознинг сифати, яъни биринчи навбатда унинг ишончлилиқ даражаси.

Йиллик умумлаштирилган даромад ҳажми купонли тўловлар ва капиталнинг йиллик қўшимча ўсиш (ёки зарар) миқдори йиғиндисига тенг:

$$A_{y.i} = A_{kun} + A_{oil}$$

Худди шунинг учун умумлаштирилган йиллик даромад ёки яъни даромад ставкаси (жойлаштириш ставкаси) қуйидагига тенг:

$$I_{y.i} = A_{um.oil} / P_{x.k.k.}$$

Бу ерда:

$P_{x.k.k.}$ - облигацияни харид қилиш нархи.

Умумий қарздорлик давридаги умумлаштирилган даромад барча йиллар учун купонли тўловлар миқдори ва капиталнинг умумий қарздорлик давридаги қўшимча ўсиш (зарар) ҳажмининг йиғиндисе орқали аниқланади:

$$A_{umumiy} = A_{kun} + \Delta A_{kan} = I_{kun} \cdot P_{nom} + \Delta A_{kan}$$

Бу ерда:

A_{kun} - умумий қарздорлик даври учун купонли даромад;

ΔA_{kan} - умумий қарздорлик даври учун капиталнинг қўшимча ўсиш (зарар) миқдори;

I_{kun} - йиллик купонли ставка;

P_{nom} - облигациянинг номинал нархи.

Умумий қарздорлик даври учун умумий даромадни йиллик даромад ҳажмига асосланган ҳолда бошқача ҳисоблаш ҳам мумкин:

$$A_{umumiy} = A_{um.oil} \cdot \Pi$$

Бу ерда:

Π - қарздорлик йилидаги йиллар сон.

Қимматли қоғозлар билан ишдагида ўстирилган нарх миқдори кўрсаткичи муҳим ҳисобланади.

Уни узиш нархига умумий қарздорлик давридаги купонлар бўйича тўловлар ҳажмини қўшиб йўли билан аниқлаш мумкин:

$$C = P_{nom} + I_{kun} \cdot P_{nom} \cdot \Pi = P_{nom} \cdot (1 + I_{kun} \cdot \Pi)$$

Бу ерда:

C - ўстирилган нарх;

$P_{ном}$ - узиш нархи (номинал баҳо);

$I_{кун}$ - купонли ставка;

Π - қарздорлик йилидаги йиллар сони.

Шунингдек, купонли ставканинг маълум миқдорга ёки хажмига етиш вақтини ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$C = (C \cdot P_{ном}) / (I_{кун} \cdot P_{ном});$$

$$I_{кун} = (C \cdot P_{ном}) / (P_{ном} \cdot \Pi)$$

Юқорида келтирилган формулалар асосида облигациялар бўйича даромадлилик даражасини аниқлаш имконини беради ва фонд бозори фаоллигини статистик таҳлил этишда муҳим босқич ҳисобланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Фонд бозори деганда нимани тушунаси?
2. Фонд бозори статистикасини бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамиятини тушутиринг.
3. Қимматли қорозларни қандай турлари мавжуд?
4. Фонд бозори индексларини мисоллар ёрдамида тушутиринг.
5. Қисқа муддатли давлат облигацияларини даромадлигини тушутиринг.
6. Ўстирилган нарх миқдори деганда нимани тушунаси?

12-БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СТАТИСТИКАСИ

1-§. Ташқи иқтисодий фаолиятларнинг асосий йўналишлари

Бозор иқтисодиёти очиқ иқтисодиёт бўлиб, бу йўналишдаги тизимга ўтиш мамлакатлар жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар билан ташқи иқтисодий муносабатларда бўлади.

Маълумки, жаҳон миқёсида меҳнат тақсироти мавжуд. Бу ҳолат мамлакатларaro иқтисодий алоқаларини тақозо этади - мамлакатлар баъзи хил маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга мослашадилар. Иккитан мамлакат ичида ишлаб чиқариш ўрнига ташқаридан келтириш арзонга тушса, шу товар импорт қилинади. Қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш қулай бўлса, шу маҳсулот бошқа мамлакатларга сотилади. Бундай иқтисослашув мамлакатларининг табиий шароити, ишлаб чиқариш тажрибаси ва тараққиёт даражаси билан белгиланади. Масалан, Япония учун компьютер ва машиналарни, АКН учун самодётларни, Хиндистон ва Покистон учун чойни, Ўзбекистон учун эса пахта толасини экспорт қилиш қулай.

Шундай қилиб, ташқи иқтисодий фаолият - бу турли мамлакатлар орасидаги иқтисодий муносабатлар бўлиб, иқтисодийнаф кўриш мақсадида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий суверенитети ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиёт ривожини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграцияланиши учун шарт - шарт яратилиш мақсадида 2000 йил 9 июнда «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни (янгилан тахрири) қабул қилинди.

Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатлар юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқaro танзимлотлар билан ўзаро фойдалан иқтисодий алоқалар ўрганиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолият тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар назоратини ташқи иқтисодий фаолиятта раҳбарлик қилади ва уни тартибга солади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- халқaro иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;
- ташқи савдо фаолияти;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқарида инвестиция фаолияти.

Халқaro иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик ишлаб чиқариш, молия, банк ва суурута фаолияти, таълим ва қадрлар тайёрлаш, туризм, соғлиқни сақлаш илмий техникавий, маданий, экологик, гуманитар ва бошқа соҳаларда қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқaro танзимлотлар билан ўзаро

фойдали алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтиришига қаратилган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг кўзда тутиди.

Ташқи иқтисодий фаолият - халқаро товарлар айрибошлаш соҳасидаги тadbиркорлик фаолияти бўлиб, товарларни экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Экспорт дейилганда, мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ёки келтирилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларни ёки капитални ташқи бозорга чиқариш тушунилади. Агар маҳсулот чет элдан келтирилган бўлса ҳам, лекин уш сифат ва техник жиҳатлари бутунлай ўзгариб кетса, у мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қаторига қўйилади. Товарларни экспорт қилиш натижасида мамлакат моддий бойликларининг миллий захиралари камайди.

Импорт дейилганда товар ва хизматларни, капитални мамлакат ҳудудига келтириш тушунилади. Импорт ҳажмига мамлакат ичда истеъмол қилинадиган товарлар, режспорт товарлар ва мамлакат таъқисидидаги ташқиёллар истеъмол учун олинган товарлар киритилади. Товарларни импорт қилиш натижасида мамлакат моддий бойликларининг миллий захиралари ортади.

Товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш фақат уларни олиб кириш ва олиб чиқиш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилади.

Экспорт ва импорт қилишнинг лицензиялашнинг ҳамда квоталаннинг (миқдорий чекланнинг) зарур бўлган товарларнинг айрим турлари рўйхати, шунингдек лицензияларни бериш ва квоталарни тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмааси томонидан белгиланади.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш чет эллик инвесторлар томонидан тadbиркорлик фаолияти объектларига ҳамда қонуи ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларига киритилган моддий ва номоддий нъматларнинг барча турлари, ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олиннадиган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари деб аталади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти тadbиркорлик ва бошқа фаолият объектларига моддий ва номоддий нъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, инвестициялардан олиннадиган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги инвестицияси ҳисобланади.

2-§. Божхона статистикаси

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ўрнатишда ташқи савдо муҳим рол ўйнайди ва статистика ташқи савдонинг ҳар тарафлама чуқур таҳлили қилади.

Ташқи савдо статистикасининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ташки савдонинг ҳажми, унинг таркиби ва динамикасини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва ўрганиш, ташки савдонинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш.

- турли мамлакатлар ташқи савдосини таққослаш ва ўрганиш;

Ташқи савдони ўрганишда божхона статистикасининг маълумотлари асос бўлиб хизмат қилади.

Божхона статистикаси - ташқи иқтисодийлокалар статистикасининг бир қисми бўлиб, у мамлакат чегарасидан ўтувчи товарлар билан бирга, айрим кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларни ҳам ҳисобга олади. Божхона статистикасининг ўрганиш объекти, мамлакат ташқи савдо обороти ҳисобланади. Товарлар экспорти ва импортини натура ва пул шаклида ҳисобга олиш ва уларнинг географик йўналишларини аниқлаш унинг қузатиш объекти ҳисобланади.

Божхона статистикасининг асоси мамлакатнинг божхона кодекси ҳисобланади. Маълумот манбаи эса бирламчи ҳужжат юк божхона декларациясидаги маълумотлар ҳисобланади.

Юк божхона декларациясида мамлакат божхона чегарасидан ташқарига чиқарилаётган ва чегара ташқарисидан келтирилаётган товарлар ҳисоби амалга оширилади. Декларацияда товарларнинг йўналиши (қирим, чиқим), қиймати, товарлар коди ва номи, соф оғирлиги, божхона режими ва ҳоказолар келтирилади. Шу маълумотлар асосида мамлакатнинг ташқи савдоси ҳақида маълумотлар тузилади. Шунинг учун ЮБД да бир хил ҳисоб бирликлари, шу билан бирга халқаро классификаторлар ва номенклатуралар қулланилади. Шу асосда ташқи савдо географиясини аниқлаш мумкин ва улар божхона статистикаси учун маълумот манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси божхона статистикасида товарларнинг қўйидаги тоифалари ҳисобга олинади:

Импорт:

- эркин муомала учун олиб кирилган товарлар;
- божхона ҳудудидан қайта ишлаш учун олиб кирилган товарлар;
- божхона назорати остида қайта ишлаш учун олиб кирилган товарлар;
- шахслар томонидан олиб келинган давлат фойдасига ўтказилган товарлар;
- бож тўловисиз савдо дўконларига келтирилган чет эл товарлари;
- бир йил ва ундан ортиқ муддат билан ижарага қўйиш учун киритилган товарлар;

Экспорт:

- божхона тартиби бўйича четга чиқарилган товарлар;
- божхона ҳудудидан қайта ишланган сунг чиқарилган товарлар;
- реэкспорт тартиби бўйича четга чиқарилган товарлар;
- поштинасиз савдо магазинларидан четга чиқарилган Ўзбекистон ва чет мамлакатлар товарлари;

- бир йил ва ундан ортиқ муддат билан ижарага қўйиш учун четга чиқарилган товарлар;

Божхона статистикасида ҳисобга олинмаган товарларга мамлакат моддий бойликларининг орттирадиган ёки камайтирадиган товарларининг барчаси киритилади (муомаладаги валюталардан ташқари).

Божхона статистикаси қўйидаги товарларни ҳисобга олмайди:

а) қиймати ва оғирлиги каби кўрсаткичлари статистик кузатини талабларига жавоб бермайдиган товарлар. Масалан: 1997 йилдан бошлаб қиймати 1000 АҚШ долларидан юқори ёки оғирлиги 50 кг дан ортиқ маҳсулотларни ҳисобга олади;

б) муомалада бўлган валюта бойликлари (шу жумладан монетар олтин). Буларни банклар ўзаро ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш учун ишлатадилар;

в) чет эл мамлакатлари дипломатик ва консуллик ваколатхоналари томонидан фойдаланиладиган товарлар, давлат органларига, халқаро ташкилотларга, давлат бошлиқларига берилган совғалар ва ҳоказолар. Мамлакатдаги чет эл ваколатхоналари, ўз мамлакатларининг бир қисми ҳисобланади, шунинг учун мамлакатлар билан уларнинг ваколатхоналари орасидаги товарларнинг ҳаракати ички ҳаракатдек ҳисобланади;

г) Тижорат операциялари кредити ҳисобланмайдиган товарлар, масалан, ўз эҳтиёжини қондириш учун чет элдан келтирилган товарлар, алоҳид белгилари ва ҳоказолар.

Жисмоний шахслар томонидан чет элдан тижорат мақсадида келтирилган товарларнинг статистик ҳисоби алоҳида олиб борилади. У мамлакат импортининг 20-25 фоизини ташкил этади.

Божхона статистикаси чиқарилаётган ва киритилаётган товарларни ҳам натурада, ҳам пулда ҳисобга олади. Бу эса ўз навбатида экспорт ва импортининг умумий ҳажми ва таркибини аниқлаш имкониятини беради.

Ташқи савдо оборотининг пулда фойдаланишнинг мамлакатнинг иқтисодий аҳволини ва халқаро алоқаларини фойдалончи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Маълум даврдаги экспорт ва импорт нисбати бўйича мамлакатнинг савдо баланси аниқланади. Ташқи савдо баланси кўн бўлса актив, кам бўлса пасив ҳисобланади.

Ўзбекистон статистикасида экспорт-импорт операциялари АҚШ долларида ва миллий валюта бўйича ҳисобланади. Бунда доллар курсига утказиш Марказий Банк эълон қилган курс асосида, ЮБД тузилган кун баҳосида амалга оширилади.

Ҳафсал-12

1996-1999 йилларда Ўзбекистон экспорт-импортининг таркиби (фонз ҳисобида)

Товарлар	1996 й	1999 й
Экспорт жами:	100	100

пахта толаси	38,1	47,7
кимё маҳсулотли, пластмасса	2,4	3,6
машина ва усқуналар	2,8	1,4
қора ва рангли металллар	3,5	5,7
озик овқатлар	4,5	10,6
энергоресурслар	6	16
маҳсулотлар	34,4	15,4
хизматлар	8,3	8,9
Импорт		
жами:	100	100
озик-овқатлар	29,5	14,3
машина ва усқуналар	35,8	46,8
пластмасса ва кимё маҳсулотлари	12,5	11,4
қора ва рангли металллар	6,7	12,1
бошқа маҳсулотлар	14,3	9,6
хизматлар	0,2	5,2
энергоресурслар	1,1	0,6

Жадвал маълумотларига қараганда, 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси экспорт таркибида асосий ўринини пахта толаси - 47,7 фоизни ва энерго ресурслар - 16,0 фоизни, импорт таркибида эса машина ва усқуналар - 46,8 , озиқ-овқатлар - 14,3, қора ва рангли металллар - 12,1 фоизни ташкил этган.

3-§. Ташқи савдони ўрганишда қўлланиладиган статистик кўрсаткичлар тизими

Ташқи савдо қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланади:

- жоп бошига туғри келган ташқи савдо обороти;
- импорт квотаси;
- экспорт квотаси;
- ташқи савдо оборотининг эластиклик кўрсаткичи;
- импортнинг мамлакат истеъмолидаги салмоғи;
- экспортнинг ИИМ даги, айрим маҳсулотлардаги салмоғи;
- мамлакатнинг халқаро савдо сотиқдаги салмоғи ва ҳоказо.

Бу кўрсаткичлар ёрдамида ташқи савдо динамикаси, экспорт ва импорт товари баҳосининг ўзгариши, товарлар таркибидаги сўлжишлар, товароборотнинг ҳудудий тақсимоли, ташқи савдо ташкилотлари самарадорлиги, ўрин, шунингдек мамлакат иқтисодиётида халқаро савдо-сотиқнинг аҳамияти ҳам муҳим жиҳатлари ўрганилади.

— Импорт квота - бу ҳар йили мамлакатга келтиришга руҳсат берилган хорижий маҳсулот ҳажмининг миқдор жиҳатдан чеклаб қўйилишидир. Давлат мамлакатга маҳсулот келтиришга ижозат берувчи лицензияни чекланган миқдорда беради ва лицензиясиз импортни тақиқлайди.

— Импорт квотаси даражаси $K_{им} = И/ИИМ$ яъни у импортнинг ИИМ га нисбатан улушини ифодалайди.

Унинг индекси эса:

$$I = K_{им1} / K_{им0}$$

каби аниқланади. Бу ерда:

I - импорт индекси;

$K_{им1}$ ва $K_{им0}$ - базис ва жорий даврларда импорт квота даражалари;

Экспорт квота деганда муайян экспортга белгиланган хажм (хиссада)да ишлаб чиқариш ва четга чиқариш тушунилади.

$K_{жс} = Э_{жс} / ЯИМ$, яъни у ЯИМдаги экспортнинг улушини ифодалайди.

Реал экспорт квотаси эса қуйидагича ифодаланади:

$$K_{жс} = Э_{жс} / СМ$$

Бунда, СМ - саноат маҳсулоти хажми, у ривожланган мамлакатларда тахминан 40-50 фоизга тенг. Бу эса ишлаб чиқарилган барча саноат маҳсулотининг ярми ташқи бозорга олиб чиқиб кетилишини англатади.

Протекционизм - миллий иқтисодиётни хориж рақобатчиларидан ҳимоя қилинган қаратилган сиёсатдир. Бунда:

- давлат ўз ҳокимиятига таяниб импортни маън этади;
- импорт товарига қўйиладиган бож миқдори кўпайтирилади;
- импорт товарларининг экологик тозалигини таъминлаш талаби амалга оширилади;

- импортнинг миқдори чегараланади, яъни квота белгиланади;

- давлат маҳаллий товарлар сотилишини кўпайтириш учун экспортга ҳам квота ажратади.

Протекционизм одатда экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, импорт маҳсулотлар ўрнини қисман қоплаш билан қўшиб олиб борилади.

Демнинг деганда ташқи бозорни эгаллаш учун товарни ишлаб чиқариш ҳаржатидаан паст (арзон) баҳоларда четга экспорт қилиш ёки ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон баҳода сотиш тушунилади. Демнинг ташқи бозор учун кураш, рақобатчини етдириш воситаларидан бири ҳисобланади. Қўрилган зарар давлат бюджетни томонидан қопланади. Ички бозорда юқори нархда сотилган товардан олинган фойда давлат бюджетига тушади.

Умуман, Ўзбекистон Республикасида экспортимкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаганлиги. Бунинг фақат конъюнктурадаги аҳволнинг биз учун ноқулайлиги билангина изоҳлаш мумкин эмас. Асосий сабаб бизда экспорт қилувчилар фаолияти ҳам, ташқи иқтисодий фаолият маркетинги ҳам, ташқи бозорга товар чиқаришга хизмат қиладиган тизим ҳам жуда заиф ташкил қилинганлигидир.

Имкониятлардан тўлароқ фойдаланишнинг таъминлаш ва иқтисодиётни ислох қилишнинг янада чуқурлаштиришнинг яна бир томони ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ҳисобланади. Ҳақиқатда ҳам алмашув тартибни эркинлаштириш ва ягона экспортбон ягона

алмашув курсини жорий этини бу соҳадаги ишларнинг ривожланишига катта йўл очади.

Ҳозирги босқичда иқтисодий ривожланишнинг муҳим вазифаларидан бири - импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир. Ва биз бунга эришяёмиз. Масалан, ташқаридан жалби, ёқилги каби маҳсулотлар келтириш қисқартирилиб, уларни ишлаб чиқариш ўзимизда йўлга қўйилмоқда. Лекин бундан кейин ўзимиз ҳам экспорт имкониятларимизни кенгайтиришимиз керак, ташқи бозорда рақобатлаша оладиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш лозим. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишнинг муҳим масалаларидан бири-бу экспорт хом-ашёга йўналтирилганлигини бартараф этини, четдан келтириладиган бўғловчи қисмлар, асбоб-ускуналарни ўзинида ишлаб чиқарадиган корхоналар қувватларини оширини ва ривожлантиришдир.

4-§. Ташқи савдо индекслари

Ташқи савдо статистикасида товароборот динамикасини, экспорт ва импортнинг физик ҳажминини, баҳонининг ўзгаришинини, ташқи савдо структурасини ва айрим омишларнинг товароборотга таъсирини ўрганиш учун индекслардан фойдаланилади.

Бунда қуйидаги базисли ва зanjирли индекслар қўлланилади: баҳо индекси, физик ҳажм индекси, савдо шарти индекси ва ҳоказолар.

Ҳар бир индексе ўзининг ташқиқил этувчи элементларига эга: индекслаштирилмаётган (салиштирилмаётган) белги ва унинг вазни. ташқи савдонинг физик ҳажми индексини ҳисоблаш учун товар ҳажми индекслаштирилмаётган катталиқ, унинг вазни сифатида баҳоси хизмат қилади; Баҳо индексини ҳисоблашда баҳо индекслаштирилмаётган катталиқ, унинг вазни сифатида товар ҳажми хизмат қилади.

Баҳо индекси (Паане формуласи):

$$I_p = \sum q_1 p_1 / \sum q_1 p_0$$

Физик ҳажм индекси (Ласпейрес формуласи):

$$I_q = \sum q_1 p_0 / \sum q_0 p_0$$

Бунда, p_1, p_0 - жорий ва базис давридаги баҳо даражаси;

q_1, q_0 - жорий ва базис даврида сотилган товарининг физик ҳажми.

Ташқи савдонинг таҳлил қилинида фойдаланиладиган яна бир кўрсаткич бу "савдо шарти" индекси ҳисобланиб, уни аниқлаш учун экспортнинг ўртача баҳоси индекси билан импортнинг ўртача баҳоси индекси солиштирилади:

$$I_{сш} = I_{p_{экспорт}} / I_{p_{импорт}}$$

Агар бу кўрсаткич бирдан кичик бўлса, у ҳолда жорий даврда савдо кишиш учун шароит ёмонлашганини, агар бирдан катта бўлса, шароит яхшилашганини ифодалайди.

Умумий экспорт ва импортни статистик ўрганиш мақсадида ҳам ўзгармас, ҳам жорий баҳолар тизимидан фойдаланиш лозим. Булар ҳақидаги маълумотлар ҳар чорақда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдосининг божиона статистикаси" номли бюллетенда эълон қилинади.

5-§. Ишлаб чиқариш кооперацияси, халқаро капитал ва ишчи кучи миграцияси статистикаси

Ишлаб чиқариш кооперацияси - икки ёки ундан ортиқ мамлакатларнинг маълум бир ишни бажариш ёки қандайдир бир нишовард ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликдаги фаолиятлари тушунилади. У қўйидаги кўрсаткичларда ўз аксини тонади:

1. Чет эл фирмалари салмоғи:

$$d_{\text{чет эл}} = \Phi_{\text{чет эл}} / \Phi_{\text{умумий}}$$

$\Phi_{\text{чет эл}}$ - чет эл фирмалари сони;
 $\Phi_{\text{умумий}}$ - тармоқдаги фирмалар сони.

2. Чет эл фирмалари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони:

$$d_{\text{қк}} = K_{\text{қк сони}} / K_{\text{сони}}$$

$K_{\text{қк сони}}$ - қўшма корхоналар сони;
 $K_{\text{сони}}$ - тармоқдаги корхоналар сони.

3. Қўшма корхоналарнинг ишлаб чиқариш маҳсулотидаги салмоғи:

Ёки чет эл фирмалари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг тармоқнинг умумий маҳсулоти ҳажмидаги салмоғи:

$$D_{\text{қк}} = q_{\text{қк}} / q_{\text{умумий}}$$

$q_{\text{қк}}$ - қўшма корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот қиймати;
 $q_{\text{умумий}}$ - тармоқдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати.

Шунингдек қўшма корхоналарнинг банд бўлган ходимлардаги салмоғи ва уларнинг умумий экспортдаги салмоғи аниқланади.

Халқаро капитал миграцияси деганда каттарок фойда олинган мақсадида капитални бир мамлакатдан бошқасига кучирини тушунилади. У икки шаклда бўлиши мумкин:

- хусусий капитални чиқариш;
- давлат капитални чиқариш.

Хусусий капитални чиқаришда трансмилий корпорация (ТМК)лар, яъни дунёнинг турли мамлакатларида фаолият юритувчи компаниялар етакчиликлари килади. Улар капиталнинг жаҳон узра тақсимланишини таъминлайдилар. ТМК бир неча мамлакат миллий капиталининг бирикшидани ташкил топади ёки бир мамлакат капиталига таялган ҳолда халқаро микёсда ҳаракат килади.

Давлат капиталининг ҳаракати қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.

- чет эллик шерикларига кредит бериш;
- хорижда ўз фаолиятини ташкил этиш;
- хорижий банкларда ўз банкларининг корреспондент ҳисобларини очиш;
- бошқа мамлакатлардан қимматли қоғозлар, кўчмас мулкни сотиб олиш ва бонқатар.

Халқаро капитал миграциясини тавсифловчи кўрсаткичлар:

1. Инвестиция салмоғи портфели:

$$d_{ii} = (d_{xi} / A) / (d_{mi} / A)$$

d_{xi} / A - хорижий инвестициянинг жами активдаги салмоғи;

d_{mi} / A - маҳаллий инвестициянинг жами активдаги салмоғи.

2. Ёвостига инвестиция салмоғи:

$$d_{ii} = (d_{xi} / AK) / (d_{mi} / AK)$$

d_{xi} / AK - хориж инвесторларининг акциядорлик капиталдаги улуши;

d_{mi} / AK - маҳаллий инвесторларининг акциядорлик капиталдаги улуши.

3. Хорижий кредит салмоғи:

$$d_k = \Sigma K_x / \Sigma K$$

Бу ерда: ΣK_x - хорижий кредит суммаси;

ΣK - жами кредит.

4. Расмий кредит салмоғи:

$$d_k = D_{\text{кар.и}} / \Sigma \text{арз}$$

Бу ерда: $D_{\text{кар.и}}$ - давлат берган қарз;

$\Sigma \text{арз}$ - жами олинган қарз.

Халқаро ишчи кучи миграцияси деганда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш қилириб бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга кўчиб юриши тушунилади. Дунё бўйича бундай ишчи кучларининг умумий сони 25 млн. кишидан кўпи.

$K_{\text{миграция}} = T_{\text{бошқа мамлакатларда ишлаётган кишилар}} / S_{\text{иқтисодий фюэл аҳоли}} / \text{сон}$

$K_{\text{эмиграция}} = T_{\text{бошқа мамлакатлардан келиб ишлаётган кишилар}} / S_{\text{иқтисодий фюэл аҳоли}} / \text{сон}$

Бу кўрсаткичлар экспорт ва импорт қилинган ишчи кучининг мутахассислик даражалари, ихтисосликлари, ёши ва жинси, миллати бўйича ҳам ҳисобланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Экспорт деганда нимани тушунасан ва Ўзбекистон Республикаси экспортига баҳо бериш.
2. Импорт деганда нимани тушунасан?
3. Экспорт-импортни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини тушунтиринг.
4. Божхона статистикасини вазифаларини изоҳланг.
5. Импорт квотаси даражаси нима?
6. Экспорт квота нима?
7. Ташқи савдо индексларини мисол билан тушунтиринг.

13—БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ САМАРАДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ

1 §. Миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги ҳақида қушунча ва бозор иқтисодиётига ўтмиш шароитида статистиканинг бу соҳадаги вазифалари

Ҳозирги кунда иқтисодий сиёсатимизнинг бош меъони республикамизда бозор муносабатларини шакллантириши ва у билан боғлиқ бўлган муаммоларни ижобий ҳал этишга қаратилган.

Хўр қандай мамлакатда ўз халқининг фаровонлигини таъминлаш учун, албатта, ишлаб чиқариш юқори даражада ташкил этилиб, самарадорлик оширилиши керак. Шундай экан, республикамизда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодий тараққиёт негизини ташкил қилади.

Самарадорлиkning турли жиҳатларини, уни амалга оширилишини иқтисодий механизмнинг ўрганиш-миллий иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади. Миллий иқтисодиётда самарадорлиkning ўзига хос мазмунини ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакли, мақсадли йўналишини, ишлаб чиқариш натижаларининг ўзига хослиги билан белгиланади.

Ижтимоий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўла қондириш ишлаб чиқариш самарадорлигининг бош меъонидир.

Нисбани ўзи ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилишини ҳамда бошқа ижтимоий ҳаёт ва фаолиятдаги бошқа соҳаларнинг ривожининг провард натижасидир. Ана шу сабабга кўра, ишлаб чиқариш самарадорлигини соф иқтисодий самарадорлик деб эмас, балки ижтимоий иқтисодий самарадорлик деб билмоқ лозим. У яратилган маҳсулот ҳисобидан жами эҳтиёжларни қондириш даражасини инфодалар экан, аҳолининг турмуш даражаси билан инсон меҳнатининг, мазмунини ва шароитлари, янаш муҳитининг аҳоли, бўли вақтининг миқдори ва шу қабиларга боғлиқдир. Ҳозирги шароитда юқориди таърифланган самарадорликка кенг ёндашувининг аҳамияти иқтисодий ўзинини ижтимоий йўналишни кучайтиши билан ижтимоий соҳани ривожлантиришга қолдиқ маблагларини ҳисобга олган ҳолда ёндашнинг бартараф этилиши билан анча-мунча ортмоқда. Ижтимоий жиҳатдан юшга келган провард натижаларини ҳисобга олган, меҳнат шароитларини ёмоллаштириш, инсон ҳаётини пасайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтирилиши самарасизлигини ва бунга йўл қўйиб бўлмаслигини қайд этилиши бидирарди.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётнинг самарадорлик статистикаси қуйидаги вазифаларини бажаради:

1. Бозор муносабатлари шароитида халқ ҳужалигини бутунлигича қамриб оладиган самарадорлик методологиясини ишлаб чиқариш ва унинг кўрсаткичлар тизимини тузиш ҳамда ҳисоблаш усулларини яратиш.

2. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳақиқий даражасини белгилаш.

3. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқловчи омиллар таъсирини кўрсатиш.

4. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини ва улардан фойдаланиш йўллариини белгилаш.

Яна шунинг ҳам айтиш керакки, самарадорлик иқтисодий самарадорлик шаклида ҳам, ижтимоий иқтисодий самарадорлик шаклида ҳам бўлади.

2-§. Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари андозаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Миллий иқтисодиёт бўйича кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қонуниларининг амал қилиш натижасини ифодалаш;

2. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини аниқлаш имкониятини яратувчи ягона услубиятини ишлаб чиқиш.

3. Самарадорликнинг намоён бўлувчи барча шакллариини ифодалаш.

4. Самарадорлик даражаси билан бир қаторда ун таъсир кўрсатувчи турли хил омилларни аниқлаб бериш.

5. Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий самарадорлигининг қуйидаги асосий омиллар кўрсаткичларини ҳисоблаш лозим:

-фонд самараси;

-меҳнат унумдорлиги;

-капитал қўйилмалар самарадорлиги;

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги мураккаб категориядир. Унда ишлаб чиқариш натижаларига ва харажатларига таъсир кўрсатувчи кўп омилларнинг ҳаракати жамланган. Ишлаб чиқариш натижаларининг ўсиши маҳсулот сифати ошишига ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибининг ижтимоий эҳтиёжлар таркибига муфоваиклигини таъминлашда ўз ифодасини топади. Шунингдек, харажатларни камайтириш ўз ичига жонли меҳнатни тежашни, унинг унумдорлигини оширишни, жорий моддий харажатларни, асосий ишлаб чиқариш фондларига капитал харажатларни тежашни олади.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш самарадорлигини улчаш учун кўрсаткичлар тизими зарур. Улардан энг муҳими ижтимоий меҳнат унумдорлигидир. У вақтни тежашни қонуниинг амал қилишини ифодалайди.

-Меҳнат унумдорлиги маҳсулотни жонли меҳнат сарфига нисбатидир, яъни:

Натура ёки пул шаклидаги маҳсулот миқдори

$MU = \dots\dots\dots$

Жонли меҳнат сарфи

Меҳнат унумдорлиги даражаси ҳар хил усуллар ёрдамида аниқланади:

- бевосита натурал усул;
- шартли натура усул;
- меҳнат усули;
- қиймат усули.

Бевосита натурал усулда натура ҳолдаги маҳсулот (танна, кг, м, км.) ҳажми ҳодимлар сонига ёки ана шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақтга бўлинади. Натижада бир ҳодимга еки сарфланган вақт бирлигига қанча маҳсулот тўғри келиши аниқланади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг истеъмоли қиймати бир хил, унинг ҳажми еки сифати ҳар хил булган ҳолларда шартли натура усулидан фойдаланилади.

Корхоналар ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолларда меҳнат унумдорлиги даражаси меҳнат кўрсаткичлари асосида ҳам ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот норматив киши соатларда ёки киши кунларда ифодаланади.

Меҳнат унумдорлигини асосий умумлаштирувчи кўрсаткичи қиймат кўрсаткичидир. Бунда статистика меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлабгина қолмай, балки унинг динамикаси ва ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳам таҳлил қилади. Бунинг учун индекслар тизимидан фойдаланилади:

1. Агар бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлса, меҳнат унумдорлигининг яқка тартибдаги индекслари ҳисобланади:

$$i_w = W_1:W_0$$

2. Бир хил турдаги маҳсулотни бир неча цех, участка ёки корхона ишлаб чиқарганда меҳнат унумдорлигининг умумий индекси ҳисобланади.

1.Ўзгарувчан таркибли индексни аниқлаш учун 2 даврдаги меҳнат унумдорлигини ўртача даражалари солиштирилади.

$$I_{\Sigma} = (\Sigma q_1 p_1 / \Sigma T_1) / (\Sigma q_0 p_0 / \Sigma T_0) = W_1:W_0$$

Бу индексга 2 та омил таъсир кўрсатади:

а) Айрим олинган участкалардаги меҳнат унумдорлигини ўзгариши. Бу омил таъсирида меҳнат унумдорлигини доимий таркибли индекс ҳисоб бўлади, яъни:

$$I_{\text{доимий}} = (\Sigma (q_1 / \bar{t}_1) / (q_0 / \bar{t}_0)) \cdot T_1 / \Sigma T_1 = \Sigma \bar{t}_1 / \Sigma T_1$$

б) 2-Корний даврда базис даврга нисбатан ишчилар таркибида юз берган таркибий ўзгаришлар. Бу омил таъсирида таркибий сўлжили индекс ҳисобланади

$$I_{\text{таркибий}} = I_{\Sigma} / I_{\text{доимий}}$$

Статистикада меҳнат унумдорлигининг тескари кўрсаткичи ҳам ҳисобланади. Бу кўрсаткич бир дон (бир бирлик) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт ҳажмининг инверсияси ва у қанчалик кичик бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Меҳнат унумдорлигининг тескари кўрсаткичлари асосида тузилган индекслар қуйидагича:

А) якка тартибдаги индекс: $i = t_0 / t_1$

Б) Умумий индекслар. Меҳнат унумдорлиги тескари кўрсаткич бўйича аниқланганда унинг умумий индекси агрегат формула бўйича аниқланади:

$$I = (\sum q_1 t_0 / \sum q_1 t_1)$$

Формуланинг иқтисодий мохияти шундаки, унинг сурати жорий даврдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун базис даврдаги ҳажмда меҳнат сарфланса ҳаммаси бўлиб, қанча вақт, маҳражи эса жорий даврдаги ҳажмда меҳнат сарфланса, ҳаммаси бўлиб қанча вақт сарфланади, деган саволга жавоб беради. Демак, унинг сурати билан маҳражи орасидаги фарқ меҳнат унумдорлигининг ўзгариши натижасида тежаланган ёки ортқича сарфланган вақт ҳажмининг аниқлаш имконини беради. Бунинг учун касрнинг сурати билан маҳражи орасидаги айирма олинади.

Меҳнатни асосий фонд билан қўриланиш даражаси унумдорликка муҳим таъсир кўрсатади. Бу фонд даражаси асосий фондлар ўртача йиллик қийматининг (АФ) жонли меҳнат сарфига (ҳодимлар сонига (Т)) нисбати билан ўлчанади ва қуйидагича ифодаланади:

$$ФК = АФ / Т$$

Ушбу боғлиқликни меҳнат унумдорлигининг умумий самарадорлигига таъсирини куриб чиққан ҳолда ҳисобга олиш зарур. Ҳақ хўжалиги нуқтаи-назаридан ҳар қандай ошinish эмас, балки жонли меҳнатни тежаш. Унинг техника билан қўриланиш қўлами ўсishiга кетган қўшимча харажатларни, мумкин қадар қисқа муддатларда қонлайдиган даражада ошinishига самаралидир.

Фонд самараси (ФС) асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. У асосий фондлар муайян миқдорига тўғри келадиган маҳсулот миқдори билан ўлчанади:

$$ФС = \frac{ММ}{АФ}$$

Бу ерда :

ММ — Маҳсулот миқдори;

АФ — асосий фондларни ўртача йиллик қиймати.

Фонд самарасининг итисодий маъноси бир сўмлик фонддан фойдаланиш ҳисобига неча сўмлик маҳсулот олинди деган сўроққа жавоб беради. Бу кўрсаткич қанча катта бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунчалик ортади.

Фонд самараси, меҳнат унумдорлиги ва меҳнатининг фонд билан қуролланиши ўртасида мустахкам алоқа мавжуд:

$$\text{ФС} = \frac{\text{МУ}}{\text{ФК}}$$

Бу ерда: МУ — Меҳнат унумдорлиги;

ФК- меҳнатни фонд билан қуролланиши.

Юқоридаги боғлиқликдан шу нарсга келиб чиқадики, меҳнат унумдорлиги меҳнатни фонд билан қуролланишига қараганда тезроқ ўсиб боради тақдирдагина фонд самараси ошади ва аксинча, агар меҳнат унумдорлигининг ўсиши фонд билан қуролланишининг ўсишидан орқада қолса, фонд самараси камади.

Фондларнинг самарадорлик даражаси маҳсулотнинг қўшимча ўсишидаги салмоғи бўйича аниқланади. Маҳсулотнинг қўшимча ўсиши бир томондан мутлоқ сўммасини ўсиши аъзаига (М) ҳосил бўлади:

$$M = (\Phi - \Phi_0) \cdot \Phi C_0$$

Бу ерда:

ΦC₀ — базис даврдаги фонд самараси;

Φ ва Φ — базис ва ҳисобот йилдаги асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати.

Маҳсулотнинг қўшимча ўсиши иккинчи томондан фондлардан фойдаланиш даражаси аъзаига (М) амалга оширилади.

$$M_2 = (\Phi C - \Phi C_0) \cdot \Phi_1$$

Маҳсулотларнинг умумий қўшимча ўсиши ҳар иккала кўрсаткич натижаларини қўшиб ердамида ҳисобланиши мумкин. $M = M_1 +$

M_2

Нихоят ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлил қилишда бу ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарф қилинган капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Капитал қўйилмалар бирлигига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, соф миллий маҳсулот қуйидаги формула билан топилади:

$$C = \frac{\text{ЯИМ ёки МД ёки СММ}}{\text{КҚ}}$$

Бу ерда:

C- капитал қўйилмаларнинг самарадорлик даражаси;

ЯИМ – ялпи ички маҳсулотни қўпайиш қисми;

СММ – соф миллий маҳсулотнинг қўпайиш қисми;

КҚ- капитал қўйилма ҳажми.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар самарадорлик даражасини ифодалайди.

3-§. Табиатни муҳофаза қилишнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти ва уни ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими

Инсон камол топишида табиат икки асосий вазифани бажаради:

Табиат барча “бойликларнинг омаси”, ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларнинг манбаи, шунингдек, истикомат қилинадиган муҳитки, уни сақлаб қолмай туриб, жамиятнинг нормал яшаши, одамзот ҳаётининг давоми этиши мумкин эмас. Юқорида келтирилган ҳар икки вазифани табиат доимий равишда бажаради, лекин уларнинг аниқ мазмунини ўзгаради. Табиат ролининг такрор ишлаб чиқаришдаги биринчи туб ўзгариши йирик манзилда ишлаб чиқариш вужудга келиши билан содир бўлади: жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлиги кучаяди, такрор ишлаб чиқариш жараселарига табиат воситалари ва кучлари тобора кўн ва мутассил жалб этилади.

Кейинги вақтда эса жамиятнинг табиатга тазйиқи шу қадар уса бошладики, табиий муҳитни сақлашга махсус қаратилган фаоллият доирасига эҳтиёж табиий равишда пайдо бўлди.

Фан-техника инқилоби ва ишлаб чиқаришнинг ҳар тамонлама интенсификаштириши шароитида табиатнинг ишлаб чиқаришдаги ролни ва унинг ўзгаришида янги, қоят зиддиятли йўналишлар ривожланди. Бу бир томондан, ҳозирги замон технологиялари ишлаб чиқаришнинг табиий омилга боғлиқлигини камайитиришга имкон бермоқда. Иккинчи томондан, унинг аҳамиятини кучайтмоқда: такрор ишлаб чиқариш жарасинга илгари қўлга киритиш мумкин бўлмаган ресурслардан, шу жумладан, жаҳон океани хазинасидан олиш мумкин бўлмаган ресурслар жалб этилмоқда, айрим ишлаб чиқариш жараселарини фазога, шунингдек, ер қаърига кўчириш тобора реал тус олмақда.

Табиий муҳитнинг салбий томонга ўзгариши кишилар саломатлигига жиддий зарар етказмоқда. юрак-қон томир тизими ҳамда хавфли ўсма касалликлари қўпайишнинг асосий сабабларидан бирига айланмоқда.

Шундай экан, бутун биринчи навбатда табиатни муҳофаза қилиш ҳақида жиддий тадбирлар белгилашимиз ҳамда экология муоммоларини хал этиш йўлларини кўрсатишимиз лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида табиатни муҳофаза қилишнинг статистик кўрсаткичлар тизими қуйидагиларни тақазо этади:

-чиқитсиз технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этилишини;

-химоя инноватлари яратилишини;

-чиқиндиларни йиғиш ва кейин қайта ишлаш, уларни ёқиб, ҳосил қилинган иссиқликдан фойдаланиш, фойдали қисмларини ажратиб олиш ва бошқаларни статистик урганишини.

Хўжса қилиб айтганда, миллий иқтисодиёт самарадорлигини ошириш провард натижада республикамиз аҳолисининг моддий ва маънавий шароитларини яхшилланишига олиб келади.

Миллий иқтисодиёт самарадорлиги ошишига, айниқса, ишлаб чиқариш жараёнига янги техникани жорий қилиш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш кучли таъсир кўрсатади.

Ўз ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётни самарадорлик статистикаси олдида қандай вазифалар туради?
2. Самарадорлик нима ва у меҳнат унумдорлиги билан нима: билан фарқ қилади?
3. Меҳнат унумдорлиги қандай усулларда ҳисобланади?
4. Фонд самараси (қайтими) қандай ҳисобланади ва унинг моҳиятини тушутиринг.
5. Капитал қўйилмалар самарадорлиги деганда нимани тушунасиз?
6. Маҳсулотни қўшимча ўсишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
7. Табиатни муҳофаза қилишни ифодаловчи статистик кўрсаткичларни тушутиринг.

14 - БОБ. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ СТАТИСТИКАСИ

1-§. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

"Аҳоли турмуш даражаси" категорияси иқтисодий адабиётларда турли хил талқин қилинади. Шунинг учун уни аке эътирадиган кўрсаткичлар тизими ҳам хилма-хил бўлиб асосийлари қуйидагилардир:

- аҳолининг даромадларини аке эътирувчи кўрсаткичлар;
- аҳолининг моддий бойликларини ва хизматлари сотиб олинга қилган харажатларини аке эътирувчи кўрсаткичлар;
- жамғаринг;
- йиғилган мулк ва аҳолининг уй-жой билан таъминланган даражаси;

аҳоли даромадларини дифференциялан, камбағаллик даражаси ва унинг чегараси;

- иқтимоий-демографик таъсирномалар;
- аҳолининг турмуш даражасини умумий баҳолаш.

Бу кўрсаткичлар тизими мамлакат умумий иқтисодиётига умумий таъсирини, айрим мамлакатлар иқтисодиётини ўқинтириши имконияти билан бирга, давлатнинг иқтимоий сифатини ва аҳоли айрим гуруҳларини иқтимоий ҳимоялан сифатини яқин чизди имкониятини беради. Улар кўпроқ аҳоли турмуш даражасини миқдорий томонларини ифодалайди, унинг сифат томонларини эса иқтимоий статистика кўрсаткичлари: аҳоли саломатлигини ҳолати ва уни асраш, истеъмол қилинадиган озиқ - овқат маҳсулотларининг сифати ва таркиби, савдо қилиш даражаси ва таълим, маданият соҳаларининг ҳолати, аҳоли лашетган уй-жойларининг фойдаланиш даражаси ва ҳақоқлар аке эътирилади.

Чет элларида бу кўрсаткичлар аҳолининг турмуш даражасини аниқлаш учун ишлатилади.

Юқорида қайд қилинган кўрсаткичлар тизими аҳоли турмуш даражасини фақатгина бир томонлама ифодалайди ҳалос. Шунинг учун бунда умумий бўлувчи кўрсаткични ҳам аниқлаш лозим бўлади.

Ўамиятирёт фаровонлик даражасини белгилайдиган кўрсаткич, мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар: ЯИМ, МД ва СММ ҳажми ҳисобланади. Бунда ўагармас баҳода ёки долларида ҳисобланган жон бошига туғри келадиган ЯИМ ҳажми кўрсаткичи муҳим ҳисобланиб, уни мамлакатлараро ҳам солиштириши мумкин. Аммо ЯИМ таркибда аҳоли истеъмоли билан боғлиқ бўлмаган харажатлар - армонини асраш, давлат ампарининг сарфини каби харажатлар ётади. Шу сабабли учун аҳоли турмуш даражасини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади: болаларнинг вафот этиш, киши умрининг ўртача узунлиги ва ҳақоқ. Булар аҳоли турмуш даражасининг миқдорий томонини эмас, балки сифат тарафини аке эътиради.

Энг кенг тарқалган кўрсаткич айрим олинган нисон, оила ёки аҳолининг айрим ижтимоий гуруҳлари кулидаги товар ва хизматлар ҳажми ҳисобланади. Бунда уй хўжаликлари олинлари мумкин бўлган товарлар, хизматлар ва корхона активлари ҳажми турмуш даражасиниифодалайдиган энг муҳим индикатор ҳисобланади. Даромадлар истеъмол харажатлари ва жамғариниларни молиялаштириш учун ишлатилади. Улар келишжақда аҳоли томонидан молиявий активларни ва мулкларини (ер, уй ва ҳаққо) сотиб олинн учун сарфланади ва бу ҳам аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатади.

2-§. Аҳоли даромадларини шаклланиши ва унинг таркиби

Аҳоли даромадлари дейилганда уларининг маълум вақт оралиғида (одада бир йилда) олган пул маблағлари ва моддий нсматлари (уй хўжалиғида ишлаб чиқарилгани билан бирга) сўммаси тушунилади.

Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фасолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан олинган фоииз, дивидент, рента шаклида олинадиган даромадларини, қимматли қоғозлар, қўчмас мулк, қимлоқ хўжалик маҳсулотлари, хўнармадчилик маҳсулотларинини сотишдан олинадиган пул тушумлари, ҳар хил хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Аҳоли натурал даромадлари меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжаликлари ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотлардан иборат бўлади.

Даромадларининг бозорли тақсимланиши ишлаб чиқаришининг барча омиллари ўз эгалари даромадлари талаб ва таклифлар қонуни, ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг кейинги унумдорлиғи асосида шаклланишини билдиради. Шу нуқтан назардан талаб унчалик катта бўлмаган малакасиз ишчи кучи эгаларининг кам ва аксинча талаб юқори бўлган малакали (профессионал) касб эгаларининг юқорх даромад олинин тўғри бўлади. Демак, бозор механизми фараюнлик даражасига ҳеч қандай қифолат бермайди.

Шундай экан бозор иқтисодиётига йўл тутган мамлакатларда давлат томонидан амалга ошириладиган, кенг ижтимоий тадбирларни билдирувчи «ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиғи» рояси алоҳида омманвийлик касб этади. Бунинг матиюси, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар реал ҳаётида даромадларининг тақсимланиши нафақат бозор кучларининг эркин ҳаракати натижасида, балки уларининг турли оқимларини уларни қийта тақсимлаш йўли билан давлат томонидан тартибга солиш асосида амалга оширилади. Бонқача айтганда, жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари тартибга солинади, яъни жамият катламлари, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ва улар ичидаги мунособатлар сақлаб турилади, жамият аъзоларининг ҳаёт даражаси ва фараюнлигини ошириш учун шароит таъминланади, уларининг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашини учун иқтисодий рағбатларни

шакллантиришида ижтимоий кафолатлар яратилади. Қисқаси, давлат аҳоли даромадларини шакллантириш сиёсати билан шуғулланади ва шу орқали маълум даражада ижтимоий адолат таъминланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўртача даромад ўртача синф деб аталадиган гуруҳларнинг даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гуруҳдаги истеъмолчилик халтаси тўйламига уй, автомашина, дала ховли (дача), замонавий уй жиҳозлари, сайр қилиш ва болаларни ўқитиш имконияти, қimmatли қоғозлар ва зебу зийнатлар киради. АҚШ да ҳар бир оиланинг шахсий ўртача даромади 80-йилнинг ўрталарида 32.7 минг доллар атрофида бўлган. Ҳарб давлатларида ўртача синф даромадлари нафақат меҳнати натижаси бўйича тақсирланга, балки мулкка эгаллик қилиш (кўчмас мулк, қimmatли қоғозлар ва бошқа) даражаси билан ҳам боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти аҳолисининг юқори даражада таъминланган ёки «бой» қатлами мавжуд бўлишини тақазо қилиб, бундай қатламга аҳолининг юқори сифатли товар ва хизматлардан фойдаланишига эришишга лозиматли жуда оз қисми киради. АҚШ да бу қисмининг имконияти 8-10 млн. доллар баҳоланади. 80-йилларининг ўрталарида улар АҚШлик бутун аҳолисининг 0,25 фоизини ташкил қилган.

3-§. Аҳоли даромадлари ва ҳаражатлари баланси

Даромад - дейди инглиз иқтисодчиси Дж Хикс - маълум даврда хўжалик юритувчи субъектининг хусусий кинитали камиймаган ҳолда истеъмол учун ишлатилишини мумкин бўлган максимал сўммангифодалайди.

Уй хўжаликларининг даромадлари қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади:

- бирламчи даромадлар;
- ихтиёрдаги даромадлар;
- корректировкаланган ихтиёрдаги даромадлар.

Уй хўжаликларининг бирламчи даромадлари - қўшилган қийматини бирламчи тақсимлаш натижасида олинган даромад: уни ҳақидан, хар хил даромадлардан мулдан олинган соф даромаддан, уй жойдан фойдаланишдан олинган даромадлардан ташкил тонади.

Уй хўжаликлари бирламчи даромадларини ўз ахтиёрлари учун учун тўлиқ ишлата олмайдилар: солиқлар, ижтимоий сугурта ажратмалари, жарима ва ихтиёрини бадаллар тўлайдилар ва бошқа соҳалардан жорий трансфертлар оладилар (пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва ҳақозо), натижада уй хўжаликларининг ихтиёрдаги даромадлар ҳосил бўлади:

$$\text{ИД} = \text{БД} + \text{ЖТ}$$

Бунда: ИД - жорий трансфертлар қолдиғи, у иқтисодиётнинг бошқа секторларига берилган ва улардан олинган трансфертлар фарқига тенг.

Уй хўжаликлари ИД ҳисобидан истеъмолни амалга оширадилар. Уларнинг ИД билан истеъмол ўртасидаги фарқи жамғариш суммасини ташкил этади.

Ихтиёрдаги даромадга натурал усулда берилган трансфертлар қўшилса (соғлиқни сақлашга, маориф ва маданият ва ҳақозо) уй хўжалиқларининг ихтиёридаги коррективовкаланган даромадлари ҳисоб бўлади:

$$\text{ТКИД} = \text{ИД} + \text{СТ} \text{ (ижтимоий трансфертлар)}$$

ТКИД уй хўжалиқларининг ижтимоий трансфертларини ҳисобга олган ҳолда охириги истеъмоли ҳажминини аниқлаш имкониятини беради. Бундай тизим киритилган истеъмол кўрсаткичи амалдаги охириги истеъмол ҳажминини ифодалайди. Бу кўрсаткичнинг аниқлаш айниқса иқтисодий нисвоҳотлар утказилаётган даврда муҳим ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аввал аҳолига бепул кўрсатилган ижтимоий йўналишдаги қўп хизматлар бозор ҳусусиятига эга бўлади. Шуларни эътиборга олиб юқорида баён этилган даромад кўрсаткичлари ичда энг муҳими ТКИД ҳисобланади.

Уй хўжалиқларининг охириги истеъмол учун ҳаражатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- истеъмол товарларини сотиб олиш ҳаражатлари;
- истеъмол хизматларини сотиб олиш ҳаражатлари;
- уй хўжалиқларининг ўз хўжалиқларида етиштирган маҳсулотларининг натурал шаклда ва пул шаклидаги истеъмоли;
- ўз уйида яшаш ҳаражатлари.

Бу ҳақидаги маълумотлар уч манбадан олинади:

- а) танлама бюджет қўзғатишлари;
- б) аҳолининг пул даромадлари ва ҳаражатлари баланси;
- в) савдо статистикаси.

Жадвал-13

Аҳолининг пул даромадлари ва ҳаражатлари

Б А Л А Н С И
(1997 йил бўйича)

и

Даромадлар	%	ҳаражатлар ва жамғармалар	%
1. иш ҳақи		1. товарлар сотиб олиш ва хизматлар ҳақини тўлаш	70,6
2. иш ҳақидан ташқари даромадлар	45	2. мажбурий ва ихтиёрий тўловлар	5,9
3. пенсиялар	0	3. Жамғармалар ҳажминини ортириш	
4. стипендиялар		4. Уй жиҳаз сотиб олиш	4,5
5. модия тизимидаги		5. чет валютасини сотиб	

тўловлар	13,1	олин	16,0
6. Депозитлар		6. утказиш йўли билан	
7. ЎФХ маҳсулотларининг сотиндан олинган даромадлар		юборилган пуллар	3,0
8. чет эл валюталарини сотиндан олинган даромадлар			
9. бошқа тушумлар			
10. утказиш йўли билан олинган пуллар.	44,4%		
Харжатларнинг даромадлардан ортиги		Даромадларнинг харижатлардан ортиги	

Баланс	Баланс
--------	--------

Балансининг даромадлар қисми маълумотларини бухгалтерия ва статистика ҳисоботлардан, уй хўжалиги бюджетини таълама кузатиш материалларидан, солиқ инспекцияси маълумотлари ва бошқа манбалардан олинш мумкин. Бунда номинал ва реал даромадларини эътиборга олинш шарт, чунки баҳоларининг ўзгаришини сотиб олинш мумкин бўлган товар ва хизматлар ҳажмига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари аҳоли даромадларининг айрим ҳудудлар, иқтисодий тармоқлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида соқинштирини мақсадида жон бонига тўғри келадиған даромадлар ҳажминини ҳисоблаш муҳим ҳисобланади: ўртача ойлик пул даромадлари, бир ҳодимга ҳисобланган ўртача номинал ойлик иш ҳақи, белгиланган ойлик нафақа ҳажми (берилган имтиёзларини ҳисобга олган ҳолда), жон бонига тўғри келадиған иштиёрдаги реал даромад динамикаси, бир ҳодимга ҳисобланган реал ўртача ойлик иш ҳақи динамикаси, белгиланган реал ойлик нафақа ҳажми динамикаси ва ҳақозо.

Номинал даромад - пул шаклидаги жамин даромадини ўл ченга олдан.

Реал даромад - истеъмол товарлари ва хизмат-хизматларда инфодаланган даромадлар бўлиб, пул даромадларининг харид қобилиятинини билдиради, турмуш даражасини умумлашган ҳолда таърифлайди. У жамининг пул даромадларидан турли тўловлар (соқинлар, ижтимоий сугурта тўловлари) чегириб танлангандан кейин қолган қисми - соқф пул даромадининг нарх ўзгаришининг нисбатан ҳисоблаш натижасида топилади.

Реал даромад соқф пул даромади миқдорига тўғри мутаносиблигида, нарх даражасига текхари мутаносиблигида ўзгаради:

$$D = D_i / P_i$$

Масалан, 1993-1998 йилларда аҳолининг соқф пул даромади 2,6 марта, нархлар 2 марта ушган бўлса:

$$D = Di / Pi = 2,6 / 2,0 = 1,3.$$

Демак, 5 йил давомида реал даромад 30% га ўсган бўлади.

Даромад турлари хар хил бўлади:

- шахсий:
- фирма даромади;
- давлат даромадлари.

Шахсий даромад айрим киши ёки оила даромадидир. У ялпи миллий маҳсулотни тақсимлаш орқали ҳосил бўлади. Масалан, 1995 йили Ўзбекистонда ЯИМ 148,5 млрд. сўм бўлган маҳсулотнинг 145,0 млрд. сўми аҳоли даромадига айланди.

Даромаднинг ҳосил бўлиши тақсимот қоидаларига асосланади - яъни кишилар иқтисодиёт субъектлари сифатида жамиятда яратилган маҳсулот ва хизматлардаги ўз улушини ресурсларни нақадар самарали ишлатишларига қараб даромад шаклида олади.

Даромаднинг узини икки турга бўлиш мумкин: биринчиси - меҳнат билан олинган даромадлар, унга иш ҳақи, менежер даромади ва бизнесда бевосита катнашган тадбиркор даромади киради; иккинчиси - мулкдан келган даромад, унга фойда, рента, фойз ва дивидент киради.

Уй ҳўжаликлариининг охириги истеъмол учун харажатлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- истеъмол товарларини (уй ва квартиралардан ташқари) сотиб олин харажатлари;
- истеъмол хизматлари учун тўловлар;
- уй ҳўжаликлари томонидан ўз истеъмол учун ишлаб чиқарилган натурал усуддаги маҳсулотлар;
- иш ҳақи сифатида олинган натурал усуддаги тўловлар;
- уз уйида яшаш учун кўрсатилган хизматлар.

Даромадлар ва харажатлар орасидаги боғланиш ва уларнинг динамикасини ўрганиш мақсадида эластиклик коэффициентни ҳисобланади:

$$K_{\Delta y} = (\Delta y / y_0) / (\Delta x / x_0)$$

Бунда: y ва y_0 - базис ва жорий даврдаги истеъмол даражаси;

y - жорий даврда базис даврга нисбатан даражасининг ўзгариши;

x ва x_0 - базис ва жорий даврдаги аҳоли жон бошига тўғри келадиған ўртача даромад (ёки товарларнинг баҳоси);

Δx - аҳоли жон бошига тўғри келадиған ўртача даромаднинг ўзгариши: $\Delta x = x_1 - x_0$.

4-§. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи яқунловчи кўрсаткич сифатида инсон нуқсониятларининг ривожланиш индекси (ИИРИ) ни ҳисоблаш мумкин. У уч кўрсаткич индексида ташкил топади:

-инсон умрининг келажакдаги узунлиги;
 -саводлилик даражаси;
 -жон бошига тўғри келадиган, доллорда ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми.

ИИРИ юқоридаги уч индекснинг ўртача арифметик даражасидан келиб чиқади. Хар бир кўрсаткич индекси қуйидагича ҳисобланади:

$$Y_i = (x_i - x_{i \min}) / (x_{i \max} - x_{i \min})$$

Бунда: X_i - i кўрсаткичнинг амалдаги даражаси.

$X_{i \min}$ ва $X_{i \max}$ - i кўрсаткичнинг максимал ва минимал даражаси.

Инсон умрининг келажакдаги узунлиги индексини ҳисоблашда энг кам умр 25 ёш, энг кўп умр 85 ёш деб олинади:

$$I_1 = (x_1 - 25) / (85 - 25)$$

Саводхонлик даражаси индексини ҳисоблаш икки субиндекснинг ўртача даражасидан келиб чиқади: катта ёшдаги кишиларнинг саводхонлик даражаси, бошланғич, ўрта ва олий ўқув юр்தларида ўқувчиларнинг салмоғи, вазин:

$$I_2 = i_{21} 2/3 + i_{22} 1/2$$

Жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми индекси:

$$I_3 = (x_3 - 100) / (5448 - 100)$$

Бунда X_3 - дунё бўйича 1992 йилда жон бошига тўғри келадиган ўртача ЯИМ ҳажми - 5120\$, 5448\$ эса жон бошига тўғри келадиган энг катта ҳажм.

Натижада ИИРИ = $(I_1 + I_2 + I_3) / 3$.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси бўйича 1992 йилда қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлган:

Инсон умрининг келажакдаги узунлиги - 66,1 ёш, катта ёшдаги кишиларнинг саводхонлик даражаси - 92,4%.

Бошланғич, ўрта ва олий ўқув юр்தларидаги ўқувчилар салмоғи 71%.

Жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми - 4010\$.

У ҳолда :

Жон бошига тўғри келадиган, тузатиш киритилган ЯИМ ҳажми - $5120 - 2(4010 - 5120) 1/2 = 4164\$$.

Келажакдаги умрининг узунлиги индекси $(66,1 - 25) / (85 - 25) = 0,69$.

Саводхонлик индекси $i(21) = (92,4 - 0) / (100 - 0) = 0,97$.

Ўқувчилар салмоғи индекси $i(22) = (71 - 0) / (100 - 0) = 0,71$.

Илм олиш индекси $I_2 = 0,97 * 2/3 + 0,71 * 1/3 = 0,88$

ЯИМ индекси $I(3) = (4164 - 100) / (5448 - 100) = 0,72$.

ИИРИ = $(0,69 + 0,88 + 0,72) / 3 = 0,76$.

Бу кўрсаткич қанчалик 1 га яқинлашса, аҳоли турмуш даражаси шунчалик юқори ва қанчалик узоклашса шунчалик паст бўлади. Аммо бу кўрсаткични ҳисоблаш доимо мунозорали ҳисобланади.

5-§. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш паровитида ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари

Ижтимоий сиёсат - бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тегишлиликни юмлатишга ва бозор иқтисодиёти қатнашчиларни ўртадаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсати.

Бозор мунособатларига ўтиш даврида ижтимоий сиёсат аҳолининг ижтимоий қўллаб қувватлаш ва химоя қилишга қаратилиб, йирик йўналишларда амалга оширилади. Бу сиёсат И.А.Каримовнинг «Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида»¹ китобида тўлиқ баён қилиб берилган.

Аҳолини ижтимоий химоялаш чора - тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш - пархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қардсизланиш даражаси ортиб бориши мунособати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасининг мунтазам кўнаиб бориши ҳисобланади. Буни республикада ўзинга хос ёндашув шартлари ишлаб чиқилиб, унди даромадлар нисбатининг ўзгартириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг жамғарма банклардаги аҳоли омонатлари ставкаларининг миқдорини бир вақтнинг ўзида кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Даромадлар нисбатини ўзгартиришда 1993 йил жорий этилган ягона тариф сётмаси катта аҳамиятга эга бўлди.

Аҳолини ижтимоий химоялашнинг иккинчи йўналиши - ички истеъмол бозорини химоя қилиш, ҳамда озиқ овқат маҳсулотлари ва нозик овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Буни эришишда муҳим маҳсулотлар экспортини божхоналар орқали назорат қилиш ва юқори бож тўловларини жорий этиш, истеъмол молларини сотиб олиш учун ишлатиладиган қўноқларни муомалага киритиш, қўндалик зарур товарларни метъерланган тарзда сотишнинг ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий валюта жорий этилиши билан озиқ - овқат маҳсулотларини метъерланган тарзда сотишдан воз кечиш ва эркин пархларга ўтиш имкони яратилди.

Иқтисодий ислохотларнинг илк босқичида ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи йўналиши - аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий химоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора тадбирлар ўтказилганлиги бўлди. Бу йўналишда аҳолини ижтимоий жиҳатдан пачор қатламлари - пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар ҳамда қайд этилган

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995.

миқдорда даромад олувчи кишилар турли йўллар билан химоя қилиб борилади.

Ялпи ижтимоий химоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш - ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, ижтимоий химоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатидан янги босқич бошланишини билдиради.

Янгиланган ижтимоий сиёсат адолат тамойилларига изчиллик билан риоя қилишга асосланиб, ижтимоий қўмаклашишининг мавжуд усулларини ва пул билан таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақазо қилади. Бу сиёсат ижтимоий химоя аниқ мақсадли бўлишини ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олишини кўзда тутди. Ёрдам тизими фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланилиб, шу мақсад учун давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, турли ташкилот ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан ҳам фойдаланилади.

Ижтимоий қўмаклашнинг янги тизимида болалар ва кам даромадли оилалар ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар ҳисобланиб, улар учун ҳамма нафақа ва моддий ёрдамлар фақат оила орқали етказиб берилади. Бу тизимда кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам маҳалла аҳолиси йиғинида тайинланиб, маҳалла орқали етказилади. Шу мақсадда маҳаллаларда бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди. 1994 йилнинг IV-чорагида шу жамғармалардан белгиланган мақсадлар учун 360 млн.сўм ажратилади.

Ижтимоий қўмаклашишга йўналтирилган янги тизимини меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситалар янги тузилмаси пайдо бўлишини ҳам тақазо қилади.

Шундай қилиб, ислохотлар даврида давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб - қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фиолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи фуқаролар учун тенг шароит ва қўлай имконият яратишга ҳаракат қилади.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. «Аҳоли турмуш даражаси» атамасига таъриф беринг.
2. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни биласизми?
3. Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари балансини тушунтиринг.
4. Уй ҳўжаликларини даромадлари қандай турларга бўлинади?
5. Аҳолини реал даромади нима?
6. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни асосий йўналишларини ифодалаб беринг.

15-БОБ. ҲАМКОРЛИК КОРХОНАЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

1-§. Ҳамкорлик корхоналари тўғрисида тушунча ва статистиканинг вазифалари

Мустақил республикамизнинг халқаро меҳнат тақсимида қатнашувчи кучайтиришнинг асосий йўналишларидан бири хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдир. Хорижий мамлакатларидаги корхоналар, фирмалар, хусусий компанияларнинг сармояларини республикамизга жалб қилишда - улар билан ҳамкорлик корхоналарини тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз Олий Мажлисида «Танқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги қонулар ва Президентимиз томонидан имзоланган «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар», «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва бошқа қатор фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг уларга тегишли бўлган бир қатор қарорлари ҳамкорлик корхоналарини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш учун асос ҳисобланади.

Ҳамкорлик корхоналари - республикамизнинг чет эллик шериклари билан ҳамкорлик қилишнинг янги ва мураккаб шакли бўлиб, унда шерикларнинг мулклари бирлаштирилади, улар ишлаб чиқаришни бошқариш ва маҳсулотни сотиш жараёнида биргаликда қатнашадилар, олинган фойда шериклар ўртасида тақсимланади, шунингдек корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ва тижорат таҳликасини (рискин) баҳам кўрадилар.

Бундай корхоналарни тузиш ва уларнинг фаолияти иқтисодиёт, давлат бюджети, банклар ва маҳаллий бошқарув идоралари билан боғлиқ бўлган масалаларни ечинини тақазо қилади.

Ҳамкорлик корхоналари ишлаб чиқариш, илмий ишлаб чиқариш, илмий техника ва бошқа йўналишларда фаолият юргизиш мақсадида тузилиб, улар бирлашган мулк асосида, шерикларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширадилар.

Ҳамкорлик корхоналарининг иштирокчилари республикамиз томонидан юридик шахс бўлган бир ёки бир неча корхона (бирлашма ва ташкилотлар), чет эл томонидан бир ёки бир нечта юридик шахс бўлган фирма, корпорация ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитларида давлат ва ширкат корхоналари ва ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолиятлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Республикамиз товар ишлаб чиқарувчиларининг ҳамкорлик корхоналарига сарфланган маблағлари уларга даромад-фойда келтириб, амалдаги қонунга кўра республикамиз томонидан ҳамкорлик:

корхоналарида шерик сифатида қатнашган корхонанинг ривожланишига сарфланади. Натижада бу ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширишга, маҳсулот (хизмат) сифатининг яхшиланишига олиб келади.

Ҳамкорлик корхоналари ёрдамида қуйидагиларга эришиш мумкин:
-ҳозирги замон техникаси асосида халқ хўжалигида «заиф» жойларни тугатиб, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш;

-ички ва ташқи бозорда сотиладиган юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган республикадаги янгиланган ва кашфиётларни жадал жорий қилиш;

-ҳамкорлик корхоналарини истеъмол қиладиган тармоқлардаги ишлаб чиқариш ускуналарини янгилаш;

-республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг техникавий даражасини кўтариш ва уларнинг экспорт потенциалини оширишга олиб келувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

-механизациялаш, автоматлаштириш, ресурсларни тежаш, оғир қўл кучидан фойдаланишни тугатишга қаратилган ва иктимой самарага олиб келувчи машина, ускуна, транспорт воситалари ва бошқаларни ишлаб чиқариш;

-Республика эхтиёжларини қондирувчи ва ташқи бозорда рақобатли бўлган маҳсулотларни табиий ва икклимчи ресурслардан комплекс фойдаланиб ишлаб чиқариш;

-чет элдан олиб келинаётган маҳсулотларга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, чет эллар билан ҳамкорлик жадал суръатларда олиб борилмоқда. 1992 йил бошларида дунёнинг 35 та мамлакати билан 150 та ҳамкорлик корхоналари қайд қилинди. Уларнинг 22,1 %и - АҚШ ва Канада билан, 32,2%и - Ғарбий Европа, 12,6% Шарқий Европа, 26,5%и - Осиё ва Австралия мамлакатлари билан тузилди. Ҳамкорлик корхоналарининг 60% ривожланган мамлакатлар билан биргаликда ташкил этилди.

Қайд қилинган ҳамкорлик корхоналарининг асосий қисмида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишламоқда, 44,9 %да эса саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳамкорлик корхоналари устав фондининг ҳажмига кўра қуйидагича тақсимланган:

1 млн.сўмгача - 54,4 %;

1млн.сўмдан 10 млн. сўмгача 34,8%;

10 млн.сўм ва ундан юқори - 10,8%.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 80 дан ортиқ хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 3600 дан зиёд қўнма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Қўнма корхоналар айнан мамлакатимиз саноатини ривожда янги даврни бошлаб берди. Қисқа вақт ичида автомобилсозлик, қурилиш, телекоммуникация каби соҳаларда оламшумул ютуқларга эришдик.

Кейинги йилларда қўшма корхоналарининг Ўзбекистон иқтисодийтини юксалтиришга қўнган хиссаси сезиларли даражада ортиб кетди. Масалан, 1994 йилда республикада ишлаб чиқарилган янги ички маҳсулотнинг бор йўғи 2,6%и қўшма корхоналар хиссасига тўғри келган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 13% дан ортиб кетди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиб, жаҳон бозорига кириб бorgan маҳсулотлар ҳажми шу давр ичида 16 баробар қўнади.

Ҳамкорлик корхоналарини ўрганишда статистика олдига қуйидаги вазифалар турибди:

- республикада қайд қилинган ҳамкорлик корхоналарининг сон ва минтакалар бўйича тақсимланишини аниқлаш;
- ҳамкорлик корхоналарининг халқ ҳўжалиги тармоқлар бўйича тақсимланишини ўрганиш;
- ҳамкорлик корхоналарининг молиявий ва иқтисодий фаолияти натижаларини статистик кўрсаткичлар ёрдамида ифодалаш;
- ҳамкорлик корхоналари фаолияти самарадорлигини янада оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш;

2-§. Ҳамкорлик корхоналарининг шакллари ва белгилари

Республикада ҳамкорлик корхоналарининг классик шакли кенг тарқалган. Классик шакллар қуйидаги белгилар мавжуд бўлишини тақазо қилади:

- устав фонди ёки устав капиталининг мавжудлиги;
- ташкилий структуранинг мавжудлиги, яъни ҳамкорлик корхоналари структурасида бўлимлар, қисмлардан ташқари ҳар бир шерик ўз вақилига эга бўлиши, компания ва фирмалар устав фондидаги хиссасидан қатъий назар ўз вақилини тайинлаши ёки бирор шахсга вакиллик қилиш учун ишонч билдириши мумкин;

- ҳамкорлик корхоналарининг юридик шахс ҳисобланиши.

Ҳамкорлик корхоналари контракт шаклида ҳам тузилади. Улар классик шаклидаги ҳамкорлик корхоналаридан фарқли ўлароқ, қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- қўшма устав фонди ва устав капитал тузилмайди;
- бир неча ёки битта шерикнинг ҳамкорлик корхоналари таркибиде вакиллар бўлишининг шарт эмаслиги;
- кўп ҳолларда бундай корхоналар юридик шахс ҳисобланмайди.

Контракт шаклидаги корхоналарда томонлар ўзларига мажбурийат (биринчи навбатда молиявий) оладилар. Улар тегишли тарзда маблағлар ажратишди ва фойдадан ўз хиссаларини оладилар. Бунда били томонларининг бошқарувда қатнашувлари шарт эмас.

Ҳамкорлик корхоналарининг контракт шакли Хитой Халқ Республикасида кенг тарқалган. У ерда умумий ҳамкорлик корхоналари сонидан 48 фоиз шу шаклда ишлайди.

ХХР да иқтисодий ислохотлар бошланган даврларда чет элда яшаётган хитой миллатига мансуб тадбиркорлар ўз сармояларини

мамлакат иқтисодийтини ривожлантириш учун қўйдилар ва шу асосда ҳамкорлик корхоналарини туздилар. Улар корхоналарини бошқаришда иштирок этмасалар-да, фойдадан ўз улушларини олиб турдилар.

Охириги йилларда ҳамкорлик корхоналарининг контракт шакли Шарқий Европа мамлакатларида ҳам кенг тарқалди.

Хозирги вақтга қадар ташкилий - ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳамкорлик корхоналарининг қуйидаги шакллари шаклланди:

- акционерлик жамиятлари;
- жавобгарлиги чекланган жамиятлар;
- тўла ўртоқлик;
- командатив-ўртоқлик.

Акционерлик жамияти - капитални концентрациялаш ва тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий шаклларида бири бўлиб, унда индивидуал капиталлар акциялар чиқариш ва уларни сотиш натижасида умумлаштирилади. Улар юридик шахс ҳисобланади ва олинган мажбуриятлар учун уларга тегишли бўлган мулк билан жавобгар ҳисобланадилар. Ҳар бир акционернинг жавобгарлиги унинг акцияси қиймати билан чегараланади. Европ мамлакатларида акционерлик жамиятлари кенг тарқалган.

Чегараланган жавобгарликдаги жамиятларда фирмалар фаолиятидан катташувчиларнинг жавобгарлиги уларнинг қўшган хиссаларига мутаносиб тарзда тақсимланади. Одатда улар акциялар чиқармайдилар ва шунинг учун қўшмача ёниқ тидаги акционерлик жамиятлари деб ҳам эритилади.

Тўла ўртоқлик шаклида жавобгарлиги чекланган жамиятдан фарқли ўлароқ ўртоқликнинг барча аъзолари тўла жавобгардир. Бу шаклнинг ижобий томони - тадбиркорлик фаолияти учун вақтинча ситиммай турган мабла - капитални мол-мулкларини гаровга қўйиш имкониятининг яратилишидир. Бироқ бунда ўртоқликка кирган ҳар бир аъзони нихоятда синчковлик билан танлаш тақазо қилинади.

Командатив ўртоқлик иккинчи ва учинчи шакллариинг ҳаттиҳмасидан ҳосил бўлган, яъни шерикларининг бир қисми чегараланган жавобгарликка эга бўлса, бошқа қисми тўла жавобгарликда бўлади.

МДХ мамлакатлари ва Ўзбекистон Республикасида асосан биринчи ва иккинчи шакллар тарқалган.

3-§ Ҳамкорлик корхоналарини тузиш жараёни

Ҳамкорлик корхоналари тузиш жараёнини тўғри босқичга ажратиш мумкин;

■ тайёргарлик,

- масаланинг ҳуқуқий идораларда ҳал қилиниши;
- тасис ҳужжатларни имзолаш;
- қайд қилиш.

Охириги учта боскич ҳукукий идораларда ҳал қилинади. Биз уларни урганиётган статистик масалалар доирасига киритмасликни лозим топдик.

Тайёргарлик боскичи ҳамкорлик корхоналари ихтисослашмоқчи бўлган маҳсулот ёки хизматга бўлган талабни урганишдан бошланади. Бунинг учун махсус ахборотномалар тузилиб, бунда ҳамкорлик корхоналари маҳсулотига потенциал харидорлар рўйхатга олинади. Рўйхатдагилар билан аълоқа урнатилиб, уларнинг маҳсулот ёки хизматга кизиқишлари аниқланади. Шуларни ҳисобга олиб, қанча, қаерга ва қандай маҳсулот кераклигининг минимал ҳажми белгиланади. Шу билан бир каторда «янгидан велосипед ихтиро қилмаслик» учун патент ахборотлари таҳлил этилади. Бу боскичда шунингдек ишлаб чиқариш босқичининг схемаси тузилади;

■ ишлаб чиқариш қайси хом-ашё, ускуна ва технология асосида амалге оширилади (масалан хом-ашё Ўзбекистон Республикасидан, ускуна ва технология эса чет элики ёки аралаш вариантлар);

■ ишлаб чиқариш бизнинг Республикамиздами ёки чет элдами.

Мўжаралар жараёнида бу масалалар ҳал қилиниши лозим. Қўшимча чет эллик шериклар сўмининг баркарорлиги туфайли маҳсулотларни чет элга олиб чиқиб кетишга ҳоҳиш билдирадилар.

Ҳамкорлик корхоналарини тузишдаги тайёргарлик боскичи чет эллик шерикни излаш ва уни танлаш билан якунланади. Бу иш қўйидаги кетма-кет боскичларни қамраб олади:

-ҳамкорлик корхоналарда катнашиши мумкин бўлган шериклар доирасини аниқлаш. Бунда ўхшаш маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарадиган барча майда ва ўртача фирмалар куриб чиқилади;

-қизиқиш билдирган чет эл фирмаларидан таклифларр олиш ва тақдим қилинган таклифларини техник-иқтисодий баҳолаш. Бунда улар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш имкониятларини ҳисобга олиш зарур;

-дастлабки таҳлил натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорлик корхоналари учун шерикни узиш- кесил танлаш.

Ҳамкорлик учун шерикларни фирмаларнинг кўرғазмаларидан, проектлардан қидириш лозим. Уларда фирмаларнинг молиявий ҳисоботлари келтирилади. Бизни ҳолларда маслаҳат беришга ихтисослашган фирмаларга мурожаат қилиш мумкин.

Агар ҳамкорликка қизиққан фирмалар бир нечта бўлса, улар ўртасида танлов ўтказилиб, танловга жавоб берадигани танлаб олинади.

Танлов ўтказиш учун шерикларга қўйидаги ҳужжатлар жўнатилади.

-ўзи ҳақида тўла тавсифнома берилган илова хати;

-анкета саволлари;

-тендер таклифи шакли.

Анкета-саволлар ўз навбатида учта қисмдан иборат бўлади:

-фирма тўғрисида асосий маълумотлар (номи, манзили, қайт рақами, почта реквизитлари, телефон, факс, ҳамкорлик корхоналарида қатнашини тажрибаси ва ҳакозо);

-молиявий ахволи (устав капиталининг ҳажми), охириги 2-3 йилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси, унга хизмат қиладиган банклар номи);

-фирма таркиби (банд бўлганлар сони, бўлимлар таркиби ва бошқалар);

Тендер таклифи шакли 3 қисмдан иборат бўлади:

-умумий маълумотлар (номи, манзили, нашр маълумотлари);

-офферент (корхонани ким ташкил қилиши). Бунда белгиланаётган шерик ўзига тегишли молиявий ва моддий техника воситалари, ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиб, розилик билдиради;

-хисса миқдори ва таркиби. Бу бўлим одатда жадвал шаклида берилади.

Жадвал-14

Хисса миқдори ва таркиби

	Хисса элементлари	Ўлчов бирлиги, донг, доллар, сўм.	Миқдори ва қиймати	
			асосий таклиф	муқобил таклиф
1	Пул хиссаси: -чет эл валютасида -сўмларда			
2	Машина, ускуна ва материаллар			
3	Санajat мулкига ҳуқуқ			
4	«Инжиниринг» хизматлари			
5	Кредит ва ҳакозо			

Бу жадвални шерик ундаги ёзувлар асосида тузиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатилган барча илова ва ҳужжатлар фирмага жўнатилади. Унда тўлов шартлари ҳам кўрсатилади.

Таълиф жараёнида шерикларни таълаш учун икки хил усулдан фойдаланиш мумкин:

-фонд;

-бэл.

Фонз усули бўйича баҳолашни ўтказишдан олдин ҳар бир тендер таклифи учун муҳим бўлган бир хил қиймат компоненталарининг рўйхати тузилади:

-ускуна ва материаллар (керак бўлган тақдирда турлари, номланиши ва техникавий даражалари бўйича);

-лицензия, ноу-хау;

-«инжиниринг» типдаги хизматлар;

-устав фондига қўйилган маблағлари (сўм ва чет эл ваююталарида).

Сўнгра рўйхатга киритилган ҳар бир ташкил этувчининг фонзлардаги улушларига эксперт баҳоси берилади. Уларнинг йиғиндиси 100 фонзгага тенг бўлиши керак. Масалан, асосий технологик ускунанинг аҳамияти 25% ва ҳақозо қилиб белгиланиши мумкин. Кейин экспертиза, яъни бир хил компонентларга фирмалар бўйича эксперт баҳоси берилади.

Шу тарзда тендер таклифларини ўзаро таққослашга имконият яратилади.

Бир хил кўрсаткичларнинг айрим таклифлар бўйича умумий баҳони (z) A,B,C,D,E,F аҳамияти миқдори (салмоқларда) «у» га кўпайтириб топилади:

$$z(A) = A \cdot y(A); z(B) = B \cdot y(B); z(C) = C \cdot y(C); z(D) = D \cdot y(D); z(E) = E \cdot y(E); z(F) = F \cdot y(F);$$

Танловда қатнашаётган ҳар бир фирма бўйича умумий кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

$$\Sigma z = z(A) + z(B) + z(C) + z(D) + z(E) + z(F)$$

Мисолнимизда умумий кўрсаткич бўйича энг катта миқдор 2-фирмага тегишли бўлганлиги учун, у танловда фонз усули бўйича ғолиб деб топилади.

Жадвал-15

Тендер таклифларини фонз усулида баҳолаш натижалари

	Оффорентлар, таклиф компонентлари	компонент аҳамияти	Фирмалар									
			1		2		3		4		5	
			y	z	y	z	y	z	y	z	y	z
1	Ускулалар материаллар:											
	-асосий технологик (А)	25	25	60	15	90	27,7	70	17,5	75	18,8	60
	-ёрдамчи (В)	5	70	3,5	70	3,5	75	3,8	60	3,0	60	3
2	Саноат мулкига ҳуқуқ (С)	20	90	18	80	16	70	14	80	16	60	12
3	Ўзла мобиллари (Д)											
	-чет эл валютасида	25	60	15	90	27,7	70	17,5	75	18,8	40	8

	сўмларда	10	50	5	70	7	80	6	65	6,5	50	5
4	«Инжиниринг» типдаги хизматлар (Е)	10	70	7	85	8,5	75	7,5	80	8	70	7
5	Бошқалар (Г)	5	40	2	80	4	60	3	50	2,5	40	2
	Ҳами	5	100	-	65,5	-	94,0	-	69,3	-	73,6	0

Бал усулини қўллашда ҳам фоиз усулидага каби бир турдаги энг муҳим қиймат компонентларининг хар бир таклиф бўйича рўйхати тузилади. Бунда эксперт баҳолаш, танланган компонент бўйича салмоқлар балларда ифодаланади. Одатда энг катта бал «3» бал деб белгиланади(уч баллик баҳолаш тизимида).

Жадвал-16

Тендер таклифларини балл усулида баҳолаш натижалари

Танловда қатнашадиган фирмалар	База метёрлари				Ҳами
	ускуна ва материаллар	саноат мулкига ҳуқуқ	пул маблағлари, чет эл валютаси	«Инжиниринг» типдаги хизматлар	
Аъло	3	1	2	1	7
В	2	2	3	2	9
С	1	3	1	2	6

3 - яхши даража.

2 - қониқарли даража.

1 - қониқарсиз даража.

Баллар бўйича баҳолашда энг кўп бал тўнлаган фирма танлаб олинади.

Мисолимизда энг манфаатли, афзал таклиф киритган ва 9 бал тўнлаган В фирмаси танлов ғолиби деб тан олинади.

4-§. Ҳамкорлик корхоналарининг молиявий фаолияти кўрсаткичлари

Ҳамкорлик корхоналари(ҲК)ни тузиш ва улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда ҳамкорлик корхоналари шериклар ва давлат бюджетига ажратган фойда битимида белгиланган даврлар бўйича фоизларда ҳисобланади. Динамикада, яъни йиллар бўйича олинган фойда харажатлар билан таққосланса томонларининг ҳамкорлик фаолиятларида ҳўжалик бирликлари сифатида қатнашини самарадорлиги аниқланади.

ҲК лари фаолиятининг барча молиявий кўрсаткичлари маҳсулотни сотишдан олинган тушум В ни аниқлашдан бонистадин.

$$B_i = (B_{bi} + B_{bci}) * K + B_{ci} (1)$$

Бу ерда:

B_t - t - йил мобайнида маҳсулотни сотишдан тушган тушум;

B_{bt} - t -йилда ҳамкорлик корхоналари ташқи бозорда маҳсулот сотишдан олган тушум;

B_{bt} - t -йилда ҳамкорлик корхоналари бозорда чет эл валютасини сотишдан олган тушум;

K - чет эл валютасини сўмларга ўтказишдаги Давлат банки курси;

B_{ct} - t - йилда ҳамкорлик корхоналари маҳсулотларини ички бозорда сўмларга сотишдан олган тушум.

Ҳамкорлик корхоналари фаолиятининг молиявий -иқтисодий кўрсаткичлари учун иккинчи муҳим асос маҳсулот ишлаб чиқариши ва сотиш таннарихидир. У айрим маҳсулот турлари ва ҳамкорлик корхонаси бўйича ҳараж: т элементларига кўра аниқланади.

Ҳар бир маҳсулот тури бўйича ҳаражат элементларига қуйидагилар кириди (сўм ва валютада):

- хом ашё ва материаллар;

- бутилаш буюмлари ва ярим фабрикалар;

- ёкилги ва энергия;

- иш ҳақи;

- ижтимоий сўғўртага ажратмалар;

- транспорт ҳаражатлари;

- амортизация (ҳамкорлик корхоналари учун метёр белгиланмайди);

- ижара, рента тўловлари;

- бошқа ишлаб чиқариш ҳаражатлари.

Сўм ва чет эл валюталарида алоҳида ҳисоб юритиш чет элдан келган тушумлар ва хориж билан муомала жараёнидаги ҳаражатларни синчковлик билан ҳисобга олишга ва ҳамкорлик корхонасининг налкита бўйича ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш шароитларини белгиланга қаратилган.

Юқоридаги иккита кўрсаткичдан фойдаланиб, маҳсулотнинг сотишдан олинган фойда ҳажмини аниқлаш мумкин:

$$\Pi_t = B_t - C_t \text{ ёки } \Pi_t = (B_{bt} + B_{bt}) * K - C_t \quad (2)$$

Бу ерда:

Π_t - t - йилда маҳсулотни сотишдан олинган фойда;

C_t - t - йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таннарихи.

B - t -йилда маҳсулотни сотишдан тушган тушум.

Кейин баланс фойдаси ҳисобланади. У маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган фойдага ҳамкорлик корхоналари ҳисобига келиб тушган маблағларни банкда сақлаганлиги учун фоиз тушумларини қўшиш ва кредит фоизлари ҳамда жарималарини айирини орқали топилади.

Ташқи иқтисодий банк ҳисобларида сақланаётган ҳамкорлик корхоналарининг маблағлари (типик ҳолда) ҳар йилги захира фонди.

ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фонди, амортизация ажратмалари йиғиндисидан ташкил топади. Бу маблағларни сақлаганлик учун банк сўм ва чет эл валютаси ҳисобида фонд тўлайди.

Давлат учун солиқ солинадиган фойда миқдори катта қизиқиш туғдиради:

$$П_{\text{ит}} = П_{\text{с}} - ФЗ_1 - Ф_а \quad (3)$$

Бу ерда:

$П_{\text{ит}}$ - t - йилда солиқ солинадиган фойда;

$П_{\text{с}}$ - t - йилдаги баланс фойдаси;

$ФЗ_1$ - t - йилда захира фондига ажратилган сўмма;

$Ф_а$ - t - йилда ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондига йўналтирилган сўмма.

Захира фондига маблағлар ХК лари фаолиятининг дастлабки йилларида ажратилади, чунки улар фойда ола бошлаган дастлабки икки йилда солиқ тўлашдан озод қилинади. Захира фонди миқдори устав фондининг 25 фондига тенг бўлиши керак. Ундан битим ҳужжатларида кўрсатилган ҳар қандай мақсадларда фойдаланилиши мумкин. Бу ҳужжатларда захира фондини қоплаш шароитлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондларидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, турли янги маҳсулотларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадларида фойдаланиши мумкин. Шунингдек, бу фонддан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта ускуналаш мақсадида олинган кредитлар бўйича қаралар ва фондларни тўлаш учун ҳам фойдаланишга рухсат берилади.

Ҳамкорлик корхоналарининг шериклари таянч шартномаси ва техник-иқтисодий асосларда ушбу фондларга фойданинг қанчасини йўналтиришлари, ҳамда улардан қандай мақсадларда фойдаланишларини аниқ кўрсатадилар. Бунда ҳамкорлик корхоналарининг қанча муддатга тузилгани, улар қай тарзда модернизациялангани, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асортиментидаги ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинади.

Ҳамкорлик корхоналари солиқ солинадиган фойдадан давлат бюджетига сўмларда солиқ тўлайдилар. Республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган бундай корхоналар давлат бюджетига тўлайдиган солиқ фойдага нисбатан 30 фондгачани ташкил этади. Эркин иқтисодий минтақалар барпо қилинса, бу миқдор 10 фондгача камайтирилиши мумкин.

Солиқ тўлангандан сўнг қолган фойда соф фойда деб юритилади:

$$П_{\text{чи}}^* = П_{\text{с}} - П_{\text{ит}} * \beta \quad (4)$$

Бу ерда:

$P_{\text{ч}}$ - t- йилдаги соф фойда;

β - t-йилдаги солиқ меъёри;

$P_{\text{ч}} * \beta$ - t-йилдаги фойдадан тўланган солиқ сўммаси;

$P_{\text{б}}$ - t-йилдаги баланс фойдаси.

Ҳамкорлик корхоналари фаолияти учун устивор шароитлар яратиш мақсадида улар эълон қилинган фойда олина бошлаган дастлабки икки йил давомида (очиқ минтақаларда 3 йил) солиқ тўлашдан озод қилинади. Эълон қилинган фойда деганда ҳамкорлик корхоналарининг бухгалтерия балансида ифодаланган фойда тушунилади.

Ҳамкорлик корхоналарининг ҳар бир қатнашчиси учун пировард мақсад - старли миқдорда фойда олишдир.

Шундай қилиб, маълум фондларга ажратмалардан сўнг қолган фойда ҳамкорлик корхоналарининг қолдиқ фойдаси деб юритилади ва у шериклар ўртасида низом фондидаги ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади. Ҳамкорлик корхоналарининг чет эллик шерикларига корхона фаолияти натижасида улар ҳиссасига тўғри келган фойдани хорижий валютада ўтказиш учун кафолат берилади.

Чет эллик қатнашувчига уларнинг фойдасини ҳисоб-китоб қилиш учун уч хил вариантдан бирини танлаш мумкин:

1. Ҳамкорлик корхоналарининг ташқи иқтисодий банкда ўз фаолияти жараёнининг чет эл валюталарига бўлган талабларини қондириш ва чет эллик шеригига тегишли фойда ҳиссасини хорижий валютада тўлаш учун ҳисоб китоб счётларига эга ажнабий шерикнинг фойдадаги улуши давлат банки томонидан ўша кундаги курс бўйича унинг ҳисобига чет эл валютасига ўтказилади. Агар ҳукуматлараро битимларда пул ўтказиш масалалари кўриб чиқилмаган бўлса, фойдани чет элга ўтказишда 20% ҳисобида солиқ белгиланади;
2. Ҳамкорлик корхоналари ўз ишлаб чиқариш фаолияти жараёнлари учун валюта маблағларига эга, бироқ бу маблағ чет эллик шеригининг фойдасини хорижга ўтказиш учун старли бўлмаса, бу фойдани валюта билан қопланган қисми хорижга ўтказилади. Сўм эквивалентидаги фойданинг бошқа қисми республика ҳудудида махсус рұхсатнома бўйича чет эллик шерик учун товарлар сотиб олиш учун фойдаланилади.
3. Агар ҳамкорлик корхоналарида чет элдан илгари олиб келинган маҳсулот (импорт) ўрнини қоплайдиган маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, у ҳолда ҳамкорлик корхоналарининг чет эллик ҳар бир шериги фойдаси валюта қўмитаси билан келишилган ҳолда аниқланади.

Хорижий шериклар учун шериклар ўртасида тақсимланган фойдадан фойдаланишнинг шериклар учун икки йўли мавжуд (танлаб олинган йўл таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бўлиши шарт):

-чет эллик шериклар фойданинг ҳаммасини ёки бир қисминини хорижга ўтказиш (шундай ҳолда ўтказиладиган сўмдан белгиланган тартибда солиқ олинади);

-чет эллик шериклар фойданинг бир қисмидан махсус рухсатнома бўйича республика ҳудудида товарлар сотиб олиш учун фойдаланса, солиқ солинмайди.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Қайси шаклдаги ҳамкорлик корхоналарини биласиз?
2. Ҳамкорлик корхоналарини тузиш нечта босқичдан иборат?
3. Тендер таклифи тўғрисида нималарни биласиз?
4. Ҳамкорлик корхоналарининг молиявий фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни тушунтириб бering.
5. Соф фойда қандай ҳисобланади?
6. Ҳамкорлик корхоналарида чет эллик шерикларни танлашда нималарга эътибор бериш керак?
7. Ҳамкорлик корхоналарини статистик ўрганишда қандай статистик усуллардан фойдаланилади?
8. Ҳамкорлик корхоналарини асосий белгиларини тушунтириб бering.

16-БОБ. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ

1-§. Халқ хўжалиги баланси ва миллий ҳисоблар тизими орасида фарқлар

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида статистика соҳасидаги янги муаммоларни ҳал этиш унинг назарий асосларини қайта кўриб чиқишни, мавжуд статистика амалиётида кескин ўзгаришлар бўлишини таъқозо этади.

Шу мақсадда макрокўрсаткич статистикани ривожлантиришнинг асосий йўналишида туб ўзгаришлар ҳосил қилиш учун Халқ Хўжалиги Балансини (ХХБ) вақтинча сақлаб қолган ҳолда, маҳаллий шароитларга мослашган, республиканинг ўзига ҳос хусусиятларини ақс эттирадиган Миллий Ҳисоблар Тизимининг (МХТ) халқаро стандартини ишлаб чиқиш ва статистика амалиётига жорий этиш лозим бўлади.

Маъмурий-бўйруқбоқлик тизими даврида режа ва амалий ҳужжатларининг асосийси ХХБ ҳисобланар эди. Унинг асосида А. Смит, К. Маркенинг етасий иқтисод таълимотлари: халқ хўжалигини моддий неъмат ишлаб чиқарадиган ва ишлаб чиқариладиган соҳаларга ажратилиш, унумли ва унумсиз меҳнат, жаъми ижтимоий маҳсулот, миллий даромадларни яратилиш, уларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва пиновард фойдаланиш назариялари ётар эди. У мамлакат иқтисодиётини таърифлаш ва таҳлил қилиш, марказдан режаларини тузиш ва моддий воситаларни тақсимлашнинг ташкил этиш учун хизмат қилар эди.

Бутун халқ хўжалиги бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг барча хўжалик бирликлари ўртасидаги мавжуд алоқалар, еҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасига баҳо бериш, меҳнатга ҳақ тўлаш, давлат бюджетини, кредит, тўлов балансини каби тушунчалар ва тавсифлашлар ХХБ да етарлича ўз ифодасини толмаган эди.

ХХБ даромадларнинг ҳаракат жараёнини таҳлил қилишда энг содда усул ҳисобланади.

У фақат товарлар экпорти ва импорти билан чегараланиб, тўлов балансининг энг муҳим хусусиятларини ҳисобга олмайди.

ХХБнинг энг муҳим камчиликларидан бири шундаки, унда моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган маҳсулотларининггина ҳисобга олиб, хизмат кўрсатиш соҳасида кўрсатилган хизматларни (маиший хизматлар, тиббий хизматлари, фан, маориф, маданият ва санъат) унумли ва мамлакатда яратилган даромадда иштирок этмайди деб кўрсатилади.

ХХБ билан МХТ орасидаги асосий фарқ шундан иборатки, МХТ да ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг наизжалари ҳисобга олинган бўлади.

Агар ХХБ балансини иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-бўйруқбоқлик усулига, марказлантирилган режалантириш шароитига хизмат қилган бўлса, МХТ эса бозор иқтисодиёти шароитидаги иқтисодий бошқаришга хизмат қилади.

Миллий Ҳисоблар Тизими авваломбор макроиктисодий кўрсаткичлар тизимини ҳар томонлама ривожлантириш натижасида юзага келди.

МХТнинг асосий вазифаси бир-бири билан ҳамбарчас боғланган иқтисодий операцияларни ўрганишдир.

МХТ - бу, пул (қиймат) шаклида ифодаланган макроиктисодий кўрсаткичларнинг жамланган тизими бўлиб, у мамлакат иқтисодиётини таърифларида ҳамда иқтисодий баёнотлар тузиши ва миллий иқтисодиётни мувофиқлантириш учун хизмат қилади.

МХТ - макроиктисодий кўрсаткичларга алоқадор бўлган жадваллар мажмуасидир.

МХТнинг жадваллари турли-туман баланслардан ташкил топган бўлади. Унинг таркибига кирган жадваллар халқаро статистикада кенг қўлланиладиган макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблашга қаратилган. Шунлардан бири Ялпи Миллий Маҳсулот (ЯММ) кўрсаткичидир.

Ялпи миллий маҳсулот - миллий иқтисодиётнинг ҳам моддий, ҳам номоддий ишлаб чиқариш соҳалари бўйича иқтисодий фаолияти якуний натижаларини тавсифловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Ялпи миллий маҳсулот шу мамлакат корхоналарининг улар қайси давлат ҳудудида жойлашганлигидан қатъий назар иқтисодий фаолият натижаларини ҳисобга олади.

МХТ да ялпи миллий маҳсулотдан ташқари Ялпи Ички Маҳсулот деган макроиктисодий кўрсаткич ҳам мавжуд.

Ялпи Ички Маҳсулот (ЯИМ) - Ялпи Миллий Маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, ушбу мамлакат ҳудудидаги хўжалик бирликлари томонидан моддий бойликлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

ХХБ билан МХТ тизими ўртасидаги фарқни қуйидаги схема орқали кўришимиз мумкин:

Жадвал 16

ХХБ ва МХТ кўрсаткичлари орасидаги умумий боғланишлар

ХХБ Кўрсаткичлари	МХТ кўрсаткичларига ўтиш	МХТ кўрсаткичлари
1. Ялпи ижтимоий маҳт	Пуллик ва бепул кўрсатиладиган хизматлар ҳажми. Ушбу жойлар бўйича шартли квартира тўлови унинг эгалари томонидан тўланади.	1. Ялпи ишлаб чиқариш
2. Моддий ишлаб чиқариш харажатлари	Номоддий соҳалари моддий харажатлар; Асосий фондлар истеъмоли; Хизмат сафари харажатлари; Номоддий хизматлар; тўлов; Маҳсулотдан табиий офатлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда; Ишқотишлар;	2. Оралиқ истеъмо

3. Миллий даромад (1-2)		3. Ялпи қўшилган қўймат 4. Маҳсулотларга соф солиқ 5. Импортга соф солиқ 6. Ялпи ички маҳсулот (ЗК4К5)
-------------------------	--	--

Жадвал-17

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойдаланиш кўрсаткичлари
таъсирининг схемаси (макроиктисодий даражада)

Кўрсаткичлар	НИМ (мах. ва хизматлар)	Халқ ҳўжасининг маҳсулот ва хизматларини фойдаланиши							
		Орлиқ истеъмол		Шахсий истеъмол	Коллектив истеъмол	Касб-ҳўна кўйилмалар ва захиралар ўсиши	Экспорт ва импорт қўлдин	Жами фойдаланиш	Иштироки
		Моддий ва/ё соҳаси	Хизмат кўрсатиши						
A	B	1	2	3	4	5	6	7	8
Моддий ишлаб чиқариш соҳаси	A	A ₁₁	A ₁₂	A ₁₃	A ₁₄	-	A ₁₆	A ₁₇	A ₁₈
Хизмат кўрсатиш соҳаси	B	B ₂₁	B ₂₂	B ₂₃	B ₂₄	B ₂₅	B ₂₆	B ₂₇	B ₂₈
Амортизация ажратилари	-	31	32	-	-	-	-	-	-
Халқ ҳўжаси	C	C ₄₁	C ₄₂	C ₄₃	C ₄₄	C ₄₅	C ₄₆	C ₄₇	C ₄₈

Жадвал-18

МХТ ва ХХБ даги макроиктисодий формулаларнинг жамланганини фойдаловчи кўрсаткичлар.

КўРСАТКИЧЛАР	МХТ	ХХБ
Ялпи ишлаб чиқариш	ЯИЧ=C=A+B ЯИЧ=C=C41+C42+C43 +C44+C45+C46+C47	ЯИЧ=A ЯИЧ=A=A11+A12+A13++A1 4+A15+A16+A17
Орлиқ истеъмол	ОИ=(A11+A12)+(B21+ +B22)	ОИ=A11
Нировард маҳсулот	НМ=C-((C41- Д31)+(C42-Д31))	НМ=A-A11
Миллий даромад	МД=(A+B)- ((A11+B21+Д31))+(A1 2+ +B22+Д32)	МД=A-(A12+Д31) МД=(A12+A13+A14+Д32)+(A16-Д32)+A17

Иккинчи схема маълумотларидан шу нарсаи кўриш мумкинки, ХХБда Ялпи Ишлаб Чиқариш фақат моддий ишлаб чиқариш соҳаси фаолиятини фойдалайдиган бўлса, МХТда бу кўрсаткич моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган иштининг маҳсулотини, пуллик ва бепул кўрсатилган моддий хизматлар ҳажмининг ўз ичига олади.

Оралиқ истеъмол асосан ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланилган воситалар қийматини ўз ичига олади.

Бундан ташқари уларнинг таркибига:

- ишчи ва хизматчилар учун командировка харажатлари;
- помоддий хизматларининг тўлови;
- ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий маданий ҳусусиятта эга

хизматини таъминлаш мақсадида корхоналарни товар ва хизматлар сотиб олишга кетган харажатлари ва бошқалар кирadi.

XXБда оралиқ истеъмол фақат моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги оралиқ истеъмолни ўз ичига оладиган бўлса, бу кўрсаткич МХТда ҳам моддий ишлаб чиқариш, ҳам хизмат кўрсатиш соҳаларида оралиқ истеъмолни ўз ичига олади.

Провард махсуслот бу хизмат кўрсатиш соҳасининг истеъмолга ва жамғаришга сарфланишини ифодалайдиган кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич XXБда моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги Ялпи Ишлаб Чиқаришдан шу соҳадаги оралиқ истеъмол айириб ташлангандан кейинги ҳисслага тенг бўлади.

МХТда эса бу кўрсаткич моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида Ялпи Ишлаб Чиқаришдан моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги оралиқ истеъмолнинг айрилганига ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги оралиқ истеъмолнинг қўшилганига тенг.

Миллий даромад - бу, бирламчи даромадларнинг йиғиндисини ифодаловчи кўрсаткичдир. Бирламчи даромадлар сифатида меҳнат ҳақи, фойда, ишлаб чиқаришга солиқлар, мулкдан олинган даромадлар (фонд, рента, дивидент) кирadi.

Миллий даромад кўрсаткичи XXБда ҳисобланишича янгидан яратилган қиймат (истеъмол ва жамғариш фойдаларининг йиғиндисини) нақлида бўлиб, у моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ялпи ишлаб чиқаришдан шу соҳадаги амортизация ажратмаларининг, хизмат кўрсатиш соҳасидаги оралиқ истеъмолнинг айирмасига тенг бўлади.

Бутун халқ хўжалиги бўйича (ҳам моддий ишлаб чиқариш, ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ҳисобга олганда) миллий даромад кўрсаткичининг ҳисоблаш учун ялпи ишлаб чиқаришдан қуйидаги кўрсаткичлар:

моддий ишлаб чиқариш харажатлари;

помоддий хизматлар учун моддий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан тўланадиган хизмат ҳақи;

моддий ишлаб чиқариш корхоналаридаги кадрларни тайёрлаш учун қилинган харажатлар;

моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишловчиларга, уларнинг овиларига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш учун хўжалик бирикмалари томонидан қилинган харажатлар;

хизмат кўрсатиш соҳасидаги ресурслар истеъмолы;

хизмат кўрсатиш соҳасида номоддий хизматларни оралиқ истеъмолни;

-хизмат кўрсатиш соҳасидаги амортизация ажратмаларини айириб ташлаш лозим; Миллий даромад кўрсаткичининг моддий ишлаб чиқарини ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ялпи ишлаб чиқаришдан шу иккала соҳадаги оралик истеъмолини айириш орқали ҳам ҳисоблаш мумкин.

Ушбу маълумотлар ҳам XXБ билан МХТ ўртасидаги катта фарқлар мавжудлигининг кўрсатиб турибди. Эндиликда республикамызда бозор муносабатларини шакллантирар эканмиз, жаҳондаги турли давлатлар билан алоқаларимиз кенгайиб борар экан, иқтисодиётда XXБни ўрнига МХТни қўллаш биринчи галдаги вазифага айланмоқда. Чунки ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, МХТ юқори афзалликларга эга бўлиб, иқтисодий-ижтимоий ҳамда амалий фаолиятда кенг қўлланилмоқда.

МХТ иқтисодий сиёсатда кизга келган муаммоларини ҳал қилишда ва мақбул қарорлар қабул қилишда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга МХТнинг асосий кўрсаткичлари корхона эгалари томонидан макроніқтисодий тизимни баҳолашда, илмий текшириш ишларида, эконометрик моделларни қайта ишлашда муҳим ўрин эгалламоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтти керакки, МХТни қўллаш жараёнида ҳар бир давлат иқтисодиётининг ўзига хослиги, маҳаллий шароитлари ҳисобга олинади.

Республикамызда ташкил этилаётган Миллий ҳисоблар тизими макростатистик модел сифатида бозор иқтисодиётига, иқтисодий жараёнларнинг барча субъектлари (интироқчилари) ўртасидаги товар-пул муносабатлари қонуниятларини билишга йўналтирилган.

Бу миллий ҳисоблар тизими республикамыз иқтисодиётини таърифлаш ҳамда иқтисодий баһоратлар тузини ва халқ ҳўжалигини мувофиқлаштириш учун хизмат қилади.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон республикасында қўлланиб келинаётган XXБ тизими билан МХТ и усулологияси тамойиллари орасида кўпгина фарқлашмишлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. XXБ билан МХТ ўртасидаги асосий фарқлар иқтисодиётни қамқиб олинишда намоён бўлади.

XXБ да фақат моддий ишлаб чиқарини соҳаси ва у билан боқиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳаларининг иқтисодий фаолияти, МХТда эса ҳам моддий ишлаб чиқарини соҳаси ҳам хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий фаолияти ҳисобга олинади.

2. XXБ си тизимининг иқтисодий фаолияти натижалари (ялпи ижтимоий маҳсулот) нафақат якуний натижани, балки моддий ишлаб чиқарини соҳасидаги моддий маҳсулотларини оралик истеъмолини ҳам ўзида гавдашантиради. МХТ да эса якуний натижалар (ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот) фақат халқ ҳўжалиги бўйича иқтисодий фаолиятининг якуний натижаларини ифодалайди (оралик истеъмоли бунга кирмайди).

3. XXБ тизими билан МХТ орасидаги фарқлар молиявий оқимларини (заёмлар, кредитлар ва бошқалар) аниқлашда намоён бўлади. XXБда бу оқимлар миллий даромадининг қайта тақсимланшини шакллари

сифатида, МХТда аса иқтисодий секторларининг инвестицион фаолияти сифатида аниқланади.

4. XXБ ва МХТ ўртасидаги фарқ даромад ва харажатларни таснифлаш услубини, шунингдек, жамғарини категориясини аниқлашда юзага чиқади.

МХТда жорий даромад ва харажатлар ўртасида аниқ чегараланиш ўтказилмади, бу капитал харажатларини молиялаштирувчи манба сифатида кўрсатиладиган «жамғарини» моддаси ёрдамида баланслаштирилди.

XXБда даромад ва харажатларни (айниқча қайта тақсимланган оқимлари)нинг аниқ чегараланиши ўтказилмаган. Шунинг учун жорий даромад ва харажатлар орасидаги фарқларни кўрсатувчи «жамғарини» моддаси ишлаб чиқилмаган. Бундай ҳолатда жамғаринининг алоҳида кўринишлари (мавжуд пул маблақларининг ўсини, банкдаги қўйилмалар ва бошқалар) миллий даромадни қайта тақсимланиш шакли сифатида акс эттирилади.

2-§. МХТ ни асосий тушунча ва категориялари

«Миллий ҳисоблар» атамасини ilk бор голландиялик статистик олим Эдвард ван Клифф 1941 йилда «De Economist» журналида нашр этган «Голландиянинг миллий ҳисоблар тизими» мақоласида қўллаган эди.

Миллий ҳисоблар тизимида ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари икки ёқлама операциялар тўлими сифатида талқин этилади ҳамда бу операциялар томонларининг ҳисобларида қўйимат кўринишида даромад ёки харажат сифатида кўрсатилади.

Миллий ҳисоблар тизими деганда миллий иқтисодий фаолиятини хар томонлама таҳлил қилиш ва ифодаланган хизмат қиладиган баланс тизимлари тушунилади. Бундай тизим миллий иқтисодий ҳолати тўқрисида аниқ тасаввур бериб, барча хўжалик бўқинларининг ўзаро алоқаларини ифодаловчи шаклни тизимга имкон беради.

1951 йилда Парижда Европа Иқтисодий Ҳамжамиятининг миллий ҳисоблар бўйича конференцияси бўлиб, унда Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар учун миллий ҳисоблар тизимининг андозалари лойихаси қабул қилинди.

1952 йилда бир гуруҳ эксперт - статистиклар БМТ нинг Статистика бюроси тошшириғига биноан «миллий ҳисоблар ва узатувчи жадваллар» деб номланган услубийни тайёрладилар. Бунга Англия ва АҚШнинг миллий ҳисоблар бўйича асосий ишлари негиз қилиб олинди.

1953 йилда дастлабки МХТ қабул қилингандан сўнг БМТ нинг статистика органлари томонидан миллий ҳисобларининг назарий ва методологияк асослари такомиллаштирилди ва ривожлантирилди. Бу ишлар 1968 йилда қабул қилинган МХТнинг янги стандартига асос қилиб олинди.

1968 йили БМТ нинг статистика комиссияси томонидан яна бир янги андоза ишлаб чиқилди ва у 1993 йилнинг февралига қадар ёки қарийб 25 йил давомида амалиётда кенг қўлланилди.

1993 йил феврал ойида БМТ нинг Нью-Йоркдаги Статистика комиссиясининг навбатдаги сессиясида миллий ҳисоблар тизимининг янги андозаси қабул қилинди.

БМТ нинг янги миллий ҳисоблар бўйича халқаро андозаси 1968 йилдаги халқаро стандарт ўрнига майдонга келди.

Миллий ҳисоблар тизимининг бу халқаро андозаси иқтисодий ҳамкорликда муҳим макроніқтисодий кўрсаткичларни халқаро таққослашни юксалтириш мақсадида ташкил этилди. Бу лойиҳа Англиялик иқтисодчи Р.Стоун раҳбарлигида бир гуруҳ иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилди.

Гивожланган мамлакатлар иқтисодчиларининг таъкидлашича, БМТ ни миллий ҳисоблар тизимини янги андозаси 10 йил хизмат қилишга мўлжаллаб тузилган. Бу андоза 700 га яқин саҳифадан ҳамда 21 бобдан иборат бўлиб, бу бобларда миллий ҳисоблар тизимини у ёки бу оқимлари аниқ кўрсатиб берилган.

1968 йилдаги миллий ҳисоблар тизими каби янги миллий ҳисоблар тизимида ҳам марказий кўрсаткич - ялпи ички маҳсулот бўлиб, у ёки бу даврга (йил, чорак) мамлакат иқтисодий ҳудудда яшовчи резидентлар ишлаб чиқарган яқиний товар ва хизматларининг бозор баҳосидаги ҳажмининг характерлайди.

МХТ нинг янги андозасида унча катта бўлмаган қуйидаги ўзгаришлар юз берди:

1. Янги миллий ҳисоблар тизимида ялпи жамғарини 3 элементдан ташкил топади: асосий фондларининг ялпи жамланшини, моддий айланма воситаларининг ўсиши, қийматларини соф сотиб олиш.

2. 1968 йилдаги қабул қилинган миллий ҳисоблар тизимида давлат бошқарув органларининг ҳарбий мақсадлар учун товар ва хизматлар сотиб олиш бўйича барча ҳаражатлари оралиқ истеъмол сифатида ҳисобга олинар эди.

Миллий ҳисоблар тизимининг янги андозасида ҳарбий аэропортлар қурилиш, верфлар (исема лавайитган ва таъмирлайдиган жой), йўллар, бинолар ва бошқалар учун қилинган ҳаражатлар асосий фондларининг ялпи жамланшини сифатида шобатга олинди.

3. Янги миллий ҳисоблар тизимида асосий эътибор алоҳида иқтисодий секторлар бўйича миллий боғлиқ кўрсаткичнинг, актив ва пасивларини таҳлил этишга қаратилди.

4. МХТнинг янги андозасида иқтисодий секторлари қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

- * номоллиявий корхоналар;
- * моллиявий муассасалар;
- * уй хўжалиги;
- * уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар;

5. МХТнинг янги андозаси қўйидаги ҳисоблар тизимидан ташкил топади:

- * барча иқтисодий секторлар учун стандарт ҳисоблар;
- * иқтисодий тармоқлар учун ҳисоблар (ишлаб чиқариш ва даромадларининг ташкил топиш ҳисоби);
- * бутун иқтисодиётни тўлалигача таърифловчи ҳисоблар;

6. Янги миллий ҳисоблар тизимида энг муҳим кўрсаткичлар орасидаги боғланиш қўйидагича ифодаланади:

А. Ялпи ички маҳсулот;

В. Беришган мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган даромадлари (мулкдан олинган даромад, меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришга солиқлар);

С. Хорижий давлатларга бериладиган бирламчи даромадлар.

Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий операцияларни гуруҳлаш

Операциялар миллий ҳисоблар ва иқтисодий фаолиятни ҳисобга олувчи бирлиқдир. Улар пул (харид-сотиш) ва натура (бартер, натурадаги иш ҳақи) шаклларда қайта тақсимлаш жараёнини акс эттиради.

Иқтисодий операцияларни аниқлаш ва уларни гуруҳлаш миллий ҳисоблар тизимида ҳисоб бирлигини аниқлаш жараёнидан иборат.

Иқтисодий операциялар ифодаланишини қараб бир ва иккч томонли бўлади.

Агар маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар яратилган маҳсулотларини ўзлари истеъмол қилсалар, бу бир томонли операция ҳисобланади.

Икки томонли операцияга мисол қилиб барча маҳсулот етказиш ва хизмат кўрсатиш операцияларини келтириш мумкин.

Иқтисодий операциялар ўзининг тузилиши бўйича 2 гуруҳга бўлинади:

а) операциялар компенсация асосида тузилади, буида товар, хизмат, пул оқимиға жавобан товар, хизмат, пул оқими қайтариб берилади (бартер усули);

в) трансфертлар-операция бўлиб, маҳсулот, хизмат ёки пулни қайта тақсимлаш оқимидан иборат.

Трансферт 2 хил бўлади: Жорий трансфертлар ва капитал трансфертлар;

Жорий трансфертларга мисол қилиб тўғри солиқларни, жарималар, ҳар хил йиғимларни, взнослар ҳамда совға ва бошқаларни олиш мумкин.

Капитал трансфертлар иқтисодий ёрдам тариқасида, бошқа давлатларга капитал қурилиш учун моддий маблағ ажратилиш, ҳарбий мақсадлардан ёки табиий офатлардан қўрилган зарарининг ўрни давлат ҳисобидан тўлдирилишини ифодалайди.

МХТ да операциялар 3 синфга ажратилади:

- * товар ва хизмат операциялари;
- * айирбошлаш операциялари;
- * молиявий операциялари.

Миллий ҳисоблар тизимида товар ва хизматлар операциялари қуйидагича тақсимланади:

ОПЕРАЦИЯЛАР

Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш.

Товар ишлаб чиқариш.

Бозор хизматларини кўрсатиш. Бундан шартли ҳисобланган банк маҳсулотлари чиқариб ташланади.

Шартли ҳисобланган банк маҳсулотлари.

Нобозор хизматларни кўрсатиш.

Оралиқ истеъмол.

Якуний истеъмол.

* Якуний истеъмол бирликлари - берилган мамлакат иқтисодий ҳудудидаги резидентлар.

* Уй ҳўжалигининг якуний истеъмол бирлиги - хорижий резидентлар.

* Уй ҳўжалигининг якуний истеъмол бирлиги-мамлакат иқтисодий ҳудудидаги норезидентлар.

Якуний Миллий истеъмол.

Берилган мамлакат ҳудудидаги якуний истеъмол.

Ялпи жамғариш.

* Асосий капитални ялпи жамғариш

* Моддий айланма воситалар захираларини ўзгартириш.

Товар ва хизматлар экспорти.

* Товарлар экспорти.

* Хизматлар импорти.

Сотиб олинган ер ва номоддий активлар қолдиги.

* сотиб олинган ер қолдиги.

* сотиб олинган номоддий активлар қолдиги.

Бу операциялар қуйидаги ҳисобларда қайд қилинади:

а) товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳисоби;

б) ишлаб чиқариш ҳисоби;

с) даромадларнинг фойдаланиш ҳисоби;

д) капитал ҳаражатлар ҳисоби.

е) «ташқи иқтисодий алоқалар» ҳисобининг жорий операциялар ҳисоби.

АЙИРБОШЛАШ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

Айирбошлаш операциялари - институцион секторлар ўртасидаги даромадларни айирбошлаш операцияларини бажаради.

Улар асосан қуйидагича тузилади:

* ишловчиларнинг меҳнат ҳақи;

* ишлаб чиқариш ва импортта солиқлар;

* ишлаб чиқариш ва импортта субсидиялар;

- * мулкдан ва тадбиркорликдан олинадиган даромад;
- * бахтсиз ходисалардан суғуртаа қилиш операциялари;
- * ҳар хил жорий трансфертлар;
- * капитал трансфертлар;
- * индивидуал корхоналарда молиялаштириладиган капитал қўйималар.

МХТ да айирбошлаш операциялари қўйидагича кўрсатилади:

ОПЕРАЦИЯЛАР

Ишлаб чиқариш билан боғланган тақсимлаш операциялари:

- * ишловчиларининг меҳнат ҳақи;
- * ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар;

Субсидиялар;

Даромадларини айирбошлаган ичидаги бошқа операциялар;

- * мулк ва тадбиркорликдан олинадиган даромад;
- * ҳақиқий фонд;
- * суғурта полис эгаларига шартли ҳисобланган фонд;
- * ер ва номоддий активлардан даромад.

Корпоратив корхоналардан олинган дивидентлар ва бошқа даромадлар.

Бахтсиз ходисалардан суғурта қилиш операциялари.

Бошқа пулсиз жорий трансфертлар.

Тақсимланувчи капитал таркибидаги операциялар.

Нафақа учун суғурта захираларини ўзгартириш (баланслаштирувчи).

3. МОЛИЯВИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР

Молиявий операциялар иқтисодиётининг турли секторларида молиявий активлар ва пасивлар ҳамда фондларнинг ўзгаришини ифодалайди. Улар асосида жамғариш манбалари ётади.

Миллий ҳисоблар тизимида молиявий мажбуриятлар асосан иқтисодиётини молиялаштириш, молия кредит операцияларини ўзгаришининг махсус шакллари кўрсатади.

Молиявий мажбуриятлар 2 хил бўлади:

1. Мавжуд пул манбаълари:

- * нақд пуллар;
- * банк билантлари;
- * фуқароларнинг омонатлари;
- * бошқа омонатлар.

Қисқа муддатли қимматбаҳо қоғозлар:

- * облигациялар;
- * акциялар.

Кредит ва заёмлар:

- * қисқа муддатли кредитлар;
- * ўрта муддатли кредитлар;
- * узок муддатли кредитлар.

Республикамызда миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқиш вақтида иқтисодий тизимнинг турли гуруҳлари ўртасидаги муносабатларини кўрсатиш учун институцион бирликларини аниқлаш ҳамда уларни тармоқлар ва секторлар бўйича таснифлаш мумкин.

Институцион бирликка республикамызда тўлиқ ҳисоб китоб ишларини олиб борадиган ҳамда ҳўжалик юритишда мустақилликка эга бўлган ҳўжалик бирликлари киради.

Ишлаб чиқариш жараёнини ресурслари ва фойдаланиладиган маҳсулот ва хизматлари орасидаги боғланишнинг характерлаш мақсадида МХТ идаги институцион бирликларни тармоқлар бўйича гуруҳлаш лозим.

Миллий ҳисоблар тизимида «соф тармоқ» тушуничасидан фойдаланилади.

Соф тармоқлар-бу бир хил маҳсулотни ишлаб чиқарадиган шартли ҳўжалик бирликлари гуруҳидан иборат. Соф тармоқлар мавжуд корхона, фирма ва бошқаларнинг асосий фаолиятини ажратиб олиш йўли билан ҳисобга олинади (бунда иккилашчи бирликлар ҳисобга олинмайди).

Бошқа тамондан молиявий оқимларнинг ташкил қилувчиларини аниқлаш иқтисодийнинг секторлар бўйича гуруҳларга ажратилишга олиб келади. Улар институцион бирликларни, яъни ташкилий расмийлаштирилган корхоналар, ташкилотлар, уй ҳўжаликларини қайси фаолият билан шуғулланишидан қатъий назар ўз ичига олади.

Институцион бирликларни секторлар бўйича таснифлашдан мақсад уларни даромад ва харажатларини, молия ва кредит, актив ва пасивларни ўрганишдан иборат.

Республикамызда институцион бирликларни қуйидаги иқтисодий секторлар бўйича таснифлаш мумкин:

- * «Номолиявий корхоналар» сектори;
- * «Молия муассасалари» сектори;
- * «Давлат корхоналари» сектори;
- * «Уй ҳўжалигига хизмат кўрсатувчи потижорат (ижтимоий) ташкилотлар» сектори;
- * «Уй ҳўжалиги» сектори;
- * «Ташки иқтисодий алоқалар» («Ташки дунё») сектори.

1. «ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КўРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ (НОМОЛИЯВИЙ КОРХОНАЛАР СЕКТОРИ). СЕКТОРИ

* «Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш» корхоналари секторининг асосий вазифалари товар ишлаб чиқариш ва молиявий бўлмаган хизмат кўрсатишдан иборат. Ушбу институцион бирликларининг ресурслари асосан маҳсулот айирбошлаш аъзасига вужудга келади.

Бу сектор ўз ичига турли-туман мулкка асосланган корхоналарни олади:

- * давлатга тегишли бўлган номолиявий корхоналар.
- * хусусий (ойла) корхоналар ва фермер хўжаликлари.
- * жамоа корхоналари.
- * акционер корхоналар.
- * кооператив корхоналар.
- * хорижий кишилар тасарруфидagi номолиявий корхоналар.

2. «МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ» СЕКТОРИ

* «Молия ташкилотлари» сектори ўз тижоратга асосланган молия операциялари билан шуғулланувчи институцион бирликларни (тижорат-кредит муассасалари) ўз ичига олади:

- * марказий банк муассасалари;
- * бошқа банк муассасалари;
- * бошқа кредит муассасалари;
- * суғурта муассасалари.

Кредит муассасалари ўз ичига тижорат банклари, кредит берувчи ассоциация ва жамиятларни олади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тақсимлаш ва сақлаш; пул маблағларини сақлаш ва корхоналар ҳамда уй хўжаликларига кредитлар бериш ва бонқалардан иборат.

Суғурта муассасалари институцион бирлиги асосан ҳаётни бахтсиз ҳолатлардан суғурта қилиш, бундан ташқари уй хўжалиги ва корхоналар мулкнинг суғурталаниш учун хизмат қилади.

3. «ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ» СЕКТОРИ

* «Давлат корхоналари» сектори бунга жамоа истеъмоли учун бозорга мувофиқ бўлмаган хизмат кўрсатиш, миллий даромад ва бойликларни қайта тақсимлашда янгиликлар киратиш. Бу сектор давлат томонидан молиялаштирилган давлат корхона ва ташкилотларини, мамлакатдаги умумий бонқарув, молия, иқтисодиётни режалаштириш ва бонқариш, илмий текшириш ишлари, табиатни муҳофаза қилиш, муҳофаза, ички тартибни сақлаш, бандиш ташқари аҳолига пуллик ва бепул кўрсатилган хизмат, фан, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва санъат, ижтимоий таъминот, шунингдек ижтимоий суғурта фондларидан (ташкилотларидан) ташкил топган бўлади.

4. «ҲЎЙ ХЎЖАЛИГИ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ПОТТИЖОРАТ (ИЖТИМОИЙ) ТАШКИЛОТЛАР» СЕКТОРИ

«Ҳўй хўжалигига хизмат кўрсатувчи поттижорат ижтимоий ташилотлар» секторига аҳолининг якка тартибдаги ва жамоа талабларини қондиришда банд бўлган корхоналар киради.

Улар ўз ичига аҳолининг якка тартибдаги талабларини қондирувчи ижтимоий ташилотларини (фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, дам олиш ва санаторий, ижтимоий таъминот ва бошқалар), шунингдек, жамоа истеъмолчини (сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари ва бошқалар) олади. Бундай корхоналарнинг ресурслари асосан кўнгилли вазослардан, уй хўжаликлариининг хайр-оҳсоларидан ва мулкдан олинган даромаддан иборат бўлади.

«Ҳўй хўжалиги» сектори.

«Ҳўй хўжалиги» сектори ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи бўлмаган ягона ва гуруҳдаги шахсларни, мустақил юридик мақомага эга бўлмаган, лекин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарининг фаолиятини ифодалайди.

Ушбу секторга қуйидаги фаолиятларни киритамиз: ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларининг, якка фермер хўжаликларининг, ҳунармандлар, қосиблар, этисқўзлар, новвойлар, гламдўзлар, репетитор ўқитувчилар, ошпазларни;

6. «Ташқи иқтисодий алоқалар» («Ташқи дунё») сектори.

Ушбу сектор асосан чет давлатлар ва мамлакат институтини бирликлар (резидентлар) ўртасидаги операцияларни ҳисобга олишга қаратилган. Унинг ҳисоблари ёрдамда миқлий иқтисодиёт билан ташқи дунё ўртасидаги муносабатини умумлаштириш ҳолда кўришимиз мумкин.

Жадвал-19

Иқтисодиёт секторларининг асосий кўрсаткичлари
(ишрати маълумот ҳисобот йилига, млрд. Сўм)

Кўрсаткич	Тошар ва хизматлар но ич сектори	Давлат муассаса лари сектори	Миллий муассаса лари сектори	Ҳўй хўжалиги сектори	Ҳўй хўжаликлари ва хизмат кўрсатувчи потижорат ташилот- лар сектори	Ташқи дунё сектори
Йили қўшилган қиймет	140	210	268	120	98	200
Ишловчиларнинг меқдоти хаки	20	38	54	14	19	50
Ишлаб чиқаришга саликлар	4	12	6	18	10	29
Субсидиялар	28	-	-	12	5	30
Йили фойда	140-20- 4+28=144	210-38- 12=160	268-54- 6=208	120-14- 18+12=100	98-19- 10+5=74	200-50- 29+30=151
Асосий фондлар						
Истеъмол	10	14	8	13	13	26
Сиф фойда	134	146	92	61	61	125

Изоҳ: Ялпи фойда = Ялпи қўшилган қиймат-Ишловчиларни меҳнат ҳақи-ишлаб чиқаришга солиқлар+субсидиялар.

Соф фойда = ялпи фойда - асосий фондлар истеъмоли.

3-§. Ички миллий иқтисодиёт бўйича тузиладиган асосий ҳисобларнинг тавсифи

Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодиёт секторлари орасидаги муносабатларни ўрганиш мақсадида асосий ҳисоблардан кенг фойдаланилади. Бу ҳисоблар 2 гуруҳга бўлинилади:

1. Мамлакат ички иқтисодиётини татрифловчи ички иқтисодий ҳисоблар. Буларга қуйидаги ҳисобларни киритамиз:

- * товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳисоблари;
- * ишлаб чиқариш ҳисоби;
- * даромадларни таъкил топиш ҳисоби;
- * даромадларни айирбошшилаш ҳисоби;
- * даромадлардан фойдаланиш ҳисоби;
- * мулк ҳисоби;
- * капитал харажатлар ҳисоби.

2. Мамлакатнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатларини ўрганишда ташқи иқтисодий алоқалар ҳисобидан фойдаланилади.

Бу ҳисобларга қуйидагилар кириди:

Жорий операциялар ҳисоби, капитал харажатлар ҳисоби, молия ҳисоби.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИСОБЛАМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳисоби-басвосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли операцияларни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш ҳисоби қуйидагича таъкил этилади:

ҲИСОБЛАМАСИ	РЕСУРС
Оралиқ истеъмоли шу жумладан:	Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар.
* моддий ишлаб чиқариш соҳасида	Шу жумладан:
* хизмат кўрсатиш соҳасида	* маҳсулот ва моддий хизматлар
Ялпи Ички Маҳсулот, бозор баҳосида	* номоддий хизматлар
	Маҳсулотларга соф солиқ
	Импортга соф солиқ.
Ҳамм	Ҳамм

Ишлаб чиқариш ҳисобининг ресурс қисмида ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ўз ичига жорий даврда мамлакатда иш...

чиқарилган маҳсулотлар қийматини бозорли ва нобозор хизматларини олади. Оралик истеъмолга эса қуйидагилар киради:

а) моддий маҳсулот ва хизматлар;
б) корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш мақсадидаги харажатлари (хизмат сафари, медреса, дам олиш уйлари, спортзал харажатлари);

с) номоддий активлар (илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик, лойиха ва технологик ишлар, суғурта ташкилотлари хизмати қиймати ва бошқаларни молиялаштириш харажатлари).

Ялпи ички маҳсулот-мамлакатдаги резидент, ишлаб чиқариш бирликларининг ишлаб чиқариш фаолияти якуний натижаларини ифодалайди. ЯИМ мамлакат бўйича ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотлар ва импортта соф солиқлардан оралик истеъмолини айириш орқали ҳосил бўлади.

Ялпи ички маҳсулотни қуйидаги усулларда ҳисоблаш мумкин:

- 1) Даромад усули;
- 2) Харажат усули;
- 3) Провард фойдаланиш усули.

ЯИМ ни даромад усулида ҳисоблаш формуласи:

$$Vg=W+R+i+P$$

Бу ерда:

V-ЯИМ даромад ҳосил қилаш бўйича;

W-ишловчиларнинг меҳнат ҳақи;

R-рента;

i-фонд;

P-фойда;

ЯИМ ни харажат усулида ҳисоблаш формуласи.

$$GDR=C+I+V+X$$

Бу ерда:

GDR-ЯИМ нинг фойдаланиш қисми бўйича;

C-шахсий истеъмол харажатлари;

I-ялпи хусусий ички инвестиция;

V-товар ва хизматларнинг давлат хариди;

X-соф экспорт.

Ялпи ички маҳсулотни провард фойдаланиш усулида ҳисоблаш.

$$ПФ=УХ+ДП+МЖ$$

Бу ерда:

ПФ-ЯИМ провард фойдаланиш усули бўйича;

УХ-уй ҳўжаликларининг якуний истеъмоли;

ДП-давлатнинг якуний истеъмоли;

МЖ-миллий жамғарма;

Бундан ташқари, ЯИМ «ялпи қўшилган қиймат» усулида ҳам ҳисобланиши мумкин, яъни: $DP-IC = \sum FV = V$

Бу ерда:

DP-ялпи ички истеъмол.

IC-оралиқ истеъмол.

Сумма FV-ялпи қўшилган қиймат.

V-ялпи ички маҳсулот.

Масалан: Ҳисобот йилида иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидаги шартли маълумотлар берилган (млрд.сўм):

Қўраткич	Саноат	Қишлоқ хўж.	Транспорт ва алоқа	Савдо ва ум. Ов.	Хизмат кўрсатиш	Қурилиш
Ялпи ишлаб чиқариш	50	45	23	44	120	28
Оралиқ истеъмол қиймати	36	24	10	19	50	16
Ялпи қўшилган қиймат	14	21	13	25	70	12

ЯИМ=сумма ЯКК=14+21+13+25+70+12=155 млрд.сўм.

2. ДАРОМАДЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТӨНИНГ ҲИСОБЛАМАСИ

Даромадларининг ташкил топиш ҳисоби-ишлаб чиқариш жараёнида бевосита тақсимлаш операцияларидан иборат. Бу ҳисоб қуйидагича тузилади:

Ҳисоб-20

ФОНДЛАРИНИНГ	РЕСУРС
Ишловчиларнинг меҳнат ҳақи шу жумладан:	Ялпи ички маҳсулотнинг бозор баҳосидаги ҳисси
• резидент	Ишлаб чиқаришга субсидиялар
• норезидент	Импортга субсидиялар
Ишлаб чиқаришга ва импортга солиқлар	
Яшилган фойда ёки ялпи аялган даромад	
Ассоний фондлар истеъмоли	
соф фойда ёки соф аялган даромад	
Ялпи	Ялпи

Ушбу ҳисобнинг ресурслари ассоний бозор баҳоларидаги ялпи ички маҳсулотди, ҳамда ишлаб чиқариш ва импортга бериладиган субсидиялар ташкил тоилади.

Ҳисобнинг фойдаланиш қисмида аса ялпи ички маҳсулотни бирламчи тақсимланувчи элементлари: ишловчининг меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар, асосий фондлар истеъмоли ҳамда ялпи фойда кўрсаткичлари акс эттирилади. ЯИМ кўрсаткичи бу ҳисобга ишлаб чиқариш ҳисобидан ўтказилади.

Субсидиялар-бу жорий трансферт бўлиб, давлат томонидан маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи хўжалик резидент бирликларининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари баҳосини ўзгартиришга ёки даромадларига таъсир кўрсатади.

Субсидиялар 2 турга ажратилади:

- * Ишлаб чиқаришга субсидиялар;
- * Импортга субсидиялар.

Ишлаб чиқаришга субсидиялар маҳсулотларга бериладиган субсидияларни ўз ичига олиб, маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчи, уларни ички бозорда сотувчи ёки экспорт қилувчи резидент бирликларига маҳсулот ва хизматларининг миқдорига ёки қийматига мутаносиб ҳолатда ажратилади.

Импортга субсидиялар - импорт қилинувчи маҳсулотларга субсидия ажратилишининг ифодасидир. Булар маҳсулотга мамлакат иқтисодий ҳудудига, эркин муомалага киритишга қадар ажратилади.

Даромадларининг танкил тонини - ҳисобининг фойдаланиш қисмидаги энг муҳим кўрсаткич - меҳнат ҳақидир.

Бу ҳисобда меҳнат ҳақи ўз ичига мамлакат иқтисодий ҳудудига резидент бўлган, шунингдек, резидент бўлмаган барча ишловчиларнинг меҳнат ҳаққисини олади.

Меҳнат ҳақи ифодаланишига қараб:

- * ялпи меҳнат ҳақи;

* корхона ва танкилотларининг ижтимоий сугўртага ҳақиқий ажратмаларидан иборат бўлади.

Ялпи иш ҳақи ўз ичига меҳнат ҳақи фондини, ишчи ва хизматчиларини моддий рағбарлантириш фондини, ишчи ва хизматчиларининг меҳнат ҳақи фонди ва моддий рағбарлантириш фонди таркибига кирмайдиган мукофот ва тақдирланшларни, бошқа меҳнат ҳақи кўринишидаги даромадларни (меҳнат шартномасида кўзда тутилган фойда ҳам ҳисобга олинади), кооператив ва колхозларда ишловчиларнинг меҳнат ҳақлари, ҳарбий хизматчиларга озиқ овқат ва кийим - боти, шу билан бирга воситачилик, чойчақа пули ҳамда ёлланган уй хизматларининг иш ҳақларини олади.

Ялпи иш ҳақига корхона ва танкилотлар ишлаб чиқаришнинг рағбарлантириш учун қилган харажатлар, хизмат сифари харажатлари, берилган махсус кийим-ботилар қиймати, инфохона-профилактика овқатлари ёки шу мақсадда ишловчиларга сарфланган харажатлар, ўқини, ишловчилар малакасини ошириш учун қилинган харажатлар киритилмайди, булар оралиқ истеъмоли кўрсаткичи орқали ифодаланади.

Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий суғўртага ҳақиқий ажратмалари уларни суғўрта учун ажратган бадалларидан ҳамда мажбурий медицина суғўрталаридан иборат бўлади.

Ялпи фойда даромадларнинг ташкил топиш ҳисобининг баланслаштирувчи моддаси ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич бозор баҳоларидаги ялпи ички маҳсулотдан меҳнат ҳақини, ишлаб чиқариш ва импортга соф солиқларни чегириб ташлаш орқали ҳосил бўлади.

Ялпи фойда = Ялпи ички маҳсулот-меҳнат ҳақи - ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар.

Агар ялпи фойдадан асосий фондлар истеъмолини айриб ташласак, у ҳолда соф фойда ҳосил бўлади яъни:

соф фойда = Ялпи фойда - амортизация.

Асосий фондлар истеъмоли (амортизация) асосий фондлар қийматини бир қисми бўлиб, уларни истеъмоли эскириш метёри натижасида олинади.

3. ДАРОМАДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ҲИСОБЛАМАСИ

Бу ҳисоб иқтисодиёт миқёсида мамлакатнинг даромадини бошқа давлатлар билан муносабатини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш ва қайта тақсимлаш операцияларини ўз ичига олади.

Даромадлар айирбошлаш ҳисоби

Жадвал-21

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
Ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар Мулк ва тадбиркорликдан «ташқи дунё» оладиган даромад «Ташқи дунё»га бериладиган жорий трансфертлар Ялпи миллий соф даромад.	Ялпи фойда Ишловчиларни меҳнат ҳақи Шу жумладан олинган: • ёлловчи-резидентлардан • «ташқи дунё»дан Ишлаб чиқаришга ва импортга солиқлар «Ташқи дунё»дан, мулкдан ва тадбиркорликдан олинган даромад «Ташқи дунё»дан олинган капитал трансфертлар
Ҷами	Ҷами

Бу ҳисобнинг ресурс қисмида асосан ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлар (ялпи фойда, ишловчиларнинг меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар) шунингдек бошқа кўринишдаги даромадлар яъни бошқа давлатлардан маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида олинган даромадлар (мулкдан, тадбиркорликдан олинган даромадлар ва жорий трансфертлар) ифодаланади. Ҳисобнинг фойдаланиш қисмида эса субсидиялар бундан ташқари мулкдан ва тадбиркорликдан «ташқи дунё»га бериладиган жорий трансфертлар акс эттирилади.

Даромадларни айирбошлаш ҳисобининг баланслаштирувчи моддаси ялпи миллий соф даромад кўрсаткичи ҳисобланади.

4. ДАРОМАДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ ҲИСОБИ

МХТ ни даромадлардан фойдаланиш ҳисоби ялпи миллий соф даромадни якуний миллий истеъмолга ҳамда ялпи миллий жамғармага ишлатилишини ифодалайди.

Даромадлардан фойдаланиш ҳисоби

Жадвал-22

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
Якуний Миллий истеъмол шу жумладан: * уй хўжалиги * давлат муассасалари. * уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар. Ялпи миллий жамғарма.	Ялпи миллий соф даромад.
Жами	Жами

Даромадлардан фойдаланиш ҳисобининг ресурс қисмида бир кўрсаткич-ялпи миллий соф даромад кўрсаткичи ётади. Бу кўрсаткич ушбу ҳисобга даромадларни айирбошлаш ҳисобидан ўтказилади. Ҳисобининг фойдаланиш қисмида эса 2 та кўрсаткич - якуний миллий истеъмол ва ялпи миллий жамғарма ифодаланилади. -

Якуний Миллий истеъмол кишиларнинг якка тартибдаги ва жамоа истеъмолини қондириш мақсадида ишлаб чиқарган маҳсулот ва хизматлари қийматини ифодалайди. У ўз ичига уй хўжалиги, давлат муассасалари ҳамда уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар истеъмолини олади.

Даромадлардан фойдаланиш ҳисобида уй хўжаликларининг якуний истеъмоли бу мамлакат иқтисодий ҳудудида ҳамда ҳорижий давлатларда жойлашган уй хўжалиги резидентларининг якуний истеъмолини ўзида аке эътиради.

Уй хўжаликларининг якуний истеъмоли ўз ичига барча савдо ташкилотлари орқали уй хўжаликлари сотиб олган қисқа ва узок муддатга фойдаланиладиган товарларни, кўрсатилган истеъмол хизматларини; к. артира ҳақи ва коммунал хизматлари ҳақи, маънавий хизматлар ҳақи (ҳаммом, кин ювини, саргарошхона, ижара (прокат) шаҳобчалари, маълумот бериш хоналари, яшаш жойини алмаштириб беришч идоралар), шу билан бирга уй хўжаликларининг шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари қиймати, натурал шаклдаги иш ҳақи сифатида берилган маҳсулот ва хизматлар қиймати, корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ишловчиларини ва уларнинг оила - аъзоларига бепул кўрсатилган ижтимоий-маданий хуёусиятга эга

хизматлар (корхоналар қoшидаги касалхоналар, стадион, клуб, дам oлиш уйлари) ҳам киради.

Давлат муассасаларининг ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (иштимоний) ташиклотларнинг якуний истъмоли ўз ичига бу корхоналар ва муассасаларининг алоҳида кишиларга кўрсатган бепул хизматларини; соғлиқли-сақлаш, фан, маданият ва санъат ҳамда жамиятдаги умумий бошқарув, муҳофаа ва боиқаларни ифодалайди. Бепул кўрсатилган хизматлар қиймати корхона ва ташиклотларнинг жорий ҳаражатлар сўммасига мувофиқ аниқланади.

Давлат муассасаларининг жорий ҳаражатлари таркибига узoқ муддатта фойдаланиладиган ҳарбий техника ва асбoб ускуналар (бунга ҳарбий хизматчилар учун oзиқ-овқатлар, кийим бoшлар киритилмайди), шунингдек, ҳарбий объектларни қуриш қиймати (бу асосий фондларнинг ялпи жамғармасига таалуқли), давлат резервлари учун маҳсулот сотиб oлиш (бу моддий oборот воситаларининг захираларининг ўзгаришига тегишли бўлади) ҳам киради.

Даромадлардан фойдаланиш ҳисобининг баланслаштирувчи моддаси бу ялпи миллий жамғарма кўрсаткичидир. Бу кўрсаткич ялпи миллий соф даромад билан якуний миллий истъмоли ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

5. САРМОЯ ҲАРАЖАТЛАР ҲИСOБЛАМАСИ

Сармоя ҳаражатлар ҳисоби - oборот ва асосий фондларининг номатериал ва молиявий активлар, шунингдек уларнинг таъминот манбаларининг жамланиш жараёнини ифодалайди

Жадвал-23

Сармоя ҳаражатлар ҳисоби.

ФOЙДАЛAНИШ	РЕСУРС
Асосий фондларнинг ялпи жамланиши Моддий oборот воситаларининг ўзгариши Cотиб oлинган ер ва номатериал активлар «Ташқи дунё»га берилган капитал трансфертлар Соф кредит ёки соф қарзлар	Ялпи миллий жамғарма. «Ташқи дунё»дан oлинган капитал трансфертлар.
Ҳами	Ҳами

Сармоя ҳаражатлар ҳисобининг ресурс қисмидаги «ялпи миллий жамғарма» кўрсаткичи даромадлардан фойдаланиш ҳисобидан oлинади.

Асосий фондларнинг ялпи жамланиши кўрсаткичи ҳозиргача қўлланилиб келинган асосий фондларнинг ўсиши кўрсаткичига тўқри келади. Капитал харжатлар ҳисобининг баланслаштирувчи моддаси «соф кредит» (-) ёки «соф қарзлар» (-) ҳисобланади.

Улар қуйидагича ифодаланади:

Соф кредит ёки соф қарзлар = Ялпи Миллий Жамқарма + бошқа давлатлардан олинган капитал трансфертлар - асосий фондларни ялпи жамлангани - моддий оборот воситалари захираларини ўзгарishi - сотиб олинган ер ва номатериал активлар - бошқа давлатларга берилган капитал трансфертлар.

Халқ хўжалиги бўйича соф кредит ёки соф қарзлар соф ресурслар миқдорини кўрсатади, қайсики давлат «ташқи дунё»га буни тақлиф этади ёки «ташқи дунё» бу давлатга тақдим этади.

6. МОЛНИЯ ХИСОБЛАМАСИ

Молия ҳисоби асосан мамлакатдаги молиявий актив ва пасивларининг ўзгарishi, иқтисодиётдаги молиявий ҳолатга ҳамда капитал ҳаракатига баҳо беради.

Ресурда:

Қабул қилинган молиявий мажбуриятлар;

Соф кредит ёки соф қарзлар;

Фойдаланишда:

Молиявий активларга эга бўлиш;

7. ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ХИСОБЛАМАСИ

Товар ва хизматлар ҳисоби иқтисодиёт миқёсида товар ва хизматларнинг умумий ресурслари, бу ресурслардан фойдаланиш йўллариини кўрсатади.

Жадвал-24

Товар ва хизматлар ҳисобламаси

ФОЙДАЛАНИШИ	РЕСУРС
Оралиқ истеъмол	Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар
Якуний истеъмол	Маҳсулотларга солиқ
Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси	Маҳсулот ва хизматлар импорти
Моддий оборот воситалари захираларининг ўзгарishi	Импортга соф солиқ
Маҳсулот ва хизматлар экспорти	
Жами	Жами

Ушбу ҳисобнинг ресурслари асосан ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотларга солиқ, маҳсулот ва хизматлар импорти, импортга соф солиқдан ташкил топади.

Ҳисобнинг фойдаланиш қисмида эса оралиқ истеъмол ва якуний истеъмол, асосий фондларни ялпи жамқармаси, моддий оборот воситалари захираларининг ўзгарishi, маҳсулот ва хизматлар экспорти кўрсатилади.

Товар ва хизматлар бўйича барча кўрсаткичлар бошқа ички ҳисоблар тизимидан ўтказилади.

Ҳисобнинг ресурс қисми кўрсаткичлари бўлган ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотларга солиқ, импортга соғ солиқ бу ҳисобга ишлаб чиқариш ҳисобидан ўтказилади.

Ҳисобнинг фойдаланиш қисмидаги ораниқ истеъмол ишлаб чиқариш ҳисобидан, якуний истеъмол даромадларидан фойдаланиш ҳисобидан, асосий фондларни ялпи жамғармаси, моддий оборот воситалари захираларининг ўзгариши капитал ҳаражатлар ҳисобидан ҳамда маҳсулот, хизматларни экспорти эса ташқи иқтисодий алоқалар ҳисобининг жорий операциялар ҳисобидан олинади. Бу ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси аниқланиши бўйича топилади.

4. ТАШҚИ ДУНЁ ҲИСОБЛАМАСИ

Ташқи иқтисодий алоқалар қуйидаги 3 ҳисобда ўз аксини топади:

1. Жорий операциялар ҳисоби - давлатлар ўртасидаги товар ва хизматлар олди-сотди жараёнини ifодалайди. Бу ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси - жорий операциялар қолдиги бўлади.

Жадвал-25

1. Жорий операциялар ҳисоби

Фойдаланиш	Ресурс
Бошқа давлатлардан экспорт эвазига олинadиган даромад	Резидент бўлмаганларнинг жорий даромади
Резидент бўлмаган уй хўжаликлари сотиб олган товар ва хизматлар	Резидент бўлмаганларнинг иш ҳақи
Резидентларнинг резидент бўлмаганларни ёллаш ҳисобига олган иш ҳақи	Ишлаб чиқаришга ва импортга солиқлар
Бошқа давлатлардан олинadиган мулк, тадбиркорлик ва трансферт даромади	Жорий операцияларнинг қолдиги
Жами	Жами

2. Капитал ҳаражатлар ҳисоби.

Капитал ҳаражатлар ҳисоби-асосий ва оборот фонди, номоддий активларга тегишли бўлган ташқи иқтисодий операцияларни ifодалайди.

Юқорида назарий жиҳатдан тавсифлаб берилган ички ҳисобламаларнинг тузилиши қуйидагича бўлади:

1) Ишлаб чиқариш ҳисобламаси.

Жадвал-26

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Ораниқ истеъмол	1883	Маҳсулот ишлаб чиқариш	3737
Ялпи қўшилган қиймат	1854		
ЖАМИ	3737	ЖАМИ	3737

Жадвал-27

2. Даромадларни ташкил топиш ҳисобламаси

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Ходимларнинг меҳнат ҳақи	762	Яхшилани қўшилган қиймат	1854
Ишлаб чиқариш солиқи	191		
И-ч га субсидиялар	459		
Ялпи фойда	442		
ЖАМИ	1854	ЖАМИ	1854

Жадвал-28

3. Даромадларни бирламчи тақсимланган ҳисобламаси

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Мулкдан олинган даромад (хорижга берилган)	399	Ялпи фойда	459
Ялпи миллий даромад	1433	Ходимларнинг меҳнат ҳақи	766
		И-ч га солиқлар	191
		Мулкдан олинган даромад	416
ЖАМИ	1832	ЖАМИ	1832

Жадвал-29

4. Даромадларни қайта тақсимланган ҳисобламаси.

Фойдаланиш	қиймати	Ресурс	қиймати
Жорий даромад солиқлари	212	ялпи миллий даромад	1832
Ижтимоий сугуртага ажратмалар	320	жорий даромад солиқи	213
Бошқа ижтимоий нафақалар	560	ижтимоий сугурта ажратмалари	322
Бошқа жорий трансфертлар	259	бошқа ижтимоий нафақалар	560
ялпи миллий мавжуд даромад	1805	бошқа жорий трансферт	239
ЖАМИ	3166	ЖАМИ	3166

Жадвал-30

5. Даромадлардан фойдаланиш ҳисоби.

Фойдаланиш	қиймати	Ресурс	қиймати
якуний истеъмол харажатлари	1399	Ялпи миллий мавжуд даромад	1805
ялпи жамғарини шу жумладан:	406		
* якуний истеъмол капитал	184		
* сиф жамғарини	222		
ЖАМИ	1805	ЖАМИ	1805

Жадвал-31

6. Сармоя харажатлар ҳисобламаси.

Фойдаланиш	Қиймат	Ресурс	Қиймати
Асосий капитални жамғариш	139	соф жамғариш	222
Асосий капитал истеъмоли	12	соф капитал	-3
Моддий айланма воситалар	28	трансфертлар	
Захираларининг ўзгариши	10		
Бошқа активларни сотиб олиш ёки сотиш соф кредит	30		
ЖАМИ	219	ЖАМИ	219

Жадвал-32

7. Молия ҳисобламаси

Фойдаланиш	Қиймат	Ресурс	Қиймати
соф активларни сотиб олиш	647	соф кредит	30
		соф қабул қилинган мажбуриятлар	617
ЖАМИ	647	ЖАМИ	647

Жадвал-33

Капитал харажатлар ҳисоби

Фойдаланиш	РЕСУРС
Бошқа давлатлар билан жорий операциялар қолдиқи.	Бошқа давлатларга бериладиган капитал трансфертлар.
Сотиб олинган ер ва номатериал активлар.	Соф кредит ёки қарзлар.
Жами	Жами

Бу ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси соф кредит ёки қарзлар ҳисобланади.

3. МОЛЛИЯВИЙ ХИСОБ

Молиявий ҳисоб-мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларида бошқа давлатлар муносабатига моллиявий актив ва пасивларнинг ўзгаришини ифodalайди.

Шундай қилиб, миллий ҳисоблар тизими ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча томонларини босқичма-босқич ифodalайди.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Халқ хўжалиги баланси нима?
2. Миллий ҳисоблар тизими деганда нимани тушунасиз?
3. ХХБ ва МХТ орасидаги умумий боғланишларни тушунтириб беринг.

4. Оралиқ истезмолга нима тар киради?
5. МХТ ни халқаро андозаларини изохланг.
6. МХТ да иқтисодий операция нима ва у қандай турларга бўлинади?
7. Иқтисодиёт секторларини таснифланганини тушунтиринг.
8. МХТ ни асосий ҳисобламалари ва унинг асосий кўрсаткичларини тавсифланг.
9. Ўзбекистон статистикасига МХТни жорий қилиш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?

17-БОБ. ТАРМОҚЛАРАРО БАЛАНСЛАР

1-§. Яили ички маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тармоқлараро баланси

Маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тармоқлараро баланси миллий ҳисоблар тизимининг муҳим қисми ҳисобланади. Бу баланс натура ва қиймат усулида тузилади. Унинг ёрдамида асосий халқ ҳўжалини мувозанатини тармоқлар бўйича ва тармоқлар орасида муфассал равишда ойдинлаштириш таъминланади. У натура усулида тармоқ доирасидаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини акс эттиради, қиймат усулда эса ишлаб чиқаришнинг моддий алоқалари ҳақида тасаввур беради. Натурал усулда тузилган баланс ўз моҳияти билан кўп сонли алоҳида балансларнинг йиғиндисидан иборат. Режалар маҳсулот ишлаб чиқариш ва тармоқлараро баланс ҳисоблари асосида тузилганда яили ички маҳсулот ва миллий даромд балансларидан келиб чиқадиган халқ ҳўжалини мувозанатларини, саноат ва бошқа тармоқлар асосий турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмида оид тармоқ ички пропорциялари билан уйғунлаштириш таъминланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тармоқлараро баланс ёрдамида ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг алоҳида моддий баланслари ўзаро уйғунлаштирилади, тармоқлар ва халқ ҳўжалини ривожланишининг суръатлари ва пропорцияларини меҳнат ресурсларидан ва капитал маблағлардан фойдаланиш даражалари билан мувофиқлаштириш амалга оширилади.

Ҳисобот баланси ўтган давр ичидаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг вуҷудга келган ўзаро алоқа ва пропорцияларини ҳар томонлама ифода қилади.

Жорий тармоқлараро баланс тузишнинг методологияси таъйинлари ва асосий элементлари 1923-1924 йил учун халқ ҳўжалини балансини тузиш мақсадида ишлаб чиқилган эди.

Тармоқлараро алоқаларини тавсифловчи жадаллар, халқ ҳўжалинининг 1929-1930 йиллардаги жорий балансларини тузиш ҳам тайёрланган эди. Аммо, бу ишлар кейинчалик старли даражада ривожланмади. Фақатгина хўжалининг режалаштирилган тармоқлараро алоқаларини ўрганишга талаб кўнйган ва халқ ҳўжалининг электрон ҳисоблаш машиналарининг жорий қилина бошлаган 50 йилларининг илалини тармидан бошлаб тармоқлараро балансларга бўлган талаб ортиб борди. Марказий Статистика Бюролариси томонидан 1959 йил амаинида ilk бор жорий тармоқлараро ишлаб чиқариш ва тақсимлаш баланси тузилди. Бундай баланслар 1966, 1972, 1977 ва 1982 йиллар учун ҳам тузилди. 1975 йилдан бошлаб эа ушбу баланслар ҳар йили учун қисқартурилган дастур бўйича туза бошлади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тармоқлараро баланс асосан ички халқ жадалда акс эттирилади (34-жадал):

1) маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг қиймат кўринишидаги тармоқлараро баланси;

2) маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг натурал кўринишидаги тармоқлараро баланси.

Тармоқлараро балансининг (қиймат кўринишидаги) схемаси шахмат шаклидаги жадвал кўринишида тузилган бўлиб, унинг эгасида (қаторларида) ва кесимида (устунида) бир хил кетма-кетликда моддий ишлаб чиқариш тармоқлари келтирилгандир. Бундан ташқари, жадвалнинг эгасида соф маҳсулотнинг (ши ҳақи, фойда ва ҳақозо) элементлари, кесимида эса — маҳсулотдан пировард фойдаланиш элементлари (ноншлаб чиқариш истеъмоли, жамғарма ва бошқалар) келтирилгандир. Шундай қилиб, агар тармоқлараро балансининг маълумотларини қаторлар бўйича қарасак, у ҳолда ҳар бир қатор ҳар бир тармоқнинг жамланма кўрсаткичлари балансини ифодалайди. Бунда — тармоқнинг маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ва ноншлаб чиқариш учун истеъмоли ва бошқа сарфлари кўрсатилади. Агар балансини устуллари бўйича кўрадиган бўлсак, у ҳолда ҳар бир устун — тармоқ маҳсулотини таркибининг қиймати бўйича кўрсатади.

Тармоқлараро баланс ўз иқтисодий маъносига кўра, кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг алоҳида томонларини ифодаловчи тўрт қисмга (квадрантга) бўлинади.

Биринчи квадрант тармоқлараро балансда (ТАБ) асосий бўлиб, тармоқлар орасидаги ўзаро моддий ишлаб чиқариш алоқаларини ифода этади. У моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини қамраб олади.

Иккинчи квадрантда эса ҳар бир тармоқ маҳсулотининг ноншлаб чиқариш истеъмолига, жамғаришга ва бошқа пировард фойдаланишга сарфи характерланади.

Ноншлаб чиқариш ҳажмининг умумий жамланмасидан аҳолини моддий бойликларининг шахсий истеъмоли ва ноншлаб чиқариш соҳаси корхона ва ташкилотлардаги моддий бойликлар истеъмоли алоҳида кўрсатилади. Ноншлаб чиқариш соҳасининг қўйидаги тармоқлари ажратиб кўрсатилади: йўловчилар транспорти, алоқа (аҳолига ва ноншлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатиш қисми), маориф, соғлиқни сақлаш ва маданият, фан, умумий бойқариш ва уй-жой коммунал хўжалиги. Учинчи квадрантда миллий даромадининг таркибини қиймати бўйича кўрсатилади. Бу ерда соф маҳсулотнинг асосий элементлари ҳар қайси моддий ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича ўз аксини топади, соф маҳсулотнинг қўйидаги элементлари эса ажратилади: ши ҳақи ва бошқа пул тўловлари (хизмат сафари харажатлари, ши ҳақига қирмайдиган бошқа харажатлар) ширкат хўжаликларидagi меҳнат ҳақи, ижтимоий сугўртага ажратмалар, давлат корхоналарининг фойдаси, оборот солиғи, жамоа хўжаликлари ва кооперациялар даромадлари, соф даромадининг бошқа элементлари (кредит учун фойз ва ҳақозо) ва аҳоли томонидан олинган соф даромад. Тўртинчи квадрантда миллий даромадин қайта тақсимлашнинг айрим элементлари ўз аксини топади: ноншлаб чиқариш тармоқлари

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тармоқлараро баъзи схемаси

[illegible]

хизматчиларининг иш ҳақлари, ноишлаб чиқариш корхоналари ва муассасаларининг даромадлари ва ҳакозо. Агарда иккинчи ва тўртинчи квадрантнинг мос келувчи устуңларини қўшиб чиқсак, у ҳолда халқ хўжалигидаги хизматлар ҳажминини аниқлаймиз. Тўртала квадрант ўзаро ўзвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий маҳсулотни кенгайтирилган ишлаб чиқаришининг ифода этади.

2-§. Миллий ҳисоблар тизими тармоқлараро баланси жадвалининг тузилиши

Тармоқлараро баланслар (ТАБ) миллий ҳисоблар тизимида (МХТ) алоҳида ўрин эгаллайди. Бу аввало уларнинг халқ хўжалиги баланси (ХХБ) таркибини таҳлил қилиш учун баҳолар тизими ўзгаришини натижаларининг, асосий қиймат ва натурал моддий тенгликлар ва халқ хўжалиги ривожланиши тамойилларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таснифлаш ҳамда халқаро таққослашлар ўтказиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

ТАБ МХТ халқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари умумлашмаси бўлиб, уни тузиш тармоқлар умумий фаслияти жамин бўйича статистик маълумотлар тўйлаш ва уларга ишлов бериш натижаларига асосланади.

Олиб борилган изланишлар натижасида МХТ ТАБ нинг жорий баҳодаги қуйидаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ҳисобланди:

- оралиқ истеъмол;
- қўшилган қиймат (яъни ички маҳсулот);
- уй хўжаликларининг пировард истеъмоли;
- аҳолининг шахсий талабини қондирувчи давлат ташкилотларининг пировард истеъмоли;
- жамоа талабини қондирувчи давлат ташкилотларининг пировард истеъмоли;

- уй хўжаликларида хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг пировард истеъмоли;

- асосий капиталнинг яъни жамғармаси;
- моддий обьект воситалари захираларининг ўзгариши;
- товарлар ва хизмалар экспорти сальдоси;

Юқорида қайд этилган макроиктисодий кўрсаткичлар асосида МХТ нинг тажрибавий ТАБи жадвали жорий баҳода миллий валютада тўлдирилади. (35-жадвал)

МХТ ТАБи асосан уч қисмдан - 1, 2 ва 3-квадрантлардан иборат.

1- квадрант тармоқларининг ўзаро боғланишининг ва оралиқ истеъмолининг характерлайди. (35-жадвалга қаранг).

МХТ ТАБ нининг 1-квадрантидаги йўллар ва устуңларда моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва ноишлаб чиқариш тармоқлари (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, фан, бошқарув, муҳофаа ва бошқалар) жойлашган.

МХТ ТАБи 1-квадрантидан унғ томонда 2- квадрант жойланган бўлиб, унинг йўллари ишлаб чиқариш тармоқларига мос келса, устуңлари

жа пировард фойдаланишнинг тоифаларига мос келади: пировард истеъмол (уй хўжаликларининг, шахсий ва жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг; уй хўжаликлариغا хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг), ялпи жамғарма (асосий капиталнинг ялпи жамғармаси, моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши), товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси кўрсаткичи.

3-квдрантда 1-квдрант асосида жойлашган, устулар ишлаб чиқариш тармоқларига мос келса, қаторлар қўшилган қийматнинг асосий элементлари: меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш солиқлари (субсидияларни айириб ташлаб) фойда, асосий капиталнинг истеъмоли, аралаш даромад ва бонқаларини ифодалайди. МХТ ТАБи устуларининг жамида тармоқлар маҳсулотининг ялпи ишлаб чиқариш (ЯИЧ қиймати таркиби кўрсатилиб, у оралиқ истеъмол (1-квдрант) ва қўшилган қийматдан (3-квдрант) иборат бўлади. 1-жадвалнинг 01 устун ва 01 қаторида "моддий ишлаб чиқариш ва ишонлаб чиқариш тармоқлари оралиқ истеъмоли" (1-квдрант) макронқисодий кўрсаткичлари ифодаланган. Кейинга 01-йўл, 02-05, 07-08 ва 10 устуларда ялпи ички маҳсулотдан (ИИМ) пировард фойдаланишнинг таркиби ифодаланади (2-квдрант, МХТ ТАБи) ва қўйидагилардан иборат бўлади:

1. Пировард истеъмол:

а) уй хўжаликларининг;

б) аҳоли шахсий истеъмолини ва жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг;

в) уй хўжаликлариغا хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг;

2. Ялпи жамғарма: а) асосий капиталнинг ялпи жамғармаси:

б) моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши;

3. Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси.

01 йўлининг 06,09,11 устулари мос равишда МХТнинг қўйидаги макронқисодий кўрсаткичлари пировард жамланма қийматларини кўрсатади: "Пировард фойдаланиш", "Ялпи ишлаб чиқариш" кўрсаткичларининг қиймати 01-йўлининг 01-11-устуларини қўйиш натижаси бўлиб, иллий корхона ва ташкилотлар томонидан жорий даврданги умумий ишлаб чиқариш ҳажми ва товарлар ҳамда хизматлар тақсимоти умумий ҳажминини ифодалайди. 1-жадвалнинг 01 устун, 04 йўлида жойлашган қўшилган қиймат (ёки ялпи ички маҳсулот) кўрсаткичларининг қиймати "Асосий капиталнинг истеъмоли" (01 устун 02 йўл) ва "соф қўшилган қиймат" (01-устун ва 03-йўл) кўрсаткичларининг йиғиндисидан иборат бўлади. "Соф қўшилган қиймат" "Қўшилган қиймат" ва "Асосий капитал истеъмоли" кўрсаткичлари орасидаги тафовутни ифодалайди. Жамланма кўрсаткич "Ялпи ҳаражатлар" (01 устун 05 йўл), "Моддий ишлаб чиқариш ва помооддий соҳа хизматларининг оралиқ ҳаражатлари" кўрсаткичлари йиғиндисини кўрсатишида аниқланади.

3-§. Халқ хўжалигининг ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг тармоқлараро ҳисобот балансидан МХТ ТАБига ўттиш усули

МХБ методологияси бўйича I-квadrantда акс этган оралиқ истеъмол кичика муддат фойдаланиладиган барча моддий маҳсулотларини, ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиладиган моддий ва номоддий хизматларини ўз ичига олади. Бундан ташқари давлат ташкилотлари харбий анжомларини ва ускуналарини (кемалар, танк-лар, ракета мосламалари ва ҳокозо) -сотиб олинига қилган сарфлари ҳам оралиқ истеъмолга киради.

МХТ ТАБи I-квadrанти оралиқ истеъмоли таркибига корхона ва ташкилотларнинг жорий қиймат таъмири товарларини ва хизматларини сотиб олиш учун қилинган жорий харажатлари (бунда сандо устамаси ва транспорт харажати алоҳида ҳисобга олинади) киритилади.

Оралиқ истеъмол қўйидагиларини ўз ичига олмайди:

- бино ва иншоотларини қуришга ёки уларини капитал таъмирлашга қилинган сарфлар;

- меҳнат унумдорлигини ошириш, хизмат муддатини узайтириш мақсадида машина ва ускуналар таъмири (тузатиш) сарфлари (бундай сарфлар асосий фондларнинг янги жамғармаси деб талқин қилинади).

- уй-жойни таъмирлаш қилиш учун, истиқомат қилувчилар - ижарачилар томонидан қилинган жорий сарфлар (бўёқ, гул, қоғоз ва шунга ухшаш материалларини сотиб олиш ва ҳақою). Булар уй хўжаликларининг иржовард истеъмоли сарфлари деб юритилади.

Оралиқ истеъмолнинг (I- квadrant) МХТ ТАБи концeнцияси бўйича ҳисоблаш усули қўйидаги схемада амалга оширилади:

А) Моддий (материал) харажатлар (амортизацияси) (XXБ ТАБи I-квadrанти);

Б) $1 \text{ дан } 8 \text{ гача йилинди} = Б$

1. Ижтимоий истеъмол таркибига кирувчи ишлаб чиқариш тармоқлари хизмати моддий харажатлари (амортизацияси).

2. Моддий ишлаб чиқариш тармоқлари томонидан номоддий хизматлар учун тўлов (гeология қидирув хизматларисиз, XXБ ТАБ 3-квadrанти);

3. Номоддий хизматлар тармоғи номоддий хизматлари тўлови (XXБ ТАБи 4 - квadrанти).

4. Ишлаб чиқариш ва нашлаб чиқариш тармоқларидаги хизмат сифатлари харажатлари (транспорт ва меҳмонхона хизматларига тўлов қисмида, XXБ ТАБи 3 ва I-квadrанти);

5. Жорий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган захираларнинг йўқотилишини;

6. Умумий овқатланиш корхоналари томонидан озиқ-овқат товарларини, ичимликларини ва тамаки маҳсулотларини сотиб олиш (XXБ ТАБи 2-квadrанти);

7. Армиядаги истеъмол ва уст-бон учун тўловлар;

8. Нудрат ташкилотлари томонидан бино ва иншоотларнинг жорий таъмирини бажариш учун қилган харажатлари;

В) Моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги капитал ремонт харажатлари;

Г) МХТ ТАБда (I-квadrant) оралиқ истеъмоли қўидаги схемада ҳисобланади: $A+B-B=Г$

1.3. Ялни ички маҳсулотни пировард фойдаланиш усули билан ҳисоблаш.

Ушбу усулнинг мақсадларидан бири ялни ички маҳсулотни (ЯИМ) пировард фойдаланиш қисмлари йиғиндиси қўринишида МХТ халқаро стандартларига мос равишда ҳисоблаш ва ЯИМ миқдори, тузиллиши ва ўзгариш тўғрисида маълумот тузилаш учун асос яратиндир.

ЯИМ дан пировард фойдаланиш маҳсулотлар ва хизматларнинг пировард истеъмолини, асосий фондларнинг ялни жамғармасини, моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини, маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдосини ўз ичига олади.

ЯИМ ни ҳисоблаш қўидаги схема бўйича олиб борилади:

1. Пировард истеъмол ($A+B+B$)

а) уй хўжаликларининг пировард истеъмоли сарфлари;

б) аҳолининг шахсий истеъмолини ва жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари;

в) уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи потижорат ташкилотларининг пировард истеъмоли сарфлари.

Е. Ялни жамғарма ($Г+Д$)

Г. Асосий фондларнинг ялни жамғармаси.

Д. Моддий айланма воситалари захираларининг ўзгариши.

3. Маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси.

4. Ялни ички маҳсулот ($1+2+3$).

1.3.1. Пировард истеъмол.

Пировард истеъмол хўжалик birlikлари аҳолининг жорий даярдаги шахсий ва жамоа истеъмолини қондирини учун фойдаланилган маҳсулотлар ва хизматлар сарфларидир. Ушбу сарфлар ким томонидан молиялаштирилишига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1) уй хўжаликларининг истеъмоли сарфлари аҳолининг шахсий бюджетни ҳисобидан молиялаштирилади;

2) давлат муассасалари - давлат бюджетни ҳисобига;

3) потижорат муассасалар жва ушбу муассасалар аъзоларининг аъзолик бадаллари ва хайриялари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

1.3.1.1. Уй хўжаликларининг пировард истеъмолига кетган сарфлар.

МХТ да уй хўжаликларининг пировард истеъмолига кетган сарфлар - аҳолининг шахсий даромади ҳисобига қисқа ва узок муддат фойдаланиладиган воситалар (уйларни ва квартираларни сотиб олишдан ташқари) ва истеъмол ҳусусиятига эга хизматлар учун тўловлардир. Бу қўсаткич шунингдек аҳолига меҳнат —ҳақиға натура шаклида тўланган

ёки уларнинг таморқасидан олинган маҳсулотларни ва кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади.

Қуйида уй хўжаликларининг пировард истеъмолига кетган сарфларни ХХБ ТАБда "Шахсий истеъмол" кўрсаткичи ёрдамида ҳисоблаш кўрсатилган:

А) Шахсий истеъмол (ХХБ ТАБ 2-квадрант)

Б) $1+18=Б$

1. Квартира тўлови: Ушбу кўрсаткич маълумотлари " Аҳолининг пул даромадлари ва сарфлари баланси"дан "Квартира тўлови ва коммунал тўловлари" жадвали -1-йўл "Квартира тўлови" дан аниқланади.

2. Мехмонхоналарда ва ётоқхоналарда яшаганлик учун тўловлардан айириб ташланади (минус) хизмат сафари тўловлари ҳисобига мехмонхоналарда ва ётоқхоналарда яшаганлик учун тўловлар

3. Канализация ва ахлат ураларини тозалаганлик учун коммунал тўловлари.

4. Умумий овқатланиш ташкилотлари хизматининг истеъмоли.

5. Майиший ва номоддий (ҳаммомлар, сартарошхоналар, ижара шахобчалари, фотосурат, маълумотхоналар (маълумот бериш бюрolari), уй-жой алмаштириш муассасалари ва ҳақозо хизматлар тўловлари.

6. Санаторияларга, дам олиш-уйларига, пенсионатларга, туристик базаларга ва ҳақозоларга йўлланмалар сотиб олиш.

7. Пуллик тиббий муассасалар хизматида тўловлар.

8. Кино, театрлар, музейлар, цирklar, хайвонот боғлари ва бошқа маданий-оқартув муассасаларига ташриф буюриш сарфлари.

9. Транспорт хизматлари учун тўловлар (хизмат сафари пули ҳисобига кўрсатилган транспорт хизмати сарфи бундан айириб ташланади).

10. Алоқа хизматлари учун тўловлар.

11. Молиявий, юридик ва бошқа хизматлар учун тўловлар

12. Елланма хизматчилар хизмати учун тўловлар: бу кўрсаткич уй хўжаликларини танлама текшириш натижаси маълумотлари асосида ҳисобланади.

13. Ўз уйида яшаганлик хизматлари учун тўловлар қўйидаги жорий харажатлар йиғиндисини ўз ичига олади:

- жорий таъмир учун давлат ва кооператив савдоси шахобчаларидан, айрим шахслардан сотиб олинган қурилиш материаллари қиймати;

- ихтисослашган корхоналар томонидан бажарилган жорий таъмир тизимлари қиймати;

- иншоотлар эгаларидан йиғилган тўловлар ва солиқлар;

- уй-жой эскириши.

14. Эркин мутахассисликлар билан шуғулланувчи шахсларнинг хизмати учун тўлов: бу кўрсаткич уй хўжаликларини танланма кузатиш асосида тўланган маълумотлар асосида ҳисобланади.

15. Якка тартибдаги меҳнат фасолияти билан банд шахслар томонидан кўрсатилган хизматларга (уй-рузгор, ижтимоий маданий хизматлар, уй-жойни ижарага бериш ва бошқалар) тўловлар.

16. Болалар муассасаларига тўловлар.

17. Лотереяларнинг шартли тўлови: лотерея билетларини сотиб олиш сарфлари билан уларнинг ютуқлари орасидаги тафовутни каби аниқланади.

18. Суғурта хизматларининг шартли тўлови: бу кўрсаткични баҳолаш давлат ва тижорат суғурта ташкилотларининг йиллик бухгалтерия ҳисоботлари асосида амалга оширилади:

$a-b+v$

а) суғурта мукофотлари;

б) суғурта тўловлари;

в) суғурта захираларини қўшимча ўсиши;

г) суғурта захиралари бўйича фонслар;

B . 19 дан 22 гача йиғинди= B

19. Уй-жой фонднинг (эскириши) амортизацияси.

20. Харбий хизматчиларнинг овқатланиши ва уст-бони қиймати.

21. Уй ва квартира эгаларининг уй-жой фондни жорий таъмирлаш учун қўрилиш материалларини сотиб олишга қилган сарфлари.

22. Аҳолининг умумий овқатланиш муассасаларидаги истеъмоли (ушбу корхоналарнинг савдо устамасини қўшиб).

Γ . МХТ да ТАБ (2 квадрант) бўйича уй хўжаликларининг истеъмоли қўйидаги схемада ҳисобланади:

$A+B-B=\Gamma$

1.3.1.2. Аҳолининг шахсий (индивидуал) талабини қондирувчи давлат муассасаларининг пиროвард истеъмоли сарфлари.

Аҳоли шахсий талабини қондирувчи давлат муассасаларининг пиროвард истеъмоли сарфлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) айрим шахсларга давлат бюджетдаги муассасалар томонидан соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, маориф, маданият ва санъат соҳаларида бепул хизмат кўрсатиш қиймати.

б) уй хўжаликларига бериш мақсадида давлат муассасалари томонидан ижтимоий суғурта ёки ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастури асосида сотиб олинган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати.

Аҳолининг шахсий талабини қондирувчи давлат муассасаларининг пиროвард истеъмоли сарфлариг қўйидаги схемада олиб борилди:

А. Тармоқлар бўйича бюджетдаги муассасаларни таъминлаш сарфлари давлат бюджетининг бажарилишини ҳақидаги ҳисобот асосида ҳисобланади.

B . 1 дан 17 гача бўлган йиғинди = B

1. Ускуналар ва жиҳозлар сотиб олиш учун қилинган сарфлар.

2. Давлат капитал қўйилмалари.

3. Бино ва иншоотларни капитал таъмир қилиш ҳаражатлари;
4. Нафақа ва ёрдам пули.
5. Нафақалар ва ёрдам пулларига қўшимча тўловлар.
6. Бюджетдан нафақа фондига ўтказиладиган маблағлар.
7. Ўттириқлар.

В. Бюджетдаги танкилотларни бюджет ҳисобига таъминлаш жорий сарфлари қўйидаги схема асосида ҳисобланади:

$$A-B=B$$

Г. Ижтимоий-маданий тадбирлар учун давлат ижтимоий суғурта бюджетидан ажратилган маблағларининг жорий сарфи.

Д. Ижтимоий-маданий тадбирлар учун қасаба уюшмаси бюджетидан ажратилган маблағларининг жорий сарфи.

Е. Давлат бюджет муассасаларининг жами жорий сарфлари қўйидаги схемада ҳисобланади:

$$B+Г+Д=Е.$$

Ж. Бюджетдаги муассасаларининг асосий фондлар истеъмоли.

З. Бюджетдаги муассасаларининг саклаш сарфлари (асосий фондлар истеъмолини ҳам қўшиб) қўйидаги схемада ҳисобланади:

$$E+Ж=З.$$

И. Бюджет ҳисобидаги пуллик хизматларининг сотилиши.

К. Аҳолининг шахсий истеъмолини қондириш учун давлат муассасаларининг пиروвард истеъмоли учун сарфлари, қўйидаги схема асосида ҳисобланади:

$$З-И=К$$

Л. Ўй хўжаликларига бериш учун товарларни ва хизматларни сотиб олиш (натурал ижтимоий ёрдам).

М. (Пулисиз текни) Бюджет ҳисобидаги хизматларнинг қиймати қўйидаги схемада ҳисобланади:

$$K-Л=И$$

1.3.1.3. Жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг пиروвард истеъмоли сарфлари.

Жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари, ушбу муассасаларининг бепул хизматларини ўз ичига олиб уларнинг жорий ҳаражатларига (асосий фондлар истеъмоли ҳам қўшилиб) тенглаштириб олинади (пуллик хизматлардан тушган даромадлар бунда ҳисобдан чиқарилади) ва қўйидаги схемада ҳисобланади:

1. Бошқарув.
2. Мудорова.
3. Фан ва илмий хизмат кўрсатиш.
4. Кредит.
5. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар.
6. Пул хўжалиги.
7. Жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари:

$$1 + 2 + 3 + 4 + 5 + 6 = 7.$$

1.3.1.4. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат муассасаларининг пиrowард сарфлари.

Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат муассасаларининг пиrowард сарфлари қўйидагиларни ўз ичига олади;

а) ушбу муассасалар (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, турли ташкилотлар, хайрия ва бошқа турли фондлар) томонидан уй хўжаликларига кўрсатилган бепул хизматлар қиймати;

б) уй хўжаликларига бериш (бепул) мақсадида нотижорат муассасалари томонидан сотиб олинган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати;

Бепул хизматлар қиймати, ташкилотларнинг жорий харажатларидан (асосий фондлар истеъмоли ҳам ҳисобга олиниб) пуллик хизматлар қийматининг айириб ташланганига тенг. Бу кўрсаткичга корхоналарнинг (нотижорат муассасаларига қарашли) харажатлари (масалан, босмахоналар харажатлари партия ва касаба уюшмаларига тегишли) киритилмайди.

А. Жорий сарфлар $= 1 + 2 + 3 + 4 = A$.

1. Меҳнат ҳақи.

2. Оралиқ истеъмол.

3. Асосий фондлар истеъмоли.

4. Ишлаб чиқаришга солинган солиқ ва бошқа сарфлар.

Б. Пуллик хизматларнинг сотилиши.

В. Уй хўжаликларига кўрсатилган бепул хизматлар қиймати қўйидаги схемада ҳисобланади:

$$A - B = B$$

Г. Уй хўжаликларига бериш мақсадида маҳсулот ва хизматларнинг сотиб олинини (бунга ташкилотга қарашли касалхоналар, уй-жойлар фонди, стадионлар, клублар, дам олиш уйлари ва хоказолар) томонидан ўз хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилган хизматлар ҳам кирadi). Ушбу хизматлар қиймати жорий даврда ушбу корхона ва ташкилотлар харажатларига тенглаштириб олинади.

Д. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат муассасаларининг пиrowард сарфлари $= B + Г = D$

1.3.2. Ялпи жамғарма (ЯЖ)

Ялпи жамғарма ўз ичига асосий фондлар ёки капитални ялпи жамғармасини ва моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини қамраб олади.

Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси хўжалик юритувчи резидентлар томонидан инвестицион объектларга ва бир йилдан ортиқ муддат фойдаланувчи воситаларга ажратилган маблағларни ташкил қилади. (уларга кирувчи хизматлар қийматини ҳам қўшиб)

Асосий фондлар ялпи жамғармасини ташкил этувчи элементларни баҳалаш, агар улар сотиб олинган бўлса сотиб олин баҳоларида, улар ўз кучи билан ёки хўжалик усули билан амалга оширилган бўлса, у ҳолда

асосий баҳоларда (яъни бирламчи ҳаражатларни ёки бошқа ишлаб чиқариш соҳиларининг ҳисобга олувчи баҳоларда) амалга оширилади.

Моддий айланма воситалар захиралари, хўжалик бирликларида ушбу даврда мавжуд бўлган, асосий фондларнинг ялпи жамғармасига қўшилмайдиган барча маҳсулотларни ўз ичига олади.

Моддий айланма воситалар захираларига қўйидагилар кириди:

- а) саноат маҳсулотларининг захиралари (ҳом ашёлар, материаллар, ярим фабрикалар, ёкилғи, тайёр маҳсулот);
- б) йиғиштириб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захиралари;
- в) боқувдаги мол, ёш мол, қуён, қуш ва асаларилар;
- г) тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- д) давлат моддий захиралари;

Моддий айланма воситалар захиралари қазилма бойликлар захираларининг йилгиб олинган ўрмон ва қишлоқ хўжалиги ҳосилини қийматининг ўз таркибига олмайдн. Захиралар қийматининг маълум даврдаги ўзгаришини уларнинг давр бошидаги ва давр охиридаги захиралар тафовути билан аниқланадн.

Товарлар захиралари, агар улар истеъмолчиларда ёки улгуржи ва чакана савдо корхоналарида бўлса, сотиб олувчиларининг баҳолари бўйича,бордию ишлаб чиқарувчиларда бўлса, у ҳолда асосий баҳоларда баҳоланадн.

1.3.2.1. Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси

Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси кўрсаткичининг ҳисоблан қўйидаги схемада олиб борилади:

А. Асосий фондлар жамғармаси (2-кв. драфт ХХБ ТАБи)

Б. 1 дан 8 гача йиғинди = Б.

1. Капитал ремонт ва чиқиб кетган асосий фондлар ўринини қоплати.

2. Тухтатилган қурилишнинг четириб ташлаш.

3. Чиқариб ташланган поинааб чиқариш фондларининг қиймати (2-кв. ХХБ ТАБи);

4. Тугалланмаган қурилишнинг қўшимча ўсиши.

5. Тугалланмаган капитал таъмирининг қўшимча ўсиши.

6. Давлат бюджети еки асосий фаолият маблағлари ҳисобига амалга оширилган дастур ва геология қидирув ишлари ҳаражатлари.

7. ЭХМ ни дастур билан таъминлаш ва вужудга келтириши билан боғлиқ ҳаражатлар.

8. Йирик қора молнинг нобуд бўлиши.

В. МХТ ТАБида асосий капиталнинг ялпи жамғармаси қўйидаги схемада амалга оширилади:

$$A + B = B$$

1.3.2.2. Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши.

«Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши» қўйидаги схемада амалга оширилади:

А. Моддий айланма воситаларининг ХХБ ТАБидаги жамғармаси (2-кв. ХХБ ТАБ)

Б. $1 + 2 = 5$.

1. Тугалланмаган қурилиннининг қўшимча ўсиши. (2-қв. ХХБ ТАБ).

2. Тугалланмаган капитал жорий таъмирининг қўшимча ўсиши. (2-қв. ХХБ ТАБ).

В. Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши. МХТ ТАБда (2-квадрант) қўйидаги схемада ҳисобланади: $A - B = B$

1.3.3. Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси

Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси — ташқи иқтисодий операциялар натижасининг қўйидаги шаклидир:

- товарлар экспорти ва импорти;

- моддий ва номоддий хусусиятга эга хизматлар экспорти ва импорти;

Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси - бу ташқи савдо балансининг яқиний кўрсаткичи бўлиб, ташқи савдо бирланмаларининг ва юкларининг божхона декларацияси маълумотлари асосида тузилади. Товарларни экспорти деганда мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни мамлакатдан ташқарига олиб чиқиб кетини ва товарларни реэкспорт тушунилади.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таркибига, шу-нингдек мамлакатта четдан олиб келтирилган ва маълум даражада қайта ишлов берилиб техник ва асосий тавсифлари ўзгартирилган товарлар ҳам киради.

Товарлар импорти деганда мамлакатга чет элдан товарларни олиб кириш тушунилади.

Импортга халқ хўжалигида истеъмол қилиш учун чет элдан келтирилган реэкспортга мўлажалланган товарлар ва. чет элдан ушбу мамлакатнинг ташкилотлари учун уша ердан истеъмол қилиш учун сотиб олинган товарлар ҳам киради.

Агар экспорт импортидан ортиқ бўлса, сальдо мусбат, агар импорт ҳажми экспортдан ортиқ бўлса, сальдо манфий бўлади.

Товарларни баҳолаш контрактда кўрсатилган ташқи савдо ба-ҳоларининг ҳисобга олинган ҳолда, миллий валюта ёки АҚШ долларларида олиб борилади.

Хизматлар импорти ва экспорти техник хизмат кўрсатишини, таъмирини ва йўловчилар ва юкларини ташиниш, алоқа хизматларини, тижорат хизматларини, чет эл сайёҳчилиги ва бошқаларини ўз ичига олади.

Хизматлар экспорти ва импорти сальдоси бу ушбу хизматлардан тушган тушумлардан орасидаги фарқ каби аниқланади.

Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси қўйи-дагича аниқланади:

А. Товарлар ва хизматлар экспорти;

Б. Товарлар ва хизматлар импорти;

В. Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси қўйидагича аниқланади: $A - B = B$

1.4. МХТ ТАБи тақсимот усули ёрдамида ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш (3-квадрант).

МХТ ТАБи 3-квадрантида ишлаб чиқариш жараёни яшироқчи-ларининг умумий даромадини аёс эттирувчи қўшилган қиймат ифодаланади: ялпи "қўшилган қиймат" тоифаси МХТ да маҳсулотни қиймат компонентларини ифодалаш учун хизмат қилади. МХТ да асосий макроиқтисодий кўрсаткич бўлиб, қўшилган қийматнинг тармоқлар бўйича миқдори йиғиндисига импорт соф солиқларини қўшиб ҳосил қилинувчи, ялпи ички маҳсулот ҳисобланади.

Ушбу макроиқтисодий кўрсаткични қўйидаги схемада олиб борилади:

А. Соф маҳсулот (3-квадрант ХХБ ТАБи)

Б. $1 + 2 + 3 + 4 = B$

1. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг амортизацияси (1-қв. ХХБ ТАБи);

2. Номмодий ишлаб чиқариш тармоқлари амортизацияси;

3. Капитал татмирлашга сарфланган харажатлар.

4. Номмодий хизматлар кўрсатиш соҳаларининг қўшилган қиймати. (4-қв. ХХБ ТАБи).

В. $5 + 6 = B$

5. Моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва номмодий хизматлар соҳаси бўйича транспорт ва меҳмонхона хизматларига командировка сарфлари.

6. Моддий ишлаб чиқариш ва номмодий хизматлар соҳаси номмодий хизматларига тўловлар. (3 ва 4-қв. ХХБ ТАБи)

Г. Қўшилган қиймат (3-қв. МХТ ТАБи) қўйидаги схемада ҳисобланади:

$A + B - B = Г.$

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Тармоқлараро баланс (ТАБ) ёрдамида қандай иқтисодий масалаларни ечиш мумкин?

2. Тармоқлараро баланслар ривожланиш тарихи ҳақида нималарни биласиз?

3. ТАБ тузилиши ҳақида нималарни биласиз?

4. ТАБ қандай баҳоларда тузилади?

5. ТАБ квадрантлари таркиби тўғрисида нима биласиз?

6. Халқ ҳўжалигининг ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимотининг тармоқлараро ҳисобот балансидан МХТ ТАБиға ўтиш усули ҳақида нималар биласиз?

7. ТАБда оралиқ истеъмол, ялпи ички маҳсулот, пировард истеъмол ва бошқалар. иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ҳақида нима дея olasиз?

8. Аҳолининг шахсий талабини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфларини олиб бориш схемаси туғрисида нима биласиз?
9. Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси кўрсаткичини ҳисоблаш схемаси ҳақида нима биласиз?

18-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

1-§. Асосий ахборот манбалари тафсилоти ва уларнинг умумий таъсифи

Макроиқтисодий статистика кўрсаткичлари хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жисмоний шахслар)нинг статистика органлари ва бошқа идоралар томонидан йиғилган бирламчи маълумотлари асосида ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикасининг статистика ҳақида» ги қонунига асосан бу соҳада бошқарувчи вазифасини Республиканинг статистика департаменти амалга оширади. Аммо фақат у тўплаган маълумотлар асосида миллий иқтисодиёт ривожини тўлиқ таҳлил қилиш ва иқтисодий сиёсат ишлаб чиқиш мумкин эмас. Бунинг учун молия вазирлиги, марказий банк, солиқ ва божхона хизматлари томонидан давлатни бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги, бюджет ташкилотлари, молия муассасалари, кичик хусусий тадбиркорлар фаолияти ҳақидаги йиғилган маълумотлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон статистика департаменти бутун Ўзбекистон статистикаси устидан умумий раҳбарлиқни амалга оширади, ягона методология асосида статистик кузатиш ўтказади ва бошқа маълумот манбаларига эга бўлган давлатни бошқариш органлари билан ўзаро алоқада бўлади.

Давлатни бошқариш доирасида маълумот ишлаб чиқувчилар маълумотларини йиғиш, уларни таҳлил қилиш ва маълумотлар алмашини йўл-йўриқлари ва унинг дастурларини ишлаб чиқишда ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Вазирликлар ва идоралар статистик кузатишларини ўтказишда статистика департаменти билан маслаҳатда бўладилар ва кузатиш натижалари билан ўртоқлашадилар.

Ўзбекистон Статистика Департаменти тизимига 12 та минтақа (вилоят) статистика бошқармалари киради: Республиканинг йиллик статистик ишлари режасида статистик кузатишнинг асосий йўналишлари (субъектлари), унинг даирийлиги, маълумотларини тўплаш усули ва ҳисоботларини тошнирини муддатлари белгиланади. Республика Статистика Департаменти дастурига кирган барча дастурлар, ҳамма даражадаги статистика учун мажбурий ҳисобланади ва барча маълумотлар республика даражасида йиғилади.

Ўзбекистондаги барча статистик маълумотлар манбаларини 2 гуруҳга: ички ва ташқи гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ички гуруҳ маълумот манбалари:

- а) корхоналар ҳисоби;
 - б) корхоналар регистри;
 - в) рўйхатга олиш ва қўзғувлар;
- Ташқи гуруҳ маълумот манбалари:
- а) маъмурий манбалар;

- б) молия ва банк статистикаси ;
- в) тўлов баланси;
- г) божхона статистикаси.

Корхоналар ҳисоботи. Корхоналар ҳисоботи тизими 2 хил ахборотлар оқимидан ташкил тонади;

- а) бухгалтерия ҳисоботи;
- б) статистик ҳисобот;

Бу ҳисоботлар бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиб, улар бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади. Режали тизим даврида бундай ҳисоботларни статистика органларига ўз вақтида етказиш қонуни тусини олган ва бутун статистик фаолият шуларга асосланган эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳар хил мулкчиликни юзага келтирди, йирик таркибий ўзгаришлар юз берди ва бу ўз навбатида ҳисобот бериш интизомига анча путур етказди. Жуда кўн майда хусусий корхоналарнинг пайдо бўлиши ва ёниқ иқтисоднинг юзага келиши улардан ёниасига сифатли ҳисоботларни олишни қийинлаштирди. Шулар мунособати билан янги шароитга мос ҳисоботларни юзага келтириш учун ёки тизимни бутунлай ислох қилишга тўғри келди. Республикада ривожланган мамлакатлардаги каби йирик ва ўрта корхоналар ҳисобот берсалар ҳам лекин кичик корхоналар маълумот манбаларини яратини учун таълама кузатиш ва рўйхатлар ўтказиш лозим бўлади.

Ҳисоботларни мустаҳкамлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоботини ҳам такомиллаштириш лозим. Бунинг учун уни жаҳон андозаларига ўтказиш, унда янги категория ва операцияларни акс эттириш лозим (мулкдан олинган даромад, хусусийлаштиришдан олинган тушумлар, номоддий активлар, акциялар, қимматли қоғозлар ва ер билан операциялар ва х.к.).

Бухгалтерия ҳисоботи

Бухгалтерия ҳисоботи корхонанинг иқтисодий ахволини акс эттиради ва у раҳбариятини нпллаб чиқариш жараёнини таҳлил қилини ва қарорлар қабул қилинига қарамилган.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоботи «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳақидаги Низом» га асосан Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўқилик бухгалтерия ҳисоботиға қуйидагилар киради:

а) Намунавий шакллар:

- бухгалтерия баланси (1-шакл);
- молиявий натижалар ҳисоботи (2-шакл);
- капитал ҳаракати ҳақида ҳисобот (3-шакл);
- пул маблағлари ҳаракати ҳақида ҳисобот (4-шакл);
- бухгалтерия балансиға илова (5-шакл);
- махсус шакллар;
- тушунтириш хати;
- бухгалтерия ҳисоботи тўғрилигини ишботловчи аудиторлик ҳулосаси.

Булар ичида асосийси бухгалтерия баланси бўлиб, унда корхона мулкнинг йил боши ва охиридаги ҳолати, шунингдек, унинг тизими ҳолати акс эттирилади.

Бюджет ташкилотлари, банклар ва суғурта ташкилотлари учун бухгалтерия ҳисоботининг бошқача шакллари тасдиқланган. Масалан, бюджет ташкилотларида қуйидаги шакллар қўлланилади:

- ◆ ҳаражатлар сметасини бажарилиши ҳақидаги ҳисобот (шакл №2);
- ◆ бюджет ажратмаларидан фойдаланиш ҳақида ҳисобот (шакл №2-2);
- ◆ бюджетдан ташқари маблағлар ҳаражатлари сметасининг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот (шакл №4);
- ◆ «тошириқлар сўмалари» жорий ҳисобламаси маблағларининг ҳаракати ҳақида ҳисобот».

Статистик ҳисобот

Статистик ҳисоботлар халқ хўжалиги тармоқларининг ҳолати ва уларнинг ривожланишини таҳлил қилиш учун, ҳамда давлат ташкилотлари томонидан иқтисодий сиёсатни амалга ошириш мақсадида қарорлар қабул қилиш учун йиғилади ва қайта ишланади. Статистик ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоботлари маълумотларига таънади, лекин улар кўрсаткичлар бухгалтерия ҳисоботидагидан кўпроқ бўлади. Уларнинг баъзиларини олиш учун махсус ҳисоблар ва баҳолашлар амалга оширилади.

Ўзбекистондаги статистик ҳисобот шакллари Статистика Департаменти томонидан тасдиқланади. Уларда корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми ва уларни ишлаб чиқариш учун қилинган ҳаражатлар, бандчилик даражаси, капитал қўйилмалар ҳақидаги ва ҳақоқо маълумотлар келтирилади. 1992 йилдан бошлаб ҳисоботларда миллий ҳисобламалар тизими талаблари асосида махсус ўзгартиришлар киритилди. Умумий ҳисоботларда статистик маълумотлар салмоғи намайиб, бухгалтерия ҳисоботи салмоғи ортмоқда. Шу билан бирга статистик танлама кузатишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Корхона ва ташкилотлар ҳисоботи

Хўжалик юритувчи субъектлар регистри танлама кузатишларин амалга ошириш ва улар билан мулоқотда бўлишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Регистрда корхоналарнинг жойланган ери, қайси тармоққа қарашли экани, асосий иқтисодий таъсифи (масалан, банд бўлганлар сони, маҳсулот ҳажми, асосий фондлар қиймати ва х.к.) келтирилади.

Регистрлар доим янгиланиб туриши лозим; унга янги барпо этилган корхоналар киритилиши, аввал рўйхатга олинган корхоналар ҳақидаги маълумотлар янгиланиши, енгилган корхоналар рўйхатдан чиқарилиши, ишлатилганлари ҳисобга олинishi лозим. Бу маълумотларнинг барчаси танлама кузатиш дастурини тузишда эътиборга олинади.

Рўйхатга олинш ва кузатишлар

Яқин вақтларгача, статистик маълумотлар асосан янги статистик кузатиш - ҳисоботлардан олинар эди. Бозор иқтисодийи режаси

иқтисодийётга нисбатан анча тез ўзгарувчан ва ҳаракатчан бўлади. Шунга қараб статистика хизмати ҳам бу ҳолатларни эътиборга олиб, эгилувчан ва нихоятда хушёр бўлиш керак. Бозор иқтисодийётига ўтган мамлакатларда статистик ҳисоботлардан олинган маълумотлар, махсус манбалардан олинган маълумотлар билан тўлдириб борилади. Биринчидан, ёппасига ўтказилган иқтисодий рўйхатлар ва улар ўртасида ўтказилган танлама кузатишлар бунга мисол бўла олади.

Иқтисодий рўйхатлар - ишлаб чиқариш бирликларини статистик кузатиш усулларидан бири ҳисобланади. Бунда корхоналар ҳақидаги барча маълумотлар тўпланади. Амалиётда ҳар хил мақсадлар на дастурлар асосида қуйидаги кузатишлар амалга оширилади: онслар бюджетини ўрганишдаги, савдо корхоналарини ўрганишдаги, йирик корхоналар оборот маблағлари захираларини ўрганишдаги танлама кузатишлар ва ҳакозо.

Маъмурий манбалар

Барча даражадаги давлатни бошқариш муассасаларининг барча даражалари (республика, вилоят ва туман), давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари ва солиқ хизмати ҳисоботлари маъмурий манбаларни ташкил этади.

Давлат бюджетини бажариш ҳақидаги ҳисобот

Давлат бюджетини бажариш ҳақидаги ҳисоботни молия вазирлиги амалга оширади. Уларнинг маълумоти давлат молия статистикасининг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳисобот бюджетнинг даромадлари ва ҳаражатлари ҳақидаги ҳамда бюджет камомати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Даромадлар қисмида - солиқ даромадлари, давлат мулкидан фойдаланишдан тушган даромадлар (масалан, табиий ресурслардан фойдалангани учун, давлат кредитлари учун тўланган фойзалар ва ҳакозо.), давлат мулкни сотишдан тушган тушумлар, трансферт тўловлари ва ҳакозо.

Бюджет ҳаражатлари бажараётган функцияси ва иқтисодий белгилар бўйича гуруҳланади. Иқтисодий белгилар бўйича ҳаражатлар - бюджет муассасаларини асраш, аҳолига нақсия ва нафақалар тўлаш, корхоналарга субсидия ва трансфертлар тўлаш қабиларга ажратилади.

Бажараётган функцияси бўйича ҳаражатлар қуйидаги йўналишларга ажратилади: иқтисодийётга, ижтимоий ривожланишга, илмга, муҳофаага ва ҳакозо.

Солиқ статистикаси

Ўзбекистон Солиқ хизмати бошқа давлатлардаги каби ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар олаётган даромадларнинг турлари ва улар тўлаётган солиқлар бўйича маълумотларни жамлайди. Бу маълумотлардан статистика ташкилотлари томонидан бошқа манбалардан олинган даромад ва солиқлар ҳақидаги маълумотларни текшириш ва мувофиқлаштириш учун фойдаланилади.

Статистика органлари ишонч ҳосил қилиш ва шахсий солиқ декларациялари ҳақидаги маълумотлар сирини сақлаш мақсадида ҳисоб -

китоб ишлари ва чоп этиладиган маълумотларда жамланган, қўшилган агрегат маълумотларини келтирадилар.

Пул ва банк статистикаси

Марказий банк томонидан ишланадиган пул ва банк статистикасининг маълумотлари банк сектори фаолиятининг, айрим тармоқларга берилган кредитлар ҳақидаги муҳим маълумот манбалари ҳисобланади. Бу маълумотлардан бюджет камомadini молиялаштириш манбаларини ўрганишда ҳам фойдаланилади.

Тўлов баланси

Тўлов баланси мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳолати ва унинг ривожланиши ҳақидаги муҳим маълумот манбаи, шунингдек ташқи савдонинг қандай ривожланаётгани, экспорт - импорт операциялари бўйича қолдиқнинг қандай ташкил бўлаётгани, мамлакат қандай жорий даромадлар ва трансфертлар олаётгани ва бераётгани, қандай усулда ва ҳажмда чет эл инвестицияси жалб этилаётгани, ташқи қаржлар қандай туланаётгани ҳақидаги маълумотлар манбалари ҳисобланади. Тўлов баланси маълумотлари МХТ даги «қолган дунё» ҳисобламасини тузишдаги асосий манба ҳисобланади. Бу маълумотлар фақатгина ташқи иқтисодий алоқаларни ўрганиш манбаи бўлибгина қолмай балки фискал ва монетар сиёсатни аниқлашда, балки ички валюта бозорининг ва валюта курсини ишлаб чиқишда ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Божхона статистикаси

Божхона статистикаси ташқи савдо ҳақидаги асосий маълумот манбаи ҳисобланади. Бу маълумотлар ташқи савдонинг физик ҳажми, макroiқтисодий статистиканинг агрегат кўрсаткичларини жорий ва йиллик баҳоларда ҳисоблаш, МХТ ни тузиш, тармоқлараро баланс, товар оқимларини таҳлил қилишнинг муҳим манбаи ҳамдир.

1994 йилдан бери божхона статистикаси республикамизнинг божхона қўмитаси томонидан ишланмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши божхона ҳиқматчилари томонидан ташқи савдонинг халқаро амалиётини ўқибора тутган ҳолда ҳисобга олишнинг тақозо этади. У республикамизнинг божхона кодексига мот қилинган ҳолда тузилади. Бунда асосий маълумот манбаи бўлиб товарларнинг экспорти ва импорти ҳақидаги декларация ҳисобланади.

2-§. Ўзбекистонда статистик ҳисоботларнинг асосий шакллари ва уларни қайта ишлаш усуллари

Статистик ҳисоботлар ҳозирги даврда ҳам асосий маълумот манбаи ҳисобланади ва улар асосида қуйидаги маълумотлар тузилади:

- қорхоналарнинг молиявий - ҳўжалик фаолияти ҳақида;
- иқтисодиётнинг айрим тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ва уларга сарфланган харажатлар ҳақида;
- иқтисодиётнинг айрим тармоқларида банд бўлганлар ва уларнинг меҳнат ҳақи ҳақида;

- баҳо ва тарифлар ҳақида;
- капитал ҳажми ва унинг ҳаракати ҳақида;
- демографик ҳолат ҳақида;
- ижтимоий соҳани ривожланиши ҳақида;
- атроф - муҳитни ҳолати ҳақида;

Статистик ҳисоботлар конкрет маълумотларнинг зарурлик даражасига қараб йиллик, ярим йил, чорақлик, ой учун тузилади ва жойлардаги статистика органларига (республика, вилоят, туман, шаҳар ва ҳакозо.) ва давлат томонидан тармоқни бошқараётган органларга (вазирликлар, қўмиталар ёки бошқа идораларга) белгиланган вақтда топширилади.

Бозор товарлари ва номолиявий хизматлар ишлаб чиқарувчи тармоқлардаги ишлаб чиқариш ҳажми ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва улар асосида аниқланадиган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ҳақидаги асосий маълумот манбаи, шакл №5-С «Корхона (ташкilot) сарф-ҳаражатлари тўғрисида йиллик ҳисобот» ҳисобланади. У икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисида корхона асосий фаолияти бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва бу маҳсулотга қилинган ҳаражатлар моддалари бўйича келтирилади: ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) амалдаги нархи (қўшимча қиймат солиғисиз ва акцизсиз), жами ҳаражатлар, шу жумладан:

- ишлаб чиқарилаги маҳсулот (ишлар,хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннарихи;
- д-р ҳаражатлари;
- молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар;
- фавқулодда зарарлар.

Иккинчи бўлимда асосий бўлмаган фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг нархи ва унга қилинган ҳаражатлар келтирилади.

Шакл №12-Ф «Пул маблағларидан фойдаланиш ҳақида маълумот» да корхоналарнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва мукамаллаштириш, ижтимоий ривожланиш, ижтимоий ҳимоя қилиш тўловлари ва ҳакозолар ўз аксини топади. Умумий ҳаражатлар сўммасидан фойдадан ажратмалар ҳажми алоҳида кўрсатилади. Бу шакллар кичик қўшма ва чет эл корхоналарида, банклар, сўғурта ва бюджет ташкилотларида қўлланилади.

Кичик корхоналар ўзларининг молиявий-хўжалик фаолиятлари бўйича маълумотларини шакл №КК да келтирадилар. Унда корхонанинг асосий ва қўшимча фаолият бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, ҳажми натура кўрсаткичларида аниқланган айрим маҳсулот турлари, маҳсулотни сотишдан тушган тушум, ходимлар сони, иш ҳақи, баланслаги фойда, капитал қўйилмалар ва асосий фондлар ҳақида маълумотлар келтирилади.

Саноат тармоғида статистик ҳисоботнинг асосий шакли шакл №1-11 «Маҳсулот бўйича корхона (бирлашма)нинг йиллик ҳисоботи» қабул қилинган. Уни ходимлар сони 50 тадан кам бўлмаган корхоналар

тузадилар. Унда маҳсулот ҳажмини натурал кўрсаткичларда келтириш билан бирга, ҳисобот йилида ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати корхонанинг амалдаги улгуржи баҳосида подаланади. Умумий маҳсулот (қийматлар ҳажмида) кооперативлар, кичик, шўба корхоналар ва ишлаб чиқаришлар улуши алоҳида келтирилади. Ўртача иш ҳақи ва бошқа ўртача миқдорларни ҳисоблаш учун қабул қилинган саноат ишлаб чиқариши ходимлар сони ва маълумотлар учун тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари, ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар ва асбоблар-ускуналар ҳажмининг ўзгариши корхоналарининг амалдаги улгуржи нархларида кўрсатилади.

Капитал қурилиш статистикаси бўйича асосий маълумот манбаи шакл №2-КС «Объектлар,асосий фондлар ва капитал маблағлардан фойдаланиш тўғрисида йиллик ҳисобот» ҳисобланади. Унда қуйидаги маълумотлар келтирилади:

■ капитал қўйилмалар ҳажми, асосий фондларни ишлаб чиқаришга киритиш ва тугалланмаган қурилиш ҳажми, шу жумладан: ишлаб чиқариш соҳаси бўйича,уй-жой қурилиш бўйича, тармоқлар ва фаолият турлари бўйича;

■ капитал қўйилмаларнинг технологик таркиби:

қурилиш-монтаж ишлари, машина ва ускуналар, бошқа капитал ишлар ва харажатлар;

■ капитал қўйилмаларни такрор ишлаб чиқариш таркиби: реконструкцияга, техник жихатдан қайта қуролланишга, мавжуд корхоналарни кенгайтириш, янги корхоналар қуриш, мавжуд қувиқларни асраш;

■ чет элларда қурилаётган объектларга қўшилган капитал маблағлар, табиий объектлар ва номоддий активларни сотиб олиш;

Қурилаётган биноларнинг сифат характеристикаси (уй-жой, тиббий ва мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва ҳақозо).

Қўшилқ хўжалик маҳсулоти ҳажмини ҳисоблашнинг асосий маълумот манбаи бўлиб, шакл №21 - тайёрлов «Қўшилқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ҳақидаги маълумот» ҳисобланади. Унда чорвачилик ва дехқончилик маҳсулотларининг сотилган ҳажми, сотилган моллар бўйича (тайёрлов таъкилотлари, истеъмол кооперациялари, бозорди, ўз дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналарида, аукцион ва биржаларда, бартер бўйича) кўрсатилади.

Бозор иқтисодиётига ўтин тўфайли амалиётга киритилган янги статистик хужжатлардан шакл №1 - ФБ «Биржаларининг фонд фаолияти ҳақидаги маълумот» ни келтириш мумкин. У хар хил турдаги қўлмабаҳо қўғоқлар билан шуғулланувчи биржалар (универсал, товар, валюта ва товар-фонд) томонидан берилди. Унда ўстаи капитал амалга оширилган савдо ва битимлар, даромадлар, ўртача фонд ва ҳақшолар киритилади.

Капитал ҳажми ва унинг ҳаракати ҳақидаги маълумотларни ўзида аке элтирувчи асосий шакл бу шакл №11 «Асосий фондлар ва бошқа номоддий активлар ҳажми ва уларнинг ҳаракати ҳақидаги маълумот» ҳисобланади. Унда қуйидаги маълумотлар келтирилади: асосий

фондлар тўлиқ ва қолдиқ қиймати бўйича йил боши ва йил охиридаги ҳажми (бош бирламчи ва тикландаги баҳоси бўйича);

■ асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати;

■ йил давомида асосий фондлар ҳаракати: киритилиш (шу жумладан янги), чиқарилиш (шу жумладан йўқотилиш), эскириш;

■ йил давомида ажратилган амортизация сўммаси ва капитал таъмир харажатлари; амортизация фонднинг йил боши ва йил охиридаги қолдиги; уларнинг йил давомида ишлатилиши;

■ йил боши ва охиридаги буюкча номолиявий активлар (ер участкалари, ўриштиладиган ускуналар, тугалланмаган қурилиш, номоддий активлар).

Юқоридаги маълумотларнинг барчаси корхона асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган асосий фондлар бўйича алоҳида-алоҳида кўрсатилади.

Саноат маҳсулотига бўлган ишлаб чиқарувчилар баҳоси ҳақидаги ахборотлар ҳар ойда шакл №1 баҳо (ишлаб чиқарувчилар)да ўз аксини топади. Унда статистика органлари томонидан текшириш учун таллаб олинган товарларнинг жорий ойда, аввалги ойда ва аввалги йилнинг шу ойида ҳисобга олинган улгуржи баҳолари қайд этилади.

Саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш таъшиқотлари томонидан сотиб олинган маҳсулот баҳолари қуйидаги ҳисобот шаклларида келтирилади:

Ишлаб чиқариш-техник қазифаларни бажарувчи маҳсулотлар баҳоси №2 -шакл сотиб олиш баҳосида ўз аксини топади.

Қишлоқ хўжалиги томонидан сотиб олинган саноат маҳсулоти ва хизматлар баҳоси №1-шакл сотиб олиш баҳосида ўз аксини топади.

Асосий қурилиш маҳсулотлари, деталлар ва конструкциялар баҳоси шакл №9-КС да ўз аксини топади.

Меҳнат статистикаси бўйича асосий маълумот манбаи №1-М шакл-«Ходимлар сонин ва уларнинг иш ҳақи ҳақидаги маълумот» ҳисобланади. Унда рўйхатдаги ходимлар сонин ва уларнинг иш ҳақи, шунингдек, истеъмол учун ажратилган маблағлар: иш ҳақи, ижтимоий имтиёзлар, акциядан олинган даромадлар ва ҳақоқлар кўрсатилади.

Бирламчи маълумотлар хўжалик юритувчи субъектлардан тортиб, то якуний кўрсаткичлар аниқлангунча қайта ишланиб боради. Ушбу аввало енгичлаб текшириш лозим: у техник жиҳатдан, маънавий, аналитик жиҳатдан назорат қилинади. Аниқланган ҳақоқлар ва камчиликлар уларга йўл қўйган субъектларга мурожаат этиб, тузатилади.

Кичик корхоналарнинг қўнайишин ва очик ишлаб чиқаришлар сонининг ортинин айрим тармоқлар маҳсулотига маълум ўлғаришлар киритилиши тақасо этади. Шунинг учун Ўзбекистон Статистика Департаменти томонидан ишланган коэффициентлар брдамчида тузатишлар киритилади.

Ресублика макроектисодий статистикасининг миллий ҳисобламалар тизимига ўтинин мунособети билан бухгалтерия ҳисобиға ҳам маълум ўғарттиришлар киритилиш лозим. Масалан, бухгалтерия

ҳисобига МХТ дан фарқли ўлароқ холдинг фойда (инфляция туфайли асосий фондлар қиймати ортинидадан олинган фойда) даромадлар таркибига қўйилади. Ҳисоботларда асосий фондлар бонн бирламчи баҳо бўйича баҳоланса, МХТ да тиклашдаги баҳо билан баҳоланади. Бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар эскириниши на амортизацияси белгиланган меъёр асосида аниқланса, МХТ да асосий фондлар истеъмоли жорий даврда уларнинг нормал ҳолда физик ва маънавий эскиришини ҳисоби олиб аниқланади. Жамловчи кўрсаткичларни аниқлаш мақсадида бирламчи маълумотлар йиғилади на жамланади.

Йиғиш маълум бирликлар бўйича, операциялар бўйича қўйишни аниқлатади. Агар тўплам нисбатан бир хил бирликлардан ташкил топган бўлса, У уларнинг элементлари оддий қўйиш орқали йиғилади. Агар тўплам бир хил бирликлардан ташкил топмаган бўлса, унда мазмунни аниқлиги, қайд этилган вақти хар хил бўлган кўрсаткичлар жалб қилинади. Агар бир хил кўрсаткичларни аниқлаш учун бирламчи маълумотлар бўлмаса, у тескари усул билан аниқланади, яъни бошқа кўрсаткичларнинг ўзгариш тамойилига қаралади. Макроқўйсодий кўрсаткичларни аниқлаганда улар индивидуал кўрсаткичлар билан нисбатини солиштириш лозим бўлади.

Ўз-ўзини назорат қилиш на муҳокама учун саволлар

1. Республика ижтимоий на иқтисодий фаолиятини инфодаловчи статистик маълумотларни манбалари тузилишибўйича нечта гуруҳга бўлинади?
2. Корхоналар ҳисобот тизимини тушунтириб беринг.
3. Давлат бюджетини бажариш туғрисидаги ҳисоботни вазифаси нималардан иборат?
4. Ўзбекистонда қўлланилаётган статистик ҳисоботларни қайси шакллари биласиз?
5. Кичик на ўрта бизнес корхоналари учун қайси шаклдаги ҳисобот юритилади?
6. Ахборот манбаларини янада такомиллаштириш учун сиз нималарни такриф қила olasиз?

МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАРИ

Аҳоли тақрор пайдо бўлишининг брутто коэффициенти - бир аслининг бутун умри давомида туққан ўртача қиз болалар сони. Уни аниқлаш учун умумий туғилиш коэффициентини 0,49 (барча туғилганлар таркибида қиз болалар салмоғи) га кўнайитирилади.

Аҳолининг тақрор пайдо бўлишининг нетто коэффициенти - бутун умри мобайнида бир аёл туққан болаларининг ўртача сони, улар онаси туққан вақтдаги ёшигача яшаганлар.

Асосий фондлар — мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисми: Улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта фойдаланиладиган ва ўз қийматининг тайёр маҳсулотга аста-секин ўткази борадиган активлар ҳисобланади. Бундай фондларга иморат ва иншоотлар, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, боллар, узумзорлар, геология-қидирув ишларига сарфлар, ЭХМ маълумотлар базаси ва уларин дастурлар билан таъминлаш харажатлари, саноат ва адабиётнинг подир асрлари ва шу кабилар кирази.

Айланма маблағларининг айланishi - тақрор ишлаб чиқариш жараёнида айланма маблағларининг ҳаракат тезлигини ифодаловчи кўрсаткич. У икки хил ифодаланади: а) айланishi коэффициенти (урғанилаётган даврда айланма маблағларининг айланishi сони) б) неча ишчи кунида бир марта айланishi (айланма маблағларининг ўртача қолдиғининг давр мобайнидаги кунар сонига кунайитирилиб, сотилган маҳсулот таннарихи ҳажмига бўлинади).

Асосий капиталнинг истемоли - асосий капитал қийматининг жисмоний ва маънавий экиришин натижасида камайishi. Унинг ҳажми асосий капиталнинг ёшиши ва ҳозирги тикланидаги қийматини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

Бирламчи даромад — институцион бирликлар томонидан миллий даромадининг бирламчи тақсимлаш натижасида олинган даромадлар: иш ҳақи, мулкдан олинган даромадлар, фойда, аралаш даромад, ишлаб чиқариш ва импорт солиғидан иборат.

Бузилажак умрининг ўртача узунлиги ишонининг шу мавжуд авлод ичида туғилиб кезлажақда яшаниш мумкин бўлган даврин ифодалайди.

Барча турдаги иқтисодий фаолиятларининг ҳалқаро алоқалар доирасида ташифлиши — макроиқтисодий статистиканиннг муҳим ташифларидан бири ҳисобланади. Бундай ташифлаш бирлиги килиб алоҳида корхона ёки муассаса олинади ва улар ишлаб чиқараетган маҳсулот ёки харажатлар таркиби, ёхуд қуёилаетган технологияларни бир хил бўлган тақрирда айрим тармоқларга бирлаштирилади.

Бошқа ишлаб чиқариш соҳиклари - ишлаб чиқариш омилларида фойдаланганлик учун тўловлар, ундан таннари лицензиялар ва ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун берилган рухсатномалар учун ва резидент фаолияти учун керак бўлган бошқа тўловлар киритилади.

Уларга иш ҳақи, иморатлар, иншоотлар, транспорт воситалари, тадбиркорлик ва ҳақозорлар учун тўловлар мисол бўла олади.

Давлат бюджетининг тақчиллиги - харажатлар сўммасининг даромадлар сўммасидан ортиқ бўлиши.

Доний баҳолар - базис баҳо сифатида олинган қандайдир жорий давр баҳоси. Ушбу физик ҳажм индикаторини аниқлаш учун ишлатилади. Улар одатда 5 йилда бир ўзгартирилади.

Жорий даврда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонига кўйилганлар киради:

ҳақ олинш ҳисобига ёлланиб маълум ишни бажарганлар, шу билан бирга даромад келтирувчи ишларни елланмасдан бажарганлар;

-оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарганлар;

-ўзати сабаблар билан дам олинш кунлари, йиллик меҳнат таътили, бекетнинг туфайли, маъмурий таътил ва ҳоказо туфайли иш берувчи билан алоқани узмаган кишилар.

Истеъмол баҳолари индекси - истеъмол саватига киритилган товар ва хизматлар баҳосининг у ёки бу даврдаги ўртача ўзгаришининг инфляциячи индекси. У одатда Лайнейрес формуласи бўйича аниқланади.

Иш кучига сарфланган харажатлар - иш берувчилар томонидан иш кучини ёллаш ва уни асраш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндисидир.

Ишчилик даражаси - ишчилар сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати. 16 ва ундан юқори синдагилар, лекин ишга эга бўлмаганлар, факт иш кидираётганлар, ишни бониланга тайёр турганлар ишчилар деб аталади.

Иш ҳақи - жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган сўмалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади. иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Ишлаб чиқариш - маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати.

Иккиламчи дефлятор усули - қушилган қийматини ўзгармас баҳоларда қайта баҳолаш усули бўлиб, унинг учун аввал ишлаб чиқариш ва оралиқ истеъмол дефляторланади, сунгра биричисида иккичиси айирилади.

Ишлаб чиқариш ва импорт солиғи давлат томонидан ишлаб чиқарувчи бирликлардан товар ва хизматлар ишлаб чиқаргани ёки ишлаб чиқариш омишларидан фойдалангани учун олинадиган солиқлар мажбурият, қайтарилмас тўловлардир. Уларга маҳсулотлар ишлаб чиқаришига бўлган солиқлар ва импорт солиқлар киради.

Кредит - олинган ресурсларни фонд билан қайтариш ва ўзининг қоллаш асосида вақтинча фойдаланиш учун бериш. Кредитланш усулларидан бири сифатида судани келтириш мумкин.

Макро ҳисоблар тизими (МХТ) - макро даражада бозор иқтисодиётини бошқариш ва таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган ўзаро

боғланган кўрсаткичлар ва тавсифиомадар тизими. Унинг асосида йирик иқтисодий олимлар Д. Кейнс, Дж. Хикс томонидан яратилган еибсий иқтисодий ёналишлари ётади.

Миллий бойлик - кишилик авлоди меҳнати туфайли ва фойдаланиши мумкин бўлган табиий бойликлар йиғиндисидан ташкил топади. Меҳнат натижасида пайдо бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат ноз-неъматлар йиғиндиси миллий мулк деб аталади.

Маҳсулотларга солиқлар - резидентлар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган ёки импорт қилинган мол ва хизматларга муносиб равишда олинадиган солиқлар. Уларга масалан, қўшилган қиймат солиғи, акциз, божхона тўловлари ва хоказолар киради.

Охириги истеъмол учун қилинган харажатлар - уй хўжалиғи аъзолари-резидентларининг истеъмол товарлари ва хизматлар сотиб олиш учун қилган харажатлари, шунингдек давлатни бошқариш органлари ва уй хўжаликлариға хизмат кўрсатувчи ишторат ташкилотларининг якка тартибли ва жамоа истеъмоли учун қилган харажатлари йиғиндиси. Харажатларини бундай гуруҳлаш охириги истеъмолини ким томонидан молиялангитиришинини кўрсатади.

Оралик истеъмол - ишлаб чиқариш жараёнида бутунлай тулик ишлатилган мол ва хизматлар қиймати.

Резидентлар - ишбатан узок вақт давомида худудида иқтисодий қилиқини бўлган иштитудонинг бирликлар (корхоналар, ташкилотлар, уй хўжаликлари ва хоказолар).

Рентабеллик - корхона фаолиятининг фойдалилик даражаси. Унинг тўрт хил кўрсаткичи мавжуд: корхона активлари рентабеллиги, муомалаға чиқарилган акциялар рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва сотилган маҳсулот рентабеллиги. Бу кўрсаткичларини балансадаги (соф) фойда кўрсаткичининг корхона активларининг ўртача йиллик қиймати, муомалаға чиқарилган акциялар миқдори, хусусий капитал миқдори ва сотилган маҳсулот таппархига ишбати билан аниқланади.

Тўлов баланси - макроиқтисодий статистиканиннг муҳим бўлими; Шу мамлакат ва бошқаларо дунё резидентлари орасидаги барча ташқи иқтисодий операциялар ҳақидаги маълумотларини маълум тизимға келтиради.

Трансфертлар - даромадлар ва бойликларини қайта тақсимлашнинг ифодалайдиган кўрсаткич; У бир иштитудонал бирлик томонидан иккинчисига текшиға берилган пуллар, товарлар, хизматлар ёки активларини ифодалайди. Улар жорий ва доимийға ёки пул формадаги ва иштурал формадаги трансфертларға бўлинади.

Туғилиш ва вафот этининг умумий коэффициенти - жорий йилда тирик туғилганлар сонини билан вафот этганлар сонини мавжуд бўлган ўртача йиллик аҳоли сонига бўлинади ва промишседа (1000 кишиға ишбатан) ифодаланади.

Тугилиш коэффициентининг йиғиндис хар бир ёш гуруҳи бўйича ҳисобланган тугилиш коэффициентларининг йиғиндис; бир аёл бутун умри мобайнига туққан болалар сонини ифодалайди.

Тармоқлараро баланс — МХТ нинг муҳим бўлими бўлиб, унинг ёрдамида тармоқлараро алоқалар, оралиқ истеъмол, тармоқлар ишлаб чиқариши ва талаби орасидаги мураккаб боғланишлар тадқиқ қилинади.

Финшер индекси - Лайнейрес ва Пааше индекслари асосида тортилган ўртача геометрик сифатида ҳисобланадиган индекс. У ИИМ халқаро миқёсда солиштиришда кенг қўлланилади.

Тўхтовсиз инвестиризация усули - асосий фондларнинг тиклашдаги баҳосини аниқлаш учун (у ёки бу кунга нисбатан). Бунинг учун баҳо индекслари ёрдамида инвестицияларнинг тиклашдаги баҳоси аниқланади.

Фойда ва аралаш даромадлар - яши қўшилган қийматнинг бир қисми бўлиб, у ишлаб чиқарувчилар ихтиёрида иш ҳақи, ишлаб чиқариш ва импорт солиғини тўлагандан сўнг қолади. Бу модда мулкдан олган даромадни ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқаришдан олинган фойда ёки зарар сўммасини ифодалайди. Бу уш хўжаликларига қарашли инокорпоратив корхоналарда бу мулк эгаси ва тадбиркор даромадидан ажратиб бўлмайдиган меҳнат учун тўловлар элементини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун уш аралаш даромад ҳам дейилади.

Фойда - корхона ва тижорат ташкилотларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг охириги молиявий натижаси. Балансдаги фойда корхонанинг маҳсулот (хизмат) ларини, ортиқча асосий фондларнинг ва бошқа мулкларини сотишдан олади. Сотишдан ташқари операциялардан олинган даромадлар (зарардан ташқари) ҳам шу кўрсаткич таркибига қўшилади.

Халқ хўжалиги баланси (ХХБ) — собик СССР ва ижтимоийистик мамлакатларда қўлланилган тизим бўлиб, унда макроиктисодий кўрсаткичлар тизими ўз аксини тояган. ХХБ маркча кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш таълимотига асосланган.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) - марказий макроиктисодий кўрсаткич; У ёки бу даврда шу мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган охириги маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг бозор баҳосида ҳисобланган ҳажми.

Ялпи миллий даромад (ЯМД) - шу мамлакат резидентларининг шу мамлакатнинг ва хорижий мамлакатларининг ЯИМни яратиш давомида олган бирламчи даромадлари (мулкдан олган солиқ билан бирга)нинг йиғиндис.

Ялпи миллий ихтиёридаги даромад (ЯМИД) - шу мамлакат резидентлари томонидан олинган бирламчи даромадлар ва соф жорийий трансфертлар йиғиндис.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК) — алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар, тармоқлар ва иқтисодий секторларининг фаолияти натижаси бўлиб, унинг ҳажми ялпи ишлаб чиқариш ва оралиқ истеъмоли орасидаги фаркка тенг.

Ялпи Ички Маҳсулот дефлятори — ялпи ички маҳсулот учун аниқланган баҳо индекси; Уни аниқлаш учун ялпи ички маҳсулот қиймат индекси, ЯИМ нинг физик ҳажм индексига нисбати олинади.

АДБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Н. Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сийosat, мафқўра». Т.: «Ўзбекистон», 1999 й, I том.
2. Н. Каримов. «Ўз келажағимизни ўз қўлимиз билан курашимиз». Т.: «Ўзбекистон», 1999 й, IV том.
3. Н. Каримов. «Ўзбекистоннинг сийсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболини асосий тамойиллари». Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.
4. Н. Каримов. «Иқтисодий ислохат: маъсулиятли босқич». Т.: «Ўзбекистон», 1994 й.
5. Н. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий сийсатининг устувор йўналишлари». Т.: «Ўзбекистон», 1993 й.
6. Н. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларини чуқурлаштириш йўлида». Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.
7. Н. Каримов. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
8. Н. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўлағида: ханфисизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
9. Кейнс Д.М. Общая теория занятости, процента и денег. М.: Экономика 1987г.
10. Леонтьев В. Экономическое эссе. М.: Изд. Иностран.лит.1990г.
11. Самуэльсон П.А. Экономика. М.: МГП «Алтон» ВНИИСИ. 1992г.
12. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. 1,2-том. Республика 1992г.
13. Н. Григоди Мэнкью. Макроэкономика. Изд. МГУ. 1994г.
14. Эдвин Д.Д. Макроэкономика. МГУ. 1994г.
15. Л.Йохансен. Очерки макроэкономического планирования. 1-2 том. М.: Прогресс 1982г.
16. З. Пўлдошев. М. Қосимов. Макронийсийёт асослари. Т.: Ўқитувчи 1994й.
17. Б.Т.Рябушкин., Т.А. Хоменко. Система национальных счетов. М.: Финансы и статистика. 1993г.
18. 1998 йида Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиғи. Йиллик статистик тўйлам. Т.: 1999й.
19. Фон Дер Линпе. Экономическая статистика. Штутгарт 1995г.
20. А.Ўмасов., М.Шарифхужаев. «Иқтисодийёт назарияси». Т.: Меҳнат 1995й
21. Экономическая статистика. Учебник. Под.ред. Ю.Н.Изанова. М.: Инфра. 1998г.
22. Сиденко А.В., Башкатов Б.И. Международная статистика. М.: Учебник. «Дело и сервис» 1999г.
23. Набиев Х.Н., Набишўжаев А., Махмудов Б. «Миллий ҳисоблар тизими». Т.ДН. Т.: 1998й
24. Национальные счета для бывшего СССР: источники, услуги, расчеты. Статкомитет СНГ и ОЭСР 1992г.

25. Иванов Ю., Хоменко Т. Особенности СНС в странах ЕЭС. Вестник статистики 1992г.
26. Иванов Ю., Хоменко Т. Перспективы перехода на СНС в странах СНГ. Вопросы экономики. 1993г.
27. Европейская система интегрированных экономических счетов. М.: Экономика. 1994г.

МУНДАРИЖА

ЌЎЗ БОШИ.....	3
1-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСЎЛИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	6
1-§. Макроиқтисодий статистика - статистика фанининг муҳим тармоғи.....	6
2-§. Макроиқтисодий статистика фанининг ўрганиш объектлари.....	7
✓ 3-§. Макроиқтисодий статистиканинг ўрганиш усуллари.....	10
4-§. Макроиқтисодий статистиканинг таъсил қилиниши ва вазифалари.....	11
2-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАДА ҚўЛЛаниЛАДИГАН ГУРУХЛАНИ ВА ТАСНИФИЛАШЛАР.....	14
1-§. Иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудуд ҳамда идоравий тасаруфи бўйича таснифлаш.....	14
2-§. Институционал бирлик тушуничаси ва иқтисодий фаолият турларининг секторлама таснифи.....	15
3-§. Ишлаб чиқариш бирикти ҳақида тушунича ва иқтисодий фаолият турлари тармоқларининг таснифи.....	17
4-§. Макроиқтисодий статистикада қўлланиладиган бошқа гуруҳлаш ва таснифлашлар.....	20
3 БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ КўРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ	23
✓ 1-§. Статистик кўрсаткичлар тизими ҳақида тушунича.....	23
2-§. Миллий маҳсулот ва даромадларнинг доиравий айланмаси макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг асоси.....	29
3-§. Макроиқтисодий статистика кўрсаткичлар тизими.....	49
4-БОБ. АХОЛИ ВА МЕХНАТ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ.....	54
1-§. Аҳоли ва уни статистик ўрганиш.....	54
2-§. Аҳолининг сонини ва мамлакат ҳудуди бўйича жойлашинини ўрганиш.....	55
3-§. Аҳолини таркибини ўрганиш.....	57
4-§. Аҳолининг табиий ҳаракати статистикаси.....	58
5-§. Аҳоли миграциясини. Аҳоли сонини истиқболини аниқлаш.....	60
6-§. Аҳолининг иш билан бандлиги ҳақида тушунича.....	61
7-§. Ишсизлар ҳақида тушунича ва ишсизлар сонини аниқлаш.....	65
5-БОБ. МИЛЛИЙ БОЙЛИК СТАТИСТИКАСИ.....	69
1-§. Миллий бойлик ва миллий мулк ҳақида тушунича ва уларнинг таркиби.....	69
2-§. Миллий бойлик, миллий ҳисоблар тизимида актив ва пассив тушуничалари.....	71
3-§. Асосий фондлар статистикаси.....	74
6-БОБ. ФАИ ВА ИЛМий-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ СТАТИСТИКАСИ.....	81
1-§. Фаи ва илмий техника тараққиёти тўғрисида тушунича ва уни статистик ўрганиш вазифалари.....	81
2-§. Илмий техника тараққиёти статистикасининг асосий кўрсаткичлари.....	84
3-§. Илмий техника тараққиётининг асосий йўналишлари.....	85
4-§. Фаи ва илмий техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш самарадорлигининг кўрсаткичлари.....	91
7-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ИФОДАЛОВЧИ КўРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ.....	95
1-§. Макроиқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблашнинг умумийлашувчи асослари.....	95
2-§. Иқтисодий фаолиятларининг умумини макроиқтисодий натижаларини аниқлашнинг икки модели, уларнинг моҳияти ва фарқи.....	97
3-§. Миллий иқтисодиётни амал қилишининг янги ва янгирақ натижаларини таърифловчи кўрсаткичлар.....	99
4-§. Янги ички маҳсулот ҳажминини аниқлашда қўлланиладиган баҳолар.....	

тизими.....	102
5-§. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини аниқлаш усуллари.....	106
6-§. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш усуллари.....	116
8-БОБ. МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ВА ҚОРҲОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ СТАТИСТИКАСИ.....	121
1-§. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва статистиканинг ислоҳоти.....	121
2-§. Маҳсулот таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш харажатлари таркиби.....	122
3-§. Қорхоналарнинг молиявий ҳолати статистикаси.....	124
4-§. Рентабеллик даражаси кўрсаткичлари.....	127
5-§. Молиявий коэффициентлар.....	129
9-БОБ. НАРХ ВА НАРХЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШИ СТАТИСТИКАСИ.....	132
1-§. Нарх ва инфляциянинг моҳияти.....	132
2-§. Нарх статистикасининг вазифалари.....	138
3-§. Нарх статистикасининг кўрсаткичлар тизими.....	140
4-§. Нархларни рўйхатга олишнинг тамойиллари ва турлари.....	142
5-§. Нархлар индексининг ҳисоблаш усули ва таҳлили.....	145
6-§. Инфляция даражаси ва динамикасини баҳолаш усуллари.....	148
10-БОБ. МОЛИЯ - КРЕДИТ ТИЗИМИ СТАТИСТИКАСИ.....	153
1-§. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари кўрсаткичлари ва бюджет камоматини статистик ўрганиш.....	153
2-§. Банк статистикасининг асосий кўрсаткичлари.....	160
3-§. Пул муомаласи баланси ва пул қадрқизилишинини статистик ўрганиш.....	167
4-§. Тўлов баланси ва унинг кўрсаткичларини статистик ўрганиш.....	170
11-БОБ. ФОНД БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ.....	173
1-§. Фонд бозори ҳақида тушунча ва бу соҳадаги статистиканинг вазифалари.....	173
2-§. Қимматли қоғозларнинг турлари ва статистик кўрсаткичлар тизими.....	175
3-§. Фонд бозори индекслари.....	179
4-§. Давлат облигациялари (бозори индекслари).....	181
12-БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СТАТИСТИКАСИ.....	187
1-§. Ташқи иқтисодий фаолиятларнинг асосий йўналишлари.....	187
2-§. Божхона статистикаси.....	188
3-§. Ташқи савдои ўрганишда қўлланиладиган статистик кўрсаткичлар тизими.....	191
4-§. Ташқи савдо индекслари.....	193
5-§. Ишлаб чиқариш кооперацияси, халқаро капитал ва ишчи кучи миграцияси статистикаси.....	194
13-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ САМАРАДОРЛИГИ СТАТИСТИКАСИ.....	197
1-§. Миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги ҳақида тушунча ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида статистиканинг бу соҳадаги вазифалари.....	197
2-§. Миллий иқтисодиёт самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.....	198
3-§. Табиати муҳофазаси қилишнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти ва уни ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими.....	202
14-БОБ. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ СТАТИСТИКАСИ.....	204
1-§. Аҳоли турмуш даражаси уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.....	204
2-§. Аҳоли даромадларини шаклланиши ва унинг таркиби.....	205
3-§. Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси.....	206
4-§. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар.....	209
5-§. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар шароитида ижтимоий сиёсатнинг асосий	

Йўналишлари.....	211
15-БОБ. ХАМКОРЛИК ҚОРХОНАЛАРИ СТАТИСТИКАСИ.....	213
1-§. Ҳамкорлик қорхоналари тузисида тушувча ва статистиканинг вазифалари..	213
2-§. Ҳамкорлик қорхоналарининг шакллари ва белгилари.....	215
3-§. Ҳамкорлик қорхоналарининг тузилиши.....	215
4-§. Ҳамкорлик қорхоналарининг молиявий фаолияти курсаткичлари.....	220
16-БОБ. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ.....	225
1-§. Халқ ҳўжалиги баланси ва миллий ҳисоблар тизими орасида фарқлар.....	225
2-§. МҲТ ни асосий тушувча ва категориялари.....	230
3-§. Ички миллий иқтисодиёт бўйича тузилмадан асосий ҳисобларнинг характеристикаси.....	238
17 – БОБ. ТАРМОҚЛАРАРО БАЛАНСЛАР.....	250
1-§. Ички ички маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимотининг тармоқлараро баланси.....	250
2-§. Миллий ҳисоблар тизими тармоқлараро баланси жадвалининг тузилиши.....	253
3-§. Халқ ҳўжалиги иқтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимотининг тармоқлараро ҳисобот балансида МҲТ ТАБига ўтиш усули.....	256
18-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ АҲБОРОТ МАНБАЛАРИ.....	266
1-§. Асосий ахборот манбалари тавсифоти ва уларнинг умумий тавсифи.....	266
2-§. Ўзбекистонда статистик ҳисоботларнинг асосий шакллари ва уларни қайта ишдан усуллари.....	270
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.....	275
АДБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.....	280

МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА

Ўқув қўлланма

Умумий таҳрири: Набиев Х.Н.

Компьютерда саҳифаловчи: Отажонов Ш.Н.

Босишга рухсат этилди 21.12.2001 й. Буюртма №3

Адади 1000 нусха. Босма табоғи 17,75.

Ҳажми 60х841/16

ДИТАФ босмаҳонасида чоп этилган.
Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 171-уй